

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ислом Каримовнинг

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА  
ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА

китобини ўрганиш бўйича  
ўқув-услубий қўлланма

УДК: 323(575.1)

ББК 66.3(5Ў)

Ў34

*Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалири фаолиятини мувофиқлашириувчи Кенгашнинг 2011 йил 1 ноябрдаги 4-сонли қарорига мувофиқ нашр этилган.*

66.3(5Ў)  
Ў34

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. / ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги; маъсул ижодий гурӯҳ: А.Ш. Бекмуродов [ва бошқ.]. – Т.: „O‘qituvchi“, 2011. – 176 б.

И. Бекмуродов, А.Ш. [ва бошқ.]

ISBN 978-99-43-02-466-3

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобини мамлакатимиз олий ўқув юртларида ўрганиш мақсадида тайёрланган ушбу ўқув-услубий қўлланмада асарнинг маъно-мазмуни, унда илгари сурилган фикр ва қарашлар, концептуал хуносалар ҳақида, Юртбошимиз томонидан миллий мустақиллик гоёси ўта оғир ва мураккаб шароитда ищлаб чиқилгани ва диалектика изчилликда ривожлантириб борилгани ҳамда амалга оширилгани хусусида тарихий мисоллар, илмий-фалсафий таҳдиллар, замонавий таълим технологиялари асосида атрофлича маълумот берилади.

Қўлланма олий таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлардан дарс беряётган профессор-ўқитувчилар, талаба ёшлар ва кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

УДК: 323(575.1)  
ББК 66.3(5Ў)

ISBN 978-99-43-02-466-3

© „O‘qituvchi“ NMIU, 2012

---

## **I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ТАРИХИ БЎЙИЧА ЭНГ ИШОНЧЛИ МАНБА**

### **1.1. Китоб ҳақида умумий маълумот**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китоби 2011 йил август ойида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик байрами арафасида „Ўзбекистон“ нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр қилинди. Унинг ҳажми 27,5 босма табоқдан иборат.

Китоб „Сўз боши ўрнида“ деб номланган кириш сўзи билан бошланади. Ушбу кириш сўзида китобнинг асосий маъно-мазмуни, ундан ўрин олган материалларнинг ўзига хос хусусиятлари, юртимизда истиқдол арафасида ҳукм сурган чукур инқироз ҳолатининг ҳаққоний тасвири ва таҳлили, ўша даврнинг сиёсий-ижтимоий манзараси, ушбу асарнинг янги тарихимизни яратишдаги бекиёс ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Китобнинг асосий қисмидан Президентимиз Ислом Каримовнинг 1989 йилнинг 24 июнидан 1992 йилнинг 4 январига қадар, яъни унинг республикамиз раҳбари сифатидаги фаолиятининг биринчи кунидан то мамлакатимиз истиқдолга эришганидан сўнг умумхалқ сайлови асосида мустақил Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши ва ўз вазифасини бажаришга киришиш санасигача бўлган даврда сўзлаган нутқлари, маърузалари, мақола ва интервюлари, Юртбошимиз томонидан имзоланган фармон ва қонунлар ўрин олган.

Китобга киритилган, биз учун яқин тарихимизнинг энг ноёб ва ишончли манбаига айланган ана шу хужжатларни ўрганишда (бу ҳақда тўпламнинг кириш қисмida ҳам батафсил маълумот берилган) қуйидаги муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, юқорида зикр этилган характердаги тарихий хужжатларнинг барчasi китобга тўлиқ киритилмасдан, унда факат ҳалқимизнинг асрий орзуси бўлган миллий истиқдол мавзусига оид фикр ва қарашлар атрофлича ўз ифодасини топган. Бошқача айтганда, мустақиллик ғояси, мустақиллик мавзуси мазкур тўпламга киритилган барча нутқ ва маърузаларда бамисоли қизил ип бўлиб ўтади. Шунинг учун ҳам у яхлит асардек катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқилади.

Иккинчидан, китобда юқорида қайд этиб ўтилган даврда юз берган барча воқеа-ҳодисаларни ва муаллифнинг уларга бўлган муносабатини хронологик тарзда, қатъий кетма-кетлик ва изчилликда тўла ва батафсил ёритиш мақсад қилиб қўйилмаган. Асосий мақсад – совет давлати ҳали ўзининг ҳукмронлик кучини йўқотмаган, унинг репрессив сиёсати давом этаётган, „пахта иши“ деган туҳмат, сунъий равишда ўйлаб топилган сиёсий кампания пайтида қанчадан-қанча одамлар ноҳақ қамалган, тазиқ ва таъқибларга учраган, ҳалқимиз ўртасида тушкунлик, эртанги кунга ишончсизлик кайфияти, кўркув ва ваҳима кенг тарқалган бир пайтда – ана шундай ўта оғир, умумий инқироз ҳаётнинг ҳамма соҳаларини тўлиқ қамраб олган таҳликали шароитда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг мустақилликка эришиш масаласини кун тартибига қатъий қилиб қўйганини аниқ тарихий хужжатлар орқали кўрсатиш, бу йўлда қандай улкан тарихий ишлар амалга оширилгани ҳақида ўқувчилар, айниқса, кечаги тарихни, ўша даврдаги

зулм ва адолатсизликни ўз кўзи билан кўрмаган ёшларга маълумот етказишдан иборат.

Учинчидан, шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу китоб орадан йигирма йил вақт ўтганидан кейин мозийга қайтиб, ўша давр воқеаларини қайта эслаб, мемуар ёки эсадалик шаклида ёзилган асар эмас. Аксинча, бу китоб аслида ўша шиддатли тарихий воқеалар содир бўлган даврда, ана шу долғали ва драматик жараёнлар билан бирга туғилган асардир. Унда озод ва мустақил ҳаёт сари боришда халқимиз қалбида туғилган барча саволларга жавоб бор. Шунинг учун ҳам у жуда катта фактик ва аналитик материални ўзида мужассам этадиган қомусий асардир. Шунинг учун тўпламга киритилган, китоб ҳолида биринчи марта нашр қилинган тарихий ҳужжатларнинг ҳар бирида ўша таҳликали замоннинг руҳи, муаллифнинг қалб нидоси яққол сезилиб туради. Бу ҳужжатлар ҳар бирининг манбаси, тарихий санаси аниқ кўрсатилгани, ҳар қайси тарихий воқеага халқимизнинг, муаллифнинг муносабатини аниқ-равшан ифода этиши билан ҳам ниҳоятда қимматлидир. Улар ўз даврида собиқ СССРнинг катта-катта минбарларидан улкан жасорат билан амалга оширилган ўткир чиқишлиар сифатида халқимизни истиқлол сари даъват этиш, юртимизда янгича фикр ва қарашларни, тинч-осойишта, эркин ва фаровон ҳаёт асосларини қарор топтиришдек буюк мақсадларга хизмат қилган бўлса, бу гунги кунда яна бир эзгу вазифани адо этишга – яқин тарихимизнинг ҳаққоний манзарасини акс эттириб, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Китобдан жой олган барча чиқишлиар чукур амалий ва прагматик руҳи, ўша даврга хос бўлган коммунистик риторика, баландпарвозлик ва сафсатабозликдан мутлақо холи экани билан алоҳида эътиборни тортади. Муаллиф ўзининг ҳар бир фикри ва сўзини аниқ далил ва рақамлар, мантиқий хulosалар билан асослаб беради. Ҳаётий фактлар унинг ўткир мулоҳазалари, эҳтиросли кечинмалари, теран мушоҳадалари, энг муҳими, маънавий жасорати билан муштарак бўлиб, ўша пайтдаги сўз билан ифода этиб бўлмайдиган ўта қалтис ва мураккаб сиёсий-ижтимоий ҳолатларни китобхон тасаввuriда бутун зиддият ва қарама-қаршилиги билан яққол намоён этади.

Буни қўйидаги мисолда яққол кўриш мумкин:

**„Биз республикамизда 1500 та йирик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонаси ишлаб тургани ҳақида, революциядан аввал бир йил давомида ҳосил қилинган миқдордаги электр энергия ҳозир тўрт кунда ишлаб чиқарилаётгани ҳақида ҳамиша фахрланиб гапирап эдик. Биз газ қазиб олиш соҳасида мамлакатда тўртинчи ўринда турибмиз. Қишлоқ хўжалигимиз мамлакатдаги паҳтанинг учдан икки қисмини, қоракўл терининг учдан бир қисмидан кўпроғини, пилланинг 60 фоиздан зиёдини, кўп миқдордаги каноп, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириб бермоқда.**

Минг киши ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони жиҳатидан Ўзбекистон кўпгина ривожланган мамлакатлардан олдинда турибди.

Бу хulosалар мўътабар минбарлардан туриб, диссертациялардай рапортларда ва маълумотномаларда кўп такрорланган. Хўш, бу гапларнинг заминида қандай маъно бор? Иқтисодиётимиз бир ёқлама тарзда, фақат хом ашё етиштирадиган ҳолга тушиб қолганини ва комплекс ривожланиш йўлига, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ўтказилмаганини қайд этишга тўғри келади. Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуси бор-йўғи 50 фоизни ташкил этади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 80 фоиздан кўпроғи мутлақо қайта ишланмасдан, республика ташқарисига чиқарилмоқда. Республикадан олиб кетилаётган маҳсулотнинг учдан икки қисми хом ашё, материал-

лар ва чала тайёр материаллар эканлигининг ўзи ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносиблиқдан дарак беради.

Республикага келтирилаётган товарларнинг 60 фоизи эса машиналар, асбобускуналар, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларидир.

Фалати бир вазият вужудга келмоқда. Республика жуда қимматли хом ашё — пахта, нитрон, капролактам ишлаб чиқараётган бир пайтда уларни қайта ишлашдаги саёзлик, технология занжири ниҳоясига етказилмагани оқибатида айни шу хом ашёдан ишлаб чиқариладиган газлама, сунъий тола ва тайёр маҳсулотларни четдан келтиришга мажбур бўлмоқда<sup>1</sup>.

Ёки қуйидаги мисол ҳам эътиборга молик: „Статистиканинг кўрсатишича, бугунги кунда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда даромади 75 сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 мингта яқин киши яшаб турибди, бу эса аҳолининг 45 фоизини ташкил этади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, хозирги пайтда кун кечириш учун камида 85 сўм зарурлигини эътиборга оладиган бўлсак, ана шунда одамлар қандай қийинчилик билан, учма-уч яшаб келаётганига ўзингиз баҳо беришингиз мумкин.

...Республикадаги социал аҳвол, одамларнинг социал таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мутлақо қониқарсиз. Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, салкам 50 фоизи ичимлик суви билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминланганини нормал аҳвол, деб ҳисоблаш мумкин эмас<sup>2</sup>.

Китобдан жой олган материаллар сабиқ Марказдаги империяпараст кучлар, мустабид тузумнинг шафқатсиз қатағон аппарати Ўзбекистон ва унинг янги раҳбарига нисбатан турли зуфум ва тазиикларни тинимсиз кучайтириб борганини мантиқий изчилликда ёритиб беради. „Пахта иши“, „ўзбеклар иши“ деган сиёсий кампаниялар пайтида қизил империянинг марказий матбуоти эл-юртимиз шаънини таҳқирлаб, унинг бошига „қўшиб ёзиш“, „юлғичлик“, „кўзбўямачилик“, „боқимандалик“ каби тухмат ва маломатлар бўронини ёғдиргани ҳақидаги саҳифалар чуқур алам ва изтироб билан ўқилади. Шундай таҳликали пайтларда халқ дардига дармон бўлиш ўрнига сабиқ Марказнинг нофорасига ўйнаган, мустақиллик foясини ниқоб қилиб, аслида ана шу муқаддас интилишга қарши чиқсан кимсалар, дунёвий ва диний кўринишдаги радикал сиёсий груп ва оқимларга қарши Ислом Каримовнинг қандай катта жасорат, сиёсий вазминлик билан кураш олиб боргани, эл-юртимизга суюниб, унинг қалбига йўл топиб, вазиятни ўнглаш, юртимизни ҳалокатли инқироз гирдобидан олиб чиқиши, истиқлол сари бошлаш бўйича қатъий чора ва тадбирлар, чуқур ислоҳотларни амалга оширгани ва, ниҳоят, 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилгани ушбу китобнинг энг драматик, энг ҳаяжонли саҳифаларини ташкил этади.

Айтиш керакки, 2011 йил август ойида Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган „Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгти талвасаси“ фильмидан ўрин олган тарихий лавҳалар, таниқли олимлар, эксперт ва таҳлилчиларнинг 1989—1992 йиллардаги суронли воқеалар ҳақидаги фикрлари „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобида тилга олинган масалаларни тарихий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тўлдириб, уларнинг аҳамиятини янада оширади, китобхон тасаввурини янада кенгайтиришга хизмат қиласи.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 169—170-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша манба, 47—49-бетлар.

Тўртингидан, сабиқ мустабид тузум давридаги пахта яккаҳокимлиги, мустамлака тузумига хос, бир ёқлама ривожланган иқтисодиётнинг ҳалокатли оқибатлари, аввало, одамларнинг турмуш тарзида, энг ёмони, уларнинг жон бошига тўғри келадиган даромад даражасининг ўта пастлигида, томорқа ерларининг кескин камайиб боришида, миллатнинг саломатлиги, унинг генофондига салбий таъсирларнинг кучайишида, болалар ва оналар ўлимининг авж олишида, ўлкамизнинг экологик ночор ҳолатида ва бошқа кўплаб масалаларда яққол намоён бўлган эди. Лекин бу фожиаларнинг барчасини аниқ мисол ва рақамлар асосида, СССРдаги умумий кўрсаткичларга қиёслаган ҳолда, мустабид империянинг баландпарвозоялар билан ниқобланган мустамлака сиёсатининг аянчли натижалари сифатида ҳар томонлама чукур таҳлил этиб, бутун моҳияти билан очиб берадиган китоб шу кунга қадар яратилмаган эди. Ижтимоий-сиёсий тафаккуримиз, тарихни англаш борасидаги изланишларимиздаги ана шу бўшлиқ айнан ана шу фундаментал китоб билан тўлдирилди.

Ўз-ўзидан равшанки, юқорида зикр этилган ижтимоий муаммоларнинг асл илдизлари, салбий оқибатлари очиб берилган кенг кўламли тадқиқотлар эски тузум даврида ҳеч қаерда, ҳеч қайси илмий муассасада олиб борилмаган ва олиб борилиши мумкин ҳам эмасди. Борди-ю ана шундай тадқиқотлар амалга оширилса, уларнинг асосида чиқариладиган хulosалар муқаррар равишда СССР деган улкан империянинг томирига болта уриш, деб баҳоланаар эди. Чунки бундай факт ва рақамлар сабиқ Иттифоқ ҳудудида – темир деворлар орасида яшаган халқларнинг нақадар хукуқсиз, уларнинг ҳаёти эса қандай ночор бўлганини яққол исботлаб, бу тузумнинг асл қиёфасини фош этиб кўйган бўларди. Бинобарин, бундай мавзуда илмий иш олиб борган одам сўзсиз-сўроқсиз халқ душмани деб эълон қилинарди.

Шунинг учун ҳам бошқа республикалар қатори Ўзбекистоннинг ҳам ҳақиқий иқтисодий-ижтимоий аҳволидан далолат берадиган реал факт ва рақамлар бирор-бир нашрда чоп этилмас, аксинча, жамоатчиликдан сир тутилар эди. Илмий тадқиқот институтлари ходимлари, журналистлар, агитатор ва пропагандистлар фақат юқоридан – КПСС Марказий Комитети ва унинг иттифоқдош республикалардаги ташкилотлари томонидан тасдиқлаб берилган сохта маълумот ва манбалар асосида иш олиб боришга кўнишиб қолган эди.

Буларнинг барчасидан хuloscha чиқарган ҳолда, „Мустақилликни эркинлик тўғрисидаги шиорлар билан эмас, балки сиёсий, иқтисодий, маънавий мазмун билан тўлдириш керак“<sup>1</sup>, деб таъкидлайди Юргбошимиз ва бундай қараашни ўз фаолиятининг бош мезони деб билади. Шу сабабли Ўзбекистоннинг ҳаётига дахлдор бўлган ҳар бир масалага комплекс ёндашиб, уларнинг ягона тўғри ва муқаррар ечими – бу мустақиллик ва фақат мустақиллик, деган мантиқий хulosага келади. Бундай дадил фикрни сабиқ Иттифоқнинг катта-катта минбарларидан туриб баён этишдан чўчиб ҳам, тортиниб ҳам ўтирумайди. Жумладан, биз учун мустабид тузумнинг бутун даври давомида энг оғриқли масала бўлиб келган пахта хом ашёсини етиштириш ва халқимиз ўзининг машаққатли меҳнати учун муносиб ҳақ олиши, муносиб турмуш шароитига эга бўлиши ҳақидаги талаб очиқ-равshan баён этилган, муаллифнинг Москвада чоп этиладиган „Рабочая трибуна“ газетасига берган интервьюсидаги куйидаги фикрларга эътибор берайлик:

<sup>1</sup> Ислом Каримов, Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 355-бет.

„Пахта толаси белгилаб қўйилган паст нархларда Ўзбекистондан ташқариға жўнатилди ва ҳамон жўнатилмоқда. Бунинг эвазига нима берилмоқда? Пахта етиширишда меҳнатнинг 84 фоизи бизнинг зиммамизга тушмоқда ва уни қайта ишлашдан келадиган даромаднинг атиги 16 фоизи бизга тегмоқда. Пахтани олаётган бошқа республикаларда нисбат аксинча бўлмоқда. Масалан, айтайлик, Россияда тўқилган ва тикилган тайёр қўйлак ғоят катта фойда келтирмоқда. Меҳнати — бизга, пули — бошқаларга. Мамлакатнинг „пахта щехи“ бўлиши, мана, нимани англатади“<sup>1</sup>.

Бешинчидан, Президент Ислом Каримовнинг мазкур китоби Ўзбекистон мустақиллиги бўш жойдан ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган нарса, қандайдир тақдир эҳсони эмас, балки реал тарихий заминда, реал тарихий шарт-шароитда халқимиз ва унга етакчилик бўлиб майдонга чиққан жасур юртимиз раҳбарининг тинимсиз курашлари асосида амалга оширилган, эл-юртимизнинг туб манфаатларидан ўсиб чиққан, не-не аждодларимизнинг асрий орзу-интилишларини ифода этадиган конкрет тарихий жараён, амалий воқелик эканини ҳаётий мисоллар, аниқ далиллар билан кўрсатиб беради. Бир сўз билан айтганда, китобга киритилган ҳар бир чиқиши юртимизни миллий истиқболга олиб келган машаққатли ва шарафли курашлар тарихининг ёрқин саҳифаси сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Бугун орадан вақт ўтиб, ўша давр воқеаларига бевосита гувоҳ бўлган одамларнинг сони орамизда тобора камайиб бораётгани, суронли воқеаларни акс эттирган фотосуратлар, видеотасвиirlар, ёзма манбалар деярли сақланиб қолмагани бу китобда баён қилинган бой фактик ва аналитик материалларнинг қадр-қиммати ниҳоятда бекиёс эканидан далолат беради. Шунингдек, китобдаги ҳар бир хужжатнинг сўнгидаги унинг асл манбаси кўрсатилгани унинг илмий ва тарихий қимматини янада оширади.

Китобда юртимиздаги ғоят қалтис ва носоғлом вазият, озгина учқун чиқса, бутун республика ловуллаб ёниб кетадиган, тўғри йўлни топиш ўта мураккаб ва хатарли бўлган бир шароитда инқироздан чиқиши, Ўзбекистоннинг тақдидири ва келажагини ҳал этадиган энг муҳим масалалар бўйича улкан донишмандлик ва жасорат билан баён этилган концептуал ёндашувлар, амалий фикр-мулоҳазалар, хулоса ва таклифларга алоҳида эътибор қаратилганки, улар нафақат келажак авладга яқин тарихимизни холис ўргатиш, айни пайтда, уларни ҳаёт синовларига чидамли, мустаҳкам иродали, ўз юрти ва халқи манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида ҳар қандай синовларга тайёр бўлган юксак ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашда бекиёс аҳамият касб этади.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, назарий ва амалий жиҳатдан катта тайёргарликни, улкан сиёсий тафаккур ва донишмандликни, бой ҳаётий билим ва тажрибаларни талаб қиласидиган бундай мураккаб мавзунинг айнан истиқдолимиз мөъмori, мустақил давлатимиз асосчиси, ўша пайтда юз берган ижтимоий жараёнларнинг асосий марказида турган, уларнинг барчасини ўз қалби ва юрагидан ўтказган инсон — Юрбошимиз томонидан ноёб тарихий ҳужжатлар ва теран таҳлил асосида ёритиб берилиши мамлакатимиз жамоатчилигининг ушбу китобга бўлган қизиқиши ва эътиборини янада оширмоқда.

Маълумки, буюк шахсларнинг бир пайтнинг ўзида ҳам улкан назариётчи, ҳам моҳир ташкилотчи ва амалиётчи сифатида даврнинг ўзи халқ ва миллат олдига қўяётган кўпдан-кўп саволларга пухта илмий-назарий асосда жавоб топиши ва

<sup>1</sup> Ислом Каримов, Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 353—354-бетлар.

уларнинг энг мақбул ечимини кўрсатиб бериши дунё тарихида камдан-кам учрайдиган феноменал ҳодисадир. „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобида ана шу ноёб ҳодисанинг амалий ифодасини муаллиф тимсолида кўрамиз ва асарнинг сўз бошисида таъкидланганидек, „**тарихий бурилиш палласида ҳалқдарди, миллат қайгуси буюк шахсларни яратиши**“ни янада чукурроқ англаймиз. Ўзбекистон баҳтига, ҳалқимиз пешанасига шундай улуг инсонни раҳбар қилиб бергани учун шукроналар айтамиз.

Албатта, фурсат ўтгани, унда ёритиб берилган ҳаққоний тарих, илгари сурилган ғоя ва қарашлар, муаллиф томонидан ўз вактида улкан жасорат ва донишмандлик билан келажак ўн йилларни олдиндан кўриб, қабул қилинган қарорларнинг аҳамияти янада теран тушуниб етилгани сари бу китобнинг янги-янги хусусиятлари кашф этилади. Чунки бу китоб фақат бугунги кунимизга эмас, келажакка қаратилган китобдир. Бу асардан мустақиллик неъматидан баҳраманд бўлган, озод ва эркин ҳаёт қадрини биладиган ҳар бир авлод ўзи учун керакли сабоқ ва хulosаларни чиқариб олади. Бир сўз билан айтганда, бу китоб ўзини мана шу Ўзбекистон заминининг фарзанди деб биладиган биронта инсонни бепарво қолдирмайди.

Бу ҳақда сўз борганда, 2011 йил 28 августда „Халқ сўзи“ газетасида чоп этилган „Истиқолимиз тарихининг ёрқин кўзгуси“ мақоласида, шу йилнинг 4 октябрида Ўзбекистон Фанлар академиясида Президент Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китоби ва „Мамлакатимиз янги тарихини яратишнинг долгзарб вазифалари“ мавзусида ўtkazilgan илмий-амалий конференция материаллари, оммавий ахборот воситаларида, билим масканлари, илмий ва ижодий муассасаларда бўлиб ўтаётган қизғин фикр алмашув ва муҳокамалар давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни эсга олиш ўринли бўлади. Хусусан, юқорида зикр этилган „Истиқолимиз тарихининг ёрқин кўзгуси“ мақоласида куйидаги фикр ва хulosалар алоҳида таъкидланадики, улар китобнинг маънозамзунини янада чукур тушунища алоҳида аҳамият касб этади:

„Мухтасар айтганда, ҳам сиёсий-иқтисодий, ҳам ғоявий-мафкуравий, ҳам тарихий-маънавий тафаккур ва таҳлил усуулларини ўзаро уйғунликда мужассам этган бу кенг қамровли асар ҳалқимиз ҳаётининг вақт ўтиши билан унуптилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган саҳифаларини тиклаб, истиқлол тарихимизни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни ҳар томонлама ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратади. Шу маънода, бу китоб ўтмиш ва келажак, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийлик ришталарини кучайтиришда бебаҳо манба бўлиб хизмат қиласи, десак, адашмаган бўламиз.

Ушбу китоб билан танишган ўкувчиларда „Бошқа тадқиқот ва илмий ишларда учрамайдиган бундай далил ва рақамлар қаердан олинган, улар нимага, қандай манбаларга асосланган“, деган табиий савол туғилиши мумкин.

Маълумки, Юртбошимиз кўп йиллар давомида Давлат план комитетида масъул вазифаларда хизмат қиласи, кейинчалик бу ташкилотнинг раиси, молия вазири, Министрлар Совети раисининг ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган. Иш жараёнида минглаб расмий ҳужжатлар, жумладан, маҳсус статистик маълумотлардан фойдаланиш имконига эга бўлган.

Ислом Каримов республика раҳбари бўлиб сайланишидан олдин – Давлат план комитетининг раиси бўлиб ишлаган пайтида ана шу мураккаб масалалар устида узоқ вақт системали тарзда ишлаб, бир муҳим хulosани, яъни Ўзбекистон иқтисодиёти шу тариқа бир ёқдама ривожланишда давом этадиган бўлса, бу хатарли жараён охир-оқибатда ҳалокатли натижаларга олиб келиши муқаррар, деган чукур илмий асосланган фикрларни республика раҳбариятига ёзма равищда маълум қиласи. Давлат ва ҳалқ манфаатини ўйлаб, келажак ҳақида қайгуриб билди-

рилган бундай таклифларга эътибор қаратиш ўрнига, Марказ ва унинг республикадаги гумашталари бундай мустақил ва дадил қарашлар билан чиқсан раҳбарни пойтахтдан четлаштириб, уни олис Қашқадарё вилоятига, ижтимоий-иктисодий жиҳатдан энг оғир аҳволда қолган миңтақага раҳбар қилиб, аслида эса жазолаш учун юборади.

Тақдирнинг ана шундай қалтис ўйин ва синовларидан ўтган, қисқа давр ичida Қашқадарёдек катта бир вилоятдаги аҳволни тубдан ўзгартиришга эришган Ислом Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари бўлиб сайланганинг эртасига, яъни 1989 йилнинг 24 июнь куни республика хукуматининг мажлисида „Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди“ деб қатъий баёнот бериши унинг қандай катта азму шиҷоат билан янги вазифага киришганидан далолат беради.

Республикамизда 80-йилларнинг охири – 90-йилларнинг бошида вужудга келган ҳақиқий аҳволни ўзимизга аниқ тасаввур қиласидан бўлсак, „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китоби истиқбол тарихимизнинг ҳозирга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чукур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий хужжатлар асосида тўлдириши билан айниқса эътиборлидир. Чунки, ҳозирги вақтда турли уйдирмаларни усталик билан ишлатиб, бу бўшлиқни гаразли мақсадда тўлдиришга, шу масалада кимларнингдир режа ва буюртмаларини бажаришга, биз бошимиздан кечирган тарихий воқеаларни бузиб талқин этишга қаратилган уринишларга бу китоб ҳеч қандай имкон қолдирмайди.

Бу тўпламнинг энг муҳим жиҳати ва аҳамияти аввало ана шунда – яқин тарихимиздаги суронли ва тўфонли воқеа-ҳодисаларни фақат ҳақиқат ва яна бир бор ҳақиқатга асосланиб, ўз онгу шууридан, қалбидан кечирган муаллифнинг теран нигоҳ, улкан донишмандлик, ўз халқи ва юртига чексиз муҳаббат ва садоқат ҳисси билан ёритиб берганида яққол кўзга ташланади.

Шуни унутмаслик керакки, бугун собиқ Иттифоқнинг айрим худудларида СССР деган империяни қандайдир янги шаклда тиклашни хаёл қилиб юрган, яқин ўтмишда содир бўлган тарихий жараёнларни бутунлай ўзгартириб, керак бўлса, соҳталаштириб, одамларни, айниқса, у замонларни кўрмаган-билмаган ёшларни алдаб, тўғри йўлдан чалғитишга уринаётган кучлар, афсуски, ҳали ҳам йўқ эмас. Энг ёмони, улар ўз қабиҳ ниятлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди.

Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг халқимизнинг сиёсий тафаккур хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшиладиган „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китоби барчамизни ҳозирги ўта нотинч ва таҳликали замонда доимо ҳушёр, огоҳ ва сергак бўлиб яшашга даъват этади. Шу асосда Ватанимизнинг янги тарихини чукур англаб, ундан зарур сабоқ ва холосалар чиқариб, юртимизнинг қадимиш шуҳрати, бугунги құдрати ва салоҳияти, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборига ҳар томонлама муносиб бўлиб яшашга ўргатади<sup>1</sup>.

„Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китоби 2011 йил декабрь ойида „Ўзбекистон“ нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан рус тилида ҳам нашр этилди.

## 1.2. Буюк тарихий миссия билан майдонга чиқсан йўлбошчи

Дунёдаги халқлар ва миллатларнинг озодлик йўлидаги курашлар тарихи шундан далолат берадики, жамият ҳаётидаги туб бурилишлар даврида ижтимоий-

<sup>1</sup> „Халқ сўзи“ газетаси, 2011 йил 28 август.

сиёсий вазиятнинг ўзи буюк йўлбошчиларни майдонга чиқаради. Ҳиндистон тариҳида Махатма Ганди, Америка Кўшма Штатлари тариҳида Жорж Вашингтон, Франция тариҳида Шарль де-Голль, Туркия тариҳида Мустафо Камол Отатурк ана шундай тарихий миссияни ўз зиммасига олиб, она халқининг миллий-озодлик курашига бошчилик қилганини яхши биламиз.

Бизнинг юртимиз тариҳида ҳам ана шундай улуг йўлбошчилар тарихий вазият тақозоси билан майдонга чиқиб, халқимизни ёвуз босқинчилар зулмидан озод этган, унинг шаъни ва ғурури, инсоний хуқуқларини қайта тиклаган. Бу ҳақда гапирганда, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўн тўртинчи асрда Туркистон заминини мўгуллар зулмидан озод этиб, ана шундай буюк миссияни адо этганини ҳамиша ғуур-ифтихор билан эсга оламиз. XX асрнинг 90-йилларига келиб эса Президентимиз Ислом Каримов ана шундай ўта оғир ва масъулиятли вазифани ўз зиммасига олди. Буни „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобидаги ҳар бир нутқ ва маъруза, тарихий ҳужжат тасдиқлайди.

Китобдаги биринчи материал – 1989 йил 24 июнда, республика раҳбари сифатида иш бошлаганининг иккинчи куни Ўзбекистон Министрлар Советида бўлиб ўтган Фарғона водийси областларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишлиланган кенгашда сўзлаган нутқидаёқ Ислом Каримовдаги ҳақиқий йўлбошчиларга хос фазилатлар ёрқин намоён бўлади. Аввалио, янги раҳбар бошқалар каби ёниб турган ўткир масалаларга, республикадаги ўта танг аҳволга бепарво қаролмайди. Чунки унинг қалби, юраги халқ дарди билан, Ўзбекистон дарди билан ёнади. Унинг республиканинг янги раҳбари сифатида айтган қуйидаги дастлабки сўзлари шунчаки сўз эмас, балки қатъий талаб бўлиб янграйди. У фақат ва фақат республика манфаатини, мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартиришни раҳбар фаолиятидаги бош мезон деб билади ва бошқалардан ҳам шуни талаб қиласди: „Ишга бўлган, ўзимизга топширилган вазифага нисбатан муносабатни, дунёқарашимизни ва умуман, масъулиятимизни ўзгартира олсанкина ишларимиз йўлга тушиб кетади. Акс ҳолда, вазиятни издан чиқаришга интиладиган кучлар ё мени четга суриб қўяди ёки жуда кўп раҳбарларни ўзгартиришга тўғри келади“<sup>1</sup>.

Холбуки, Ислом Каримовга қадар республикамизни бошқарган раҳбарлар фаолиятида ўз халқининг эмас, балки фақат мустабид Марказнинг иродаси, унинг манфаатлари бош мезон бўлиб келган эди. Шунинг учун ҳам улар ўзича мустақил ҳеч қандай иш қилолмас, бошқалардан ҳам ишни талаб қилишга уларда қатъият етишмас эди. Буни китобдан ўрин олган қуйидаги факт ва далиллар исботлайди: „КПСС Марказий Комитетининг менсимаслиги ва буйруқбозлиги шу даражага бориб етдики, Марказий Комитет котиби ёки вилоят комитетининг биринчи котиби ҳақида гапирмай қўя қолайлик, ҳатто, обком котибини тавсия қилиш учун келишиб олишга яқин-яқингача мажбур бўлиб келдик. Ким билан келишардик денг? Қандайдир сектор мудири ёки йўриқчи билан, унинг хонаси олдида қабул қилишини кутиб навбатда турардик. Барча даражадаги партия ходимларининг тақдири шу кишиларга, КПСС Марказий Комитети аппаратининг оддий амалдорларига боғлиқ бўлиб қолганди.

Могильниченко, Бессарабов ҳамда уларнинг энг фаоли Понамаревни бир эсланг. Уларнинг бу ерга келиши қандай таърифланган эди? Бу бутун бир воқеа бўлган эди. Лекин улар ўзларидан яхши хотира қолдиришмади. Улар биринчи котиб хонаси

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: „Ўзбекистон« НМИУ, 2011 йил, 33-бет.

эшигини чап оёги билан очиб киришарди. Ўшандада пленумларда қилинган барча маърузаларни, мен шуни очиқ айтишим керакки, аввалига Понамарев, Анишев, Огарок ва уларнинг тўдаси таҳрир қиласарди, сўнг Усмонхўжаев минбарга чиқиб, ана шу тайёр нарсаларни ўқишга тушарди. У кўпинча маърузада гап нима ҳақда бораётганини билмаган ҳолда ўқирди.

Ана шу кишиларнинг хоҳиш-иродаси билан қанчадан-қанча одамларнинг, шу жумладан, коммунистларнинг, қанчадан-қанча раҳбарлар ва уларнинг оилалари тақдиди бузилди. Ўзбекистонни ҳеч қачон билмаган, унинг тили, маданияти, бугунги куни ва ўтмишини билмаган, умрида Ўзбекистонни кўрмаган бу одамлар унинг фақат кулларча таъзим қилишини хоҳлашарди. Шундай кишилар сиёsat юргизишарди. Юқорида ўтирганларнинг ҳаммаси уларнинг амалдорлари тайёрлаган қарорларгагина имзо чекишарди<sup>1</sup>.

Бошқа бир ўринда бундай ҳолатнинг сабаблари шундай баён қилинади: „Бўшбаёв, сиёсий иродадан маҳрум, ўз халқининг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган кишиларнинг Ўзбекистон компартияси ва республика раҳбариятига келиб қолиши аввало шунга ёрдам берди. Уларнинг аксарияти ўзларининг омон қолишлиарини ўйлаб, хукуқ муҳофазаси органлари, жумладан, Гдлян ва Иванов гуруҳи йўл қўйган қонунсизлик ва қонун бузилишиларини пайқамасликка обдан уриндилар“<sup>2</sup>.

Ана шундай раҳбарларнинг бўш-баёвлигидан фойдаланиб, собиқ Марказ, Ўзбекистоннинг ўзида кўплаб малакали ва салоҳиятли кадрлар бўлишига қарамасдан, СССРнинг турли минтақаларидан юртимизга ишни билмайдиган, фақат бу ердаги имкониятлардан фойдаланиб, давру даврон суришни ўйлайдиган одамларни юбора бошлади. Улар халқимиз ўртасида „десантчи“лар деб ном олди. „Бошқа минтақалардан юборилган кадрларнинг бъязилари республика эҳтиёжлари ва кулфатларига ҳамдард бўлиш у ёқда турсин, балки партия, совет ва ҳукуқни муҳофаза этиш органлари ва бошқа органларда ўзларининг раҳбар лавозимларига тайинланишлари ни ўзбошимчалик қилиш учун берилган ёрлик, деб билдилар.

Халқнинг жуда бой тарихи ва маданиятини, ўлканинг ўзига хос ноёб хусусиятларини билмаган ва билишни ҳам истамаган бу одамлар республика ҳаётини босиб янчиб, қингир ўзанга солишга киришдилар.

Халқнинг кўп асрлик анъаналари, маданияти, урф-одатлари ва маънавий қадриятларини менсимаслик элни жуда ранжитди.

...Халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти обдан оёқ ости қилинди, она тилининг кўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто, шундоқ ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари ҳам кимларгadir маъқул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто миллий либос ҳам қораланди. Кези келганда одамлар миллий анъаналар бўйича тўй қилиш, қариндош-уругларни дағн этишга ҳам чўчиб қолган эдилар<sup>3</sup>.

Юқорида зикр этилган, республика раҳбари сифатида иштирок этган биринчи мажлисдаёқ Ислом Каримов ўн йиллар давомида ҳал қилинмаётган ва кўпчилик бундан буён ҳам шундай давом этаверади, деган кайфият билан умумий бир бепарволик билан қўллаб-куватлаб келаётган масалаларга оидинлик киритади. Бош-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: „Ўзбекистон« НМИУ, 2011 йил, 385—386-бетлар.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: „Ўзбекистон« НМИУ, 2011 йил, 175-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба, 177—178-бетлар.

қача айтганда, ўзининг раҳбарлик позициясини очиқ баён этади. Бу, албатта, залда ўтирган, эскича ишлашга кўнишиб қолган аксарият катта-кичик раҳбарлар учун гўё булутсиз осмонда чақмоқ чақнагандек таъсир қиласди. Айниқса, собиқ Марказдан, СССРнинг бошқа худудларидан Ўзбекистонга юборилган, ўзларича ҳеч ким бизнинг мушугимизни „пишт“ деб олмайди, деган кайфиятда юрган ким-салар бирданига хушёр тортади. Чунки шу пайтгача ҳеч ким улардан ишни қатый туриб талаб қилмаган ва буни хаёлига ҳам келтира олмас эди.

Тасаввур қилинг, ўша пайтда маҳаллий ёшлар ва месхети турклари ўртасида собиқ Марказдаги ёвуз кучлар томонидан қора ниятда атайлаб ташкил этилган жанжал-тўполонлар туфайли бутун Фарғона водийси бамисоли ўт-олов ичида қолиб кетган эди. Ишсизлик, қашшоқлик, уй-жой ва томорқа ерларининг етишмаслиги, бунинг устига, бундай жанжалларнинг ўйлаб топилганидан халқнинг сабр косаси тўлиб кетган эди. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов ўз раҳбарлигининг биринчи иш кунидаёқ Фарғона водийси вилоятларидағи аҳволни муҳокама қилиш масаласини хукумат олдига қатый вазифа қилиб қўяди. Ҳар қайси вилоятдаги масъул шахслардан аҳолининг ижтимоий яшаш шароитлари ҳақида ҳисобот беришни талаб қиласди. Афсуски, бу масъул шахсларнинг бирортаси ҳам шундай масъулиятли мажлисга пухта тайёргарлик билан келмайди. Чунки улар собиқ Марказдан қўйилган шахслар — Фарғона область ижроия комитети раисининг ўринбосари Ю.Калимуллин, Наманган область ижроия комитетининг биринчи ўринбосари А.Богусловский, Андижон область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари В.Бабенко эди. Улар худди И.Усмонхўжаев ва Р.Нишонов каби аввалги раҳбарлар давридагидек, ҳеч ким биздан иш талаб қилолмайди, деган ўй-хаёл билан мажлисда номига қатнашиш учун келишган эди, холос. Лекин ўзининг қандай буюк миссия билан республика раҳбари бўлиб иш бошлаётганини, бу борадаги улкан масъулият ва жавобгарликни юрак-юрагидан ҳис қилган Ислом Каримов нафақат ишга, айни пайтда минг-минглаб одамлар тақдирига бундай менсимасдан муносабатда бўлишта мутлақо тоқат қилолмайди. Шунинг учун ҳам бутун мажлис иштирокчиларини огоҳлантиради: „**Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди**“.

Яна бир мисол. Республикамизнинг собиқ раҳбари Р.Нишонов Фарғона вилоятида бўлиб ўтган қонли тўқнашувларни хастпўшлаб, собиқ мустабид тузумнинг энг олий идораси бўлмиш СССР Олий Совети сессияси минбаридан „Бу — бир тарелка қулупнай устида бўлиб ўтган оддий мажаро“, деб бутун дунёни чалғитган, энг ёмони, Марказга яхши кўриниш учун ўз халқининг бошига тушган фожиани атайлаб яшириб, унинг манфаатларига хиёнат қилган эди.

Ўз халқини бундай оғир қулфатлардан, таънаю маломатлардан халос этиш, унинг озод ва мустақил ҳаётини таъминлашни ўзининг бош мақсади, фаолияти-нинг асосий маъно-мазмuni деб билган Ислом Каримов эса ҳақиқатни ўз номи билан атаб, бўлиб ўтган жанжал-тўполонларнинг сабабини дадиллик билан очиб ташлайди: „**Барча воқеаларнинг илдизи — Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан боғлиқ, десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилади**“. Савол туғилади: ахир, Фарғона воқеаларига бундай баҳо бериш ўша пайтда бутун дунёга ўз ҳукмини ўтказиб турган совет империясининг сиёсатига зид эди-ку. Ислом Каримов ҳукмрон сиёсатга очиқдан-очиқ қарши боришга қандай журъат этди? Чунки Юртбошимиз, юқорида зикр этилганидек, буюк бир миссияни — Ўзбекистонни, унинг жафокаш халқини қарийб 130 йилдан буён давом этиб келаётган мустамлакачилик зулмидан озод этиш вазифасини ўз зиммасига олган эди. Ана шу улуғ мақсад уни доим жасоратга, ҳар лаҳза, ҳар дақиқада она халқининг тақдирни ва келажагини ўйлаб яшашга даъват этади.

Хақиқатан ҳам, халқ дарди билан ёниб, нафас олган, ўзини буюк ишларга бағишилаган мард ва жасур инсонлар ҳеч қандай хавфу хатардан қўрқмайди. Бами-соли бутун халқнинг эзгу ниятлари қудратли кучга айланиб, уларни қўллаб-кувватлаб туради. Буни „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобини ўқиши жараёнида қайта-қайта ҳис этамиш.

1991 йил 18 август. СССР пойтахти ҳисобланмиш Москва шаҳрида бир гуруҳ авантюристлар амалдаги президент М.Горбачевни раҳбарликдан четлаштириб, Фавқулодда ҳолат давлат комитетини тузади. Тарихда бу „ГКЧП воқеаси“ деган ном билан эсланади. ГКЧП раҳбарларининг асосий мақсади мустақиллик сари интилаётган миллий республикаларга нисбатан тазиик ва таъқибларни кучайтириб, тобора заифлашиб бораётган қизил империяни сақлаб қолищдан иборат эди. Шу мақсадда улар бутун СССР ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этмоқчи, миллий республикаларнинг ўз халки манфаатларини ўйлаб қабул қилган қонун ва қарорларини бекор этмоқчи бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов бу пайтда Ҳиндистонда сафарда эди. Республика раҳбарининг йўқлигидан фойдаланиб, Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш.Мирсаидов ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг иккинчи котиби А.Ефимовнинг имзоси билан Ўзбекистон ССРнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон АССРга Ўзбекистон ССР ҳудудида СССРда Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси фаолиятини қўллаб-кувватлаш тўғрисида кўрсатма юборилади.

Президент Ислом Каримов ГКЧП эълон қилинганини Аграда эшитиб, зудлик билан Тошкентга қайтади. Тошкент аэропортида Юртбошимизни расмий кишилардан ташқари, Туркистон ҳарбий округи Бош қўмондони ҳамда Марказдан келган уч нафар генерал кутиб олади. Бу ўша пайтдаги мавжуд сиёсий протокол қоидаларига мутлақо зид бўлиб, тагдор сиёсий маънога эга эди. Яъни Ўзбекистон ГКЧПни қўллаб-кувватламайдиган бўлса, худди ўша пайтда Москвада бўлганидек, Тошкент кўчаларига ҳам ҳарбий техника ва қўшин киритиб, куч билан ГКЧПга бўйсундиришга мажбур қиласиз, деган пўписа ана шу генералларнинг башарасидан сезилиб турар эди.

Лекин Юртбошимиз бунга парво ҳам қиласдан – буни „Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнги талвасаси“ фильмида барчамиз кўриб гувоҳи бўлганимиз – аэропортдан тўғри хукумат биносига келиб, кечқурун хукумат аъзолари билан учрашади ҳамда Ўзбекистон ССР ҳудудида ГКЧПнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ҳақида кўрсатма беради. Шу тариқа ГКЧП гумашталари Ўзбекистон хукумати номидан қабул қилган барча хужжатларни бекор қилди. 1991 йил 20 август куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши раёсати, Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида кўшма мажлис ўтказилди. Мажлисда сўзга чиқсан Президент Ислом Каримов СССРда юзага келган вазиятта, Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси ва унинг раҳбарлари қабул қилган қарорларга Ўзбекистон раҳбариятининг муносабатини аниқ-равшан баён қилди. Ўша куни ёк Ўзбекистон ССР Президентининг республика аҳолисига мурожаати эълон қилинди. Унда, жумладан, шундай сўзлар алоҳида таъкидланади: „**Ҳар биримиз оғир ва вазмин бўлишнимиз керак. Бошимизга тушган бу синовлар, ноаниқ давр ва шароитдан, авваламбор, ақл ва идрокимизни бир жойга йигиштириб, инсоф ва вижданни йўқотмасдан, саросимага тушмасдан чиқишимиз керак...**

Ўзбекистон жумхурияти, унинг раҳбарияти қайта куриш даврида ҳам ҳеч қачон бирорнинг галига кириб иш тутган эмас. Марказдан, бошқа баъзи бир жумхурияtlардан қандай қарорлар чиқмасин, ваъдалар берилмасин, ҳар қандай чақириқлар,

**даъватлар, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракатлар бўлмасин, биз ўзимиз танлаган йўли-миздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтганимиз йўқ“<sup>1</sup>.**

Хурматли ўкувчи, сиз „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобидан бундай мисолларни деярли ҳар бир саҳифада учратасиз. Асарни ўқиши давомида ана шундай мисолларни қайд этиб, дафтaringизга тушириб борсангиз, ишончимиз комилки, бунинг учун бир қалин дафтарнинг саҳифалари ҳам камлик қилади. Шу маънода, бу китобни жасорат солномаси, деб таърифлаш ҳар жиҳатдан ўринли бўлади.

Ҳайратли жиҳати шундаки, 70 йилдан зиёд вақт мобайнида фақат мақталган, таърифлаб кўкка кўтарилган собиқ мустабид тузумнинг бутун кирдикорларини Ислом Каримов аниқ далил ва рақамлар билан очиб ташлайди. Дунёда энг адолатли, инсонпарвар жамият деб тасвирангандан мустабид совет тузуми аслида зулм ва зўравонликка асосланган энг гайриинсоний жамият эканини очиқ баён этади. Ислом Каримовга қадар ҳеч ким Ўзбекистондаги чуқур ижтимоий-иқтисодий инқироз ҳақида, унинг туб илдизлари тўғрисида шу қадар катта жасорат билан гапирмаган эди.

Ислом Каримов республикамиз раҳбари сифатида иш бошлаган пайтда Ўзбекистондаги вазият ўта кескин тус олган эди. Аввало, Фаргона водийсидаги жанжал-тўполонлар олови ҳали сўниб улгурмаган, қишлоқлар, шаҳарлар ўт ичидаги қолган, қашшоқлик, қуруқ ваъдалар жонига теккан одамлар маҳаллий ҳокимииятта ҳам, марказий ҳокимиият идораларига ҳам ишонмай қўйган эди. Каталақдек ҳовлиларда беш-олтиналаб хонадонлар тиқилиб яшашга мажбур эди.

Пахта яккаҳокимлиги мисли кўрилмаган даражага етгани боис одамларга томорқа ерлари берилмас, уларнинг қўшимча даромад манбаи деярли йўқ эди. Бунинг устига, „пахта иши“, „ўзбеклар иши“ деган сохта кампаниялар туфайли Марказдан Гдлян ва Иванов бошлиқ терговчилар гуруҳи келиб, қишлоқ хўжалигига озгин алоқаси бўлган барча инсонлар бошига ноҳақ тергов ва таъқиб азобларини солар эди. Бунинг оқибатида қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар қамалди, тергов жараёнларида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кулфатларга дучор қилинди.

Бу ҳам етмагандек, СССР Президенти М.Горбачев томонидан оқибатини ўйласдан олиб борилган „қайта қуриш“ сиёсати туфайли ҳар хил бузғунчи кучлар демократия ниқоби остида майдонга чиқиб, юртимиздаги шундоқ ҳам нотинч вазиятни баттар издан чиқаришга уринар эди. Иккинчи томондан эса диний экстремист кучлар бош кўтариб, сохта фояларини одамлар онгига сингдиришга ҳаракат қиласарди.

Ўзбекистонда 1700 та мактаб авария ҳолатида эди. Аҳоли жон бошига ҳисобланганда, даромади 75 сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 мингга яқин одам, республика аҳолисининг 45 фоизи қашшоқлиқда кун кечираради. Ўзимизда етиштирилган пахта хом ашёсининг аксарияти четга ташиб кетилиб, ҳалқ истеъмолини қондирисх учун ташқаридан ҳар йили 8—9 миллиард сўмга яқин тайёр маҳсулот олиб келинган. Яъни юртимизда шунчалик бой хом ашё ресурслари бўлишига қарамасдан, улардан деярли тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмаган. Йиллар давомида йифилиб келган ва, ниҳоят, 90-йилларга яқин ижтимоий портлаш даражасига етган бундай оғир муаммолар ҳақида биринчи марта Ислом Каримов очиқ гапириб, уларни ҳал этиш масаласини кун тартибига қатъий қилиб қўяди.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 й., 23—24-бетлар.

Юртбошимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий соҳаларга – Ўзбекистон ҳаётининг деярли барча жабҳаларига таалуқли бўлган муаммоларни аниқ рақам ва кўрсаткичлар асосида билиши ва уларнинг ечимини аниқ кўрсатиб бериши унинг қалбida ислоҳот фоялари, мустақиллик фояси узоқ йиллар давомида шаклланиб борганини кўрсатади. Шу маънода, „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китоби яқин тарихимизнинг энг мураккаб ва таҳликали даври бўлган истиқлол арафасида юртимизда ҳукм сурган ўта оғир ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳаққоний тасвирлаб берадиган энг ишончли манбадир.

## **2-БОБ. ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ФИДОЙИЛИК**

### **2.1. Фарғона воқеалари**

Ўз халқининг тақдиди ва келажагини, эркин ва фаровон ҳаётини ўйлаган инсон, аввало, унинг тинч-осойишта ҳаёт кечириши ҳақида бош қотиради. Умуман, жамиятнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш йўлида ўзининг бутун куч-кудрати ва салоҳиятини сафарбар этиш – буюк йўлбошчиларга хос асосий фазилатлардан биридир. Тарихга мурожаат этадиган бўлсак, Ҳиндистон заминида давлат барпо этган улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бу ўлкадаги турли қабила ва элатлар ўртасида тинчлик, ўзаро ҳамжиҳатликни асрараш йўлида қанчалик тинимсиз кураш олиб борганини эслаш лозим. Айнан ана шундай изчил сиёsat ҳинд заминида шаклланган ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик, миллий бирлик анъаналарига асос бўлганлиги щубҳасиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг республика раҳбари сифатидаги фаолиятнинг дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш масалалари энг муҳим устувор йўналишларга айлангани ва бу foя мустақиллик гоясининг ажralмас таркибий қисми сифатида „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобидаги маъruzаларда ҳар томонлама ўз ифодасини топганини таъкидлаш лозим.

Маълумки, XX асрнинг 80-йиллари охирлари сабиқ СССРда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий инқироз жараёнлари кучайиб, бетайнлик авж олиб кетди. Ўз навбатида, неча йиллар давомида ҳал этилмаган, халқнинг сабр косасини тўлдирган муаммолар охир-оқибатда ижтимоий ларзаларга, миллий низоларга олиб келди.

Бундай салбий ҳолатлар, афсуски, Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. 1989 йилнинг май ойи охирлари, июннинг бошлари бутун Фарғона вилояти жанжал ва тўполонлар алангаси ичida қолиб кетди. Дастлаб 23 май куни бошланган фожиа икки кундан кейин Тошлоқ туманига, ундан сўнг эса Марғилон ва Кўқон шаҳарларига ўтди.

Айтиш мумкинки, бундай фожиалар, юртимиз тарихида илгари ҳеч қачон юз бермаган. Қадимдан ўзининг бағрикенглик, меҳмондўстлик, меҳр-шафқатлилик фазилатлари билан шуҳрат қозонган халқимиз ҳеч қачон бирорга нисбатан адватда бўлмаган, қўл кўтармаган. Бироқ, сабиқ Иттифоқдаги бузгунчи кучлар таъсирида ана шундай фавқулодда кутилмаган фожиа содир этилди ва бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлди. Мингга яқин киши жароҳатланди. Саккиз юздан ортиқ уйга ўт кўйилди. Давлат ва жамоат идораларининг биноларига зиён етказилди. Оммавий чиқишлилар ва тўполонларда ўттиз мингга яқин одам иштирок этди. Етказилган зиён бир неча миллион сўмдан иборат бўлди.

Кейинчалик аниқ тарихий далиллар асосида маълум бўлди, ана шу тартиб-сизликларга, халқимиз, юртимиз манфаатларига мутлақо зид бўлган ҳаракатларга миллий кийимларни кийиб олган, аслида бошқа миллатларга мансуб бўлган, маҳсус тайёргарлик билан кўчага чиқарилган кишилар ташкилотчилик қилишган, улар тинч аҳолини қўзғаб, жанжал чиқаришга даъват этган. Улар месхети турклари ва бошқа миллат вакилларига қарши ифво ва бўхтон гапларни тарқатиб, содда

оламонни ғалаёнга келтиришга уринган ва баъзи ҳолатларда бундай ёвуз ниятларини амалга оширишга ҳам.

Собиқ СССРнинг марказий матбуоти жаҳондаги кўпгина ОАВ бор ҳақиқатни айтиб, жаҳон ахлини огоҳ этиш, бундай тўполонларнинг олдини олиш ўрнига, бамисоли оловга ёф сепгандек, Фарғона воқеаларини бир ёқлама ёритишга ҳаракат қиласр эди. Асосий айбдорлар бир четда қолиб, улар жабр кўрган, қанча-қанча курбонлар берган жабрдийда ҳалқимиз шаънига маломат ёғдиришга уринарди. Худди „пахта иши“да бўлгани каби, бу сафар ҳам ҳалқимиз йўқ жойдан айбдор бўлиб қолаётган эди.

Совет раҳбарлари, жумладан, СССР Министрлар Совети раиси Н.Рыжков воқеа содир бўлган жойда бўлиб, ҳеч нарсани ҳал қилмасдан, номига келиб-кетади. Фожиа илдизларини аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини қидириш, ҳақиқий жиноятчиларни топиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмас эди. Ўша пайтда СССР давлатининг олий ҳокимият органида – СССР Олий Советининг Миллатлар Кенгаши раиси лавозимида ишлаган Р.Нишоновнинг бу борадаги позицияси ҳақида аввалги бобда фикр юритилган эди. Ана шундай масъулиятсиз одамни шундай юқори вазифага кўйган СССР Президенти М.Горбачевнинг бу масаладаги ёндашви ҳам униқидан фарқ қилмас эди. Улар учун бутун бир ҳалқ, бутун бир республиканинг тақдири муҳим эмасди. Улар ана шундай бетайин позицияси билан Ўзбекистонда бекарор вазиятни вужудга келтириш, охир-оқибатда эса бутун Ўрта Осиёда фуқаролар урушини, қонли фожиаларни авж олдиришни кўзлаб юрган, қизил империяни қандай қилиб бўлса-да сақлаб қолишга интилаётган Марказдаги ёвуз кучларга йўл очиб беради.

Буларнинг барчаси республикамизнинг янги раҳбари Ислом Каримов зиммасига ўша пайтда қанчалар оғир вазифалар тушганини кўрсатади. Атоқли адабиёт-шунос олим Озод Шарафиддинов ўзининг „Президент“ номли рисоласида ўша пайтда юртимизда ҳукм сурган вазиятни қайнаб ётган қозонга қиёслагани бежиз эмас эди. Бу қайноқ қозоннинг ичига тушиш у ёқда турсин, унинг олдига яқинроқ боришининг ўзи тасаввур этиб бўлмайдиган жасорат эди.

Ислом Каримов шундай таҳликали вазиятда – республикадаги бошқа кўплаб муаммоларни қўя турайлик – фақат Фарғона воқеалари масаласида бир неча жабҳада, яъни ҳам сиёсий-назарий, ҳам ташкилий-амалий, ҳам мафкуравий соҳада фаолият олиб боришига тўғри келди. Бошқача айтганда, у аввало улкан сиёсий-назарий тафаккур асосида бу воқеалар нима учун содир бўлганига, унинг илдизларига баҳо бериш; иккинчидан ҳақиқий жиноятчилар ва уларнинг ортида турган қабиҳ кучларни аниқлаш; Фарғона воқеалари яққол намоён этган ижтимоий-социал муаммоларни ташкилий-амалий жиҳатдан ҳал этиб, одамларнинг ҳақиқатга, эртанги кунга бўлган ишончини тиклаш; учинчидан, СССРнинг катта минбарлари орқали Фарғона воқеалари ҳақидаги асл ҳақиқатни дунёга етказиш, ҳалқимизнинг шаъни ва фурурини ҳимоя қилиши зарур эди. Бундай вазифаларни адо этиш, инсоннинг жисмоний ва интеллектуал имкониятлари нуқтаи назаридан қараганда, айниқса, собиқ мустабид тузум шароитида, ҳар томондан босим, тазиик ва таъқиблар кучайган пайтда ниҳоятда оғир эканини тасаввур этиш албатта қийин эмас. Лекин Ислом Каримов улкан жасорат билан, ҳақиқий ҳолатга реал кўз билан қараб, шиддатли кураш майдонига мардона бел боғлаб чиқади. У Фарғона воқеаларига кенг назар билан қарайди. Яъни бу воқеалар, уларнинг негизидаги сабаблар фақат битта вилоятга хос эмас, бундай фожиалар Ўзбекистоннинг хоҳлаган жойида юз бериши мумкин, деб ҳисоблайди. Чунки уларни юзага чиқарган сабаблар, муаммолар Ўзбекистоннинг бошқа жойларида ҳам кескин бўлиб турганини аниқ далиллар билан исботлаб беради.

Шу мақсадда, кечагина республикамиз раҳбари этиб сайланган Ислом Каримов ишга киришган куннинг эртасигаёқ, яъни 24 июнь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советида катта мажлис ўтказади ва унда нутқ сўзлайди. Ўзининг кескин танқидий ва амалий руҳи билан ажралиб турадиган мазкур нутқда республика раҳбари Ўзбекистонда вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иктисодий вазият ва унинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, аччиқ ва ҳаққоний бир холосага келади. Ислом Каримов воқеага баҳо бериш, унинг илдизларини қидириш ва бундай файриинсоний хатти-ҳаракатларга чек қўйиш учун бутун имкониятини ишга солгани „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобининг энг драматик саҳифаларини ташкил этади.

Ўзбекистон раҳбари юртимиздаги вазиятни барқарорлаштириш вазифасини КПСС Марказий комитети, хусусан, Бош котиб М. Горбачев олдига кескин қилиб қўяди. КПСС Марказий комитетиplenумида сўзга чиқар экан, Ислом Каримов Ўзбекистондаги, жумладан, Фарғона вилоятидаги сўнгти воқеалар тўғрисида айрим ОАВ эълон қилган мақолаларни тушуниш қийинлиги ҳакида гапиради. Конкрет шароитимизни, кўп асрлик тарихимиз, маданиятимиз, анъаналаримиз, урфодатларимиз ва маросимларимизни билмаган, шунингдек, ўша воқеаларнинг сабабчиси бўлмиш мураккаб муаммолардан бехабар қизиқкон, бавзи ҳолларда эса кимларнингдир буюртмасини бажарган муаллифлар бутун бир халқнинг номини бадном этиб, унинг юзига лой чапламоқда ва ўзини олий ҳакам деб ҳисобламоқда, деб ОАВнинг соҳта шов-шувлари асоссиз эканини дадил очиб ташлайди.

1989 йилнинг 25 июня – республика раҳбари этиб сайланганининг учинчи куни Ислом Каримов жанжал-тўполонлар алангаси ичida қолиб кетган Фарғонага йўл олади. Ловуллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва қишлоқлар, қаҳр-ғазабга тўлган одамларнинг ичита бир ўзи ҳеч қандай қўриқчиларсиз кириб боради. Улар билан чин дилдан, ҳеч нарсани яширмасдан очиқ гаплашади. Бу инсонларнинг шу вақтга қадар ҳеч ким эшитмаган оху нолаларини тинглаб, ўзининг юракдан чиқсан самимий ва ҳаққоний сўzlари билан бамисоли уларнинг қалбидаги жароҳатларга малҳам қўйгандек бўлади, кўнгилларда сўнган умид учкунларини уйғотади. Тартиб-интизомни тиклаш, қон тўқилишининг олдини олиш бўйича бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, аниқ чора-тадбирлар кўради. Воқеа сабабларини қидиради. Масала моҳиятини очиқ-оидин кўрсатади. Жумладан, у „ана шу фожиининг айбдорларини ҳимоя қилишга уринишлар ҳам асоссиздир. Ким бўлишидан, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, ваҳшийлик ва одам ўлдиришда, ўт қўйини ва тўс-тўполон чиқаришда айбдор бўлган шахслар жазога тортилиши зарур ва жазога тортиладилар, токи ўзбек халқнинг пок номига доғ туширилишига йўл қўйилмасин“, дейди<sup>1</sup>.

Республика раҳбарининг бундай қатъияти асоссиз таъна ва бўхтонлардан эзилган, турли таҳдидлар оқибатида таҳликага тушган халқнинг руҳини кўтариб юборди. Ислом Каримов қонли воқеалар ҳақидаги ҳаққоний фикрлари билан халқимиз шаънига отилган маломат тошлари бутунлай бўхтон эканлигини исботлайди. Айни пайтда ваҳшийлик қилган, одам ўлдирган, тартибсизликларни келтириб чиқарган, уйларга ўт қўйган, транспорт воситаларни ёқиб юборган кимсалар ўзбек миллатига мансуб эмаслигини, уларнинг ҳаммаси атайлаб ташкил этилганини юқори совет минбаридан туриб жасурлик билан айтди.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 53-бет.

Республикада мавжуд ижтимоий вазиятни назарда тутган Ўзбекистон раҳбари содир бўлган воқеалар юзасидан ўзининг позициясини очиқ-ойдин баён этади.

Албатта, Ислом Каримов республика раҳбари сифатида Фарғона воқеалари-нинг сабаб ва оқибатлари ҳақида маълумотлар билан ўз кабинетида ўтириб ҳам танишиши, керакли қарорларни қабул қилиши мумкин эди. Аммо кабинетдан чиқмай иш юритиш принципи Ислом Каримов учун мутлақо бегона эди. У ҳаёт-нинг қайноқ нафасини бевосита ҳис қилиш, яхши-ёмон кунларда халқ билан бирга бўлиш, эл-юртнинг дарду қувончига доимо шерик бўлишни ўзининг ҳаётий маслаги, олий инсоний бурчи деб билди.

Агар ўша йиллар тарихига эътибор берадиган бўлсак, Фарғона воқеалари ҳақида шов-шув кўтарганлар, шундай қонли фожиа ҳисобидан обрў топиш, ўзининг гаразли манфаатларига эришишга, халқимизни бадном қилишга уринган кимсалар кўп бўлган. Ислом Каримов бу борада куйиб-ёниб, асл ҳақиқатни катта дард ва жасорат билан баён қиласди, фожиа оқибатларини бартараф этишнинг амалий ечимларини ишлаб чиқади ва изчил амалга оширади. Жумладан, Юртбошимиз Тошкентда ва Москвада бўлиб ўтган катта анжуманларда, шунингдек, матбуотдаги чиқишлиарида бу масалада қатъий позицияда туриб, куйидаги фикрларни алоҳида таъкидлайди: „Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруқсиз ва гаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих, албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқарди. Байналмилачлилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исбот қилинган“<sup>1</sup>. Бундай ҳаққоний ва ҳароратли сўзлар эл-юртимизнинг дардига дармон бўлди, унинг тухмат ва маломатлардан эгилган руҳини кўтарди.

Ана шундай тарихий мисоллар асосида айтиш мумкинки, Ислом Каримовнинг барча муаммолар ҳақида – улар қанчалик оғир ва ноҳуш бўлмасин – очиқ гапириши, ҳамиша ҳақиқатнинг кўзига тик қараши унга нисбатан халқимизнинг эътирофи ва эҳтиромини уйғотди.

Ўзидан илгари республика раҳбари бўлиб ишлаган, сиёсий калтабинлиги ва журъатсизлиги билан эл-юрт ўртасида обрўсини йўқотган И.Усмонхўжаев ва Р.Нишонов каби ўтмишдошларидан фарқли равишда, Ислом Каримов Ўзбекистон етакчиси сифатида узоқ вақтлар давомида ечилмасдан, газак олдирилган камчилик ва нуқсонлар, ўткир ижтимоий муаммоларнинг илдизини очиб ташлади, мавжуд аянчли аҳволни тузатиш бўйича Марказ раҳбарияти олдига қатъий талабларни принципиал тарзда қайта-қайта қўйишдан чўчимади. Ушбу китобдан ўрин олган кўплаб чиқишлиarda буни яққол кўриш мумкин.

Мавжуд сиёсий бекарорлик, бошбошдоқлик ва бедодлик шароитида, нақадар оғир ва қалтис бўлмасин, ўша машъум кунларда собиқ Марказдаги кучлар ва уларнинг ўзимиздаги малайлари юртимиз раҳбарига ҳар қадамда миллатчилик ёрлигини ёпиштириш, унинг шахсига нисбатан тухмат ва маломатлар ёғдиришга қанчалик уринмасин, қандай кескин сиёсий ва маънавий-руҳий босим таъсири остида иш олиб боришга тўғри келмасин, Ислом Каримов эл-юртнинг тинчлигини асрараш, халқимизни омон сақлашни ўзи учун энг буюк мақсад деб билганини китобдан ўрин олган ҳар бир ҳужжат исботлаб, тасдиқлаб беради.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 52—53-бетлар.

и Фарғона фожиалари тагида шовинизмга алоқадор сабаблар ҳам бор эди. Бу воқеалар, айтиш мумкинки, 1986 йили Қозоғистон пойтахти Олмаотада амалга оширилган „Метел“ операциясининг давоми эди. Албаттa, сценарийлар шакли, ташкилий услуби жиҳатидан улар ҳар хил бўлиши мумкин. Бироқ мақсад битта эди. Шу тариқа мавжуд сиёсий тизимни турли алғов-далғовлар, тўс-тўполнонлар, миллий республикалардаги ижтимоий-сиёсий вазиятни чигалдаштириш орқали сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Айниқса, „рашидовчилик“, „Ўзбеклар иши“, „Пахта иши“ каби сиёсий кампаниялар билан гангтилган республикамизнинг ўша пайтдаги раҳбарлари илтимосларига кўра Россиядан юзлаб чаласавод раҳбарлар „десанти“ Ўзбекистонга ташланди. „Десантчи“лар сиёсати фош бўла бошлагач, ҳалқимизни миллатчиликда айблаш керак бўлиб қолди. Ярим йиллик тайёргарликдан сўнг, 45 йил давомида СССР ҳукуматидан Месхетияга қайтаришни талаб қиласвериб ҷарчаган, май ойида нима қилиб бўлса ҳам кетишни режалаштирган туркларнинг фаоллашувидан, худди шу ойда ишсизлик жонларига тегиб, намойишларга ҳозирланаётган Фарғона ёшларининг соддалигидан фойдаланилди. Натижада шўрпешана турклар Россиянинг кимсасиз бўлиб ётган қишлоқларига кўчирилди. Бошқача қилиб айтганда, улар янги шароитда янгича сургунга гирифтор этилди.

Фарғонанинг маҳаллий аҳолиси эса ижтимоий-сиёсий талаблари учун Кўқонда ўққа тутилди. Бу икки ҳаракатда ҳам русларга қарши қайфият бор, деган сунъий даъволар ўйлаб топилди. Бундай фитна Ўщда 1989 йил 20 майда бўлиб ўтган воқеадан кейин пайдо бўлган эди... .

Президентимиз Ислом Каримов ўз китобида Фарғона воқеаларининг туб сабабларини қуйидаги масалалар билан боғлиқ ҳолда талқин этади:

1. Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иктисодий аҳволи.
2. Одамларнинг таъминоти, даромади, ижтимоий-иктисодий аҳволи ҳаддан ташқари пастилиги туфайли бундай ҳолат Ўзбекистоннинг бошқа жойларида ҳам содир бўлиши мумкинлиги.
3. Ишсизлик, ишчи ўринларининг камлиги, яъни ортиқча ишчи кучининг кўпайиб бориши.
4. Ёшлар ва уларни ишга жойлаштириш масаласи жиддий ўйлаб кўрилмагани каби сабаблар.

## 2.2. Миллатлараро ҳамжиҳатлик

Миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш ҳар қандай кўп миллатли жамиятда ўтиш даврининг ҳал қилувчи масаласи, мамлакатда тинчлик ва осоийишталики мустаҳкамлашнинг энг муҳим омили сифатида кун тартибига чиқади. Бундай пайтда давлат фақат адолат кучига таяниб, миллий, ирқий, диний мансублигидан қатъи назар, мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини бирдек ҳимоя қила олгандагина бу масала ижобий ҳал этилади. Буни Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Ўзбекистонда миллий ва миллатлараро муносабатларга ана шундай оқилона ёндашилди. Натижада мустақилликнинг дастлабки йилларида оғир сиёсий буҳронлар, иктисодий тангликлар, маънавий-руҳий парокандаликнинг, кескин ижтимоий-сиёсий ларзаларининг олди олинди.

Ўтиш даврида барча зиддиятларни, қийинчиликларни ички ирода ва ички маданият билан енга олишга қодир бўлган фуқароларни шакллантириш, уларнинг гоявий-мағкуравий бирлигини таъминлашга эришиш тақозо этилади. Шунинг учун Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар давлат сиёсатининг муҳим бўғинига айланди.

Турли сиёсий бухронлар ва иқтисодий тангликлар мавжуд бўлган бир пайтда ҳар хил қаращдаги одамларнинг, диний муносабатлари ва миллий хусусиятларидан қатъи назар, мамлакат фуқароси сифатидаги яхлитлигини, кундалик турмуш эҳтиёжларини ижтимоий адолат юзасидан тенг равишда қондириб туриш мухим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бутун моҳият-мазмунини, самараси ва миқёсини белгилайди. Айниана шу жиҳатлар ҳисобга олинган тақдирдагина у ўз самарасини беради. Миллатларни уларнинг миллий хусусиятларидан қатъи назар, умумий тақдир ва умумий истиқбол тушунчаси яқинлаштиради, бирлаштиради.

Миллатлараро муносабатлар – бу ижтимоий ҳодиса. Чунки ҳар қайси миллат вакили ижтимоий барқарорликдан, ижтимоий таъминотдан ҳақли равищда манфаатдор бўлишга доимий интилади. Миллатидан қатъи назар, ҳар қайси инсон фуқаро сифатида ўз мамлакатидаги барча имкониятлардан, неъматлардан фойдаланишга ҳақли. Ижтимоий муносабатлар жамият янгиланаётган бир пайтда эскича қарашлар исканжасидан халос бўлиши лозим. Оламни янгича идрок қилиш орқали унинг моҳиятини англаш жараёнида дунёқарашлар яқинлигига, аниқроғи, дунёқарашлар уйғунлигига эришиш улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳодисадир.

Миллатлараро муносабатлар – бу маънавий-ахлоқий ҳодиса. Чунки миллат ўзини англаш, ўзини тиклаш жараёнида миллий худбинликка йўл қўймаслиги керак. Миллат уйғониш жараёнини бошидан кечираётган бир пайтда ўз миллий қадриятларини умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ ҳолда ҳис қилиши лозим. Айни ана шу қадриятлар миллатнинг миллат сифатида ўзини англашидан олдин инсоннинг инсон сифатида ўзини англашини устун қўйишига олиб келади.

Президент Ислом Каримовнинг раҳбарлик фаолиятига хос бўлган фоят эътиборли ва ибратли бир фазилат борки, у ҳам бўлса, миллатларо ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик масаласига доимо устувор аҳамият бериб келаётганидир. Бу, ўз навбатида, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, жамиятимиз ҳаётида ўзаро хурмат, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бундай сиёсат Юртбошимиз учун фаолиятининг дастлабки давридан бошлаб хос бўлганини „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобидаги хужжатлар тасдиқлайди.

### **2.3. Наманган воеадари**

1991 йилнинг 9 декабря Наманган шаҳрида бир гуруҳ қўпорувчи кучлар вилоят ижроия қўмитаси биносини эгаллаб олиб, Ўзбекистонни ислом давлатига айлантиришни даъво қилиб чиқишиди ва республика раҳбари билан учрашувни талаб қилишиди. Ислом Каримов президентликка номзод сифатида эртаси куни тонгда Наманганга етиб келади ва онги ақидатпарастлик фоялари билан заҳарланган, жазавага тушиб, қора кучга айланган жоҳил оломон орасига соқчи ва ҳамроҳларсиз, бир ўзи ҳеч иккиланмасдан, шижиоат ва шиддат билан кириб борди. Бу ўта кескин, драматик ҳолат видеотасмасида тасодифан мухрланиб қолган. Ана шу жа-соратга тўла, ҳар қандай одамни ҳам ҳаяжонга соладиган тарихий лаҳзалар „Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгти талвасаси“ фильмида акс эттирилган. Шиддат билан кириб келган республика раҳбарини кўришгач, ақидатпарастлар бир оз довдираф қолишиди. Юртбошимиз вазминлик билан сўз бошлайди ва уларнинг барча даъволарини аниқ фактлар билан рад этади.

Бу ҳаракат аъзолари 1991 йилнинг декабрида Наманганда вилоят ижроия кўмитаси биносини эгаллаб олиб, хукумат вакилларига куйидаги талабларни кўяди:

1. Дунёвий тузумдан воз кечиши ва Ўзбекистонни исломий давлат деб эълон қилиш.

2. Дунёвий қонунларни бекор қилиш ва мамлакатда шариат арконларини жорий этиш.

3. Дунёвий мактабларни ёпиш ва ўғил болалар ҳамда қиз болалар алоҳида ўқитиладиган мактаблар очиш.

4. Исломий кийинишига ўтиш, аёлларнинг ҳижобда юришларини жорий этиш.

5. Намангандаги собиқ сиёсий таълим муассасалари биноларини ислом радикаллари ихтиёрига бериш ва ҳоказолар<sup>1</sup>.

Улар жами 15 та талаб асосида ҳокимиятни мияси диний радикализм билан заҳарланган кучларнинг қўлига беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Ҳокимиятнинг уларга берилиши уларнинг назарида жиҳод қилиниши лозим бўлган барча инсонларнинг – ўзга диндагиларни, ўзгача фикрловчиларни, дунёвий тараққиёт тарафдорларининг, қисқаси, кўнгилларига ёқмаганларнинг истисносиз тарзда қириб ташланишига олиб келган бўлар эди.

Шуни айтиш керакки, Ислом Каримовнинг қатъияти ва жасорати бинони бошига кўтариб бақир-чақир қилиб ётган минглаб энг ашаддий экстремистларни ҳам саросимага солиб қўяди. Мамлакатимиз раҳбари ҳаяжонга берилмасдан, улар талаб қилаётган йўл қонунга мутлақо зид экани ва ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини уқтиради, ўзининг салобати ва иродаси билан гувуллаб ётган оломоннинг шаштини сўндиришга, бехуда қон тўкилишининг олдини олишга муваффақ бўлади.

Мустақиллик арафасида талончилик, босқинчилик, гаровга олиш, таъмагирлик, ўғирлик, товламачилик, одам ўлдириш билан боғлиқ жиноятлар Наманганда ҳам авж олади. 1990 йилнинг ўн ойида вилоятда 3189 та жиноят юз берган бўлса, 1991 йилнинг май ойига (беш ой ичида) келиб бу кўрсаткич 3213 тани ташкил этади<sup>2</sup>. Ўзига тўқ оиласарнинг болаларини ўғирлаб кетиб, эвазига катта пул сўраш ҳолатлари кучаяди.

Террористик усусларни кенг қўллаган, мамлакат ҳаётини издан чиқариш ва шу орқали давлатни кучсизлантириш йўлини танлаган радикаллар 1992 йил баҳорида ўзларининг ёвуз башарасини яна бир бор намойиш қилиб, расмий ҳокимиятнинг бир неча вакилларини гаровга олишади. Кейинчалик Тожикистон ва Афғонистон худудидаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этган бу кучлар мазкур мамлакатлардаги ҳарбий лагерларда тайёргарликдан ўтиб, Ўзбекистон худудида ҳам бир қатор террористик жиноятларни содир этди.

Юқорида зикр этилганидек, дунёдаги бебаҳо бойлик бўлган тинчлик ва осоишишталикини саклаш, уни кўз қорачигидек асраш масаласи мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг фаолиятида доимо энг муҳим, энг устувор йўналиш бўлиб келмоқда. Буни ҳар хил бузғунчи кучлар, диний ва дунёвий ниқобдаги радикал оқимлар бош кўтарган ўша нотинч даврда, Ислом Каримовнинг чукур изтироб билан ўртаниб, 1992 йил 4 январь куни Олий Кенгашнинг 9-сессияси минбаридан туриб халқقا қилган мурожаатидаги бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ушбу сўzlари яққол тасдиқлайди:

<sup>1</sup> Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 190–191-бетлар.

<sup>2</sup> „Наманган ҳақиқати“ газетаси, 1991 йил 4 декабрь.

„Азиз дўстлар! Нима керак бўлса, айтинг, ҳаммасини қилиб берамиз. Лекин, азиз оналар, опа-сингиллар, отахонлар, дўстлар, укажонлар, мен Президент бўлсан ҳам сиздан тиз чўкиб сўрайман, илтимос қиласан: шу масалада ёрдам қилинг!

Ахир, Куръони Карим ҳам дўстликка, биродарликка чақиради, низо чиқаришни қоралайди.

Жанжал чиққан юртнинг худоси ҳам ундан юз ўгирап экан. Шу сабаб барака ҳам, ризқ-рўз ҳам насия бўлиб қоларкан!“<sup>1</sup>

Йиллар давомида мустақиллик сари интилиб яшаган ҳалқимиз қалбининг ўзига хос ифодаси бўлган ушбу нутқ ва маъruzalар ўша даврда фаолият юритган аксарият раҳбарларнинг чиқишиларида кузатиладиган коммунистик риторика ва демагогияядан, аравани қуруқ олиб қочишилардан мутлақо холи экани, оташин руҳи ва самимияти билан кескин ажralиб турди. Бугунги кунда тарихнинг ноёб хужжатига айланган бу чиқишилар орадан 20 йилдан зиёд вақт ўтса-да, беихтиёр одамни ҳайратга солади.

Ислом Каримовнинг вазиятга реал баҳо бериш, ностандарт қарорлар қабул қилиш борасидаги қобилияти, ҳалқимизнинг азму шижаоти, қатъий иродаси, бағрикенглиги, бунёдкорлик кучига бўлган чексиз ишончи унинг ҳар бир нутқ ва маъruzасида аниқ-равшан сезилиб турди. Улар билан танишар эканмиз, бир пайтнинг ўзида чуқур таҳдилий ва харизматик<sup>2</sup> қобилиятга эга бўлган мана шундай шахсларгина тарих тақозо этганда бутун масъулият ва жавобгарликнинг залварли юкини ўз зиммасига олишга қодир бўлиши, ҳар томонлама теран ўйлаб, узоқни кўзлаб иш кўрган ҳолда, давлат ва жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган стратегик қарорлар қабул қила олишига амин бўламиз.

Ўзбекистоннинг бутун тарихи ҳалқнинг мустақиллик учун доимий ва тинимсиз интилишидан гувоҳлик беради. Миллий-озодлик ҳаракатлари, XIX аср охирлари ва XX асрнинг 30-йилларигача бўлиб ўтган қўзғолонлар бунинг яққол кўринишлари дейиш мумкин. Улар ҳалқимизнинг озодлик йўлидаги курашлари ҳеч қачон тўхтаб қолмаганини кўрсатади.

Шу маънода, Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, „мустақил давлатлар даврасида Ўзбекистон ўзининг ўрнини эгаллади. Ўзбекистон тенглараро тент бўлди“<sup>3</sup>.

Президент Ислом Каримовнинг ҳалқимизнинг сиёсий тафаккур хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшиладиган „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китоби истиқлол туфайли асл илдизларимизга қайтиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш хукуқига эга бўлганимизни, авлодларга ибрат ва намуна бўладиган буюк ишларни амалга оширганимизни яна бир бор гуур-ифтихор билан таъкидлашга асос беради.

## ІСЛОМ КАРИМОВ НИНГ

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 20–21-бетлар.


<sup>2</sup> Харизматик — мисли кўрилмаган хусусиятларга эга бўлиш.

<sup>3</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 427-бет.

### **3-БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ ПРИНЦИПИАЛ МАСАЛАЛАРИ ТАЛҚИННИ**

#### **3.1. Ўзбекистонда асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетиши**

XX асрда 70 йилдан кўпроқ вақт ҳукмрон бўлган, дунё харитасида „Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи“ деган ном билан катта ҳудудни эгалланган, сохта коммунистик мағкурага, маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган йирик мамлакатдаги нотўғри, самарасиз ижтимоий-иқтисодий сиёсат 80-йилларнинг охирига келиб барча иттифоқдош республикалар қаторида Ўзбекистон аҳолисининг ҳам яаш шароитларини оғирлаштириб, уни кўплаб муаммолар исканжасига солиб қўйди (3.1.1-расмга қаранг).



**3.1.1-расм.** XX асрнинг 80-йиллари охирида собиқ Иттифоқда вужудга келган  
уодийларининг авуз баҳарас ижтимоий-иқтисодий муаммолар. (расмий)


Бу муаммоларнинг барчаси 80-йилларнинг охири — 90-йилларнинг бошларида ижтимоий кескинликнинг қучайишига олиб келди.

Шунингдек, Ўзбекистонда ўта кескин ва жиддий муаммолар юзага келди:

1) республикада демографик вазиятнинг мураккаблиги (3.1.2-расмга қаранг). Статистик маълумотлар таҳдили аҳоли рўйхатга олинган давр оралиғида, яъни 1979—1989 йиллар давомида республикада жами аҳоли сони 15379,4 минг кишидан 19810,0 минг кишига ёки 28,8 фоизга кўпайганини кўрсатади. Бу даврда аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,8 фоизни ташкил қилган. 1991 йилга келиб мамлакатда аҳоли сони 20,7 миллион кишидан ортиб, 1990 йилга нисбатан 386,0 минг кишига ўсган.

Бу эса Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръатлари Иттифоқ суръатларига қарандан уч баробардан зиёд юқори бўлганини кўрсатади. Бироқ, аҳолининг бундай ўсиши узоқ йиллар давомида саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида иш жойларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг ҳаёт таъминоти учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамлаб борилмади. Бу эса одамлар турмуш шароитнинг ёмонлашуви, ишсизлар сонининг кўпайиши, ижтимоий меҳнат унумдорлиги

ва аҳоли даромадларининг камайиши, пировард натижада халқ фаровонлигининг пасайишига олиб келди;



**3.1.2-расм.** Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўсиш динамикаси, минг киши ҳисобида.

2) республика иқтисодиётининг бир ёқлама, ҳаддан ташқари номақбул ихтинослаштирилиши натижасида қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда, саноатда ҳам асосан хом ашёни бирламчи қайта ишлаш тармоқлари устунлик қилиб, тайёр маҳсулот, аввало, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг улушки жуда паст эди. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг талайгина ҳажми (пахта толаси, хом ипак ва бошқа кўпгина хом ашё маҳсулотлари) республикадан олиб кетилган бир вақтда аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун 8—9 миллиард сўмликка яқин тайёр маҳсулот четдан олиб келинган. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш имконини берувчи электроника, асбобсозлик, радиотехника, мураккаб рўзгор техникаси ишлаб чиқариш каби ва бошқа кўпгина илғор тармоқлар қониқарли ривожлантирилмади. Аксинча, республикада сув кўп сарфланадиган ва зарарли ишлаб чиқаришлар асоссиз равишда ривожлантирилди;

3) ишлаб чиқарувчи кучлар ва аввало, саноат объектлари, асосан, стихияли равишида, аниқроғи, ҳар хил ўзбошимчалик, буйруқбозлик билан қабул қилинган қарорлар асосида, кўпинча илм-фан вакиллари, билимли ва обрўли мутахассисларнинг тавсиялари мутлақо эътиборга олинмай жойлаштирилди. Бу эса республика иқтисодиёти ҳамда аҳоли пунктларининг экологиясига ғоят катта зиён етказиб, аҳолининг ҳаёт таъминотига, одамларнинг яшashi ва уйғун камол топиши учун зарур шароитларни яратишга салбий таъсир ўтказди;

4) республикадаги ижтимоий аҳволнинг, одамларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишининг мутлақо қониқарсизлиги. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг канализация ва водопровод билан таъминланиши атиги 5 фоизни, ичимлик суви билан таъминланиши салкам 50 фоизни, табиий газ билан таъминланиши 17 фоизни ташкил этар эди. Аҳолини уй-жой, соғлиқни сақлаш, маданият, миший хизмат объектлари, мактаблар, болалар боғчалари ва ҳоказолар билан таъминлаш ишларида силжишлар сезилмади. Ваҳоланки, аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларида истиқомат қиласи эди (*3.1.1-жадвалга қаранг*).

**Ўзбекистон худудида аҳоли сонининг ўсиш динамикаси (минг кинни ҳисобида)<sup>1</sup>**

| Кўрсаткичлар                        | Йиллар  |         |         | 1991 йилда 1989<br>йилга нисбатан<br>ўзгариши |       |
|-------------------------------------|---------|---------|---------|---|-------|
|                                     | 1989    | 1990    | 1991    | +,-   | %     |
| Республика бўйича                   | 19810,0 | 20322,0 | 20708,0 | 898,0   | 104,3 |
| <i>Шу жумладан:</i>                 |         |         |         |   |       |
| Шаҳарда                             | 8089,3  | 8341,3  | 8405,5  | 316,2   | 103,9 |
| Қишлоқ жойларда                     | 11720,7 | 11980,7 | 12302,5 | 581,8   | 105,0 |
| Қишлоқ аҳолисининг<br>улуши, фоизда | 59,2    | 59,0    | 59,4    | 0,2   | —     |

Ўзбекистон сабиқ Иттифоқ таркибида узоқ йиллар давомида ҳукм сурган маъмурий-буйруқбозлик тизими таъсирида фақат ҳом ашё етказиб беришга асосланган, қолоқ ва мўрт иқтисодиётга эга бўлиб, бу ҳолат республика аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасига анча кескин таъсир кўрсатди.

Бу даврда республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирига тушиб қолди. Жумладан, аҳоли жон бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича иттифоқдош республикалар орасида 12-ўринни, даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан энг охирги ўринлардан бирини эгаллаб келди. Аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан 2 баробар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича 2,5 баробар, саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан 2,5 баробар, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса 2 баробар, аҳолининг ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотлари, тухум, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли бўйича 2 баробар орқада қолган (3.1.3-расмга қаранг).

Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиши, ўз навбатида, аҳолининг турмуш даражасига ҳам таъсир кўрсатиб, яшаш шароитларининг оғирлашувига сабаб бўлди. Ўша даврда кун кечириш учун ойига ўрта ҳисобда камида 85 сўм зарур бўлгани ҳолда, 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши Иттифоқ бўйича 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, Ўзбекистонда 45 фоизга еттан, яъни 8 миллион 800 минг кишини ташкил эттан. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаган, яъни ишсиз бўлган.

Ижтимоий инфратузилма тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволда бўлиб, мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилган. Бу эса ўша даврда инсоннинг ҳар томонлама уйгун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаганини кўрсатади.

<sup>1</sup> Демографический ежегодник СССР 1990. – М.: Финансы и статистика, 1990. С. 39; Население Республики Узбекистан 2001. Статистический сборник. – Т.: 2002. С. 34–35.



**3.1.3-расм.** Собиқ Иттифоқ таркибида Ўзбекистоннинг асосий ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлари даражаси.

Бундай оғир аҳволнинг вужудга келиш сабаблари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- 30-йилларнинг бошларида иктиносидётта раҳбарлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларига зўр берилиб, Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга яроқсиз ёндашувларнинг тобора кучайиб бориши;
- республикага асосан хом ашё базаси, собиқ Марказдаги саноат вазириклиари ва идораларининг мўмай хом ашё манбаи сифатида қараб қелиниши;
- ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иктисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмагани, баъзан эса бу хусусиятларнинг писанд ҳам қилинмагани;
- иктиносидий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмагани.

### **3.2. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда турмуш даражасини кўтариш чораларининг амалга оширилиши**

Собиқ тузум даврида мавжуд мураккаб муаммоларни ҳал этиш учун собиқ Иттифоқ раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган, аммо бир-бiri билан ўзаро боғланмаган турли дастур ва тадбирлар ҳам чала-ярим амалга оширилар эди. Республиkaning айrim минтақаларини ижтимоий-иктиносидий ривожлантириш соҳасида йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун Марказ томонидан амалда бирон-бир иш қилинмади.

Мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими, асосан, бюджетдан молиялаштирилар ва қатъий марказлашган эди. У даврда меҳнат шароитлари, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий таъминот кўпроқ декларатив характер касб этган, чунки маблағ ва захиралар асосан заарли, хавфли меҳнат шароитларини компенсация қилишга (қўшимча меҳнат ҳақи, имтиёзлар, имтиёзли пенсиялар ва х.к.) йўналтирилган.

Бу даврдаги ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини пасайтирувчи омилларга қўйидагилар кирган:

- тўлов ва имтиёзларнинг аҳолининг кўп тоифасига берилиши, моддий таъминланиш даражасининг деярли эътиборга олинмагани;
- моддий ёрдам олувчиларнинг фаровонликка ўз кучлари билан эришиш имкониятларини тўла инобатга олмаслик. Маълумки, бунинг оқибатида аҳоли ўртасида ижтимоий боқимандалик кайфияти, бепарволик, ташаббусизлик, жамиятнинг маргиналлашуви келиб чиқади;


— ҳудудий ва муниципал ҳокимият органлари ўртасида ижтимоий ёрдам кўрсатиш ваколатлари ва жавобгарлигининг аниқ тақсимланмагани. Бу эса, ижтимоий тўлов ва имтиёзларни тақдим этиш ва молиялаштиришда жавобгарликдан бош тортишга олиб келган.

Барча аҳолига мўлжалланган ижтимоий сиёsat ёрдамга эҳтиёжнинг кўпроқ ва камроқ даражаси каби жуда муҳим омилга нисбатан сезгириликни қўлдан бой берди. Шундай бўлиб чиқдиди, кам таъминланган фуқаролар ҳам, тўла таъминланган фуқаролар ҳам бир хилда мадад оларди. Бунинг устига, дотация жорий этилган асосий товар ва хизмат турларидан айнан шундай ёрдамга камроқ муҳтоҷ бўлган кишилар кўпроқ фойдаланиб қолиши. Ҳақиқатан ҳам, муҳтоҷ кишилар учун кам самара берган ижтимоий муҳофаза тизими беҳуда сарф-харажатларга, маблағларнинг беҳуда совурилишига сабаб бўлди.

Мустақилликка эришиш остонасида одамларнинг таъминоти, даромади, уларнинг яшаси учун зарур бўлган кундалик маҳсулотларнинг энг кам миқдори, ортиқча ишчи кучининг бандлиги каби масалалардаги мавжуд аҳвол оғир бўлган. Бунинг асосий сабаби — бу йилларда ҳар бир вилоят бўйича аниқ дастурлар, ички резервлар ҳисобидан ишни тўғри ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш, қанча миқдорда, кимга ва қачон қўшимча хом ашё ажратиш эвазига аҳволни яхшилаш имкониятлари тўғрисида амалий тадбирлар бўлмаган (*3.2.1-расмга қаранг*).

Бу даврда йилдан-йилга тобора кескинлашиб келаётган асосий ижтимоий муаммо — бу аҳоли ўртасида ишсизлар сонининг жадал равища ўсиб бориши эди. Собиқ Иттифоқ раҳбарлари республикадаги бу муаммога эътибор қаратмас, айниқса, қишлоқ жойлардаги ишсизлик одамларнинг тинка-мадорини куритиб борарди. Қишлоқларда янги иш ўринларини яратиш имкони деярли йўқ, сабаби — республиканинг барча вилоятларидаги, хусусан, Фарғона вилоятидаги барча ер майдонлари ишдан чиқсан, ернинг жони сўриб олинган эди. Натижада меҳнатни ташкил этишнинг янги усуслари бўлган оиласидан пудрат ва бошқа хўжалик юритиш шаклларини, ерни дехқон ихтиёрига берадиган кўплаб тадбирлар жорий этилган тақдирда ҳам қишлоқда яшаётган одамларга тўғри келадиган қўшимча даромад миқдорини ўзгартириш қийин бўлган. Бунга мисол тариқасида Қашқадарё вилоятини олиш мумкин. Аҳолини Қарши чўлларига ташкилий равища кўчиришнинг бутун даври мобайнида у ерга 600 та оила кўчиб борган, холос. 1989 йилга қадар улардан 40 та оила яшаб қолган. Бунинг асосий сабаби — аҳолининг ишлаши учун муносиб иш ўринлари яратилмаганида.

„Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобида ана шундай муаммолар билан бирга, уларнинг ечими ҳам кўрсатилади. Иш ўринларини яратиш учун ишлаб чиқариш таркибини шундай қайта қуриш зарурки, одамлар ўзлари яшаётган жойдан узоқча кетмасдан, самарали меҳнати ҳисобидан керакли даромадга эга бўлсин. Шу ўринда дунёда аҳолиси энг кўп бўлган Хитойни мисол тариқасида оладиган бўлсак, у ерда саноат маҳсулотларининг 40 фоизи қишлоқ жойларда ишлаб чиқарилмоқда, деб таъкидланади китобда. Бу мамлакатда йирик корхоналар қуришмайди, одамлар эса бир вақтнинг ўзида шахсий хўжалик билан



**3.2.1-расм.** Мустақилликка эришиш арафасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими.

шуғулланиб, яшаш жойидан узоқ бўлмаган ерда қўшимча даромад манбаига ҳам эга бўлади, деб қайд этади муаллиф.

Бу фикрларнинг давомини ўқиймиз: „Айтиш керакки, Хитойда аҳолининг сони бизнигiga қараганда бир неча баробар кўп. Лекин Хитой қандайдир йўлларни топиб, бу муаммоларни муваффақиятли ҳал этмоқда. Ўзингиз эътибор беринг, бугунги кунда Хитой қандай суръатлар билан ривожланмоқда, халқининг ҳаёт даражаси ўсиб бормоқда“<sup>1</sup>.

Маълумки, бу сўзлар айтилган пайтда Фаргона водийсида ишчи ўринларини яратиш масаласи жиддий муаммо бўлган. Водийда жойлашган айрим тармоқларда, айниқса, енгил саноатда бўш иш ўринлари жуда кўп бўлишига қарамасдан, одамларни ишга жойлаштириш қўйин бўлган. Бунга ушбу тармоқлар учун бевосита жавобгар бўлган, лекин бу масалаларни кимдир четдан келиб ҳал қилиб беради, деган хомхаёл билан юрган одамларнинг масъулиятсизлиги сабаб бўлган.

Фаргона вилояти аҳолисининг ҳаёт даражасини ва ишга яроқли аҳолининг бандлигини ошириш бўйича дастурни ишлаб чиқиши зарур эди. Китобда эътибор қаратилган яна бир муҳим муаммо шуки, мустақилликка эришиш остонасида маҳаллий органлар раҳбарлари жон бошига қанча даромад тўғри келиши ва умуман, одамларнинг қандай ҳаёт кечираётгани, бундан кейин шундай паст даромадлар билан яшаш мумкин эмаслигини билмаган. Ўша йиллари пенсионер, колхозчи ойига бор-йўғи 42 сўм олган.

Шу билан бирга, 1990 йили республикада аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари 571, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул даромадлари эса 551 АҚШ долларини ташкил этган. Айтиб ўтиш жоизки, бу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон собиқ Иттифоқдаги мамлакатлар орасида энг охирги ўринларда турган.


<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 36-бет.



**3.2.2-расм.** 1990 йилда Ўзбекистонда аҳоли ялпи харажатларининг таркиби, фоиз ҳисобида.

Бундан ташқари, мустақилликка эришиш арафасида аҳолининг даромадлари кам бўлгани туфайли унинг асосий қисми истеъмол харажатларига сарфланган (3.2.2 ва 3.2.3-расмларга қаранг).

Айтиш жоизки, мустақилликка бўлган даврда одамлар икки тоифага ажратилган. Ишга жойлашишни истаётган одамларни қандайдир маҳфий кўрсатмалар борлиги учун арзимаган важларни рўкач қилиб, ортига қайтариб юборишган. Қишлоқдан келган одамларни шаҳарларда ишга олишмаган, аммо республикамизнинг ташқарисидан келганлар эса ишга қабул қилинган.



**3.2.3-расм.** 1990 йилда Ўзбекистонда аҳоли истеъмол харажатларининг таркиби, фоиз ҳисобида.

Ўзбекистон бюджети катта камомад билан яқунланаётган ва бундай камомад тобора ўсиб бораётган бир шароитда собиқ Иттилоқ раҳбарлари республикани 1991 йилдан бошлиб хўжалик ҳисобига ўтишга мажбур қила бошлади. Ҳолбуки, ўша даврда республика бюджетининг ҳам, маҳаллий бюджетларнинг ҳам даромад қисми базаси ўта заиф бўлиб, нарх-наво ошиб бораётган бир вазиятда харажатларни қоплаш имконини бермас эди.

Мамлакатимиз раҳбари ўша даврда вужудга келган аҳволдан чиқиш йўли сифатида қуидагиларни белгилаб берди:

— ишларнинг аҳволига холис баҳо бериш, республикадаги вазиятни соғломлаштиришнинг конкрет ва аниқ-пухта дастурини ишлаб чиқиш;

— ҳаётнинг барча соҳаларида қатъий тартиб ва интизом ўрнатиш, раҳбар кадрларни жой-жойига түғри қўйиш, уларга нисбатан талабчанликни ошириш.

Республикамиздаги вазиятни чинакамига ўнглаш, юртдошларимизнинг ҳаётга қарашини, бугунги ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш учун аввало, уларнинг иқтисодий, моддий аҳволини яхшилаш заруратини чукур англаган Президентимиз ўша даврда аҳоли учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жуда катта бир масалани — одамларга томорқа ер бериш масаласини кун тартибига қўйди. Ушбу масаланинг нақадар муҳим аҳамият касб этишини қуидаги ҳолатлар орқали ҳам тасаввур қилиш мумкин эди:

— республика қишлоқларида ери йўқ оиласар сони — 240 минг нафар;

— уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кенгайтиришга муҳтож ҳовлилар сони — 1,8 миллиондан кўпроқ;

— фақат Тошкент шаҳрида ер участкаси олиш учун навбатда турган оиласар сони — 92 минг нафардан иборат эди.

Бунинг устига, шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типидаги посёлкаларда ер йўқлиги сабабли меҳнаткашларнинг якка тартибда уй-жой қуришга, жамоа равишда боғдорчилик қилиш ва полизчилик билан шуғулланишга имкони йўқ эди.

Замонавий шаҳарда, айниқса, Тошкент каби азим шаҳарда яшаш шунчаки истиқомат қилишни билдирамайди. Ҳар бир оила учун алоҳида квартира ёки шахсий уй бўлиши зарур. Октябрь, Собир Раҳимов, Киров районларида 600 минг киши яшаб турган хонадонлар урушдан аввал қурилган бўлиб, шу қадар пуртурдан кетиб қолган эдики, уларни таъмирлашнинг ҳам иложи бўлмаган (2 миллион квадрат метрга яқин майдонда мана шундай уйлар бўлган). Бу хонадонларда марказий иситиш тизими, водопровод, газ ва канализация йўқ, икки-уч хонада бир неча оила яшаб турган, киши бошига 2–3 квадрат метр турар жой тўғри келган. Агар Тошкентда ўрта ҳисобда киши бошига 14,2 квадрат метр турар жой тўғри келса, эски шаҳар қисмida бу рақам икки баробар кам бўлган. Қарийб 7 минг оила шундай яшаганки, ҳар бир оила аъзосига салкам 5 квадрат метрдан камроқ майдон тўғри келган. Бу — энг оддий ҳаёт таъминоти шартларига ҳам яқинлашмайди.

Катта шаҳарнинг нормал турмушини аниқ-пухта озиқ-овқат таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Дўконлар ва бозорлардаги аҳвол меҳнаткашларнинг, бутун Тошкент аҳлининг ҳақли равишда норозилигини туғдирган. Агар аҳолини гўшт-сут маҳсулотлари билан таъминлашдаги узилишларни бир амаллаб тушунтириб бериш мумкин бўлса, шаҳrimiz бозорларида мева ва сабзавотларнинг нархи Сибирь ҳамда Узоқ Шарқ даражасида эканини мутлақо оқлаб бўлмас эди.

Масалани бир қадар енгиллаштириш учун республика матлубот кооперацияси Тошкент шаҳрининг барча районларида мева-сабзавот бозорларини уюштирган, бундай бозорларда 30 минг тоннадан кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотилган. Бундан ташқари, „Ўзбекбирлашув“, шаҳардаги тегишли идораларнинг куч-ғайрати билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келишилган нархларда сотадиган 53 та дўкон қисқа муддатда қуриб, фойдаланишга топширилган. Мева ва сабзавотни сақлаш ва қайта ишлаш базасини мустаҳкамлаш учун катта тадбирлар кўрилган. Хитой Халқ Республикасидан кўшимча тарзда картошка сотиб олинган.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи аҳолига боғдорчилик-узумчилик учун ажратиб берилган участкалар кўпайиб борган. Бу, ўз навбатида, озиқ-овқат таъминотини анча яхшилашга ва кишиларнинг бўш вақтини фойдали ишларга сарфлашта, одамларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Одамлар бирон-бир талаб-эҳтиёжини – хоҳ гўшт ёки қанд-шакар, спиртли ичимлик ёки совун бўлсин, шу нарсалар билан таъминлашдаги қийинчиликларни маълум бир вақтгача тушуниши, бунга қаноат қилиб туриши мумкин. Аммо улар ўзларининг хавфсизлигидан маҳрум бўлганини тушуна олмайди, бунга тоқат қила олмайди. Оиланинг, фарзандларнинг, яқин кишиларининг ҳаёти ва соғлиги, уй-жойнинг дахлсизлиги сақланишига, неча ўн йиллар мобайнидаги меҳнат туфайли ортирилган бисотининг бус-бутун қолишига ҳеч нарса кафолат бермаса, улар қандайдир безори, экстремист гурухларнинг тазиёки остида вайрон бўлса, маъмурлар инсон шахси ва ҳаётининг дахлсизлигини таъминлашмаса, буни биронта ҳам соғдил, вижданли киши қабул қила олмайди.

Мустақиликка эришиш остонасида республикамизда одамларнинг ҳаёт таъминоти муаммолари йиғилиб қолган ва улар ниҳоятда ўтқир тус олган эди. Фуқаро ҳокимиётдан кутаётган энг асосий нарса – ҳар бир одамнинг ишга, уй-жойга эга булиши, озиқ-овқат, кийим-кечак, нормал турмуш ва дам олиш, фарзандларни тарбиялаш учун маблағ ишлаб топа олиши билан боғлиқ эди. Бу даврда дўконларда ҳаётий зарур маҳсулотлар турмаган, ҳалол меҳнат билан ишлаб топилган пулга энг оддий нарсаларни ҳақоратли тарзда, навбатларда узоқ туриб, чайқов нархларда сотиб олишга одамлар мажбур бўлган.

Юртимизда 1989 йил 17 августда „**Қишлоқда яшовчи ҳар бир оиласи томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой куриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида**“ қарор қабул қилинди. Қарорда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртacha 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди.

Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989–1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оиласи қўшимча ер ажратилди, 700 минг оиласи янги томорқа ерлари берилди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу мураккаб масалага ана шундай оқилона ёндашув туфайли Ўзбекистон бўйича минг-минглаб одамлар уй-жойли, ишли бўлди, бозорларда маҳсулот кўпайиб, нарх-наво арzonлашди, энг муҳими, ижтимоий кескинликнинг олдини олишга эришилди.

Бундан ташқари, юз минглаб гектар суғориладиган ер техник экинлар оборотидан чиқарилди, пахта етиштириш режаси 700 минг тоннага камайтирилди. Бу – пахта яккаҳоқимлигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий қадам эди.

Президентимиз қишлоқ жойларда аҳоли учун томорқа ерлар ажратишни кенгайтириш масаласига анча кенг қараб, ушбу тадбир орқали кўплаб муҳим масалаларни ҳал этишни, жумладан, озиқ-овқат дастурини бажаришни кўзда тутган эди. Шахсий хўжаликдаги ернинг бир гектари жамоат секторидагига нисбатан тўрт баробар кўп самара берарди. Шахсий ёрдамчи хўжаликнинг бир гектаридан олинаётган самара 12,5 минг сўмни, ижтимоий секторда эса атиги салкам уч минг сўмни ташкил этарди.

Республикада ҳайдаладиган ерларнинг атиги 5 фоизи шахсий ёрдамчи хўжаликларга берилган, улар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тўртдан бир қисмини ишлаб чиқаришмоқда эди. Етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 26 фоизи, шу жумладан, гўштнинг 49 фоизи, сутнинг 65 фоизи, жуннинг 66

фоизи ва сабзавотнинг 43 фоизи шахсий томорқалар ҳиссасига тўғри келади. 1990 йилнинг ўзида якка хўжаликларда етиширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумий ҳажми 300 миллион сўмдан ошганлигининг ўзи ер масаласидаги қарорнинг аҳамиятини яққол намоён этади.

Иккинчидан, бу қарор уй-жой дастурини ҳал этишга ёрдам берди. Якка тартибда уй-жой қуриш ўз салмоғига қўра Уй-жой дастурида 60 фоиздан кўпроқни ташкил этиб, ўша даврда бу кўрсаткич 89–90 фоиз атрофида бажарилган. Аҳолига ер участкалари, пул ссудалари ва зарур қурилиш материаллари ажратиб бериш мазкур жараённи анча тезлаштиради.

Учинчидан, мазкур қарор ишсизлик муаммосини ҳал этишда қўл келади. Масалан, Фарғона вилоятидаги мавжуд 149 та жамоа ва давлат хўжалигининг ҳар бирида аҳоли билан шартнома асосида уй-жой қурувчи 50–60 кишилик қурилиш бригадасининг тузилиши эвазига 7,5 минг кишини иш билан таъминлаш имконияти туғилди. Хоразм вилояти хўжаликларида фишт, дурадгорлик буюмлари ва бошқа нарсалар тайёрлайдиган ёрдамчи корхоналарнинг бунёд этилиши қурилиш материаллари тақчиллигини бартараф этиш билан бирга, уч йил мобайнинда ишлаб чиқаришга қўшимча тарзда 2,5 минг кишини жалб этиш имконини берди. Бу одамларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишнинг тўғридан-тўғри йўли эди.

Тўргинчидан, аёлларнинг иш билан бандлиги муаммосини ҳал этиш имкони туғилди. Аёллар ижтимоий-фойдали меҳнат билан банд бўлмаган аҳолининг анчагина қисмини ташкил этиб, кўп болали оилаларда улар болалар тарбияси, рўзгор юмуши билан банд эди. Аёлларнинг ўз томорқаларида хўжалик билан расмийлаштирилган шартнома, меҳнат стажи ҳисоблаш ва кейинчалик пенсия тайинлаш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириши уларнинг оилалари манфаатларига мос келадиган иш бўлди.

Бешинчидан, ижтимоий-сиёсий барқарорлик масаласи ҳал этилди. Маълумки, ишсизлик, бекорчилик жамият учун заарли хатти-ҳаракатларга, жиноятлар содир этилишига сабаб бўлади. Шунга қўра, аксариятидининг касб-ҳунари йўқ, меҳнат қилиш кўникумасига эга бўлмаган ёшларга ер участкаларининг ажратиб берилиши уларни меҳнат қилишга рағбатлантириди, ёшларда ерга эгалик ҳисси, меҳнат кўникумалари шаклланди. Ўша даврда республикамиз қишлоқларидаги ҳар беш хонадоннинг бирида бирорта ҳам чорва моли, 37 фоизида сигир, ярмисида қўй боқилмагани мазкур муаммонинг ўша даврда нақадар долзарб бўлганини кўрсатади.

Президентимиз қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш даражаси нисбатан пастлиги, яшаш шароитининг оғирлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотидаги қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда муҳим бир таклиф – ҳар бир оилани сигир билан таъминлаш масаласини қун тартибига қўйди. Ушбу тадбирни узокқа чўзмай, 1991 йилнинг ўзида қишлоқда яшовчи барча оилаларни сигир билан таъминлашга эришишнинг қуйидаги йўлларини кўрсатиб берди:

- мол сотиб олиш учун маҳсус кредит бериш;
- жамоа подаларидан ҳар бир оиласага бузоқ топшириш шарти билан, имкони бўлса, ҳатто шу шартсиз ҳам текинга сигир бериш.

Мамлакат аҳолисининг фаровонлигини ошириш ва меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг самарали кафолатлари ҳақида сўз кетар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўзбекистон Президентининг „Жумхурият аҳолиси шахсий хўжаликларидаги моллар ва паррандаларни ем-хашак билан таъминлаш ва уларга чорва маҳсулотлари етиширишни кўпайтириш тўғрисида“ги 1990 йил 10 майда имзоланган фармонини бажаришга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинди. Шу асосда 1990 йилнинг 1 июлядан бошлаб жамоа ва

давлат хўжаликлари аҳолига сотадиган пичан ва ширави озуқаларни ем-хашак тайёрлаш режасига қўшиб ҳисоблай бошлади. 1990 йилда шахсий хўжаликларга сотиш учун давлат ресурсларидан 400 минг тонна омухта ем ва 60 минг тонна кунжара, 75 минг тонна чигит пўстлоғи, 3,8 минг тонна пуч чигит ва 100,9 минг тонна пиво чиқитлари ажратилди. Жамоа ва давлат хўжаликларига улар аҳолига сотадиган пичан ва ширави озуқаларни етиштириш ва тайёрлашга қилган сарф-харажатларнинг 50 фойзи тўланди<sup>1</sup>.



#### 3.2.4-расм. Кишлоқда яшайдиган одамларни иш билан таъминлашнинг асосий йўналишлари.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шунга ўхшаш тадбирларнинг ҳаммаси республика аҳолисига, энг аввало, қишлоқ аҳлига жуда маъкул бўлди. Дарҳақиқат, шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун ва якка тартибдаги уй-жой қуриш учун бериладётган ернинг кўпайтирилиши, шу мақсадда ссудалар ҳажми ва қурилиш материалларини сотишнинг кўпайиши шундай тадбирлар сирасига киради.

Шунингдек, қишлоқда яшайдиган одамларни иш билан таъминлаш борасида бир қатор асосий йўналишларга эътибор қаратиш зарурлиги белгилаб берилди (3.2.4-расмга қаранг).

Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш республика дастурини амалга ошириш учун биринчи навбатда маблағ ва моддий ресурсларни сарфлаш ҳақида ҳукумат қарори қабул қилинди. Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш чоралари белгиланган республика дастурининг бажарилиши:

— 1990 йилда 2200 километрлик сув ва 3000 километрга яқин газ тармоқлари ишга тушди. Бу эса яна 270 минг аҳолини ичимлик суви билан, 120 минг оилани эса газ билан таъминлаш имконини берди;

— 1991 йилда қишлоқларда 4 минг километрдан кўпроқ газ тармоқларини қуриш керак эди. Яна 200 минг хонадон газ билан таъминланиши, 5,5 минг километрлик ичимлик суви қувурлари ишга туширилиши белгиланди. Хуллас, қишлоқ

<sup>1</sup> Шарипов Р.Ш. Ижтимоий ва иқтисодий кафолатлар. – Т.: „Ўзбекистон“ 1991. 7–8-бетлар.

жойларда ижтимоий инфратузилма объектлари курилиши учун 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шунингдек, аҳолининг, энг аввало nochорлар, ногиронлар, ўқувчи ва студентлар, кўп болали оиласлар ва бошқа даромади кам одамларни ижтимоий ҳимоялаш учун республика хукумати маҳсус қарор қабул қилди. Бу қарорда аҳолининг нархнаво ошиши муносабати билан кўрадиган заарини қоплаш кўзда тутилган эди. Бундан ташқари, миллӣ хусусиятларимиз ва минтақамизнинг ўзига хос шартшароитлари ҳам ҳисобга олинди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича барча тадбирларни амалга ошириш учун 16 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Ишлаётганларга бир ойда 60 сўмдан, ишсиз нафақа оладиганларга 65 сўмдан пул тўланди. Болали оиласлар учун мавжуд нафақалар миқдори салкам икки баробар ошди. Бундан ташқари, бола туғилганда бир марта бериладиган нафақа 250 сўмга, ишлаётган оналарга болаларига қараш учун бериладиган нафақа эса 70 сўмдан 110 сўмгача қўпайди. Болаларга мўлжалланган товарларнинг нархи ошиши сабабли балоғатта етмаган болалари бўлган оиласларга ҳам пул ёрдами белгиланди. Олий, ўрта маҳсус ҳунар-техника ўқув юртлари талабаларига бериладиган ўқув стипендиялари, уларнинг оиласларига аҳволи ва дарсларни ўзлаштиришига қараб, 120 сўмдан 210 сўмгача белгилаб берилди. Шундай қилиб, ўрта ҳисобда уч кишидан иборат оила 250 сўм, олти кишилик оила 400 сўм, тўқиз кишилик оила эса 600 сўмдан кўпроқ қўшимча маблағ олиш имконига эга бўлди.

Республикада ун, нон ва макарон маҳсулотларининг нархини оширмаслик, аҳолининг айрим табақалари учун шаҳар транспортидан бепул фойдаланиш каби тадбирлар ўз кучида қолиши белгилаб қўйилди. Ҳукумат томонидан республика миқёсида маҳсус комиссия тузилди. Қоплама маблағлар ва нафақаларни аҳолининг турли табақалари ўртасидаadolatli тақсимлаш йўл-йўриқлари ишлаб чиқилиб, жойларга юборилди.

Халқ депутатлари маҳаллий советлар ижроия қўмиталари, вазирликлар ва бошқа ташкилотларга аҳолига бу маблағларни ўз вақтида кечиктирмай тарқатиш ҳақида кўрсатмалар берилди. Жойлардаги давлат банк бўлинмалари зиммасига бу жиддий масалани тўхтовсиз ва узлуксиз ташкил қилиш вазифаси юклатилди.

Ушбу чора-тадбирлар, айниқса, республикамиздаги кўп фарзандли оиласларни ижтимоий ҳимоя қилишда янада кўпроқ аҳамият касб этди (3.2.1-жадвалга қаранг).

### 3.2.1-жадвал

#### 1989 йили Ўзбекистонда ижтимоий гуруҳлар бўйича оиласларни тақсимланиши (фоиз ҳисобида)<sup>1</sup>

| Ижтимоий<br>гуруҳлар | Жумладан, оиласлар: |                  |                  |                  |                                 |
|----------------------|---------------------|------------------|------------------|------------------|---------------------------------|
|                      | 1-2<br>фарзандли    | 3-4<br>фарзандли | 5-6<br>фарзандли | 7-9<br>фарзандли | 10 ва ундан<br>кўп<br>фарзандли |
| Хизматчи             | 39,0                | 44,2             | 11,3             | 5,5              | —                               |
| Ишчи                 | 30,7                | 34,2             | 25,0             | 7,9              | 2,2                             |
| Колхозчи             | 28,0                | 37,3             | 19,0             | 10,3             | 5,4                             |
| Үй бекаси            | 29,1                | 34,1             | 22,0             | 9,2              | 5,6                             |

<sup>1</sup> Демографический ежегодник СССР 1990. – М.: Финансы и статистика, 1990. С. 41.

Жадвалдан кўриниб турибдики, кўп фарзандли оилаларнинг асосий қисми ишчи, колхозчи ва уй бекаларига тўғри келган. Бу эса мазкур ижтимоий гурӯҳлардаги аёлларнинг меҳнатини янада оғирлаштирган. Шундан келиб чиқиб, аёлларни оғир меҳнатдан холи қилиш, уларга қисқартирилган иш куни белгилаш, кундалик турмуш учун бекаму кўст маданий-маиший шароитлар яратиб, бу борадаги камчиликларга барҳам бериш Президентимизнинг диққат марказида бўлган.

Ҳозирги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилаётгани Президентимизнинг мустақилликка эришиш остонасида турган кезларимиздаёқ бундай сиёсатнинг тамал тоши қўйгани натижаси эканини китобдаги ана шундай кўплаб фактик ва аналитик материаллар асосида чуқур англаб етамиз.

### **3.3. Мустақилликка қадар ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишида вужудга келган чуқур номутаносибликлар ва уларни бартараф этиш чоралари**

Республика иқтисодиёти бир ёқлама тарзда, фақат хом ашё етиштирадиган ҳолга тушиб, комплекс ривожланиш йўлига, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ўтказилмагани ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносибликларда намоён бўлади (3.3.1-жадвалга қаранг).

3.3.1-жадвал

#### **Ўзбекистон ССРда ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносибликлар**

| Кўрсаткич  | Миқдори           |
|--|-------------------|
| Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуси  | 50 фоиз           |
| Қайта ишланмасдан, республика ташқарисига чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг улуси   | 80 фоиздан кўпроқ |
| Республикадан олиб кетилаётган маҳсулот таркибида хом ашё, материаллар ва чала тайёр маҳсулотлар улуси   | 65 фоиздан кўпроқ |
| Республикага келтирилаётган товарлар таркибида саноат маҳсулотлари (машиналар, асбоб-ускуналар, енгил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари) улуси | 60 фоиз           |

Совет даврининг кейинги ўн йилларни мобайнида иқтисодиётни ривожлантиришда хом ашё ва чала тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва четга юбориладиган, меҳнатни нисбатан камроқ талаб қиласидиган хом ашё тармоқларини ривожлантиришга устувор аҳамият берилиши ушбу номутаносибликларни янада кучайтирди (3.3.1-расмга қаранг).



**3.3.1-расм.** Ўзбекистонда 1940–1990 йилларда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида айrim саноат тармоқлари улушкининг ўзгариши, фоизда.

Диаграммадан кўринадики, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши кейинги 50 йил ичидаги 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноатнинг улуши 30 фоиздан 14 фоизга тушиб қолган, машинасозликнинг улуши атиги 7 фоизга ўсиб, 16 фоизни ташкил этган. Қисқарган тармоқлар ўрнига ёқилғи саноати, кимё ва нефть кимёси, қора ва рангли металлургия, яъни хом ашё тармоқларининг улуши анча кўпайди. Бу эса меҳнатга лаёқатли аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш жараёнларини янада пасайтириб юборган. Чунки 1 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларига иш билан таъминлаш даражаси турлича бўлиб, айрим соҳаларда меҳнатталаблик қўлами ҳатто 300–400 кишига қадар этиши мумкинлиги ҳисобга олинмаган (3.3.2-жадвалга қаранг).

### 3.3.2-жадвал

#### **Собиқ Иттифоқ таркибидаги Ўзбекистон иқтисодиётидаги турли тармоқларда бир миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳисобига иш ўринларининг ташкил этилиши**

| Тармоқлар                                | Иш ўрни, киши |
|--|---------------|
| Ёқилғи саноати ва электр энергетикаси    | 9             |
| Кимё саноати                             | 16            |
| Нефть кимёси                             | 18            |
| Қора металлургия                         | 34            |
| Рангли металлургия                       | 24            |
| Енгил саноат                             | 168           |
| Ёғочсозлик саноати                       | 143           |
| Машинасозлик                             | 112           |
| Озиқ-овқат саноати                       | 90            |
| Кўп меҳнат талаб қиладиган айрим соҳалар | 300 – 400     |

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларини таркиб топтириш ва ривожлантиришда қатор нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилди. Жумладан:

— республика машинасозлик комплекси фаолияти пахтачилик, пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқариш билан чекланиб, мураккаб уй-рўзгор техникаси, йўл куриш машиналари, пластмасса буюмлари, озиқ-овқат саноати жиҳозлари, савдосотиқ ва майший хизмат соҳаси учун керакли асбоб-ускуналар деярли ишлаб чиқарилмади;

— кимё соҳасининг ривожланишида йирик корхоналарга афзаллик берилиши республикадаги экологик вазиятни жуда ёмонлаштириб юборди;

— йирик кимё корхоналари нитрон, ацетат, капролактам сингари дастлабки қайта ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиб, уларнинг маҳсулотлари ҳам асосан республикадан ташқарига чиқаришга мўлжалланди.

1990 йили Ўзбекистонда саноат ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминлангани республикадан ташқаридаги кўплаб мутахассис ва сиёsatчиларда қизиқиши уйғотди. Республикамиз раҳбари ўзига хос мураккаб шароитларда эришилаётган муваффақиятларнинг сабабини ўйлаб қўйилган режаларни қатъият ва изчилик билан адо этишда, деб кўрсатиб берди. Республикадаги раҳбар кадрларнинг амалий ҳаракат қилиши, айниқса, „Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг“ деган қоидага амал қилиниши ҳокимиятда бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олди.

Президентимиз „Комсомольская правда“ газетаси мухбири саволларига берган жавобида биринчи маротаба советларнинг юксак минбаридан Ўзбекистонда 9 миллиондан зиёд киши бечораҳол кун кўраётганини, аҳолининг 47 фоизга яқинини алоҳида шарт-шароитга муҳтож болалар ташкил этишини, республикада ўлим

кўрсаткичи мамлакат бўйича жуда юқори даражада бўлиб қолаётгани тўғрисидаги ҳақиқатни айтгани, бу эса одамлар ўртасида янги раҳбарга нисбатан ишонч туйгусини мустаҳкамлаганини таъкидлади.

Республикамиз раҳбари ўз вазифасини бошлаган даврдан ҳар бир жамоа ва давлат хўжалиги етиштириладиган пахта ҳажмини, аввало, ўзининг иқтисодий манфаатларидан, ўз даромадларидан келиб чиқиб, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиб, ўзи белгилашини, шунга кўра 1990 йилда 1988 йилдаги 1710 минг тонна ўрнига 1500 минг тонна пахта толаси, яъни 210 минг тонна кам тола харид қилиш режалаштирилганини қатъий кўрсатиб берди. Шунингдек, ҳал қилиниши республикамизнинг деярли бутун аҳолиси манфаатлари ва фаровонлигига таъсир кўрсатувчи муаммо – пахта нархини қайта кўриб чиқиш масаласини ўз масъулиятига олди. Ҳолбуки, ўша даврда бу муаммони ҳал қилиш учун камида 1,5 миллиард сўм талаб қилинар эди.

Бироқ, ўша даврда собиқ Иттифоқ раҳбари яти Президентимизнинг ўз ҳалқи манфаатини ўйлаб қилаётган бу каби ҳақли талабларга қулоқ солишини истамас эди. Бу борада Юртбошимизнинг „Мен узил-кесил қилиб: пахта етиштиришни 700 минг тоннага қисқартирамиз, дедим. Бу 250300 минг гектар ер, деган гап. Иттифоқ маҳкамаларида, Давлат план комитетида масалани сиз нимани истасангиз, ёзib қўяверинг, мен барибир бажармайман, деган қабилда ўртага кўйдим. Биз сўнгти нуқтага ўтганимизни тушунишганидан кейин бу масалаларни ечишга ёрдам бериша бошлашди. 165 минг гектар майдон одамларга бўлиб берилди, дехқонларнинг томорқалари қарийб икки баробар кўпайди. Одамларда қизиқиш пайдо бўлди“, деган сўzlари бу борадаги ҳар бир жараённинг ўта зиддиятли, қизғин ва тортишувлар асосида ўтганидан дарак беради.

Республика иқтисодиёти таркибий тузилишининг янада такомиллаштирилиши ташқи иқтисодий имкониятлар самарадорлигини оширишни ҳам тақозо этиб, бу борадаги қуидаги муаммо ва вазифаларни ҳал этиш муҳим ўрин тутар эди:

– ташқи иқтисодий имкониятлар самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи иқтисодиётдаги чуқур структурали ўзгаришларнинг сустлигига барҳам бериш. Фақат 160 та корхона ўз маҳсулотини хорижга чиқариб, асосан, хом ашё ва материаллар экспорт қилмоқда. Чет эл фирмалари иштирокида атиги 14 та қўшма корхона ташкил этилган;

– кўплаб корхоналарнинг чет эл бозорига чиқиш соҳасида берилган имкониятдан тўғри фойдаланмаётгани;

– ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштиришни кучайтириш мақсадида тузилган республика Ташқи иқтисодий банки (Внешэкономбанк), ташкил этилаётган Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва чет эллар билан алоқа давлат комитети барча меҳнаткашлар меҳнати эвазига кўлга киритилган валютани республиканинг ҳаётий муҳим манфаатларига, унинг бутун аҳолисига хизмат қилишини таъминлаши;

– ҳалқаро муносабатлар соҳасидаги конституцион ҳукуқларнинг тўла-тўқис амалга оширилишини республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ҳал қилувчи мезонга айлантириш.

### **3.4. Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган стратегия асослари**

Мамлакатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги стратегияга қуийдаги ёндашувлар асос қилиб олинишини белгилаб берди:

– минтақамиз тараққиётининг тарихий асослари, оқилона мантиқ эътиборга олинмай, маъмурий-буйруқбозлиқ усуллари тазиикни остида шаклланган қарашларнинг ҳаммасига барҳам берилиши керак;

— минтақамиз тараққиётининг истиқболларига аввало республика аҳолисининг манфаати нуқтаи назаридан қарамоқ керак.

Республикани иқтисодий мустақиллик йўлига олиб чиқиш, уни инқироз гирдодидан чиқариш вазифаларини ҳал этишда Ўзбекистон ресурслари ва имкониятларига баҳо беришга мутлақо янгича ёндашиш зарурлиги, мавжуд имкониятларни Иттифоқ ва жаҳон бозори учун қанчалик жозибали экани нуқтаи назаридан кўриб чиқиш кераклиги таъкидланди:

— б и р и н ч и д а н , республиканинг ажойиб табиий иқлим шароитларидан самарали фойдаланиш, етиштирилиши лозим бўлган энг фойдали ва даромадли экинларни аниқлаб олиш;

— и к к и н ч и д а н , мавжуд 500 минг гектар жуда шўрхок ва ўртача шўрхок ерларнинг ирригацион ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига эътиборни кучайтириш;

— у ч и н ч и д а н , Ўзбекистоннинг газ конденсанти, кўмирга бўлган талаб-эҳтиёжини тўла-тўқис таъминлаш, яқин вақт ичида нефть қазиб олишни 3–4 баробар кўпайтириш, Қизилқумда фосфоритларнинг жуда катта конини ўзлаштириш, рангли ва қимматбаҳо металларнинг жуда катта ресурсларидан республика манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш;

— т ў р т и н ч и д а н , республиканинг энг катта бойлиги бўлган унинг меҳнат-севар ҳалқи учун кенг имкониятлар яратиш сингари бу борадаги муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилди.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари ҳалқимиз ҳаётини муносиб даражага кўтариш учун мавжуд ресурс ва бойликлардан фойдаланиш йўлларига алоҳида эътибор қаратди (*3.4.1-расмга қаранг*).

Ўша даврда Ўзбекистонда истеъмол қилинаётган кийим-кечакларнинг 25 фоизи, трикотаж буюмлар ва ип газламанинг 30 фоиздан кўпроғи, пойафзалнинг деярли 50 фоизи четдан келтирилар эди. Президентимиз ўз фаолияти бошиданоқ республикамизнинг ҳалқ истеъмоли моллари жиҳатидан бундай қарамлигини тугатиш учун шароитларни яратишга катта эътибор қаратди. Жумладан:

— енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришнинг ташиб келиш ва четга чиқариш балансларига асосланган конкрет дастурларини ишлаб чиқиш;

| Иқтисодиётнинг таркибий тузилмасини тубдан ўзгариши  | Минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ҳолатини тенглаштириш учун қатъий чоралар кўриш   |
|--|---|
| Хом ашё ресурсларини асосан республика ҳудудида қайта ишлашга эришиш, хусусан, ўзимизда қазиб олинадиган рангли металлар, нитрон, капролактам, бинокорлик материаллари ва ҳоказолардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш | Миллий даромадни ошириш, бюджетни барқарорлаштириш ва ўстириш, одамлар турмуш шароитини яхшилаш учун реал шартшароит яратиш мақсадида вужудга келаётган товар конъюнктурасини изчиллик билан ҳисобга олиш |
| Кичик корхоналар, филиаллар ва цехларни ривожлантириб, уларни иш кучи ортиқча районларга жойлаштириш   | Туман марказларида, кичик шаҳар ва посёлкаларда кўп тармоқли саноат комбинатлари куриш  |
| Бадиий-амалий санъат ва ҳалқ ҳунармандчилиги сингари унтутилган соҳаларни қайта тиклаш, аҳоли учун зарур моллар, маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқариши кентгайтириш  |   |

**3.4.1-расм.** Ҳалқимиз ҳаётини муносиб даражага кўтариш учун мавжуд ресурс ва бойликлардан фойдаланиш йўллари.

- замонавий фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллаш, ишлаб чиқаришнинг фан ютуқлари ва интеллектуал меҳнат кўп сарфланадиган тармоқларини жадал ривожлантиришга кескин бурилиш;
- машинасозлик, радиоэлектроника, асбобсозлик корхоналарини тубдан янгилаш ва янгиларини қуриш ҳамда чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш;
- фан ва техника тараққиётининг олдинги мэррасига чиқиш учун мавжуд барча ресурс ва шарт-шароитлар, илмий техникавий ва лойиҳа-конструкторлик базаси имкониятларидан фойдаланиш;
- шу асосда бошқа минтақалар ва чет эллар билан тенг ҳуқуқли шериклар сифатида алоқаларни йўлга қўйиш.

Президентимиз иқтисодий суверенитетга эришишнинг амалий масалаларига батафсил тўхталди:

- иқтисодиётимизнинг ҳаётий қобилиятини таъминлаб турган Иттифоқ қарамогидаги барча корхона ва ташкилотларни республика тасарруфига ўтказиши;
- Иттифоқ қарамогида қолдириш мақсадга мувофиқ бўлган тармоқ ва корхоналар, жумладан, ёпиқ турдаги корхоналар тўғрисидаги масалани ана шу корхоналарнинг республикамиз билан ўзаро иқтисодий муносабатларини тубдан ўзгартириш асосида алоҳида ҳал этиши. Заминимиздан қазиб олинадиган олтин, минерал хом ашё, фойдаланилайдиган ер, сув, ишчи кучи учун республикага муайян миқдорда пул тўланадиган, шунингдек, маҳсулотнинг маълум қисми республика корхоналарига топшириладиган ва фойданинг маълум қисми республика бюджетига ўтказиладиган шартнома муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ;
- конвертация қилинадиган валютада етказиб бериладиган олтиннинг учдан бир қисми қийматини Ўзбекистонга қайтариш;
- ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган деярли барча корхоналар, жумладан, „Ўзмаишийкимё“ ташкилотига қарашли корхоналар, Тошкент заргарлик буюмлари заводи, машинасозлик, электротехника, кимё корхоналарининг анча қисми, газ комплексининг йирик бўлинмалари республика қарамогига ўтказилиши керак;
- кичик корхона ва ташкилотларни, айниқса, аҳолига хизмат кўрсатиш, одамларнинг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ шундай корхона ва ташкилотларни меҳнат жамоаларига ва хусусий кишиларга топшириш.

Ўзбекистоннинг суверен давлатчилик сари ана шундай босқичма-босқич интилиб боришига қарамай, Иттифоқ идораларининг сон-саноқсиз низомлари ва йўл-йўриқлари республиканинг бирон-бир иқтисодий масалани мустақил ҳал этиши имконини бермас эди. Бундай умрини ўтаб бўлган ҳуқуқий қоида ва низомларга кўр-кўрана итоат қилиниши эса янгидан-янги ижтимоий можароларни келтириб чиқаришга сабаб бўлади.

Шунга кўра, Президент Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети хузурида хом ашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиши бош бошқармаси ҳамда Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитети ташкил этилди. Чунки, олтида Иттифоқ ва республика ташкилоти мавжуд бўлишига қарамай, енгил саноат хом ашёсини тақсимлаш ва реализация қилишни мувофиқлаштиришга эришилмади, қимматбаҳо хом ашёларнинг ҳаракати назорат қилинмади. Бунинг оқибатида пахта толаси ва қоракўлнинг 90 фоизи, табиий жуннинг 71 фоизи, синтетик толанинг 93 фоизи, пилла ва чармнинг анчагина қисми арзимас нархларда республикадан олиб кетилаверди. Ички бозорда ҳам, жаҳон бозорида ҳам кўплаб талаб қилинаётган мана шу фоят қимматли хом ашёнинг кўпчилик қисми Шарқий Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда,

улар эса бу маҳсулотларни жаҳон нархларида сотмоқда эди. Ҳолбуки, ўзимиздаги аксарият корхоналарга хом ашё етишмас, биздан олиб кетилган ресурслардан тайёрланган молларни эса республика бошқа минтақалардан ва чет эллардан уч ҳисса ортиқ нарх билан сотиб олишга мажбур эди. Буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги чидаб бўлмасadolatcizlik эди.

### **3.5. Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар**

30-йиллардан бошлаб Ўзбекистон олдига қўйилган собиқ Иттифоқнинг пахта соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш вазифаси катта машаққат билан ҳал қилингач, натижада вужудга келган пахта яккаҳокимлиги қишлоқ хўжалигининг туб мақсадларига хилоф равишда юқоридан зўрлаб ўtkазиб келинди. Бунинг оқибатида эса:

- республикада гўшт ва сут етиштириш имкониятлари камайиб кетди;
- республиканинг қўпгина ҳаётий муҳим манфаатларига зиён етди;
- илмий асосланган алмашлаб экиш жараёни бузилди;
- ернинг тинка-мадори қуриб, ҳосилдорлик мутассил равишда пасайиб борди;
- сув манбаларининг имкониятлари тобора камайди.

Ушбу ҳолатларнинг қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсири натижасида республикада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш чеклаб қўйилди ва аҳолини шу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари кескинлашди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги хатолар ва яроқсиз ёндашувлар, ҳалқ хўжалигининг тузилишида, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришда йўл қўйилган катта-катта камчилик ва номутаносибликлар оғир оқибатларга олиб келди.

Республикамиз аҳолиси салмоқли қисмининг қишлоқ жойларда истиқомат қилиши, иқтисодиёт таркибида қишлоқ хўжалигининг етакчи ўрин тутиши мазкур тармоқни ривожлантириш, ундаги узоқ йиллар давомида вужудга келган муаммоларни ҳал қилиш заруратини келтириб чиқарди. Шунга кўра, мамлакатимиз раҳбари ўша долғали ва нотинч даврда республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги янги ташабbuslarни илгари суриб, амалга оширилиши зарур бўлган бир қатор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан:

- республика аграр сектори иқтисодиётнинг шундай бўғиники, Ўзбекистондаги муаммоларнинг аксариятини ана шу бўғинга таянибгина ҳал этиш мумкинлиги;
- республикага Марказ томонидан зўрлаб қабул қилдирилган пахта яккаҳокимлигига қарши изчиллик билан кураш олиб бориш зарурлиги;
- пахта хом ашёсини республика ичida қайта ишлашни йўлга қўйиш. Бунга эришилган ҳолда деҳқонлар томонидан гектар бошига олинаётган 2200 сўм даромад пахтани тўлиқ қайта ишлаш натижасида 18–20 минг сўмга этиши, яъни ўн баробар кўп даромад ҳамда қарийб юз хилга яқин маҳсулот олиниши мумкин;
- пахта хом ашёсидан самарали фойдаланиш, айни пайтда бозорга фаол таъсир кўрсатиш йўлларини ўрганиш лозим. Ҳатто, гўзапоя, шрот, линтдан тўғри фойдаланиб, амалдаги даромад ҳажмини 3–5 баробар қўпайтириш мумкин;
- пахтачиликда алмашлаб экишни жорий этишга асосланган илмий йўлдан бориш. 1991 йилда пахта толаси учун давлат буюртмаси даражасини етиштирилган маҳсулотнинг ярмидан оширмаслик ҳисобидан режани 100 минг тонна камайтириш вазифасининг қўйилиши пахтадан бўшаган ерлардан одамларнинг долзарб эҳтиёжларини қондириш, шу жумладан, чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кенгайтириш учун фойдаланиш имконини яратди;

— аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун озиқ-овқат комплексини устун даражада ривожлантириши. 1995 йилгача мева, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни 2 баробардан зиёдроқ кўпайтиришни кўзда тутувчи асосли дастур ишлаб чиқилди;

— қайта ишлаш саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириши. 1995 йилгача Ўзбекистонда 300 та мўъжаз цех қуриш кўзда тутилди. Бу эса озиқ-овқат моллари ресурсларини анча кўпайтиради ҳамда аҳолини бу моллар билан таъминлашни яхшилайди;

— қишлоқнинг ижтимоий ҳаётини қайта қуриш, қишлоқни қашшоқликдан кутқариш, қишлоқ хонадонини бадавлат қилиш йўлида иш олиб бориш.

Айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга оширишда ер ва сув масаласига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан, бунда қуйидаги жиҳатларни дикқат марказида тутиш ҳамда ҳар томонлама инобатга олиш муҳимдир:

— республикада сугориладиган ерлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 95 фоизини беришини ҳисобга олиб, ер ва сув муаммосини биргаликда ҳал этиш;

— янги ерларни ўзлаштириш амалда тўхтатилганидан кейин вужудга келган жиддий вазиятни ҳисобга олиш. Ўша паллада қишлоқ хўжалигига банд бўлган ҳар бир кишига тўғри келадиган 1,2 гектардан 0,8 гектаргача, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 0,4, Фарона водийсида эса 0,2 гектардан кам ер майдони келгусида янада қисқариб боради;

— аҳоли сонининг тез суръатларда ўсиши муносабати билан аввало минтақадаги имкониятларни ўзлаштириш, хусусан, Ўзбекистоннинг ўзида сугориладиган ерларни 4 миллион гектардан 10 миллион гектарга етказиши.

Пахта яккаҳокимлиги республика иқтисодиётининг бир ёқлама ривожланиб, Иттифоқнинг хом ашё базасига айланиб қолишига олиб келди. Натижада Ўзбекистон энг оддий саноат маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжининг ярмини ҳам қондирини қодир бўлмай қолди. Етиштирилган пахтанинг атиги 7 фоизи республикада қайта ишланди. Бир қанча вилоят ва туманларда экин майдонлари нисбатида пахтазорлар 75–80 фоизни ташкил қилди. Оқибатда асрлар давомида четга дон, мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари чиқарган минтақа бундай маҳсулотларнинг йирик истеъмол қилувчисига айланди.

Ислом Каримов раҳбарлигига бошланган ислоҳотлар туфайли бир-икки йилда аҳвол аста-секин ўнгланди, пахта майдонлари қисқарди (1987 йилда 2 миллион 108 минг гектар ерга чигит экилган бўлса, 1990 йилда 1 миллион 826 минг гектар ерда пахта етиштирилди). Сугориладиган ерларни пахтадан бўшатиб олиш жамоава давлат хўжалиги ҳудудларида томорқа участкаларини кенгайтириш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиб бериш каби катта ижтимоий масалани қисман ҳал этиш имконини берди. Шуниси дикқатга сазоворки, пахта ҳосилдорлигининг ортиши (гектар ҳисобига 23,1 центнердан 27,7 центнерга етиши) туфайли ялпи пахта етиштириш камаймади. Пахтачилик бундан буён ҳам қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб қолаверади, лекин пахта яккаҳокимлигига қайтилмайди деб, бу соҳа истиқболини белгилаб берди Юртбошимиз.

Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлини танлашида республиканинг ўзига хос хусусиятларини, албатта, эътиборга олиш кераклиги ҳам ўша даврда асосланган „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобида атрофлича баён қилинган.

Биринчидан, сугориш зоналарида аҳоли зич жойлашгани ва бу жойларда ер танқислиги, республикамизнинг аксарият минтақаларида ҳар бир меҳнатчига 1–1,5 гектар ва ундан ҳам озроқ ер тўғри келиши, бундай жойларга ерни хусусий


мулк сифатида бўлиб бериш катта фожиага айланиб кетиши мумкинлиги таъкидланади.

Иккинчидан, республикамиздаги сугориладиган деҳқончилик катта-катта каналлар, сугориш ва дренаж тармоқлари, сугориладиган далалар билан боғлиқ бўлган яхлит ер-сув комплексини юзага келтириши, бундай шароитда ернинг ўзини хусусий мулк сифатида фойдаланишга топшириш маъно касб этмаслиги қайд этилади.

Учинчидан, ўлқамизда асосий фонdlар сув хўжалиги воситалари, машина-тракторлар, чорвачилик комплекслари, катта боғдорчилик-узумчилик хўжаликлири тарзида шакллангани, бу эса кенг кўламдаги асосий ишлаб чиқариш воситаларини якка хўжаликларга бўлиб бериш мумкин эмаслигини англашиб исботлаб берилди.

Тўртинчидан, фақат пахта етиштиришга ихтисослашиб қолиш, яъни хўжалик майдонларининг кенглиги (бир минг гектардан бошлаб то 6–8 минг гектаргача бўлиши), сугориладиган пайкалларнинг 4–12 гектар ерни эгаллаши, меҳнатнинг 80 фоизига қадар қисми механизмлар ёрдамида бажарилиши ўша даврда жамоа ва давлат хўжаликларини тарқатиб юборишни асоссиз қилиб кўйган бўлса-да, айни пайтда, жамоа ва давлат хўжаликлидаги ишлаб чиқариш муносабатлари замон талабларига жавоб бермай қолгани ҳақли равишда кўрсатиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси, унинг тармоқларини янги иш услубига ўтказаётган ислоҳотнинг асосий мақсади – авваламбор, деҳқонларнинг ишдан манфаатдорлигини тубдан ўзгартириш, ўз меҳнатининг ҳосили, пировард натижасини биринчи навбатда уларнинг ўзига қайтариш, турмуш дарражасини, савиясини кўтаришдан иборат эди. Шунга асосланиб, жамоа ва давлат хўжаликларини тубдан ўзгартириб, шахсий, кооператив ва деҳқон-фермер хўжаликларига кенг кўламда йўл очиб бериш масаласи кун тартибига қўйилди.



**3.5.1-расм.** Халқнинг, деҳқонларнинг фаровон яшашини таъминлаш ва даромадини кўпайтириш йўллари.

Давлатимиз раҳбари ўша даврдаги жамоа ва давлат хўжаликларининг хўжалик юритиш механизмини қайта қуришни, бир томондан, раҳбарликнинг маъмурӣ-буйруқбозликка асосланган усулларини бозор муносабатларига асосланган иқтисодий усуллар билан алмаштириб, бошқарувнинг бутун механизмини шахс ва меҳнат жамоасининг моддий манфаатдорлиги қоидалари асосида кам сарф-харажат билан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишга қаратиш зарурлигини; бошқа томондан, мавжуд хўжаликларнинг ички тузилиши ижара-кооператив усулiga, барча ишлаб чиқариш воситалари ва хизмат кўрсатиш соҳалари мустақил хўжалик ҳисобидан ижара, кооператив ва акциядорлик жамоаларига алмаштирилиши зарурлигини кўрсатиб берди.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги асосий фигура – дехқонларимизнинг фаровон яшашини таъминлаш, уларнинг даромадини кўпайтиришнинг асосий манбаларини тўғри белгилаб олиш муҳим ҳисобланади (*3.5.1-расмга қаранг*).

Шуни айтиш керакки, ер ажратиб берилаётганда кўпгина хўжалик раҳбарлари хавотирда эди – улар жамоа хўжаликлирида етиштириладиган маҳсулот камайиб кетмасмикан, деб ўйлашган эди. Бу хавотир ўринсиз бўлиб чиқди. 1990 йилда жамоа хўжаликлари маҳсулоти 1989 йилдагига нисбатан 103 фоизни ташкил этди. Шахсий хўжаликларнинг берган маҳсулоти ҳажми 108 фоизга ўсади.

Ўзбекистон ССР Президентининг „**Шахсий томорқа хўжаликларининг эгалари бўлмиш дехқонларга молиявий ёрдам бериш ва уларнинг уюшмаси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида**“ги Фармонига биноан, дехқонларга, шахсий ёрдамчи хўжалик эгаларига молиявий ёрдам тариқасида 1 миллиард сўм ажратилиши уларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашда катта омил бўлди. Кўшимча ажратилаётган молиявий ёрдам, асосан, иқтисодий жиҳатдан заиф хўжаликларни кўллаб-куватлашга, уларнинг моддий-техник базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга, маҳсулотни қайта ишлайдиган кичик корхоналар қуриш, транспорт воситалари, кичик механизация техникаси ва чорва молларини сотиб олишга сарфланди.

|   |  |
|---|--|
| Кўлами ва имкониятлари кенглиги   | Товар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги  |
| Доимий фойдаланишга берилган шахсий томорқа ерларида хўжалик юритишнинг ривожланиши, яъни дехқонлар ернинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолиши, лекин уни сота олмаслиги | Дехқонларнинг ўз ихтиёри билан, ўз оиласининг эҳтиёжларини кўзлаб, унумли меҳнат қилишга қодир бўлиши, манфаатдорлигининг кучайиши |

### 3.5.2-расм. Дехқон-фермер хўжалигининг асосий хусусиятлари.

Ишлаб чиқаришнинг янгича усули – дехқон-фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигини инқироздан олиб чиқадиган йўлдир. Бунда дехқон-фермер хўжалигининг асосий хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин (*3.5.2-расмга қаранг*).

Ўша паллада республикамиз қишлоқ хўжалигига дехқон-фермер хўжалигини ривожлантиришнинг куйидаги асосий муаммоларини бартараф этишга асосий эътибор қаратиш зарур эди:

- қисқа вақт ичida керакли техника воситалари билан таъминлаш;
- талаб қилинаётган кичик тракторлар, бошқа кулагай ва ихчам техника воситаларини ишлаб чиқаришни милий саноатимиз ҳали тўла қондира олмаётган эди;

– чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган хўжаликларни ем-хашак билан етарлича таъминлаш, молларнинг зотини яхшилаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш.

### **3.6. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш муаммолари ва уларнинг ҳал этилиши**

Президентимиз ўз раҳбарлик фаолиятини бошлаган пайтда республикадаги кўплаб ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг негизида узоқ йиллар давомида хукм суриб келган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг асоратли таъсири ётишини, шунга кўра уларни ҳал этишнинг ягона тўғри йўли – бу иктисодиётда бозор муносабатларини босқичма-босқич шакллантириб ва ривожлантириб бориш эканини қатъий белгилаб берди. Жумладан, ушбу жараённинг мақсадга мувофиқ тарзда, самарали ва энг муҳими, аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда амалга ошиши учун қўйидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратди:

– Ўзбекистон шароитида бозор механизмининг моҳияти ва мазмунига сергаклик билан ва ҳар томонлама реал баҳо бериш, унинг жорий этилишида вужудга келиши мумкин бўлган мураккабликлар ва ноҳуш оқибатларни кўзда тутиш, ўтиш даври кескинликларини юмшатишга ёрдам берадиган зарур механизмларни олдиндан яратиб қўйиш керак;

– ноннинг чакана нархи, бошқа нархлардан айри ҳолда бир томонлама оширилиши фалла билан пахта, улардан олинадиган маҳсулотлар нархларининг эквивалентлигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни, кўзда тутилаётган ёқилғи, metall ва техника нархларининг оширилиши эса пахтага ҳақ тўлашни кўпайтириш тартибларини тамомила йўқقا чиқаради;

– республика учун катта аҳамият касб этувчи бошланғич шароитларни ҳисобга олиш ва баробарлаштириш масаласига чуқур эътибор қаратиш лозим;

– бозор иктисодиётiga ўтиш концепцияси ҳақидаги СССР хукуматининг маъруzasida инвестицияларни қисқартириш масаласининг қўйилиши хато ёндашувдир, чунки ишлаб чиқаришнинг мавжуд техникавий ва структуравий даражасида (бу жиҳатдан илгор мамлакатлар даражасидан 15–20 йил ва ундан кўпроқ орқада қолинган эди) бундай сиёsat баттар қолоқликка олиб боради;

– мақсадли, таркибий сиёsatни, капитал қурилишдаги устун йўналишларни, аввало, тугалланмаган қурилишларни кескин қисқартириш мақсадида тубдан қайта кўриб чиқиш зарур;

– аҳоли ижтимоий ҳимоясининг аниқ ва таъсирчан механизmlари зарур;

– уй-жой қурилишига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунда яқин беш йил ичida 67–68 миллион квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш, 6 миллиондан зиёдроқ кишининг уй-жой шароитини яхшилаш вазифаси қўйилиши муҳим аҳамият касб этади;

– аҳолига коммунал хизматни кескин яхшилаш, жумладан, аҳолининг марказлаштирилган сув таъминоти даражасини 52 фоиздан 67 фоизга етказиш, Оролбўйи зонасида эса 1995 йилгача бутун аҳолини марказлаштирилган сув таъминотига ўтказиш, қишлоқ аҳоли пунктларини газлаштириш суръатларининг икки баробар ортиши аҳамиятлиdir;


– республикадаги ижтимоий ўзгаришларни ҳал этишга бюджет маблағларидан ташқари вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотларнинг ўз ҳиссасини қўшишини таъминлаш керак.

- республикада ўтиш давридаги ресурс ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, айниқса, кам таъминланган аҳолининг ижтимоий ҳимоясининг ишончли механизми ишлаб чиқилиши;
- республикада мулкчиликнинг қандай шакллари бўлишини аниқлаб олиш;
- айрим давлат мулкидаги ишлаб чиқариш объектларини мулкчилик ва хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига айлантиришни белгилаб олиш;
- истеъмол моллари, ҳалқ ҳунармандчилиги, ҳалқ ижодиёти маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, умумий овқатланиш ва майший хизмат соҳасидаги ёки ёрдамчи корхоналар, иккиласми ресурсларни ва ишлаб чиқариш чиқиндилирини қайта ишлайдиган катта бирлашмаларнинг айрим буюртмаларини бажарадиган корхоналарни кичик хусусий корхоналар кўринишида ташкил этишнинг қонуний тартибини аниқ белгилаб қўйиш;
- йирик ишлаб чиқариш комплекслари, шу жумладан, мамлакатнинг бошқа минтақаларидаги комплекслар томонидан майда ва ўртacha корхоналар, филиаллар ва цехлар ташкил этилишини рағбатлантириш;
- ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари тузилишида уларнинг меҳнат жамоаларини уй-жой ва ижтимоий, маданий, майший объектлар билан тўла таъминлаш;
- қўшма корхоналар ташкил этиш ишини фаоллаштириш ва бошқалар.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими ўз умрини ўтаб, бозор муносабатларига ўтиш ҳаракатлари эндинга рўй бераётган бир даврда, республика Олий Кенгашининг сессиясида тасдиқланган бозор муносабатларига ўтишнинг дастури Ўзбекистонни консерваторлар республикаси деб ноўрин танқид қилинишига сабаб бўлди. Бунга жавобан, республикамиз раҳбари жамият тараққиётидаги „сакраш“ларнинг салбий жиҳатлари, хусусан, Ўзбекистондаги оғир ижтимоий-иқтисодий шароитда инқилобий ўзгаришлар турли хавф-хатарлар билан боғлиқлиги, умуман „сакраб ўтиш“ гояси эса республика учун оғир, ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлишини асослаб берди. Шу билан бирга, бошқа республикаларда хусусийлаштириш тўғрисида гап сотилаётганда, айнан мухолифлар томонидан ўринсиз танқид қилинаётган „консерваторлар республикаси“да биринчилардан бўлиб хусусий корхоналар пайдо бўлди. Республикада дўконларни ва майший хизмат кўрсатиш соҳасини хусусийлаштириш бошланиб, 1990 йилнинг ўзида 170 минг гектар ер оиласарга мерос қолдириш хукуқи билан ижарага берилди. Бу рақамни ярим миллион гектаргача етказиш белгилаб олинди. Сўнгги пайтларгача ерларнинг бор-йўғи 4,5 фоизида деҳқончилик қилган шахсий хўжаликлар республикадаги озиқ-овқат ресурсларининг 40 фоизига қадар бергани ҳисобга олинадиган бўлса, ерларнинг умумий салмоғида бундай участкалар ҳажми икки барабардан зиёд ошганда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми сезиларли даражада ошиши муқаррар.

### **3.7. Мулкни ислоҳ қилиши ва мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиш масалалари**

Юртбошимизни Ўзбекистоннинг ҳақиқий иқтисодий мустақиллиги масаласи қаттиқ ташвишга солиб, ўлантирас эди. Агар республика иқтисодий қувватини ташкил этадиган барча асосий фонdlар ўша даврда 100 миллиард сўм деб ҳисобланса, амал қилаётган тартибга кўра, қарийб 30 миллиард сўм пул Иттифоқ иҳтиёрида эди. Ишлаб чиқаришнинг асосий фонdlарида эса бу мутаносиблик янада ёмон бўлиб, маблағларнинг бешдан икки қисми Иттифоқ тасарруфида, шу жумладан, саноатда ана шу маблағларнинг деярли 70 фоизи, транспортда ҳамда моддий-техник таъминотда, илм-фанда 30 фоизга яқини Иттифоққа тегишли эди (3.7.1-расмга қаранг).



**3.7.1-расм.** Ўзбекистондаги асосий фондларнинг собиқ Иттифоқ тасарруфидаги қисми.

Бундан кўринадики, Конституцияда белгилаб қўйилган барча давлат мулки (бу ҳамма асосий фондларнинг деярли 90 фоизини ташкил этади) „Бутун совет халқига тегишидир“ деган қоида ҳеч қандай реал асосга эга эмас эди. Республикаиз ўз бойликларини ўзи тасарруф эта олмас экан, ундан халқ манфаати йўлида, самарали фойдаланиш ҳақида умуман гап бўлиши мумкин эмасди.

Шунга кўра, республика Олий Советининг доимий комиссияларида Ўзбекистоннинг бутун тарихи давомида биринчи марта іулкчилик тўғрисидаги қонунни тайёрлашга киришилди. Бунда қўйидаги масалалар энг муҳим деб топилди:

Биринчи: республика мулки мустақил ва у федерациядан ажратилган.

Иккинчи: ўлкамиз замини, ер ости бойликлари, корхона ва ташкилотлари Ўзбекистоннинг мутлақо ўз мулки ҳисобланади. Ана шу бойликлар мустақиллигимизни, республикамизнинг маданий ва тарихий қадриятларини таъминлайди.

Учинчи: Ўзбекистонда мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ривожлантирилиб, уларнинг teng хуқуқлилиги таъминланади.

Президентимиз бозор муносабатларига ўтиш муаммоларини синчковлик билан ўрганиб, уларни ҳал этишда ўта эҳтиёткорлик билан ёндашиш масалаларига эътибор қаратар экан, айниқса, хусусий корхоналарнинг ташкил этилиши борасидаги чукур фикр-мулоҳазаларини баён этди. Майший хизмат, умумий овқатланиш, савдо-сотик, маҳсулотни қайта ишловчи кичик-кичик корхоналарни сотиш тадбирини кўриш зарурлиги қўйидагилар орқали изоҳланади:

Биринчидан, бу корхоналарнинг кўпчилиги кам рентабелли ёки зарап кўрадиган корхоналар бўлиб, уларни хусусий кишиларга сотиш бюджет харажатларининг олдини олиш ва қўшимишча даромадларга эга бўлиш имконини беради.

Иккинчидан, бу майда шохобчалар аслида ярим хусусий мулк бўлиб, вазирликлар, идоралар ва ижроия комитетларда улар билан ҳеч ким чинакамига шуғулланмаяпти (*3.8.1-жадвалга қаранг*).

Учинчидан, ишлаб чиқаришни жонлантириш, рақобат учун шарт-шароит яратиш, хўжалик юритишнинг янада самарали шаклларини танлаб олиш мақсадида мулкчиликнинг барча шакллари teng хуқуқлилиги эълон қилинмоқда.

Бинобарин, мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шакллари устидан ҳар томонлама назорат ўрнатиш керак, бироқ бу ҳолат хўжалик ишларига тўғридан-тўғри аралashiш ҳамда ташаббусни бўғиши учун асос бўлмаслиги лозим. Назорат фақат белгиланган қонунлар, нормалар ва қоидаларга қатъий риоя этилишини

### Ўзбекистонда фаолият кўрсатган майда шохобчалар сони

| Кўрсаткич   | Миқдори,<br>мингта |
|---|--------------------|
| Республика майший хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимида фаолият кўрсатган майда шохобчалар сони: |                    |
| — сартарошхоналар   | 7                  |
| — пойабзал устахонаси   | 2,5                |
| — якка тартибда фаолият кўрсатган кийим-кечак устахоналари                                    | 2,5                |
| — рўзгор техникасини таъмирловчи 3,5 мингта устахона  | 3,5                |
| Республика матлубот кооперацияси тизимида фаолият кўрсатган майда шохобчалар сони:            |                    |
| — умумий овқатланиш корхонаси   | 12                 |
| — шундан, ҳар бирида кўпи билан 5 нафар одам ишлайдиган корхоналар                            | 10                 |
| Республика савдо вазирлиги тизимида фаолият кўрсатган майда шохобчалар сони:                  |                    |
| — умумий овқатланиш корхонаси   | 5                  |
| — шундан, ҳар бирида кўпи билан 5 нафар одам ишлайдиган корхоналар                            | 2                  |
| — ҳар бирида 6–10 нафар одам ишлайдиган корхоналар  | 2                  |
| Саноатда 100 кишигача ишловчи мавжуд бўлган корхоналар сони                                   | 0,3                |

таъминлаши ва молиявий, солиқ тусига, хуллас, иқтисодий тусга эга бўлиши керак.

Шу муносабат билан Молия министрлиги, Меҳнат ва ижтимоий масалалар давлат комитети, Адлия министрлиги бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда корхоналарни хусусий мулкка ўтказиши билан боғлиқ қуидаги масалаларни изчил ишлаб чиқишилари кераклиги таъкидланди.

Биринчи – ушбу корхонада ишловчилар ва шу корхона эгаларининг мақоми (меҳнат дафтарчаси, иш стажи, пенсия таъминоти, ижтимоий суғурта ва ижтимоий ҳимоянинг бошқа шакллари).

Иккинчи – меҳнатга ҳақ тўлашнинг, шу жумладан, ёлланма ишчилар учун энг кам иш ҳақи белгилашнинг шакллари ва шартлари.

Учинчи – хусусий мулкка ўтказиши мақсадга мувофиқ бўлган тармоқлар доираси ва корхоналар миқдори.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Президентимиз Ислом Каримовнинг республика раҳбари сифатидаги фаолияти ҳаётнинг бошқа кўплаб жабҳалари қаторида ижтимоий ва иқтисодий аҳволни тубдан ўзгартириш, бунда энг аввало барча муаммо ва масалалар ечимига ҳалқимиз манфаати орқали ёндашиш, собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизими амал қилиши натижасида вужудга келган салбий ҳолатларни тезлик билан бартараф этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти муносабатларини босқичма-босқич шакллантириб ва ривожлантириб бориши чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш билан узвий боғлиқдир. Буларнинг барчасини „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобини мутолаа қилиш жараённидаengl, Юргбошимизнинг ўша ўта оғир вазиятларда ҳам ўн йиллар олдинги истиқболини кўзлаб, оқилона сиёsat олиб борганига такрор ва такрор ишонч ҳосил қиласиз.

## **4-БОБ. МИЛЛИЙ АРМИЯНИ ШАКЛАНТИРИШ, МИЛЛИЙ ХАФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ**

### **4.1. Миллий армияни шакллантиришдаги жонбозлик**

Мамлакатимизда хукуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида, авваламбор, асосий устувор йўналишларидан бири миллий армияни шакллантиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1990 йил 5 июнда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездидан „Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан“ номли маъruzасида „Биз, армия хизматига салбий муносабатни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш учун омилкорлик билан ҳаракат қилишимиз шарт“, деган эди<sup>1</sup>. Бу ўринда гап айрим ҳарбий қисмларда интизомнинг бўшашиб кетгани, уставга хилоф муносабатлар мавжудлиги, йигитларнинг майиб бўлиб қайтиши ва ҳалок бўлишига йўл қўймаслик ҳақида бормоқда. Биз рўйирост айтишимиз керакки, бунга асло йўл қўя олмаймиз. Ўз фарзандларимизни уларга нисбатан нохуш хатти-ҳаракатлардан ва белгиланган қонунларнинг бузилишидан муҳофаза қилиш учун барча ишларни қиласиз, деб таъкидлайди муаллиф.

Сўнгра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Иттифоқ органларига йигитларимизнинг хизматни ўташ тартибини ўзгартириш тўғрисида бир қанча таклифлар киритгани, бу масалалар ҳал этилаётгани, чунончи, қурилиш қисмларига чақирилган йигитлар Туркистон ҳарбий округи ҳудудида хизматни ўташлари тўғрисида масала ҳал этилгани ҳақида ахборот бериб, бу борадаги амалий ишларга тўхталади<sup>2</sup>.

Ана шундай чиқишлардан кейин бу соҳадаги аҳвол ўзгариб, чақирув комиссияларига Олий Совет ва маҳаллий советларнинг депутатлари жалб этиладиган бўлди. Ўзбекистондан чақирилган йигитларнинг барча жанговар қисмларда ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари республика жамоатчилиги томонидан қатъий назорат остига олинди.

Миллий армиямизни шакллантириш йўлидаги дастлабки дадил ҳаракатлар ҳақида сўз борганда биз учун мардлик, азму шижаат, Ватанга садоқат тимсоли бўлган буюк Амир Темур бобомизнинг муборак номини миллий қадриятларимиз аёвсиз топталган ўша таҳликали даврда Юртбошимиз жасорат билан тилга олиб, бу улуғ зотга ўз хурматини билдирганини эслашимиз, албатта, ўринлидир. Куйидаги сўзлар шу жиҳатдан айниқса эътиборлидир. „Қайси бир китобда фоят ибратли ривоятни ўқиган эдим. Эмишки, Амир Темур ярим жаҳонни забт этиб, олис ўрмон қабилаларига бориб этибди, хуллас, уларни ҳам ўзига бўйсундирибди. Қайсар ва жангари, озод ва самимий бу қабила бошлиғи чорасизлик туфайли, Темурга қуролларини топширар экан, қуйидаги гапларни айтибди: „Эй, Амир! Сен бизни қурол кучи билан енга олдинг. Бироқ сенга айтадиган шартларимиз бор. Агар сен қассоб бўлсанг, бизни сўйиб ташла, агар сен савдогар бўлсанг, сотиб юбор, агар подшо бўлиб келган бўлсанг – бизга баҳт ато эт!“

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011, 220–221-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша манба, 220–221-бетлар.

Бу ривоятнинг синфий, тарихий йўналиши айни чогда бизни қизиқтираёттани йўқ. Бу ҳикоятда ажойиб бир ҳикмат барқ уриб туриди. Яъни элга пешвоман, деб ўртага чиқдингми, унинг ишончини қозондингми – бу ишончни энди асл виждан билан, покиза фаолият билан оқламоқ керак бўлади. Бу талабни эскичасига айтсами, янгичасигами – барибир, моҳияти бир хил бўлиб қолаверади. Яъни ҳалқ вакили ҳалқнинг пособони, ҳалқ раҳбари бўлиб, ҳалқнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлгувчи сирдошига айланиши шарт<sup>1</sup>.

Тарихга муносабат масаласида коммунистик қарашиб, синфий ёндашув ҳали ўз таъсирини йўқотмаган бир щароитда советларнинг юқори минбаридан туриб Соҳибқирон бобомиз номини тилга олиш, юритиш раҳбар одамдан чинакам жасорат, айни пайтда, улкан тафаккур ва донишмандлик фазилатларини талаб этишини англаш қийин эмас.

1990 йил 20 июнда бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР Олий Советининг 2-сессиясида Мустақиллик декларацияси қабул қилинди. У 12 бўлимдан иборат бўлиб, унда миллий армияни шакллантириш билан боғлиқ бўлган айrim бандлар қуидагилардан иборат эди:

1. Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз худудида барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги танҳо ҳокимлигидир.

2. Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд ҳалқнинг муҳокамасига қўйилмай туриб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

3. Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти унинг ҳудудига кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига таалкуқлидир ва ҳ.к.

1991 йил 25 августдаги Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига кўра:

1. Республика ҳудудида жойлашган СССР ИИВ ва Давлат Хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди.

2. Республика ва унинг фуқаролари хавфсизлигини, манфаатларини муҳофаза қилишни назарда тутади.

3. Республика ҳудудида жойлашган СССР ИИВнинг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилди<sup>2</sup>.

4. Ўзбекистон ССР ИИВ, ДХҚ, прокуратураси ва адлия органлари, шунингдек, республика ҳудудида жойлашган ички қўшинлар, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшилмалари партиядан холи қилинди ва ҳ.к.

Президентнинг бевосита кўрсатмаси билан республика ИИВнинг масъул лавозимларига малакалий кадрлар қўйилди. Тизим раҳбарлиги ҳалқ тақдирига бефарқ бўлмаган, унинг орзу-армонлари билан яшайдиган кишилар қўлига ўтгач, ишда жиддий ижобий ўзгаришлар юзага келди. Уюшган жиноятчилик, босқинчилик, автомашиналарни олиб қочиш сингари ўнлаб жиноятларнинг пайи қирқилди. Собиқ Иттифоқ ҳудудида авж олиб кетган автомашина ўйирлигини оладиган бўлсак, агар 1990–1991 йилларда бир кунда ўртача 154 жиноят расмий рўйхатга олинган бўлса (рўйхатга тушмаганининг эса саноги йўқ эди!), айни масалада Президентимиз кўрсатган қатъият туфайли 1992 йилга келиб бир йилнинг ичидаги бема-загарчиликларга чек қўйилди.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011, 127-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба, 370–371-бетлар.

Бу тадбирларнинг ҳукуқий асоси бўлиб эса 1990 йил 31 октябрида Президент имзолаган „Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳукуқий жиҳатдан ҳимоя қилишини кучайтириш тўғрисида“ ги Ўзбекистон ССРнинг қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрда қабул қилинган „Ўзбекистон Республикасининг ИИВ тўғрисида“ ги 270—сонли қарори хизмат қилди. Мазкур хужжатларнинг қабул қилиниши билан ИИВ фаолиятига доир энг муҳим масалалар ўз ечимини топди. Уларда ички ишлар ходимларининг асосий вазифалари, ҳукуқ ва бурчлари аниқ кўрсатиб берилди, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш чоралари белгиланди. Ҳар бир мансабдор шахснинг ҳукуқ ва масъулияти алоҳида кўрсатилиб, вазирликнинг янги структураси тасдиқланди. Энг муҳими – бу тизим фаолиятини молиялаш, ходимларга унвонлар бериш ва лавозимларга тайинлаш республика ихтиёрига олинди. Шу тариқа юртимиз ички ишлар тизими ўз мустақиллигини кўлга киритди.

1984–1989 йилларда „Ўзбекистонда социалистик қонунчиликни тиклаш“ шиори остида республика ҳукуқ-тартибот идораларининг барчасига Марказдан минглаб одамлар жўнатилди. Бу идоралар орасида шахсий таркиби, ҳаракатланиш ҳудуди ва таъсир кучи нуқтаи назаридан энг йириги ҳисобланган Ўзбекистон ССР ИИВга собиқ Советлар мамлакатидан ҳаммаси бўлиб 150 та ходим келди. Йиллар бўйича қарайдиган бўлсак, 1984 йилда 5 та, 1985 йилда 33 та, 1986 йилда 86 та, 1987 йилда 27 та, 1988 йилда 2 та, 1989 йилда 3 та „осойишталик посбони“, бирордан сўраб-сўрамай, Ўзбекистонга „ташриф буюрган“. Бу „кутилмаган меҳмонлар“нинг асосий мақсади – социалистик қонунчиликни таъминлаш эмас, балки ўзбек ҳалқини таҳқирлаш эвазига хизмат пилапояларидан кўтарилиш эди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон ССР ИИВ таркибida ишлаган шовинистик кайфиятдаги бу кишилар ўзлари каби прокуратура ва суд тизимига туширилган „десантчи“лар билан тил бириктириб, бир хил сиёsat юритишган. Гдлян ва Иванов бошчилигидаги „десант“ амалга оширган қонхўр терговлар қанча-қанча инсонлар, бутун-бутун оиласалар бошига чексиз хўрлик, кулфатлар келтирган эди.

Ислом Каримовнинг 1990 йил 5 июнда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездидан „Ўтмишдан сабоқ чиқарib, келажакка ишонч билан“ деган мавзудаги маърузасида куйидаги муҳим ҳолат ва вазифалар қайд этилди:

1. Ўтмишнинг асосий сабоқлари.
2. Республикализнинг ижтимоий-иктисодий аҳволи.
3. Маънавий сиёсий вазият ва уни барқарор қилиш чоралари
4. Самарали мустақил иқтисодиёт учун курашиб.
5. Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитетини таъминлаш.
6. Жамиятнинг маънавий ва ахлоқий соғломлиги учун жавобгарлик.

#### 4.2. Аскарлари бақувват юрт құдратли бўлур!

„Мустақиллик даврида ёш давлатимиз, унга құдрат бахш этгувчи заҳматкаш ҳалқимиз давлат ва жамият қурилишининг турли жабҳаларида бекиёс ютуқларни кўлга киритганини фурур билан таъкидлаб ўтиш мумкин. Дунё харитасида янги, ўз овозига, ўз ўрнига эга бўлган мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлганини ҳозир ҳеч ким, ҳатто фанимларимиз ҳам инкор эта олмайди. Ўтган давр ичида, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда эришган ютуқларимизнинг энг биринчи, энг асосий омили бу мамлакатимизда ўрнатилган тинчлик-хотиржамлик, миллатлараро тутувлик, мамлакат хавфсизлигини сақлаш борасидаги чора-

<sup>1</sup> Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 152–153-бетлар.

тадбирлар бўлди, деб ишонч билан айта оламиз. Чунки фақат тинчлик бўлган мамлакатдагина сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш мумкинлигини тарих ҳам, ўтган кунларимиз ҳам исбот қилиб турибди. Аммо мустақилликнинг асл моҳиятини тушуниш, унинг қадрига етиш учун ҳозирги кунда фақат ютуқларимиз тўғрисида гапириш кифоя қилмайди. Мустақилликка қонсиз, қурбонларсиз эришган бўлсак-да, айтиш жоизки, мустақилликнинг юки оғир. Бу юкни кўтара олиш, мустақилликни сақлаб қолиш нақадар оғирлигини қўшниларимизнинг тақдири исбот этиб турибди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, сарҳадлари ва хавфсизлигини ҳимоя қилишда бошқа давлат қуролли кучларига муҳтоҷ мамлакатларнинг тўла мустақиллиги ҳақида гапириш мумкинми?

Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига киритишни истаган ва бунинг учун барча найрангларни, қолаверса, ҳарбий кучни ҳам ишлатишга тайёр бўлган кучлар курсовида Ватанимизнинг мустақиллигини сақлаш учун беҳисоб қийинчилик ва изтиробларни бошдан кечиришга тўғри келди. Айниқса, ҳозирги кунларда бутун жаҳондаги энг таҳликали минтақалардан бири бўлган бизнинг минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун қанчалик оқилона сиёsat юргизиш кераклигini, сабот ва матонат зарурлигини ҳаётнинг ўзи исбот этаяпти“.

„Мустақил бўлсанг – мустақил бўл! Давлат бўлсанг – давлат бўл!“ Президентимиз айтган бу сўзлар унинг мамлакатимиз тақдири, келажаги ҳақидаги ташвишли ўйларининг қисқа ва маънодор ифодаси бўлди, десак янгишмаймиз. Бу иборада мустақилликни эълон қилиш билан кифояланиб бўлмаслиги, уни сақлай билиш, бунинг учун эса ўз халқини ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қила олиш, унинг тинч-тотув яшашига имконият яратиш, ўз сарҳадларини ҳимоя қилиш, мудофаа қудратини таъминлаш зарур экани ҳақидаги фикр мужассам.

Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академиясида бўлиб ўтган халқаро анжуманларнинг бирида америкалик сиёsatшунос олим Глеб Ховард Ўрта Осиё давлатларининг ичida фақат Ўзбекистонгина ўзининг чегараларини турли экстремистик хуружлардан ҳимоя қилишга қодир бўлган ягона давлат эканини таъкидлади. Аслида, унинг сўзлари турли давлат раҳбарлари ва сиёsatшунослари келган умумий бир холосанинг холис ифодаси ҳамdir.

Президентимизнинг узоқни кўзлаб, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб мудофаа масалаларига катта аҳамият бергани сабабларини ва бу аслида ҳозирги кундаги мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигининг гарови бўлганини тушуниб етиш қийин эмас. Ўша вақтларда мустақилликка эришган қўшни давлатлар ўз йигитларини ҳарбий хизматга чақирса-да, уларнинг ҳарбий хизматни ўташи учун тайёр гарнizon, қурол-аслаҳа, ҳарбий техникаси йўқлиги, ҳаттоқи аскарлар оддий ётоқ билан таъминланмагани сабабли ҳарбий билетларига гўёки хизматда деб муҳр босиб, бир-икки ой уйда кўринмаслик шарти билан қўйиб юборилгани маълум. Бундан ташқари, қўшниларимиз шўролар давридан қолган техника ва қурол-яроғларни бир кунлик фойдани ўйлаб арzon баҳоларга хорижий мамлакатларга ёки турли firmaю компанияларга сотиб юбориб, таңг аҳволда қолгани экстремистик гурухларнинг хуружлари пайтида яққол сезилиб қолди. Бунинг акси ўлароқ, бизнинг юртимизда маҳаллий ҳарбий кадрларни тайёрлаш масаласи доимо Юртбошимизнинг диққат марказидаги устувор масала бўлиб келмоқда. Президент ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида ҳарбий мутахассисликларга тайёрлайдиган лицейлар ташкил этилди, Қуролли Кучлар академияси, Тошкент умумқўшин командирлиги, Самарқанд автомобилчи командир-муҳандислар, Чирчиқ танкчи командир-муҳандислар, Жizzah ҳаво кучлари (авиация) олий ҳарбий билим юртлари, Тошкент ахборот

технологиялари университетининг маҳсус факультети 28 йўналишдаги ҳарбий мутахассислик бўйича малакали зобит кадрлар тайёрлаб келмоқда. 1990 йилда маҳаллий зобитлар ҳарбий кадрларнинг бор-йўғи 0,6 фоизини ташкил қилган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 80 фоизга етгани шу борада амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг мевасидир.

Тарихан қисқа даврда бундай улкан натижаларга эришиш осон кечмади, албатта. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бундан 20–22 йил аввалги вазиятни эслаб ўттайлик. XX асрнинг 80-йилларининг охири 90-йилларининг бошларида ҳали Совет Иттифоқи мавжуд бўлган ва Марказда қандай бўлмасин Иттифоқни сақлаб қолишга ҳаракат кетаётган бир вақтда бунинг энг кучли воситаларидан бири шўро ҳарбий кучлари ҳисобланар эди. Ўша даврларда Иттифоқ бўйича энг кўп ҳарбийга чақириладиган йигитлар айни бизнинг Ўзбекистондан бўлгани кўпчиликка маълум. Ҳар йили 320 минг нафарга яқин йигитларимиз шўро қуролли кучларига хизматга чақирилар эди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, ўша даврларда ўзбек йигитлари нафақат ҳаётнинг бошқа жабҳаларида, балки қуролли кучлар сафида ҳам камситилар эди. Яъни йигитларимизнинг аксарият қисми ҳарбий хизматга чақирилиш баҳонасида курилиш батальонларига жалб этиларди. Улар икки йил давомида ҳарбий техникани кўрмай, қуролни бир марта бўлса-да қўлида тутмай, мардикорлик билан шуғулланиб қайтар эди.

Бу сиёsat аслида Биринчи жаҳон уруши давридаги чор Россияси қўллаган мардикор олиш сиёsatининг давоми эди. Чор Россияси фақат уруш вақтида мардикорликка сафарбар этган бўлса, шўролар давлати тинч даврда ҳам ҳарбий хизмат баҳонасида йигитларимиздан текин ишчи кучи сифатида фойдаланиб келди. Бундай сиёsatни оқлаш мақсадида Марказдагилар асоссиз баҳоналарни рўкач қилас эди. Масалан, юридик фанлари доктори Галина Литвинованинг матбуот орқали<sup>1</sup> ўзбекларни ҳарбий-тариҳий тажрибага эга бўлмаган миллат, деб баҳолашининг ўзи бизга бўлган муносабатнинг рўйирост, ошкора кўриниши эмасми?! Баҳоланки, Афғонистондаги урушга сафарбар қилинган аскарларнинг кўпчилигини ўзбек йигитлари ташкил этган. Демак, уруш даврида ўзбеклар ҳарбий хизматга лойиқ эди-ю, тинч даврда фақат мардикорликка яроқли бўлибди-да? Бу ҳам шўролар шовийистик сиёsatининг кўринишларидан бири эди<sup>2</sup>.

Таниқли олим А.Азизхўжаев ўзининг „Чин ўзбек иши“ асарида таъкидлаб ўтганидек, „Афғон уруши даврида энг кўп темир тобутлар Ўзбекистонга келган эди. Уруш, табиийки, қурбонсиз бўлмайди. Лекин, ачинарлиси шундаки, афғон уруши тамом бўлса-да, тинч даврда ҳам Ўзбекистонга келаётган темир тобутларнинг оқими тўхтамади. Фақат 1989 йилнинг ўзида Ўзбекистонга 430 та тобутнинг келгани фикримизнинг далилидир. 1990 йилларда ҳам бу даҳшатли жараён давом этди. Бу ҳақда ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов КПСС съездининг (1990 йил июнда) минбаридан туриб, сўнгги ярим йилнинг ўзида 300 га яқин ўзбек хонадонига ҳарбийдан тобутлар келганини ошкора айтганида, унинг гаплари бўхтонга чиқарилган эди. Буни исботлаш мақсадида тузилган маҳсус комиссия „масалани ўрганиб“, Ўзбекистон вакилининг 40 кишига янглишганини айта олди, холос. Майли, шундай ҳам бўлсин. Аммо ўйлаб кўринг, тинч даврда 300 га яқин ўзбек хонадони „ўғлим эр йигит бўлди“, деб энди кучга тўлган, орзу-умидлари бисёр ўғлонларини орзу-ҳавас билан ҳарбийга юбориб, кўп ўтмай уларнинг жасадини олгани ўша даврнинг

<sup>1</sup> „Наш современник“ журнали, 1990 йил, 6-сон.

<sup>2</sup> Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 152–155-бетлар.

энг даҳшатли ҳақиқати эмасми?.. Ҳатто, Косово урушида ҳам қурбонларнинг сони бунчалик кўп бўлмаган эди.

Устига устак, ўзларини „демократия ҳимоячилари“ деб атаган „Эрк“ ва „Бирлик“даги доҳийчалар қурбонлардан соҳта обрў орттириш йўлида фойдаланиб, уларни мусулмон одатларига биноан тезда қабрга қўйиш ўрнига кўчама-кўча кўтариб, одамларни хайрсиз курашга чорлагани дард устига чипқон бўлди... Faразли мақсадларда ҳар қандай фитна ва найранглардан тап тортмайдиган бундай кимслар учун бегуноҳ қонларнинг тўкилиши арзимас нарса эди. Ҳали Иттифоқ тарқалиб улгурмаган бу таҳликали даврда Ўзбекистон Республикаси Президенти қатъият билан масалани қон тўқмасдан, тинчлик билан ҳал қилиш йўлини тутди“<sup>1</sup>.

#### **4.3. Миллий армияни шакллантиришнинг ҳуқуқий пойдевори**

,Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган бўлса-да, ҳали СССР Мудофаа вазирлиги ва унинг қуролли кучлари сақланиб турган бир пайтда бундай кучга қарши тик бориш, „ётган илоннинг бошини қўзғаш“ оғир оқибатларга олиб келишини яхши тушунган Президентимиз ҳарбий соҳада ишни босқичма-босқич ҳал этиш йўлидан борди. 1991 йил 6 сентябрь куни эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида Президент Фармони бу йўлдаги биринчи қадам бўлди. Бу янгиликни „ҳазм қила олмаган“ Кремль Ўзбекистон Президентига тазийқ ўтказишга ҳаракат қилди. СССР Мудофаа вазири Е.Шапошников гайриодатий туюлган бу ҳолдан хавотирга тушиб, Президентимизга телефон қилган пайтда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазири этиб тайинланган Рустам Аҳмедов Президентимиз хузурида бўлган экан. Унинг хотиралишича, СССР мудофаа вазири Ислом Каримовга ғазаб билан: „Ислом Абдуғаниевич, биз билан маслаҳатлашмай Мудофаа ишлари вазирлиги жорий қилибсиз, вазир тайинлабсиз. Ўзингизни мустақил деб эълон қилган бўлсангиз-да, ҳали СССР деган қудратли давлат мавжуд. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Ҳатто Украина ҳам генерал Морозовни республика Мудофаа вазири этиб тайинлаётганида биздан рухсат олган эди“, деб пўписа қиласи. „Умуман, Сизга армиянинг нима ҳожати бор, ҳарбий комиссарият нимага қерак? Ахир СССР мудофаа вазирлигининг қудратли Туркистон ҳарбий округи Ўзбекистонда бўлса!“ деб коса тагида нимкоса қабилида бу ҳарбий салоҳият билан чўчитмоқчи бўлади. Уларнинг ёрдамисиз Ўзбекистон ўз хавфсизлигини таъминлай олмаслигини писандада қилинганда, куни кеча мустақилликка эришган мамлакатнинг мустақил президентининг жавоби шундай бўлди: „Биринчидан, республика Мудофаа ишлари вазирлиги жорий қилиниши ва вазирнинг тайинланиши – ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам ҳал қилинган масала. Иккинчидан, бу масалада Сиз билан келишишни асоссиз деб ҳисоблайман“. Қатъий жавоб олган Иттифоқ вазири анча ҳовуридан тушиб, республика мудофаа ишлари вазири билан кейинги ҳамкорлик учун танишмоқчи эканини билдиради. Президент: „Мадомики, сиз Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ишлари вазири билан ҳамкорлик қилиш мақсадида танишишни истасангиз, мен уни Москвага юбораман, танишиб оласизлар“, деб жавоб беради.

СССР мудофаа вазири билан суҳбатни тутатгач Президент Аҳмедовга қарата: „Сен мустақил республика мудофаа ишлари вазири сифатида Москвага борасан. Лекин у ерга фуқароча кийиниб боргин. Негаки, сен полковниксан, у эса – маршал. Ҳарбий кийимдаги погонларинг Иттифоқ мудофаа вазири билан мустақил

<sup>1</sup> Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 155–156-бетлар.

давлатнинг мудофаа ишлари вазири сифатида тенгма-тент гаплашишингта йўл қўймайди”, дейди.

Ўша вақтларда СССР Мудофаа вазирлиги ва унга бўйсунувчи Туркистон ҳарбий округи ҳар қандай кулай вазиятда Республика Мудофаа ишлари вазирлигини тан олмаслигини кўрсатишга ҳаракат қилди. Бу пайтда Туркистон ҳарбий округи қўмондонлик таркибининг фақат икки-уч фоизигина ўзбекистонлик бўлиб, қолганлари четдан келган эди. Шунинг учун ҳам янги ташкил топган, на қўшини, на куролли кучлари, на ҳарбий техникаси ва қурол-аслаҳасига эга бўлган республика Мудофаа вазирлиги Туркистон ҳарбий округи билан ўз муносабатларини эҳтиёткорлик билан олиб бориши лозим эди. Чунки ҳар қандай низо бизга зиён етказиши мумкин эди. Шуни тушунган Президентимиз мудофаа вазирини ўз хузурига чақириб, республикада осойишталикни сақлаб қолган ҳолда, мудофаа қудратини оширишнинг чуқур ўйланган йўл-йўригини беради. Бу ишларни ортиқча ҳиссиётга берилмасдан, босиқлик билан, қон тўкилишига йўл қўймай ҳал қилиш зарурлигини уқтиради. Мамлакатимиз дахлсизлигини таъминлаш учун биринчи галда қўидаги ишларни бажаришни топширади:

1. Ҳарбий комиссариятларни республика ихтиёрига ўтказиб, собиқ Иттифоқ армиясига аскар юборишни тўхтатиш.

2. Иттифоқда хизмат қилаётган ўзбекистонлик аскар ва зобитларни республика қайтариб олиб келиш.

3. Ўзбекистон худудида жойлашган барча ҳарбий гарнizon ва қисмларни республика тасарруфига ўтказиш.

Министрлар Советининг қарори билан бирма-бир ҳарбий комиссариятлар, Фуқаролар мудофааси штаби ва ДОСААФ республика ихтиёрига олинди (кейинчалик ДОСААФ „Ватанпарвар“ ташкилотига айлантирилди). Ҳарбий комиссариятларнинг республика ихтиёрига ўтказилиши йигитларимизнинг Иттифоқда хизмат қилишларига чек қўйди. Навбатдаги вазифа Ўзбекистон худудидан ташқарида хизмат қилаётган ҳарбий зобит ва аскар йигитларимизни Ватанимизга қайтариб келиш эди.

Собиқ шўролар давлатининг турли чеккаларида ҳарбий хизмат ўтаётган, бироқ мустақиллик нафасини туйган йигитларимиз СССР армиясида хизмат қилишдан бош тортдилар. Таъкидлаш лозимки, фақат ўзбекларгина эмас, ўзларини Ўзбекистон фуқароси, Ўзбекистонни Ватани деб билган турли миллат вакиллари бўлган зобит ва прaporшиклар ҳам Ўзбекистонда хизмат қилиш истагани билдира бошлади.

Ўша чоғда Президент Ислом Каримов мудофаа ишлари вазирини ва ички ишлар вазирининг ўринbosарини хузурига чақириб, Москва яқинидаги Ички ишлар қўшинларида 270 га яқин ўзбекистонлик ҳарбий хизматчи борлигини, улар Россияда хизмат қилишдан бош тортаётганини айтади. „Тезда ўша ерга етиб бориб, уларни зудлик билан Ўзбекистонга қайтариб келиш чораларини кўринг. Бу муҳим масала ҳал этилса, Иттифоқнинг бошқа ерларида хизмат қилаётган ватандош йигитларимизга далда бўлади ва уларнинг оммавий равишда Ватанига қайтиб келиши учун йўл очилади“.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг масалага чуқур ёндашганини кейинги воқеалар ривожи тасдиқлади. Москва атрофида хизмат қилаётган аскар ва зобитларимиз Ватанимизга олиб келинганидан кейин бу ҳақда хабар топган бошқа ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар фақат мустақил Ўзбекистон Республикасигагина хизмат қилажакларини билдириб, Иттифоққа хизмат қилиш тўғрисида қасамёд қилишдан

бош торта бошладилар. Шу сабабли СССР Мудофаа вазирлиги уларни Ўзбекистонга қайтариб юборишга мажбур бўлган эди. Эътиборлиси шундаки, бу аскар ва сержантларнинг учдан бир қисми турли миллат вакиллари бўлсалар-да, Ўзбекистонга хизмат қилиш истагини билдирилар.

Ҳарбий хизматчиларнинг ўз юртига қайтиши, юзаки қараганда, осон ишдек туюлиши мумкин. Аслида, уларнинг ижтимоий ҳимояси, уй-жой билан таъминланishi каби мураккаб масалаларни ҳам ҳал қилиш зарур эди. Ортга суриб бўлмайдиган бу вазифа юзасидан Президентнинг аниқ кўрсатмаси асосида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оиласарини ижтимоий ҳимоялаш ҳуқуқий таъминланади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Куролли Кучлари мамлакатимиз миллий манфаатларини, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳамда аҳоли тинчлигини ҳимоя қилиш, уруштар ва қуролли мажароларнинг олдини олиш учун давлат томонидан ташкил этилган ва сақлаб турилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар, қисмлардан иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августдаги „Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида“ги баёнотида „Давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Мудофаа ишлари вазирлиги ва Миллий гвардия тузилади. Республика ҳудудида жойлашган собиқ СССР ИИВ, СССР ДХҚ ҳамда Ички қўшинлари Ўзбекистон Республикаси юрисдикциясига олинади“, деб кўрсатилган эди. Бу қоидалар 1991 йил 31 августда қабул қилинган „Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида“ти қонунда мустаҳкамланди ва „Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, Миллий гвардия ва муқобил хизматни ташкил этиш ҳуқуқига эга“ деб ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бу амалда ёш республикамиз учун ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги фармонига асосан, Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди, унинг штат тизими ва ваколатлари белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 10 сентябрдаги фармонига биноан, мудофаа вазири айни вақтда Миллий гвардия қўмондони этиб тайинланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига биноан, Мудофаа ишлари вазирлигининг ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва низомлари тасдиқланди. Туркистон ҳарбий округи бошқарув органлари негизида Мудофаа ишлари вазирлиги Бош штаби ва бошқармалари тузилди. „Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида“ти қонун ҳамда 1991 йил 30 декабрдаги МДҲ Кенгашининг Куролли Кучлари Чегара қўшинлари ҳақидаги Минск қарори асосида 1992 йил 1 февралдан собиқ Иттифоқ тизимидағи қўшинларнинг маблағ билан таъминланиши тўхталишини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi 1992 йил 10 январда „Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган СССР ИИВнинг ҳарбий қисмлари ва ўқув муассасаларини Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олиш тўғрисида“ қарор қабул қилди. Унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган собиқ Иттифоққа қарашли Ички ишлар ва Мудофаа вазирлигининг қисмлари, бирлашмалари, қўшилмалари, олий ўқув юртлари, ҳарбий тузилмалари мамлакатнинг қонуний тасарруфига олиниши белгиланди. Қарор асосида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, ҳарбий муассасалардаги ишчи-хизматчиларга, со-

<sup>1</sup> Азизхўёжаев А. Чин ўзбек иши. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 156–159-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 12-жилд. – Т.: „Ўзбекистон Миллий энциклопедияси“ Давлат илмий нашриёти, 2006. 216–217-бетлар.

биқ Иттифоқ армиясида хизмат қилған нафақадорларга ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя кафолатланди<sup>2</sup>.

1992 йил 24 марта Үзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган Чегара қўшинлари бўлинмалари ҳақида“ги фармони билан Республика Миллий ҳавфсизлик хизмати қошида Чегара қўшинлари бошқармаси ташкил этилди ва Ўрта Осиё Чегара қўшинлари бўлинмалари унинг тасарруфига ўтказилди. 1992 йил 18 майда „Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган ҳаво десанти қўшинлари, ҳарбий транспорт авиаацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари ҳақида“ги фармон билан бу қўшинлар республика тасарруфига ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 12 ноябрдаги „Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган Ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар ҳақида“ги, 13 ноябрдаги „Ўзбекистон худудида жойлашган кимёвий ҳарбий қисмлар ҳақида“ги фармонлари билан мамлакатимиз худудида жойлашган мазкур турлардаги қўшинлар республика тасарруфига олинди ва сифат жиҳатидан такомиллаштирилди. Шу тарзда мустақил мамлакатимиз Куролли Кучларини барпо этишнинг ташкилий даври якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий округлари:

- Шимоли-ғарбий ҳарбий округ (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, округ штаби Нукус шаҳрида);
- Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округ (Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари, округ штаби Қарши шаҳрида);
- Марказий ҳарбий округ (Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари, округ штаби Жиззах шаҳрида);
- Тошкент ҳарбий округи (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, округ штаби Тошкент шаҳрида);
- Шарқий ҳарбий округ (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари, округ штаби Марғилон шаҳрида);
- Ўзбекистон Республикаси ўз Куролли Кучларини тузишда БМТнинг ҳуқуқий меъёрлари, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки якунловчи акти каби халқаро хужжатларнинг барча талабларига риоя қилди.

1992 йил 3 июлдаги Президент фармонига мувофиқ Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди. Ўзбекистон Республикасининг „Мудофаа тўғрисида“, „Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида“ ҳамда „Муқобил хизмат тўғрисида“ги қонунлари қабул қилинди. 1993 йилнинг 22 ноябрда „Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбий қисмининг Жанговар Байроби тўғрисида“ги Президент фармони имзоланиб, Куролли Кучлар Жанговар Байробининг ягона намунаси белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг „Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида“ги қонунига биноан 14 январь мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни, деб эълон қилинди.

Умуман, мустақиллик йилларида Президентимизнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган сиёсати боис мамлакатимиз ҳавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз шаклланди. Куролли Кучларни бошқаришнинг янги тизими яратилди, қўшинларнинг тузилиши ва жанговар таркиби, ташкилий-штат қурилиши тубдан ўзгарди. Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган тизими вужудга келди. Шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни тайёрлаш тизими тубдан ўзгармоқда.

Президентимиз, Куролли Кучлар Олий Бош қўмандони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Куролли Кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригига кўрсатиб ўтилганидек, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига раҳна соладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши Куролли Кучларимизнинг муносаби ва самарали зарба бериш имконияти ҳамда тайёргарлигини танқидий баҳолаб бориш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, бошқарувнинг информацион воситалари ва ҳарбий алоқа тизимларини уйғулаштириш, жанговар тайёргарликни мустаҳкамлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларни модернизация қилиш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, алоқа ва индивидуал ҳимоя воситалари билан таъминлаш, профессионал ҳарбийларни шакллантиришни таъминлайдиган узлуксиз тизимни янада такомиллаштириш каби чора-тадбирлар Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш, мусаффо осмонимизни асрраб-авайлашнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қиласди.

## **5-БОБ. СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНГИ АСОСДА БАРПО ЭТИШ**

### **5.1. Хуқуқий мустақилликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар: миллий суд-хуқуқ тизимиға тамал тошининг кўйилиши**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланишларнинг асосий мақсади Ўзбекистонда демократик хуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатdir. Бу юксак мақсадни рӯёбга чиқаришда барча соҳаларда, хусусан, суд-хуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар катта роль ўйнайди. Ўзбекистонда бугунги кунда суд-хуқуқ тизимида изчил амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, аслида, Ўзбекистон ҳали давлат мустақиллигига эришмасдан олдин И.А.Каримов раҳбарлигига бошланган ишларнинг давомидир. Буни „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобидаги концептуал фикр ва гоялар тасдиқлайди.

Мантиқ фанида хукм тушунчаларга таянади, дейилади<sup>1</sup>. Ўзбекистоннинг суд-хуқуқ тизими мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб янги асосда барпо этила борди, деб хулоса чиқаришдан аввал ўзак тушунча („суд-хуқуқ тизими“)нинг мазмунини англашимиз, унинг моҳиятини тушуниб олишимиз лозим. Шундай экан, сўзни аввало „суд-хуқуқ тизими“ тушунчасининг маъно-мазмунини ёритиб беришдан бошлаймиз. „Суд-хуқуқ тизими“ тушунчаси „суд тизими“ ва „хуқуқ тизими“ тушунчаларининг бирикмасидан иборат умумий ҳосила тушунчадир. Демак, „суд тизими“ ва „хуқуқ тизими“ тушунчаларининг мазмунини тушуниш орқали „суд-хуқуқ тизими“ тушунчасининг мазмунини аниқлаб оламиз.

Суд тизими — бу ўз ваколатлари ва олдига қўйилган вазифалар ҳамда мақсадларга мувофиқ тузилган судлар мажмуидир<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 107-моддасининг 1-қисмига кўра, „Ўзбекистон Республикаси суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпогистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпогистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат“<sup>3</sup>.


<sup>1</sup> Масалан, қаранг: *Хайруллаев М., Ҳақбердиев М.* Мантиқ. — Т.: „Ўқитувчи“, 1993. — 103-бет; *Рахимов И.* Логикадан амалий машгулотлар ва методик тавсиялар (университетларнинг гуманитар факультетлари талабалари учун ўкув қўлланма). — Т.: „Ўқитувчи“, 1988. 53-бет.

<sup>2</sup> Костеций В.А. Конституция Республики Узбекистан. Словарь-справочник для учащихся общеобразовательных школ, колледжей и лицеев. — Т.: „Билим“, 2003. стр. 107.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш киритилган). — Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2009. 29-бет.


Бу моддада Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг моҳияти, тизимнинг таркибий тузилмалари, ваколат муддатлари каби масалалар очиб берилган.

Куйида келтирилган конституциявий норма (ва унинг асосида тайёрланган 5.1.1-расмда) бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон суд тизимининг тузилиши тўғрисида яқъол маълумот беради (*5.1.1-расмга қаранг*).



**5.1.1-расм.** Ўзбекистон Республикасининг суд тизими.

Бироқ бу маълумот бизнинг мавзумиз бўлган — тадқиқ этилаётган йиллар (1989—1991)да Ўзбекистонда мавжуд бўлган суд тизимини акс эттирмайди. Биз бу ўринда суд тизими тўғрисида талабаларда дастлабки ва умумий тасаввурларни ҳосил қилиш фикридан келиб чиқиб шундай йўл тутдик. Тадқиқ этилаётган уч йилликдаги мавжуд суд тизимини ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳбарлигига мамлакатимизда бошланган туб ислоҳотларнинг ўша давр суд тизимидағи амалий ифодаси қандай кечганини қўйироқда ёритишни назарда тутган ҳолда, энди эътиборимизни „хуқуқ тизими“ тушунчаси деганда нима тушунилишини аниқлаштириб олишга қаратайлик.



**5.1.2-расм.** Хуқуқ тизими.

Хуқуқ тизими — миллий хуқуқ тузилиши бўлиб, жамиятдаги мавжуд хуқуқ нормаларининг маълум қисмларга бўлинishiшидир<sup>1</sup>. Хуқуқ тизими турли хуқуқ соҳаларидан иборат. Уларнинг ҳар бири ўзининг предметига ва ана шу предмет мазмунини ташкил қилувчи муносабатларни тартибга солиш услубига эга. Хуқуқ соҳалари тузилишида нормалар, институтлар, ёрдамчи институтлар (суб-институтлар), соҳаости хуқуқлар ажralиб, ўз навбатида, соҳанинг умумий ва маҳсус қисмларини ташкил қиласди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Юридик энциклопедия / Юридик Фанлари доктори, проф. У. Тожихоновнинг умумий таҳрири остида. — Т.: „Шарқ“, 2001. 651-бет.

<sup>2</sup> Раҳмонкулов Ҳ. Хуқуқ тизими ва унинг соҳалари / Масъул мұхаррир Р.Ж.Рұзиев; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва хуқуқ институти/. — Т.: Фалсафа ва хуқуқ институти, 2005. 5-бет.

Куйида келтирилган схема ҳуқуқ тизими тўғрисида ёрқин тасаввур ҳосил қилишга хизмат қиласди. Лекин шуни таъкидлашни истардикки, схемада кўрсатилган балзи ҳуқуқ соҳалари тадқиқ этилаётган йилларда фан соҳаси сифатида умуман мавжуд бўлмаган ёки ана шу ҳолатда шаклланиб улгурмаган эди. Масалан, тадбиркорлик ҳуқуқи хусусий мулкка йўл очилиши, унинг бошқа мулк шакллари қаторида бирдек кафолатланишининг конституциявий нормалар асосида мустаҳкамланиб қўйилиши ва мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётiga ўтиши асносида янгича тараққий этди.

Ҳуқуқ тизими, асосан, икки гурухга — оммавий ва хусусий ҳуқуққа бўлинади. Оммавий ҳуқуқ таркибига жамият ва унинг аъзолари, давлат, давлат органлари ва ташкилотларининг манфаатларини амалга оширишга қаратилган ва бир тарафнинг иккинчи тарафга бўйсунишига асосланган ҳуқуқ нормаларидан ташкил топган ҳуқуқ соҳалари (конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи ва бошқалар) киради. Хусусий ҳуқуқ таркибига тарафлари тенг ҳуқуққа эга бўлган муносабатларни тартибга солувчи нормалардан ташкил топган ҳуқуқ соҳалари (фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи ва бошқалар) киради. Шунинг билан бир қаторда, оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуққа хос нормалардан ташкил топган комплекс (мажмуавий) ҳуқуқ соҳалари (экология ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, банк ҳуқуқи ва бошқалар) ҳам мавжуд (*5.1.2-расмга қаранг*).

Демак, суд-ҳуқуқ тизими тушунчаси остида суд тизими ва ҳуқуқ тизими тушунчалари мазмунининг йиғиндиси тушунилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини янги асосда барпо этиш ва ислоҳ қилиш мамлакатимизда мустақилликка эришиш остонасидаёқ амалга оширилиши бошланган янгиланишларнинг таркибий қисми саналади. Энди эса бевосита 1989—1991 йилларда Ўзбекистонда И.А.Каримов раҳбарлигида суд-ҳуқуқ тизимини янги асосларда барпо этиш борасида олиб борилган ислоҳотларнинг кўламини ёритиш ва таҳдил этишга ўтайлик.

## 5.2. „Давлат тили ҳақида“ти Қонун — суд-ҳуқуқ тизимидағи янгиланишларнинг дебочаси

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиш арафасида мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг жасорати ва қатъияти, аниқ ва олий бир мақсади — халқимиз мустақиллиги ва озодлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишига эришиш, суд-ҳуқуқ тизимини мутлақо янги асосларда яратиш борасида олиб борган саъй-ҳаракатларини тушуниш ва тўғри баҳолай олиш учун, албатта, ўша даврда СССР ва Ўзбекистонда юз берган воқеаларга холисона баҳо бермоқ даркор.

Маълумки, ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб СССРда кучайган танглик ҳолати мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди. КПССнинг кутилаётган натижаларни бермаётган иқтисодий сиёсати бутун ижтимоий-сиёсий тизимнинг инқирозига сабаб бўлди<sup>1</sup>. Халқ хўжалигидаги танглик ҳолатларининг кескин суратда ва шитоб билан кучайиб бориши социалистик тизимнинг таянч негизларига таҳдид солувчи хатарли сиёсий тангликка ўсиб ўтди. Бутун жамиятда кескин, туб ўзгаришлар қилиш зарурати пайдо бўлди. Кириб қолинган боши берк кўчадан чиқиб кетиш йўллари изланди. Ниҳоят, 1985 йилнинг баҳорида КПСС Марказий Кўмитасининг апрель пленуми совет жамиятини қайта қуриш, унинг

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида // Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва бошқ.; Таҳрир ҳайъати: А.Азизхўжаев (раис) ва бошқ./. — Т.: „Шарқ“, 2000. 624-бет.

барча соҳаларида туб янгиланишлар ва ўзгаришлар ясаш йўлини эълон қилди. Қайта куриш совет жамиятини ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжи сифатида баҳоланди. Қайта куриш социалистик жамият ривожининг чукур жараёнларидан ўсиб чиқсан зарурат сифатида таърифланди. Қайта куришнинг таркибий қисми жамият ҳаётини демократлаштириш экани белгиланди.

Лекин буларнинг барчаси қуруқ риторика ва декларация бўлиб, ҳеч қандай амалий натижа бермади. Аксинча, улар совет жамиятининг туб асослари адолатсизлик негизига қурилганлигини ривожланишга ноқобил эканини ошкор этиб қўйди. Агарки, совет суд-хукуқ тизимини оладиган бўлсак, у инсонни ҳимоя қилувчи орган эмас, аксинча, мустабид тузум қўлидаги инсонлар ва халқларни эзиш куроли, репрессив машинага айланиб қолган эди. Унинг бундай файриинсоний моҳияти, айниқса, 80-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон ва унинг халқига нисбатан авж олдирилган қатағон кампаниялари даврида яққол намоён бўлди. Ўзбекистонда пахтани териш ва қайта ишлашдаги сунъий равишда ўйлаб топилган „ўғирлик“, „қўшиб ёзиш“ ҳолатларини тергов қилиш билан марказий прокуратура ва ички ишлар органлари маҳсус шугулланди. „Пахта иши“ энг шов-шувли иш сифатида бутун Иттифоққа намойиш қилинди<sup>1</sup>. Бир қатор Россия газеталарининг зўр бериши туфайли „пахта иши“ „ўзбеклар иши“га айлантирилди<sup>2</sup>. Ўзбекистонга ва ўзбек халқига нисбатан қилинган бу адолатсизлик халқ оммасининг советлар режимига нисбатан нафратини оширди, муносабатини ўзгартирди<sup>3</sup>.

Иттифоқ таркибига кирган республикаларда ўзликни англаш, тил, маданият, тарих ва келажакка теран назар солиш, инсон ҳукуқ ва эркинликларини ҳар нарсадан устун қўйишга бўлган интилиш кучайиб борди. Хусусан, Ўзбекистонда кенг мунозараларга сабаб бўлган муаммолардан бири ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи бўлди. Бу муаммо юзасидан бошланган ҳаракат қурдатли тус олди, унда зиёлилар, талабалар ва ёшлар фаол иштирок этди. И.А.Каримов бошчилигидаги янги раҳбарият бу масалани амалий ҳал қилишга жасорат билан киришди. Натижада ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида 1989 йил 21 октябрда „Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида“ти Қонуни қабул қилинди<sup>4</sup>. Қонуннинг 1-моддасининг 1-қисмида „Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир“<sup>5</sup>, деб ёзиб қўйилди. Шундай қилиб, ўзбек тили давлат тили мақомини олди.

<sup>1</sup> „Аввало республикамиз раҳбарлигига И.А.Каримов келиб, у киши томонидан суд ва судьяларнинг қўллаб-қувватланганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди „Пахта ишлари“га ҳукуқий баҳо берди. Минглаб ҳамюргларимиз оиласлари бағрига қайтди“: Мингбоев У. Суд — фуқаролар ҳимоячиси. — Т.: ДИТАФ, 2001. — 20-бет.

<sup>2</sup> „Пахта иши“, „ўзбеклар иши“ сингари ишлар асосида ноҳақ қамалиб, озодликдан маҳрум этилган шахслар кейинчалик шахсан Президент И.А.Каримов ташабbusи билан суд қарорлари асосида оқландилар. „Агар Президентимизнинг ташабbusлари бўлмаганда, ўша пайтларда на Олий суд, на прокуратура бу ишларни („Пахта иши“, „ўзбеклар иши“ сингари ишларни — таъкид Алиқул Раҳмоновники) қайта кўришга журъат қила олмас эдилар“: Мингбоев У. Суд — фуқаролар ҳимоячиси. — Т.: ДИТАФ, 2001. 80—81-бетлар.

<sup>3</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида // Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва бошқ.; Таҳир ҳайъати: А.Азизхўжаев (раис) ва бошқ./. — Т.: „Шарқ“, 2000. — 660-бет.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг „Давлат тили ҳақида“ти Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1995 йилнинг 21 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида „Давлат тили ҳақида“ти Қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди.

<sup>5</sup> Қонуннинг матни бўйича қаранг: Она тили — Давлат тили: (Ўқув қўлланма-мажмуа) Ўзбекистон Республикасининг „Давлат тили ҳақида“ти Қонунига оид ҳужжатлар / Тузувчилар: Н.Жумахўжа, Р.Жомонов. — Т.: „Адолат“, 2004. 80 бет. (Давлат ва миллат рамзлари).



**5.2.1-расм.** Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципининг жамиятда амалда рўёбга чиқарилиши, яъни ҳокимиятлар бўлинишининг амалга оширилиши ҳар қандай давлатнинг демократик хусусиятини белгилайдиган омиллардан биридир. Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи давлат ҳокимияти органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлайди. Мазкур принципнинг оқилона рўёбга чиқарилиши орқали давлатда бирор орган ёки шахс томонидан *диктатура*<sup>1</sup> ўрнатилишининг олди олинади, давлат бошқаруви амалга оширилишининг идеал мувозанати таъминланади, давлат органларининг самарали фаолият юритиши учун замин тайёрланади.

„Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида“ги Қонуннинг 4-моддасининг 1-қисмини келтирамиз: „Ўзбекистон ССРда ишловчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун республика давлат тилини етарли даражада билишлари шарт“<sup>2</sup>. Қонуннинг 5-моддаси (1-қисм)да куйидаги ҳуқуқий норма мустаҳкамлаб қўйилди: „Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида съезд, пленум, қурултой, сессия, конференция, мажлис ва кенгашлар республиканинг давлат тилида олиб борилади ва айнан таржимаси таъминланади“<sup>3</sup>. Қонундан келтирилган ана шу моддалар (уларнинг қисмлари)да Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятини давлат тилида юритишлари лозимлиги кўрсатилган. Шу ўринда давлат ҳокимияти ва унинг бўлиниши принципи тўғрисида қисқача маълумот беришни кўзлаб, кичик бир чекиниш қиласиз. Кези келганда таъкидламоқ лозимки, давлатда ҳокимиятнинг мавжуд бўлиши давлатнинг асосий белгиларидан бири саналади. Давлатдаги мавжуд ҳокимият (давлат ҳокимияти) эса маълум принцип асосида тақсимланади, бўлинади. Бу „давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи“ деб аталади. Мазкур принципга кўра, давлат ҳокимияти бир-бири билан чамбарчас боғланган ва айни вақтда маълум мустақилликка эга бўлган куйидаги уч шохобчага бўлинади: қонун чиқарувчи

<sup>1</sup> „Диктатура“ сўзи лотинча *dictatura* сўзидан олинган бўлиб, „чекланмаган ҳокимият“ маъносини билдиради. Қаранг: Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров X., Холмедов X., Содиқов С. — Т.: „Адолат“, 1999. 27-бет.

<sup>2</sup> Она тили — Давлат тили: (Ўқув қўлланма-мажмуа) Ўзбекистон Республикасининг „Давлат тили ҳақида“ги Қонунига оид ҳужжатлар / Тузувчилар: Н.Жумахўжа, Р.Жомонов. — Т.: „Адолат“, 2004. 6-бет.

<sup>3</sup> Ўша ўқув қўлланма-мажмуа, 7-бет.

ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиияти<sup>1</sup>. Ана шу уч ҳокимият биргаликда давлат ҳокимиятини ташкил этади (5.2.1-расмга қаранг).

Давлат ҳокимиятинг бўлиниш принципи давлат ҳокимияти органларининг келишиб, бир-бирини назорат қилиб ва ўзаро уйғунликда ишладига имкон яратади. Шунинг учун ҳокимиятнинг бўлиниш принципининг қарор топиши демократик давлатта хос жиҳатдир.

Тўққизинч ҷақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида 1978 йил 19 апрелда Ўзбекистон ССРнинг Конституцияси (Асосий Қонуни) қабул қилинган<sup>2</sup>. Гарчи, Ўзбекистон ССР Марказга қарам республикалардан бири бўлган ва мустақил давлат бўлмаган бўлса-да, гарчи Ўзбекистон ССРнинг Конституциясида давлат ҳокимиятинг бўлиниш принципига мувофиқ давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятидан иборат экани очиқ-ойдин норматив асосда белгиланиб қўйилмаган бўлса-да, Ўзбекистон ССРда қонунлар чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари мавжуд бўлган. „Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида“ги Қонуннинг тегишли моддаларига мувофиқ, давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятини эндиликда (Қонун кучга кирган кундан эътиборан) давлат тилида, яъни ўзбек тилида олиб борадиган бўлишди. Қонуннинг б-моддасига асосан, Ўзбекистон ССР олий давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қонун, қарор ва бошқа хужжатлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг хужжатлари республика давлат тилида тайёрланадиган, қабул қилинадиган ва эълон этиладиган бўлди.

„Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида“ги Қонуннинг 10-моддаси Ўзбекистонда мустақилликка эришиш остонасида суд тизимининг янгича асосларда барпо этила бошланганини кўрсатувчи далиллардан бири, бу тизимда бошланган туб амалий янгиланишларнинг дебочаси бўлгани шубҳасиз. Келинг, Қонуннинг 10-моддаси билан яқиндан танишайлик:

„Ўзбекистон ССРда судлов ўзбек, қорақалпоқ тилларида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни судда қатнашувчи кишилар билмаган тақдирда бу кишилар учун таржимон орқали ишга оид материаллар билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳукуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳукуқи таъминланади.

Ўзбекистон ССРда давлат ҳакамлиги маҳкамаларида корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиши, ҳал қилишда ўзбек тили қўлланади. Зарурат бўлганда хўжалик низолари миллатлараро мумомала тилида ҳам қараб чиқилиши мумкин. Ўзбекистон ССР ва бошқа республикалар корхоналари,

<sup>1</sup> Баъзан оммавий ахборот воситаларини „тўртингчи ҳокимият“ сифатида тилга олишади. Бироқ бу мезон юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган эмас ва мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин ҳам эмас. Чунки давлат ҳокимияти факат номлари юқорида тилга олинган учта ҳокимииятга бўлинишни тақозо этади. Оммавий ахборот воситаларининг жамиядаги юксак ўрнини алоҳида таъкидлаш мақсадида мазкур тушунча кенг қўлланади. Оммавий ахборот воситаларига, яъни „тўртингчи ҳокимият“га газеталар, журналлар, радио, телевидение ва оммавий ахборот тарқатишнинг бошқа воситалари киради. „Тўртингчи ҳокимият“ мажбурлов органларига эга эмас. Шу маънода, бу тушунча кўчма маънодаги ҳокимиятни ифодалайди. Шундай бўлса-да, оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеи юксакадир. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги эзгу фояларнинг амалга ошишини таъминлаш ва фуқароларнинг ана шу ишга қўшаётган юксак ҳиссаси боис оммавий ахборот воситаларининг хизматлари алоҳида таъкидланиши ўринлидир.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Конституциясининг матни бўйича қаранг: Конституция (Основной Закон) Узбекской Советской Социалистической Республики. — Т.: „Ўзбекистан“, 1984.

**ташкилотлари ва муассасалари ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиш, ҳал қилишда ҳам миллатлараро муомала тили қўлланади“.**

„Давлат тили ҳақида“ги Қонуннинг қабул қилинишини барча бирдек хурсандчилик ва мамнунлик билан кутиб олди. Маълумки, бу қонун қабул қилинган вақтда ҳали СССР мавжуд ва мустабид тузум ўз умрини ўтаб бўлмаган эди. Мустабид тузум жон талвасасида сўнгти нафасларини оларди. Халқимизнинг ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш борасидаги жўшқин ҳаракатини мустақиллик йўлидаги муҳим қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

„Тил ҳақидаги қонун учун ҳаракат дастлаб Ўзкомпартия Марказий қўмитаси деб аталмиш идора томонидан қаршиликларга учради. Не баҳтки, бу раҳбарият ўзгариб, республикамизнинг бугунги Президенти Ислом Каримов раҳбар бўлгач, бу ҳаракатга муносабат ўзгарди ва ушбу қонун қабул қилинди. Шу ўринда давлат раҳбарларининг том маънодаги жасоратларини ҳам таъкидлаш керак. Бу ҳам тарихий воқеалар силсиласига киради“<sup>1</sup>.

„Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили ҳақида“ги Қонуннинг қабул қилиниши ўзбек халқининг ўзлигини англашининг ўсиши ва республикада миллатлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиб қолиши учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди, „давлат мустақиллиги йўлидаги биринчи муваффақиятимиз, биринчи галабамиз бўлди“<sup>2</sup>. „Республика Олий Советининг сессиясида Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги қонунининг қабул қилиниши республика ҳаётида муҳим тарихий воқеадир“<sup>3</sup>.

### 5.3. Ўзбекистонда президентлик институтининг жорий этилиши

„Давлат тили тўғрисида“ги Қонун қабул қилинганидан сўнг миллий ўзликни англаш, миллий давлатчиликни тиклаш йўлида республикада яна бир тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий қадам қўйилди. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси муҳим сиёсий-хукукий ҳужжатни — Ўзбекистонда президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда Президент лавозими 1990 йил 24 марта Олий Кенгашнинг биринчи сессиясида таъсис этилди. Ўша куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари республика Компартияси Марказий Қўмитасининг Биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президенти этиб сайладилар. СССР республикалари ичida биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик бошқаруви жорий этилди. Бу вақтда СССР худудида фақат СССР Президенти лавозими мавжуд эди<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март пленумларининг якунлари ҳамда КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан республика

<sup>1</sup> Тоҳир Малик. Ўнинчи довон. // „Хукуқ — Право — Law“ илмий-назарий юридик журнали, № 4 (8), 1999, 38—39-бетлар.

<sup>2</sup> Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар / Сўзбоши: Faфуров И. — Т.: „Шарқ“, 2001. 213-бет.

<sup>3</sup> Ислом Каримов. Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзланган нутқдан, 1989 йил 28 ноябрь. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида / И.А. Каримов. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 91-бет.

<sup>4</sup> 1990 йилнинг 14 марта СССР ҳалқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съездига СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Бу лавозимга Михаил Сергеевич Горбачев сайланди.

партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида қилган маъruzасида таъкидлаганидек, „энг муҳими шундан иборатки, Президент институтининг жорий этилиши — республикамиз учун суверенитет ва давлатчиликда принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдиради“<sup>1</sup>. Ислом Каримов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990 йил 24 марта бўлиб ўтган биринчи сессиясида сўзлаган нутқида ҳам Президент бошқарувининг жорий этилиши ҳаёт тақозоси эканини уқтириб, бундай деган эди: „Президент бошқарувини ҳаётнинг ўзи, қайта қуришнинг мантиқи, моҳияти, унинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари тақозо этяпти“<sup>2</sup>.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, мамлакатда давлатни идора этишнинг замонавий ва самарали шакли — президентлик тизими қарор топа бошлади. Дунё давлатчилиги тараққиётида давлат бошқарувининг асосан икки шакли — монархия ва республика шакллари мавжуд. Республика, ўз навбатида, парламентар республика ва президентлик республикаси кўринишларига эга. Президентлик республикаси ҳозирги кунда энг кўп тарқалган давлат бошқаруви шаклидир. БМТга аъзо 192 давлатдан 142 тасида Президент<sup>3</sup> лавозими мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти президентлик республикасидир<sup>4</sup>.

Ўзбекистон халқининг манфаатларини кўзлаб И.А.Каримов ташабуси билан амалга оширилган дастлабки тадбирларнинг ўзиёқ президентлик бошқарувининг ўз вақтида таъсис этилганидан далолат беради. 1990 йил 20 июнда республика Олий Совети томонидан қабул қилинган Мустақиллик декларацияси ана шундай тадбирлардан эди. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган ва жиддий аҳамиятга молик бўлган мазкур ҳужжат депутатлар томонидан моддама-модда, бандма-банд муҳокама қилинди. Мустақиллик декларациясининг кириш қисмида Ўзбекистоннинг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган анъаналари, ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга экани таъкидланди. Мустақиллик декларацияси Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида қўйилган навбатдаги муҳим одимлардан бири бўлди.

#### 5.4. Суд-ҳуқуқ тизимини янгича тартибда барпо этиш асослари

1990 йил 20 июнда „Ўзбекистон Республикасида Конституцион назорат тўғрисида“ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни<sup>5</sup> қабул қилинди.

Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикасида эса —

<sup>1</sup> Ислом Каримов. „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 147-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба, 149-бет.

<sup>3</sup> „Президент“ сўзи лотинча *praesidens* (*praesidentis*) сўзидан олинган бўлиб, „олдинда ўтирувчи“ маъносини билдиради.

<sup>4</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабон лугат // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззокова ва бошқ.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри / — Т.: „Шарқ“, 2006. 75-бет.

<sup>5</sup> Қонуннинг матни бўйича қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 16—18-сонлар, 289-модда; 1991 й., 11-сон, 273-модда; 1993 й., 5-сон, 205-модда. Ўзбекистон Республикасининг „Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар киритиш тўғрисида“ги Қонунига мувофиқ мазкур Қонуннинг номидаги ҳамда матнидаги „Ўзбекистон ССР“ деган сўзлар тегишли келишикдаги „Ўзбекистон Республикаси“ деган сўзлар билан алмаштирилган. Шунингдек, „Қорақалпоғистон АССР“ деган сўзлар тегишли келишикдаги „Қорақалпоғистон Республикаси“ деган сўзлар билан алмаштирилган. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1993 йил 6 майдаги 821-ХП-сон қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига мос бўлишини таъминлаш, шахснинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини, Ўзбекистон Республикаси халқларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида конституцион назорат таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикасида конституцион назоратни Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституцион назорат комитети амалга ошириди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети сиёsat ва ҳуқуқ соҳаси мутахассисларидан комитет раиси, раис ўринбосари ва Қорақалпоғистон Республикаси вакилини қўшиб ҳисоблагандан комитетнинг 9 аъзосидан иборат қилиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети Ўзбекистон Республикаси Олий Совети муҳокамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети томонидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа ҳужжатларни, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини қараб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Олий Совет Раисининг қарорлари ва фармойишлари, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг ратификация қилиш ёки тасдиқлаш учун тақдим этилган халқаро шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг раҳбарий йўл-йўриқ ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ҳакамигининг норматив тусдаги ҳужжатлари, шунингдек, бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ прокурор томонидан назорат қилинмайдиган норматив ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини назорат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитетининг назорат қилиш вазифалари судларнинг ҳукми ва бошқа қарорларига, тергов, прокуратура давлат ҳакамлиги органларининг гражданлик, жиной, маъмурий ишларига доир қарорларига тааллуқли эмас, деб белгиланди.

1990 йил 1 октябрда „Ўзбекистон ССЖ Президенти Кенгашининг таркиби тўғрисида“ Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармони<sup>1</sup> эълон қилинди. Фармон асосида Ўзбекистон ССЖ Президенти Кенгашининг (14 кишидан иборат) аъзолари тайинланди.

1990 йил 31 октябрда „Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида“ Ўзбекистон Республикасининг<sup>2</sup> Қонуни<sup>3</sup> қабул қилинди. Республиканинг етилган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини

<sup>1</sup> *Фармоннинг матни бўйича қаранг:* Ўзбекистон Совет Социалистик Жумхурияти Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 28—30-сонлар, 335-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 30 сентябрдаги 364-ХII-сон „Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзgartишлар киритиш тўғрисида“ти Қонунига мувофиқ мазкур Қонуннинг номидаги ҳамда матнидаги „Ўзбекистон ССР“ деган сўзлар тегишли келишикдаги „Ўзбекистон Республикаси“ деган сўзлар билан алмаштирилган.

<sup>3</sup> *Қонуннинг матни бўйича қаранг:* Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 31—33-сон, 355-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 121-модда.

ҳал этиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтиришни, жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш юзасидан кечиктирмай чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тақозо этди. Бундай шароитда милиция ходимлари хавфсизлигини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш фоят муҳим аҳамият касб этди. Милиция ходимларини ўлдириш, куролини олиб қўйиш мақсадида уларга ҳужум қилиш, уларнинг хизмат фаолиятига аралашиш ҳоллари оз эмас эди. Бу эса меҳнаткашларнинг адолатли норозилигини келтириб чиқарди. Шу боис милиция ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида мазкур қонун қабул қилинди. Унга кўра, милиция ходимлари давлат ҳокимиятининг вакили экани, давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши белгилаб қўйилди.

Милиция ходимининг қонуний талабларини барча фуқаролар ва мансабдор шахслар бажаришга мажбур экани таъкидланди. Милиция ходимининг қонуний талабини бажармаслик, шунингдек, уни ҳақоратлаш, унга қаршилик кўрсатиш, дўқ-пўписа қилиш, зўрлик ишлатиш ва унинг ҳаётига тажовуз қилиш, шунингдек, милиция ходимининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришига тўскенилик қилувчи бошқа хатти-ҳаракатларни қилиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган жавобгарликка олиб келиши айтилди. Милиция ходимининг кўрсатмалари фуқароларнинг, у ҳуқуқбузар, жабрланувчи ёки гувоҳ бўлишидан қатъи назар, кўрсатмалари билан тенг равищда далилий аҳамиятга эга экани белгиланди. Зарур мудофаа, ўта зарурат бўлган ҳолатда ёки касбига кўра ўринли таваккалчилик қилиш ҳолатида милиция ходими томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлар гарчанд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида кўзда тутилган жиноий ҳаракатлар кўринишида бўлса ҳам, жиноят деб ҳисобланмаслиги қайд этилди. Милиция ходими турар-жой майдони тақсимлашда, уйга телефон ўрнатишида, мактабгача болалар тарбия муассасаларидан ўрин беришда имтиёзлардан, транспортнинг барча турларига навбатсиз билет сотиб олиш, меҳмонхонага жойлашиш ҳуқуқидан фойдаланадиган, шунингдек, ижтимоий-маиший таъминотнинг бошқа масалаларини ҳал этишда ҳалқ депутатлари маҳаллий Советларининг қарорларида кўзда тутилган тартибда имтиёзлардан фойдаланадиган бўлди. Милиция ходимининг ҳаёти тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан давлат ижтимоий сугуртасидан албатта ўтказилиши кераклиги белгиланди.

Милиция ходими ўз хизмат вазифасини ёки ижтимоий бурчини бажараётгани муносабати билан унинг мулкига етказилган зарар тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан тўла ҳажмда тўланиши, сўнгра суд орқали бу зарар айбордан ундириб олиниши белгиланди. Милиция ходими тартибни сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганида қасдан ўлдирилганда унинг оиласига тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан унинг эллик ойлик даромади миқдорида бир йўла нафақа берилиб, сўнгра бу пул айборлардан ундириб олиниши белгилаб қўйилди. Ўз боқувчисини йўқотгани муносабати билан ҳалок бўлганнинг оиласига қонунда кўрсатилганига мувофиқ пенсия белгиланди.

Милиция ходимига у ўзининг профессионал фаолияти билан шуғуллана олмайдиган даражада оғир тан жароҳатлари етказилганда тегишли бюджет маблағларидан 25 ойлик даромади миқдорида пул тўланиб, сўнгра бу пул айборлардан ундириб олиниши, шунингдек, унинг мансаб оклади билан пенсияси ўртасидаги фарқ тўланиши белгилаб қўйилди. Енгилроқ тан жароҳатлари етказилганда тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан 5 ойлик даромади миқдорида пул тўланиб, сўнгра бу пул айборлардан ундириб олиниши белгиланди.

## ПРОКУРАТУРА



**5.4.1-расм.** Ўзбекистон ССРнинг прокуратура органлари.

1990 йилнинг 1 ноябрида „Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида“ Ўзбекистон Совет Социалистик Жумхуриятининг Қонуни<sup>1</sup> қабул қилинди. Давлат бошқарувининг уйғун тизимини яратиш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятini бир-биридан қатъий фарқлаб қўйиш, давлат органлари фаолиятида параллелчилик ва бир-бирининг ишини тақрорлашига, бир органни бошқа органлар вазифасини бажаришига барҳам бериш мақсадида ҳамда бозор муносабатларига ўтиш шароитида ижроия ҳокимиятни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишнинг ҳамма жабҳаларида интизом ва тартиб ўрнатиш айниқса муҳим эканини ҳисобга олиб, юқорида зикр этилган Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонун асосида Ўзбекистон ССРнинг Конституцияси (Асосий

<sup>1</sup> Қонуннинг матни бўйича қаранг: Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1990 й., 31—33-сонлар, 375-модда.

Қонуни)га бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Ана шундай ўзгартиш ва қўшимчалар Конституциянинг „Прокуратура“ деб номланган 21-бобида амалга оширилди. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, Ўзбекистон ССР худудида барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, халқ депутатлари маҳаллий советларининг ижроия ва бошқарув органлари, колхозлар, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар томонидан қонунларнинг аниқ, бир хилда бажарилишини олий даражада назорат қилиш Ўзбекистон ССР Прокурори ҳамда унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон ССР Прокурори ва унинг ўринbosарлари Ўзбекистон ССР Президентининг СССР Бош прокурори билан келишилган тақдимига кўра Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тайинланадилар, улар Олий Совет олдидаги масъул бўлиб, унга ҳисоб бериш белгиланди. Қорақалпогистон АССР Прокурори республика Прокурорининг Ўзбекистон ССР Президенти билан келишилган тақдимига кўра, Қорақалпогистон АССР Олий Совети томонидан тайинланадиган бўлди. Область, район ва шаҳар прокурорлари Ўзбекистон ССР Прокурори томонидан тайинланиши жорий этилди. Ўзбекистон ССР Прокурори, Қорақалпогистон АССР прокурори, область, район ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати — 5 йил эди. Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг органлари ўз ваколатларини амалга оширишда бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, мансабдор шахслардан эркин бўлиб, фақат Ўзбекистон ССР Прокурорига бўйсунар эди (5.4.1-расмга қаранг).

1990 йилнинг 1 ноябрида қабул қилинган „Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ти Ўзбекистон ССРнинг Қонуни асосида яна қуйидаги ислоҳотлар амалга оширилди:

1) Президентлик ҳокимияти билан Министрлар Советининг ижроия-бошқарув ҳокимияти кўшиб юборилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди<sup>1</sup>, Ўзбекистон ССР Президенти айни бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлди. Ўзбекистон ССР Президентининг ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг аппарати Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги битта аппаратта бирлаштирилди.

2) Ўзбекистон ССР вице-президенти лавозими таъсис этилди. Вице-президентни Ўзбекистон ССР Президенти тайинлаши ва шундан сўнг Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиқлаши белгиланди. Ўзбекистон ССР вице-президенти Ўзбекистон ССР Президентининг топшириғига кўра Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қиласи ва унинг ишини ташкил этар эди.

3) Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Президиуми, Министрлар Советининг Раиси, Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринbosарлари ва ўринbosарлари лавозими тутатилди.

4) Вазирлар Маҳкамаси Раисининг давлат-хўжалик ва ижтимоий-маданий курилишнинг асосий белгиловчи йўналишлари бўйича биринчи ўринbosарлари, ўринbosарлари лавозимлари таъсис этилиб, улар зиммасига ўзлари раҳбарлик қилаётган тармоқлар бўйича фаолиятни уйғунлаштириш ва пировард натижаларни

<sup>1</sup> Орадан 15 кун ўтиб, яъни 1990 йил 15 ноябрда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таркиби тўғрисида Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони (Ведомости Верховного Совета Узбекской Советской Социалистической Республики, 1991 г., № 1—2, ст. 15) эълон қилинди. Фармонга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг таркиби қуйидагича белгиланди: Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринbosари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринbosарлари (7 та).

таъминлаш вазифаси юклатилди. Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларини, вазирларни ва қўмиталарнинг раисларини Президент тайинлаши, сўнгра улар республика Олий Совети томонидан тасдиқланиши белгиланди.

5) Республика ҳукумати таркибига Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, йирик концерн ва бирлашмаларнинг раҳбарлари кирди. Ҳукумат аъзоларини тайинлаш ва озод қилиш Ўзбекистон ССР Конституциясида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилди (*5.4.2-расмга қаранг*).

6) Ўзбекистон ССРнинг Конституцияси (Асосий Қонуни) 89-моддасининг сўнгги қисмидаги „Ўзбекистон ССР Министрлар Совети“ деган сўзлар „Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси“ деган сўзлар билан алмаштирилди.

7) Ўзбекистон ССРнинг Конституцияси (Асосий Қонуни) 102-моддасининг 8 ва 9-бандлари: „8) Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон ССР вице-президентининг, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раиси биринчи ўринбосарлари, ўринбосарларининг тайинланишини, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси таркибини ҳамда унга киритиладиган ўзгартишларни тасдиқлайди; Ўзбекистон ССР Президентининг Ўзбекистон ССР министрларлари ва давлат комитетларини тузиш ҳамда тугатиш ҳақидаги қарорларини тасдиқлайди; Ўзбекистон ССР Президентининг СССР Бош прокурори билан келишилган тақдимиға мувофиқ Ўзбекистон ССР Прокурорини ва унинг ўринбосарларини тайинлайди; 9) Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раисини, Ўзбекистон ССР Олий судини, шунингдек, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини сайлайди, Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳакамини, Ўзбекистон ССР Табиятни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раисини тайинлайди“ деган таҳрирда баён этилди.

8) Ўзбекистон ССРнинг Конституцияси (Асосий Қонуни) 107-моддасининг биринчи қисми „Ўзбекистон ССР Олий Советида қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқига Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, Ўзбекистон ССР Олий



*5.4.2-расм. Ўзбекистон ССР ҳукуматининг таркиби.*

Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг комитетлари ва комиссиялари, Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон ССР Конституцияий назорат комитети, Қорақалпоғистон АССР номидан унинг давлат ҳокимиятининг олий органи, Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети, Ўзбекистон ССР Олий суди, Ўзбекистон ССР Прокурори, Ўзбекистон ССРнинг Бош давлат ҳаками, Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси эга“ деган таҳрирда баён этилди (5.4.3-расмга қаранг)<sup>1</sup>.

9) Ўзбекистон ССРнинг Конституцияси (Асосий Қонуни) 109-моддаси куйидаги мазмунда бўлган тўртингчи қисм билан тўлдирилди: „Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий суди, Қорақалпоғистон АССР Олий суди, областлар, Тошкент шаҳар судлари судьяларига малака класслари беради. Бу масалалар юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми қарорлар қабул қиласди“.

10) Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 12-1 ва 13-боблари 13-бобга бирлаштирилиб, у „Ўзбекистон ССР Президенти ва хукумати“ деб аталди.

11) Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 118-1-моддаси куйидаги мазмунда бўлган иккинчи қисм билан тўлдирилди: „Ўзбекистон ССР Президенти Ўзбекистон ССРда олий ижроия ва бошқарув ҳокимиятини амалга оширади, айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлади“.

12) Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни) 118-4-моддасининг 4, 6, 7, 8-бандлари куйидаги таҳрирда баён этилди: „4) Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг баҳамжиҳат ишларини таъминлайди; Ўзбекистон ССР министрликларини ҳамда Ўзбекистон ССР давлат комитетларини тузади ва тутатади, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдигига киритади“; „6) Ўзбекистон ССР Вице-президентини, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринbosарларини, ўринbosарларини тайинлаб, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдигига тақдим этади. Ўзбекистон ССР Олий Советига Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси, Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками, Ўзбекистон ССР Прокурори, прокурор ўринbosарлари, Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади; мазкур мансабдор шахсларни вазифасидан озод этиш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига тақдимномалар билан киради. Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси бундан мустаснодир; халқ депутатлари облассы советлари, Тошкент шаҳар совети ижроия комитети раиси лавозимида тайинлаш учун советларнинг раислари билан келишилган ҳолда номзодлар тавсия этади“; „7) Ўзбекистон ССР Ҳукумати аъзоларини лавозимидан озод қиласди ва тайинлайди, сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдигига тақдим этади“; „8) Ўзбекистон ССР қонунларини имзолайди; қонунга оид эътиrozларини кўпи билан икки ҳафта муддат ичизда билдириб, такрорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон ССР Олий Советига қайтаришга ҳақлидир.

<sup>1</sup> 1991 йил 20 ноябрда „Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 107-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида“ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 47-модда) қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг 107-моддаси иккинчи қисми куйидаги таҳрирда баён этилди: „Қонун лойиҳалари тақдим этиш ҳуқуқига Ўзбекистон Қасаба ўюшмалари Федерациясининг Кенгashi ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳам эга“.

Бироқ мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги „Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида“ти Қонуни қабул қилиниши муносабати билан ўз аҳамиятини йўқотган.

**Ўзбекистон ССР**  
**ПРЕЗИДЕНТИ**  
ЎзССР қонунларини имзолайди.

Қонунга оид эътиrozларини кўпі билан икки ҳафта муддат ичидаги билдириб, тақрорий муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун ЎзССР Олий Советига қайтаришга ҳақлидир. Агар ЎзССР Олий Совети овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги билан илгари ўзи қабул қилган қарорни тасдиқласа, ЎзССР Президенти қонунни имзолайди.

4

**ОЛИЙ СОВЕТ**

3

2

Қонунчилик ташаббуси хуқуқи қонун лоиҳасини ЎзССР Олий Советига киритиш орқали амалга оширилади.

1

**Қонунчилик ташаббуси хуқуқи субъектлари:**

- Ўзбекистон ССР халқ депутатлари.
- Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси.
- Ўзбекистон ССР Олий Советининг комитетлари.
- Ўзбекистон ССР Олий Советининг комиссиялари.
- Ўзбекистон ССР Президенти.
- Ўзбекистон ССР Конституциявий назорат комитети.
- Қорақалпоғистон АССР номидан унинг давлат ҳокимиятининг олий органи.
- Ўзбекистон ССР Халқ назорати комитети.
- Ўзбекистон ССР Олий суди.
- Ўзбекистон ССР Прокурори.
- Ўзбекистон ССРнинг Бош давлат ҳаками.
- Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раиси.
- Ўзбекистон Касаба ўюшмалари Федерациясининг Кенгаши.
- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси.

**5.4.3-расм.** Ўзбекистон ССРда қонунчилик ташаббуси хуқуқи субъектлари.

Агар Ўзбекистон ССР Олий Совети овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги билан илгари ўзи қабул қилган қарорни тасдиқласа, Ўзбекистон ССР Президенти қонунни имзолайди; Ўзбекистон ССР Конституциясига, Ўзбекистон ССР қонунларига, Ўзбекистон ССР Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига мувофиқ келмаган тақдирда Ўзбекистон ССР министрлеклари, давлат комитетлари ва идоралари, халқ депутатлари маҳаллий советлари ижроия комитетлари ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатади ва уларни бекор қиласди".

13) Ўзбекистон ССР Конституяси (Асосий Қонуни) 118-4-моддасининг 9-банди чиқариб ташланиб, унинг ўрнига қуйидаги мазмунда бўлган янги 9-банд киритилди: „9) Гражданларнинг хавфсизлигини таъминлаш манфаатларини кўзлаб,

Ўзбекистон ССРнинг бутун территориясида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этиб, қабул қилган қарорини зудлик билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдигига киритади“.


14) Ўзбекистон ССР Конституциясининг 118-5-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилди: „118-5-модда. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурида Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгаши фаолият кўрсатади. Президентлик Кенгашининг вазифалари Президентлик Кенгаши тўғрисидаги Низом билан белгиланади. Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгашининг аъзолари Ўзбекистон ССР Президенти томонидан тайинланади. Ўзбекистон ССР Вице-президенти лавозимига қўра Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгаши таркибиға киради. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси Ўзбекистон ССР Президентлик Кенгашининг мажлисларида қатнашишга ҳақлидирлар“.



**5.4.4-расм.** Ўзбекистон ССР Президенти чиқариши мумкин бўлган норматив-хукуқий хужжатлар.

15) Ўзбекистон ССР Конституциясининг 118-6-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилди: „118-6-модда. Ўзбекистон ССР Президенти Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун территориясида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради“ (5.4.4-расмга қаранг).

16) Ўзбекистон ССР Конституциясининг 118-9-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилди: „118-9-модда. Агар Ўзбекистон ССР Президенти у ёки бу сабабларга кўра ўз вазифаларини бажаришни давом эттира олмаса, Ўзбекистон ССР янги Президенти сайлови уч ойлик муддат ичida ўтказилиши керак. Бу даврда Президентнинг вазифалари Вице-президент зиммасига, бунинг имкони бўлмаган тақдирда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси зиммасига юкланади“ (5.4.5-расмга қаранг).



**5.4.5-расм.** Ўзбекистон ССР Президенти ўз вазифаларини бажаришни давом эттира олмаган ҳолларда тутилиши мумкин бўлган йўл.

16) Ўзбекистон ССР Конституциясининг 120-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилди: „120-модда. Ўзбекистон ССР хукумати Ўзбекистон ССР Президенти, Вице-президенти, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, Ўзбекистон ССР вазирлари, Ўзбекистон ССР давлат комитетларининг раислари, йирик концернларнинг ва бирлашмаларнинг раҳбарларидан иборат бўлади. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси лавозимига кўра Ўзбекистон ССР хукумати таркибига киради. Ўзбекистон ССР Президентининг топшириғига биноан Ўзбекистон ССР Вице-президенти Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қиласи ва унинг ишини уюштиради. Ўзбекистон ССР хукуматининг ваколати ва вазифалари Ўзбекистон ССР хукумати тўғрисидаги низом билан белгиланади“ ва бошқа бир қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар.

## 5.5. Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши

1990 йилнинг ноябрида эълон қилинган Иттифоқ шартномаси лойиҳасида асосий устунлик яна собиқ Марказга берилди, республикаларнинг хукуқлари эса чекланганича қолаверди. ОАВда лойиҳадаги мақбул бўлмаган шартнома қоидалари асосли равишда танқид қилинди: республикалар хорижий давлатлар билан алоқа қилишда овоз ва хукуқдан яна аввалгилик маҳрум эди, Иттифоқ қонунчилигининг республика қонунчилигидан устун туриши тўғрисидаги тезис баён қилинган, республикаларнинг ерга, еrosti бойликларига ва бошқа табиий ресурсларга бўлган мулкчилик муносабатларини тартибга солиши СССР ваколатларининг амалга оширилишига халақит бермаслити лозим эди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Валиев А. Не ущемлять права республик // „Правда Востока“ газетаси, 1990 йил 8 декабрь.

Иттифоқ раҳбарларининг барча ҳаракатлариға қарамасдан, СССРнинг парчаланиш жараёни бошланди: унинг таркибидан дастлаб Болтиқбўйи республикалари (Литва, Латвия ва Эстония), сўнг Грузия чиқди.

1991 йил 15 февралда Ўзбекистон ССР Олий Совети „Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида“ маҳсус қарор қабул қилди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

„Мустақиллик тўғрисидаги Декларацияга амал қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қарор қилади:

1) Ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгаш II сессиясида тузилган Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг янги лойиҳасини тайёрловчи комиссиясига Ўзбекистон ССРнинг янги Давлат байроги, Герби ва Мадҳиясига доир таклифлар ҳамда улар тўғрисида Низомлар тайёрлаш топширилсин. Комиссия республика жамоатчилиги ва депутатларининг фикрларига таяниб иш кўрсин.

2) Бу борадаги таклифлар матбуотда эълон қилиниб умумхалқ муҳокамаси уюштирилсин“.

Ўзбекистон Олий Совети қабул қилган қонунлар, Ўзбекистон Президентининг Фармонлари, Ҳукумат қарорлари катта аҳамиятга эга бўлиб, улар республиканинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил ривожланиш йўлига бевосита қаратила бошлади.

Ўзбекистонда янги раҳбарият томонидан ижтимоий-иктисодий соҳаларни давлат йўли билан бошқариш органлари мустаҳкамланди. 1991 йил марта республикалар вакиллари томонидан Иттифоқ шартномасининг бошқа лойиҳаси тайёрланди. Мазкур лойиҳа „Суверен Республикалар Иттифоқи тўғрисида“ деб номланди. Бу лойиҳанинг асосий гояси — кўп миллатли Иттифоқ давлатини федерация сифатида сақлаб қолиш ва шу билан бирга, республикалар суверенитетини рўёбга чиқариш туфайли Марказнинг янги вазифасини ҳам белгилаш эди<sup>1</sup>. Гарчи лойиҳа республикаларнинг суверенитет тўғрисидаги декларациясини ҳисобга олган бўлсада, бу суверен „давлатлар“ эмас, балки „республикалар“ Иттифоқи тўғрисидаги шартнома эди. СССР Президенти ва тўққизта иттифоқдош республика раҳбарлари иштирокида Ново-Огаревода бўлиб ўтган йиғилишда принципиал низоли масалалар юзасидан томонларни қаноатлантирадиган битимга келинди — „Суверен Давлатлар Иттифоқи тўғрисида“ги шартномани тузишга келишиб олинди. Ўзбекистон делегацияси музокаралар жараёнида янгиланган Иттифоққа киришнинг ўзи учун жуда муҳим бўлган шартини — барча республикалар аҳолиси учун ягона бўлган пенсия билан таъминлаш, даромадларни индексация қилиш ва кун кечириш учун зарур бўлган кафолатланган энг кам миқдор тартиби амал қилишини қаттиқ туриб ҳимоя қилди<sup>2</sup>.

Республикада жамиятни демократлаштириш, Ўзбекистоннинг ҳақиқий суверенитетини ўрнатиши, мамлакатда яшаётган кўп сонли миллатларнинг тутувлиги ва тенглигини таъминлашга эришиш Ислом Каримов бошлиқ сиёсий раҳбариятнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон халқи республика раҳбариятининг юзага келган вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодий ва сиёсий мустақилликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатини қўллаб-куватлади. Чунки Ўзбекистон раҳбарияти халқнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиб, унинг манфаатларини кўзлаб иш юритган эди.

<sup>1</sup> „Правда“. 9 марта 1991 года.

<sup>2</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида // Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва бошқ.; Таҳрир ҳайъати: А.Азизхўжаев (раис) ва бошқ./. — Т.: „Шарқ“, 2000. 647-бет.

1991 йил 22 июлида Ўзбекистон ССР Олий Совети „Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Иттифоқقا бўйсунувчи давлат корхоналари, мусассасалари ва ташкилотларини Ўзбекистон ССРнинг хуқукий тобелигига ўтказиш тўғрисида“ қарор қабул қилди.

СССРнинг юқори лавозимидаги раҳбарларидан бир гурӯҳи<sup>1</sup> 1991 йилнинг 18 августида ўзларини ГКЧП деб атаб, давлат тўнтариши қилишга уриниб кўрди. ГКЧПнинг асосий мақсади — тоталитар совет тузумини қандай қилиб бўлса-да, асло ўзгартирмасдан сақлаб қолишдан иборат эди. Лекин бу уриниш барбод бўлди. Бу СССР деб аталмиш давлатнинг умри тугаганини ва айни вақтда „қайта куриш“ сиёсати ҳам барбод бўлганини билдиради. Бир гурӯҳ сиёсий авантюристларнинг давлат тўнтаришини содир этишга уриниши муносабати билан И.А.Каримов раҳбарлигига Ўзбекистон ўзининг қатъий позициясида тургани мамлакатимиз ва халқимизнинг мустақилликка эришишида ҳал қилувчи ўрин тутди.

1991 йил 21 августда Ўзбекистон Президентининг Фармони билан ГКЧПнинг Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига зид келадиган қарорлари ноқонуний деб эълон қилинди. 1991 йил 25 августда Президент Фармони билан республика ИИВ ва ДХҚ қонуний равишида Ўзбекистон тасаруфига олинди. 1991 йил 26 августда Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги тўғрисида қонун лойиҳасини тайёрлаш ва 31 августда Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясини чакиришга қарор қилинди. 1991 йил 28 августда Ўзбекистон ССР КП МҚ Марказий назорат қўмитаси билан биргаликда қўшма пленум чақириб, унда КПСС МҚ билан ҳар қандай алоқани тўхтатишга, КПССнинг барча ташкилотларидан чиқишига, унинг марказий органларидан ўз вакилларини чакириб олишга Ўзкомпартия қарор қилди.

Вужудга келган ўта оғир шароит, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қийинчиликларга, турли тўсиқларга қарамасдан, халқимиз Ислом Каримов бошчиллигига ўзининг асрий орзуси — Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллиги сари дадил ва қатъият билан ҳаракат қилишда давом этди. Ниҳоят, 1991 йилнинг 31 августида, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг олтинчи сессиясида Ислом Каримов тантанали равишида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилди. У ўзининг том маънодаги тарихий нутқида қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади:

„Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эрганиги кунига ишончини кундан-кунга йўқотяпти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига кафолат истайди. Тўқис, хотиржам ҳаёт талаб қиляпти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабозлик ва ваъдабозлик остида кўмилиб кетяпти.

Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, осойишталик, бошқа халқларга нисбатан хайриҳоҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя талаб қиляпти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меҳнатига яраша турмуш шароитларини талаб қиляпти. Бу — ҳаққоний талабдир.

[...] Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай Иттифоқ бўлмасин, ким билан Иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди“<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Булар СССР вице-президенти Г. Янаев, Министрлар Советининг раиси В. Павлов, КГБ раиси В. Крюков, мудофаа вазири Д. Язов, ички ишлар вазири Б. Пуго ва бошқа юксак лавозимдаги масъул партия ва давлат арбоблари эди.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 401—402-бетлар.

Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган ўша унтилмас кунларга назар ташлайдиган бўлсак, айни ўша пайтда ёш, мустақил Ўзбекистон давлати раҳбари томонидан мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган кўплаб ўта муҳим ҳужжатлар қабул қилинганини кўрамиз. Мисол учун, 31 август куни қабул қилинган Ўзбекистон ССР Олий Советининг „Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида“ ги Қарори ва „Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида“ ги Баёноти ҳамда „Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида“ ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг остонасида ёқ ҳукуқقا, қонунларга асосланадиган ҳукуқий демократик давлат қуришни мўлжаллади. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилган барча ишларнинг асосида қонунларга итоаткорлик ётганига алоҳида эътиборни қаратишни истардик. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ҳақли суратда таъкидлаганидек, „ҳукуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир. Минг афсуски, бизда қонунларни менсимасликка, уларни бузишга ўрганиб қолинган. Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки қонун — халқнинг хоҳиши-иродаси! Уни бузган, менсимаган одам халқнинг юзига оёқ қўйган кишидир. Биз қонунни ҳурмат қилиш, унга бўйсуниш, риоя қилиш йўлидан борсак, истиқболимиз порлоқ бўлади. Ана шунга эришиш учун Президент қонунларнинг энг асосий посбони, ҳимоячиси бўлиши керак, деб ҳисоблайман“<sup>1</sup>.

Суд-ҳукуқ тизимини янги асосларда барпо этиш борасида мустақиллик остонасида ва унинг дастлабки йилларида амалга оширилган фаолиятнинг заминида демократияга ҳурмат билан қараш ётганини, бироқ „демократик жамиятни, энг аввало қонунга қулоқ солиш деб билиш“<sup>2</sup> лозимлигини алоҳида тилга олмоқ керак. Шундан келиб чиқиб айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳукуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг ҳукуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга давват этилган.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир. Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

1991 йил 31 августда „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида“ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни<sup>3</sup> қабул қилинди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотига асосланиб қабул қилинди. Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси, ўз таркибидаги Қорақалпогистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир. Қонунда Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 435-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба, — 346-бет.

<sup>3</sup> Қонуннинг матни бўйича қаране: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда.

экани белгилаб қўйилди. Хусусан, унда „Ўзбекистон Республикасининг халқи суверенdir ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир, у ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади“ (2-модда) дейилди.

Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи Қонунда ўз ифодасини топди: „Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади“ (5-модда). Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур Қонунга конституциявий мақом берилган<sup>1</sup>.

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги куни — умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилди. Ўзбекистондаги президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлашда 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган „Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида“ти Қонун<sup>3</sup> ва унинг асосида ўтказилган умумхалқ сайлови катта аҳамият касб этди. Мустақиллик йилларида президентлик институти тўла шаклланди.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги борасида ўтказилган референдумда овоз беришда қатнашганларнинг 98,2 фоизи республика давлат мустақиллигини кўллаб-куватлаб овоз берди ва Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан маъқуллангани ҳақида тегишли қарор қабул қилинди<sup>4</sup>.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сайланди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан-тўғри, умумий ва муқобил асосдаги сайловда президентликка номзод Ислом Абдуғаниевич Каримов учун 8 миллион 514 минг 136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи овоз берди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 35-моддасига асосан Ислом Абдуғаниевич Каримовни 1991 йил 29 декабрдан Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблашга қарор қилди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> 1991 йилнинг 30 сентябрида „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида“ти Ўзбекистон Республикасининг Қонунига конституциявий мақом бериш ва Конституция комиссияси тайёрланётган Республика Конституциясининг лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида“ти Қонуннинг қоидаларига амал қилиш лозимлиги ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 268-модда) қабул қилинди.

<sup>2</sup> „Референдум“ сўзи лотинча *referendum* сўзидан олинган бўлиб, „бидирилиши керак бўлган“ деган маънони билдиради. Референдумда давлат ҳаётидаги бирон муҳим масала умумхалқ овозига қўйилади. Қаранг: Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиқов С. — Т.: „Адолат“, 1999. 55-бет.

<sup>3</sup> Бу қонунга 1997 йил 26 декабря, 1999 йил 19 авгуустда, 2003 йил 24 апрелда ва 2007 йил 11 апрелда ўзгартиш ва кўшимчалар киритилди.


<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши /К.А.Аҳмедовнинг умумий таҳрири остида/. — Т.: „Ўзбекистон“, 1992. 50-бет.

<sup>5</sup> Ўша манба, 52-бет.

Мамлакатимиз сиёсий тизимида президентлик институтининг узил-кесил мустаҳкамланишида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби „Ўзбекистон Республикасининг Президенти“ деб номланган. Мазкур боб ўз ичига 9 та модда (89—97-моддалар)ни қамраб олган бўлиб, уларда президентликка номзод олдига қўйиладиган талаблар; Президентни сайлаш тартиби, Президент қасамёдининг матни, Президентнинг ваколатлари, Президент чиқарадиган норматив-хукуқий хужжатлар, Президентнинг парламентни тарқатиб юбориш ваколати ва шу кабилар борасида хукуқий нормалар белгиланган.

Суд-хукуқ тизимини янги асосда барпо этишнинг дастлабки йиллариданоқ инсон хукуқларини ҳимоя қилишнинг кафолати сифатида адвокатура институти ва адвокатлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди.

„Суд-хукуқ ислоҳотлари асосий масалалардан биридир, бинобарин, адолат ва инсон хукуқларига хурматни таъминловчи хукуқий ва суд тизимисиз ҳеч қандай тараққиёт бўлмайди“<sup>1</sup>. Шундай қилиб, мустақилликка эришиш арафасида ва мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётини демократик жиҳатдан янада янгилашга ва суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилишга киришилди. Бунда, ҳеч шубҳасиз, Президентимиз Ислом Каримовнинг тарихий хизматлари бекиёс бўлди. „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китоби ана шу ислоҳотларнинг қандай қалтис бир даврда бошланганини, уларнинг мураккаб ва ниҳоятда зиддиятли ривожланиш суръатлари, дастлабки натижаларини ҳаққоний асосда кўрсатиб бериши билан улкан илмий-амалий аҳамият касб этади.



<sup>1</sup> Ситара Сайд. Суд-хукуқ ислоҳотларини амалга оширишда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлиги. // Суд-хукуқ тизими ислоҳоти: амалиёт ва самарадорлик (халқаро конференция материаллари; Тошкент, 2009 йил 30 сентябрь). — Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2010. 12-бет.

## **6-БОБ. ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЬМИНЛАШ**

### **6.1. Мустақилликка қадар инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилиши**

Президентимиз Ислом Каримов республика раҳбари бўлиб иш бошлаган биринчи кунлариданоқ инсон манфаатларини, халқимиз манфаатларини энг асосий устувор масала сифатида кун тартибига қўйди. Буни Юртбошимиз 1989 йил 24 июнда Министрлар советида бўлиб ўтган йиғилишдаги нутқи яққол тасдиқлайди. Ушбу нутқнинг асосий қисми бутун юртимиз, жумладан, Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг ўткир муаммоларини хал қилиш, хусусан, одамларни иш билан, қўшимча даромад манбалари билан таъминлаш, маҳаллий муҳандис-техник кадрлар, ишчиларни тайёрлаш, ёшларга эътибор, ижтимоий соҳадаги адолатсизликларга барҳам бериш масалаларига бағишлиланган эди.

Маълумки, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб собиқ СССР иқтисодиётида зиддиятлар кўчайиб борди, амалдаги хўжалик юритиш механизmlарининг мазкур зиддиятларни бартараф этишга ноқобиллиги намоён бўла бошлаган эди. Иқтисодиётга сарф-харажатлар ортса-да, ривожланиш суръати кескин пасайиб бораверди. Ишлаб чиқаришни техникавий ривожлантиришда ва аҳоли турмуш даражасида гарб мамлакатларидан анча орқада қолиш кўзга ташланди.

КПССнинг барча съездларида ривожланишнинг интенсив шаклига ўтиш зарурлиги қайта-қайта таъкидланган бўлса-да, амалда бу вазифалар қуруқ гаплигича қолаверди. Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими яратган самарасиз механизм ижтимоий-иктисодий ҳаётда прогрессив қайта ўзгаришларни, иқтисодиётни ислоҳ қилиш йўлидаги (1979 йил) уринишларни барбод қилди. Сўз билан иш ўртасида узилиш рўй берди.

Партия хужжатларидаги социализмни ҳар томонлама режали ривожлантириш гояси, аслида ягона ҳукумрон мақсадга — марказлашган мустабид давлатни мустаҳкамлашта қаратилган эди. „Режали раҳбарлик қилиш, ривожланишда сарф-харажатдан иборат бўлган ёндашув, республикаларда ишлаб чиқаришнинг бир соҳага ихтисослашиб, иқтисодий мажбурият даражасига кўтарилиши, халқ хўжалигининг барча тармоқларига, моддий ва номоддий ишлаб чиқаришга, ижтимоий-маданий жабҳаларга таъсир этиб, иқтисодий ўсишнинг умумий динамикасини издан чиқариб юборди“<sup>1</sup>.

„Бир қарашда Л.Брежнев раҳбарлик қилган, тарихда, „Турғунлик“ деб ном олган даврда мамлакатда бирмунча сокинлик ва тинч тараққиёт таъминлангандек эди. Бироқ, инсоннинг энг катта иқтидори — даҳолик кудрати сўндирилди. У тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш воситаси бўлиб қолди. Фикрламай яшаш, инсон тафаккурини чеклаш, муносабат билдириш каби ақлий салоҳият барҳам топди. Мутелик ва тобелик кайфияти чуқур илдиз отди. Бу аста-секинлик билан ўз

<sup>1</sup> Досумов Р. Перестройка управления промышленных производством в новых условиях хозяйствования. — Т.: „Фан“, 1990. С.7.

ўтмишини унугиши, келажакка кўр-кўрони назар ташлаш ва шунчаки кун кечириш кайфиятини чукурлаштириди”<sup>1</sup>.

Коммунистик мафкура одамлар қалбига таҳдид солди. Ҳукмрон фоя олдида фуқаро ўзини ночор ҳис этадиган, ўз имкониятларини рўёбга чиқараолмайдиган бўлиб қолди. Ана шундай тарзда ҳалқнинг эркин меҳнат қилишга бўлган рағбати сўндирилди. Мустақил фикрлайдиган, юз берган воқеа-ҳодисаларга мустақил баҳо берадиган кишилар ўзбошимча, маҳмадона деб қораланаар, тазиикә олинар эди. Бу тузум шундай носоғлом муҳитни вужудга келтирган эдик, натижада лаёқатсиз, фикрсиз, лаганбардор, бошлиққа таъзим, ходимга зуғум кўрсатадиганлар қадрқиммат топиб яшарди. Негаки, мустамлакачилик сиёсатининг табиати шуни тақоза қиласа ҳадисизликка тушди.

Буларнинг барчаси жамиятнинг маънавий таназзулини тезлаштириди. Ҳалқ манфаатини ўйлаган, унинг онгига нур, қалбига зиё бағишилашга интилган, виждан ва ақл билан ишлашга, ҳуррият учун курашга чорлаганлар эса коммунистик партияниң лаббайгўй югурдаклари томонидан сўроқ-терговга тутилар, маънавий жиҳатдан бадном қилинар, баъзан эса ҳатто жисмоний маҳв этилар эди. Натижада бундай беаёв ва шафқатсиз бедодликлардан огоҳ бўлиб турган ҳалқ бутунлай умидсизликка тушди. Жамиятда на партияга, на сиёсатга, на давлат ва унинг йўлбошчиларига ишонч қолди.

„Ҳаётга бефарқ қараш, лоқайдлик аксарият кўпчиликнинг яшаш тарзига айланди. „Совет кишиси“ ўз соясидан чўчиб яшайдиган бўлиб қолди. Чунки юрагининг тубтубига қўркув билан қозик қилиб қоқилган тобелик, мутелик туйғуси уни тирик мурда ҳолига солиб қўйган эди“<sup>2</sup>.

Шу ўринда „Инсон манфаати“ тушунчасига аниқлик киритсак. Инсон манфаатлари истеъмол буюмларига эмас, балки, ушбу буюмлардан тўлиқроқ



6.1.1-расм. Манфаатларнинг тавсифланиши.


<sup>1</sup> Жўраев Н. Тафаккурдаги эврилиш. — Т.: „Шарқ“, 2001. 17-бет.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асалар. 11-жилд. — Т.: „Ўзбекистон“, 2003. 196-бет.

фойдаланишга имкон берувчи ижтимоий шарт-шароитларга, энг аввало, эхтиёжларни қондирадиган моддий ва маънавий неъматларга йўналтирилгандир.

Манфаатлар субъектлари бўйича шахсий, гурӯҳавий, умумжамият манфаатларга, йўналиши бўйича эса иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий манфаатларга бўлинади (6.1.1-расмга қаранг).

Инсон манфаати тўғрисида сўз борар экан, бир неча рақамлар устида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Истиқдол арафасида мамлакатимиздан олиб чиқиб кетилаётган бойликларнинг 70 фоизини фақат хом ашё ташкил қилас, четдан эса 70 фоиз тайёр маҳсулот олиб келинар эди. Бунда маъмурий-буйруқбозлик сиёсати қишлоқларимиз инфратузилмасига, умуман ижтимоий ҳаётга жуда катта салбий таъсир ўтказди.



**6.1.2-расм.** Инсон манфаатлари ва турмуш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар.

Мустақилликкача бўлган давр қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланиши, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида бир қатор ижтимоий муаммоларни юзага келтирди. Масалан, республиканинг табиий газ билан таъминланиш даражаси бори-йўғи 4 фоизни ташкил этарди. Сурхондарё вилоятида бу кўрсатгич 3,2 фоизни, Қашқадарёда 5,7 фоизни, Наманганда 10,5 фоизни, Андижонда 11 фоизни ташкил қиласарди. Ёки қишлоқ аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси Хоразм вилоятида 13,2 фоизни, Бухоро вилоятида 15 фоизни, Қорақалпоғистон Республикасида эса бу рақам 21,4 фоизни ташкил этарди<sup>1</sup>.

Умуман, сув ва иссиқлик, электр энергияси, темир йўл ва автомобиль йўллари, коммуникация тармоқлари етиб бормаган бўм-бўш чекка қишлоқларимиз ҳам

<sup>1</sup> Тўхниев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. - Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 1992. 125-бет.

мавжуд эди. Бинобарин, аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилмаган эди. Агар республикада 1988 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол моллари обороти 768 сўм (рубль)ни ташкил этган бўлса, бу кўрсатгич СССР бўйича 1282 сўмни, Украинада 1213 сўмни, Белоруссияда 1414 сўмни, Қозоғистонда 1071 сўмни, Грузияда 1163 сўмни, Литвада 1609 сўмни, Молдовада 1172 сўмни, Туркманистонда 1851 сўмни, Қирғизистонда 879 сўмни, Арманистонда 1035 сўмни, Туркманистонда 860 сўмни, Эстонияда эса энг юқори — 1965 сўмни ташкил этган.

Шу билан бир қаторда, мустабид тузум даврида ҳалқимизнинг ҳақиқий тарихи, бой маданий мероси, урф-одат ва анъаналари, Наврӯз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини нишонлаш, динга ҳурмат билан муносабатда бўлиш тақиқлаб кўйилган эди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа азизавлиёларимиз, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Бобур сингари улуғ аждодларимиз меросига нисбатан адолатсизлик хукм сурди.

Айрим маҳаллий раҳбарлар амал пиллапоясидан кўтарилиш илинжида ўз аждодлари миллий қадриятларни рад этишгача бориши. Ҳалқимизнинг урф-одат ва анъаналари, маданияти обдан оёқости қилинди, она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб кўйилди. Ҳатто, шундоқ ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари ҳам кимларгадир мақбул бўлмай қолди ва уларни янгилашга уриндилар. Ҳатто миллий либос ҳам қораланди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, „Бизга зарба бўлиб тушган энг оғир танглик иқтисодий эмас, балки маънавий тангликдир. Асрлар мобайнида қарор топган ахлоқий-маънавий қадриятларни гоявий қарашларга қурбон қилиш оқибатларини бартараф этиш иқтисодиётни тартибга келтиришдан кўра анча машакқатли бўлади. Ахир, яқиндагина эмасми, коммунист, айниқса, у юқорироқ лавозимда бўлса, ўз яқин кишилари билан охирги марта видолашиб учун қабристонга ҳам боролмасди. Дафи маросимида иштирок этиш энг катта айб саналиб, бундай одамни партиядан учирив, ишдан бўшатишарди. Виждан азобидан сал бўлса-да, кутулиш, айни пайтда йиллар бўйи меҳнат қилиб эришган имтиёзлардан маҳрум бўлмаслик учун одамлар қариндош-уруглари, ҳатто, ота-онаси вафот этганда касалхонага ётиб олишар ёки „шошилинч командировка“га кетиб қолишар эди. Ана шундан кейин ҳам биз, одамлар ҳеч нимага ишонмай қўишишган, уларда ҳеч қандай муқаддас нарса йўқ, деб айтишга қандай тилимиз борар эди?“<sup>1</sup>.

Бир неча ўн йиллар мобайнида республика иқтисодиёти Марказдан бошқариладиган ягона ҳалқ хўжалиги мажмuinинг таркибий қисмига айланган эди. Марказ қабул қилган кўпгина қарорлар Ўзбекистоннинг манфаатларидан йироқ бўлган. Хуллас, чор империяси давридагидек, республика арzon хом ашё ва стратегик минерал ресурслар етказиб берувчи, тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозорга айланиб қолаверди, яъни у хом ашё базаси бўлиб келди. Хомашё базасида яшаган ҳалқнинг косаси оқармади.

Президентимизнинг 1990 йилдаги нутқида ўща пайтдаги аҳвол аниқ ёритилган: „Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуси мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамиизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. — 175-бет.

**Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир ахволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши бир ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяти<sup>1</sup>.**

Иттифоқда раҳбарлик лавозимини Ю.Андропов эгаллаган даврда мамлакатда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш сиёсати қаттиқўллик билан олиб борилди. Кўп йиллар ДХҚни бошқарган бу шахс, ўз тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, мамлакатда тобора чуқурлашаётган инқизороз сабабларини раҳбар кадрлар фаолиятига боғлади. КПСС МҚнинг 1983 йил июндаги пленумининг биринчи иш кунида КПСС МҚнинг котиби К.Черненко қилган маърузасида ҳам жамиятдаги пораҳўрлик иллатларининг асосий сабабларини „бирон-бир ходимнинг хатоларидан, ривожланишнинг аниқ муаммоларидан ва қийинчиликларидан“ қидириш лозимлиги таъкидланди<sup>2</sup>. Бош котиб Ю.Андропов маърузасида эса идеология фронтидаги асосий вазифалар белгилаб берилади.

Собиқ Иттифоқ раҳбарлари Совет давлатини қамраб олган инқизороз ҳолатларини мавжуд тузум негизида эмас, балки юзага келган салбий иллатларда деб, Ўзбекистонни тажриба-синов майдони сифатида танлаб олиб, тарихда „Пахта иши“, кейинчалик „Ўзбеклар иши“ деб номланган сиёсий кампанияни бошлаб, аслида бутун юртимиз халқига қарши қатағонни амалга оширишга киришгани „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобида кўплаб далиллар орқали кўрсатиб берилади.

СССР Фанлар академияси олимлари ўтказган ҳисоб-китобларга кўра, аслида қўшиб ёзишлар бутун мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 3 фоизига тенг бўлган. Хомашё етказиш соҳасида эса қўшиб ёзишлар 5 фоиздан 25 фоизгacha бўлган<sup>3</sup>. Масалан, 1983 йилда Озарбайжонда 667 та саноат корхонаси ва қурилиш ташкилотида қўшиб ёзишга йўл қўйилган. Молдавияда эса қўшиб ёзишлар ниҳоятда авж олган<sup>4</sup>.

1983 йил сентябрда СССР Бош прокурори А.Рекунков топшириғига кўра, СССР Прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Т.Гдлян бошчилигига мамлакатнинг турли минтақаларидан тўпланган 200 кишидан иборат тергов гуруҳи тузилиб, Ўзбекистонда фаолият бошлайди<sup>5</sup>.

Марказдан республикамизга юборилган текширувчилар эса маҳаллий шартшароитни ҳисобга олмай, ўзбек халқининг миллий манфаатлари, маданияти, қадрқимматини поймол этади. Ўзбекистон ССР КП МҚ, Республика Министрилар Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Прокуратураси, Ўзбекистон ССР ИИВ каби муҳим бошқарув бўғинлари шундай кадрларнинг қўлига ўтади. Улар республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни янада кескинлаштириб

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. — 175-бет.

<sup>2</sup> „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1983 йил 15 июнь.

<sup>3</sup> Немелов Н., Попов В. На переломе экономической перестройки в СССР — М.: Изд. АПН, 1998. С.44.

<sup>4</sup> На пороге кризиса: нарастание застойных явлений в партии и обществе. — М.: Изд. Полит. лит., 1990. С.118.

<sup>5</sup> Лиханов Д. Кома: „Оганёк“ журнали, 1989 йил. № 4, 21-б.

юборади. Натижада, „Ўзбекистон тергов усуллари ўтказиладиган майдон“га айланиб қолади<sup>1</sup>.

Гдлян гуруҳи ўз фаолиятининг биринчи куниданоқ, Марказ қўрсатмасига таяниб, маъмурий-бошқарув аппаратида ишлаётган, туб миллатга мансуб бўлмиш раҳбар ходимларни ҳибсга ола бошлайди. Гуноҳи ҳали исботланмаган кишилар қамоқларда ашаддий жиноятчилар билан бирга ушлаб турилади, улар шафқатсизларча калтакланиб, руҳий азоблар билан қўрқитилиб, терговчилар аввалдан тайёрлаб қўйган ҳужжатларга имзо чскишга мажбур этилади<sup>2</sup>. Бир неча ўнлаб кишилар далиллар бўлмаса ҳам ва уларнинг жиноятга дахлдорлиги аниқланмаган бўлса ҳам судланган ва қамоққа олинган, изоляторларда қонунда белгиланган 3 кун ўрнига 20 кунлаб сақланган, шу тариқа процессуал нормаларнинг талаблари қўпол тарзда бузилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг депутатлари Олий Совет розилигисиз қамалган. Айбланаёттганларнинг оила аъзолари, қариндошуруглари, кўп болали оналар қамалган. Масалан, Каримов иши юзасидан 21 нафар қариндошлари, Худойбердиев иши бўйича 15 нафар қариндоши, Усмонхўжаевнинг 9 нафар қариндоши, 11 нафардан болалари бўлган Долиева ва Матталиева, 9 нафар боласи бўлган Алимова қамалган<sup>3</sup>.

Гдлян гуруҳи томонидан ҳаммаси бўлиб 800 дан кўпроқ жиноий иш тергов қилинди. Шу ишларга кўра 5 мингдан кўпроқ киши судланди. Улардан 600 нафари раҳбар ходимлар, 10 нафари Социалистик Мехнат Қаҳрамони эди. Жумладан, Ўзбекистон ССР КП МҚнинг 4 нафар котиби, 8 нафар вилоят партия қўмитаси котиби, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси, Ўзбекистон ССР пахтачилик вазири, ИИВнинг 20 нафар раҳбари бўлган<sup>4</sup>.

Биргина Қашқадарё вилояти мисолида бундай шафқатсизлик қандай оғир оқибатларга олиб келганини қўйидаги мисолларда кўришимиз мумкин: вилоят раҳбарининг 3 муовини, 8 нафар бўлим мудири, шаҳар ва туман партия қўмиталарининг 26 нафар котиби, вилоят ижроия қўмитасининг раиси, унинг 4 нафар ўринбосари, масъул котиби, шаҳар ва туман ижрокўмларининг 12 нафар раиси, йирик ташкилотларнинг 27 нафар раҳбари, колхоз ва совхозларнинг 99 нафар раиси ва директори ишдан олинди ҳамда уларнинг аксарияти жиноий жавобгарликка тортилди. Бошқа вилоятлардаги аҳвол бундан кам эмасди<sup>5</sup>.

„Пахта иши“ деб номланган қатағонга миллий тус берилиб, у „ўзбеклар иши“га айлантирилди ва зиёлилар ҳам таъқиб остига олинди<sup>6</sup>. Ўзбекистон КП МҚнинг 1984 йилдаги XVI пленуми Марказнинг „соғломлаштириш“ борасидаги тадбирларини қувватлаган ҳолда, республикада юзага келган салбий вазиятда партия қўрсатмаларига тўла амал қилмагани учун зиёлиларни ҳам айблади. Улардан Совет турмуш тарзини улуғловчи асарлар талаб этилиб, ижодий ўюшмалар фаолияти қаттиқ мафкуравий назоратга олинди. 1986 йил октябрь пленумида адабиёт, санъат ва тарихни сохталаштириш, миллий тарих ва маданиятни илоҳийлаштириш авж олиб кетгани, тарихий шахсларга баҳо беришда синфий ёндашув, илмийлик, объективлик тамоилиларига эътибор берилмаётгани кескин танқид қилинди.

#### ЧИЯГ ВА СОЕДИНЕНІ

<sup>1</sup> „Тошкент хақиқати“ газетаси, 1990 йил 3 февраль.

<sup>2</sup> „Правда“ газетаси, 1989 йил 21 май.

<sup>3</sup> СССР Прокурорининг Т.Гдлян бошчилик қилган тергов гуруҳи фаолияти билан боғлиқ бўлган материалларни текширувчи комиссиянинг ахбороти. „Совет Ўзбекистони“, 1989 йил 27 декабрь.

<sup>4</sup> „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 27 декабрь.

<sup>5</sup> Куддус Аъзам. Оғир синовлар даври. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. — Т.: 2004. 10-бет.

<sup>6</sup> Жўраев Н. Тафаккурдаги эврилиш. — Т.: „Шарқ“, 2001. 72-бет.

Марказ кадрлар сиёсатини оғишмай амалга оширишда ўзга миллатга мансуб бўлган раҳбар ва кадрларга нисбатан мунтазам таъқиб ва ўзига хос қатағонлар уюштириб турди. Худди шу йилларда республика раҳбариётига сиёсий иродаси бўш кишиларнинг келиши натижасида Марказдан 400 га яқин „Кадрлар тўдаси“ юборилди. Юртимизга „қонун посбонлари“ сифатида гўёки адолат ўрнатиш учун келган „десантчи“лар томонидан содир этилган қонунбузарлик ва жиноятлар, маҳаллий кадрларнинг кенг кўламда қувғин қилиниши, жиноятчиликнинг босқинчилик, ўғирлик, товламачилик, қотиллик каби ўта оғир турларининг авж олишига сабаб бўлди.

Мисол тариқасида шуни кўришимиз мумкинки, қисқа вақт ичида Ўзбекистон прокуратурасининг энг юқори лавозимларига — Ўзбекистон ССР прокурори, унинг муовинларидан учтаси, энг катта бошқармаларнинг бошлиқлари лавозимларига Марказдан келган одамлар қўйилди. Бу билан чекланмасдан, аста-секин область даражасидаги прокурорлар - Бухоро область прокурори (Г.Матюшов), Самарқанд область прокурори (В.Еременко), Хоразм область прокурори (А.Титаренко), Навоий область прокурори (А.Сухарев), Сурхондарё область прокурори (В.Желетков), Қорақалпоғистон АССР прокурори (В.Донцов) ва Тошкент шаҳар прокурори (Г.Флеппенков) ҳам Москва томонидан юборилди. Кейинги босқичда эса район прокурорлари лавозими ҳам „мехмонлар“ учун бўшатилди<sup>1</sup>.

Иқтисодий муаммолар демографик ҳолатларда юзага келган аҳвол билан қўшилиб, ижтимоий масалаларни ҳал этишни foят долзарб қилиб қўйди. Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси собиқ Иттифоқдаги республикалар ичида энг паст бўлиб қолди. Маълумотларга қараганда, 1990 йилда республика аҳолиси 70 фоизига яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуи даражадан ҳам паст эди. Айни пайтда Россия ва Украинада аҳолининг 30 фоизига яқинигина шундай аҳводда кун кечирганди. Мехнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ҳам мураккаб муаммо бўлиб қолди<sup>2</sup>.

Қишлоқ хўжалигининг экстенсив ривожланиши натижасида кўплаб сув омборларининг курилиши, умуман сув исрофгарчилиги туфайли Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларидан Орол денгизига қўйиладиган сув ниҳоятда камайиб кетди. Оқибатда денгиз 1960 йилдаги ҳолатига нисбатан 1990 йилда 14,5 метрга пасайди, сувининг ҳажми 54 фоизга қисқарди<sup>3</sup>. Сув қирғоқдан 70-100 км.га чекинган жойларда бўронлар натижасида йилига 50-70 минг тоннагача туз атмосферага кўтарилигани кузатилган<sup>4</sup>. Орол бўйида экологик аҳволнинг ёмонлашуви, жумладан, ичимлик суви билан таъминланишининг ёмонлашуви, сувдаги минераллашувнинг ошиши натижасида қишлоқ аҳолисининг 87 фоизи ҳар хил касаллакларга чалингани аниқланган. Масалан, Қорақалпоғистонда ич терлама юқумли касаллиги билан касалланганлар Собиқ Иттифоқ даражасидан 23 баробар кўп бўлган<sup>5</sup>. Агар Японияда ҳар 1000 нафар тугилган чақалоқдан бир ёшгача 5 таси ёки Канадада 7 таси ўлган бўлса, бу кўрсатгич Ўзбекистонда 39 тани, Қорақалпоғистонда эса 60 тани (1989 йилги кўрсаткич) ташкил этган<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. — Т.: Академия, 2003. 31-бет.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 1993. 18-бет.

<sup>3</sup> „Ҳаёт ва иқтисод“ журнали, 1991 йил, № 2, 56-бет.

<sup>4</sup> Шалимов А.И. Экология: тревога нарастает. — Л.: „Лениздат“, 1989. С.53.

<sup>5</sup> Судьба природы — наша судьба. — М.: 1990. С.223.

<sup>6</sup> Охрана здоровья в СССР. — М.: „Финансы и статистика“, 1990. С.12.

Экологик инқиroz натижасида Қорақалпогистондаги аёлларнинг 80 фоизи камқонлик касаллигига чалинган ёки ҳарбий хизматга чақирилган ҳар 2 ўспириндан бири жисмонан хизматга яроқсиз топилган<sup>1</sup>.

Орол дengизининг қуриши жуда катта иқтисодий зарап ҳам келтириди. Масалан, XX асрнинг 50-йиллари ўрталарида дengиздан 244,4 минг центнер балиқ овланган бўлса, 80-йилнинг ўрталарида бу кўрсатгич 24,6 минг центнерга тушиб кетди<sup>2</sup>.

#### 6.1.1-жадвал

#### 1984-1985 йилларда Ўзбекистонда болалар ўлими<sup>3</sup> (Ҳар 1000 нафар туғилган чақалоқдан бир ёшгача ўлгани)

| Вилоятлар                | 1984 йил    | 1985 йил    |
|--------------------------|-------------|-------------|
| Қорақалпогистон АССР     | 51,0        | 62,5        |
| Андижон                  | 41,6        | 42,6        |
| Бухоро                   | 51,2        | 49,2        |
| Жиззах                   | 41,7        | 46,7        |
| Қашқадарё                | 39,5        | 40,6        |
| Навоий                   | 45,7        | 44,9        |
| Наманган                 | 44,1        | 43,3        |
| Самарқанд                | 52,3        | 50,3        |
| Сурхондарё               | 56,6        | 55,2        |
| Сирдарё                  | 37,9        | 41,6        |
| Тошкент вилояти          | 35,3        | 36,4        |
| Фарғона                  | 44,9        | 50,1        |
| Хоразм                   | 55,9        | 50,4        |
| Тошкент шаҳри            | 31,9        | 33,1        |
| <b>Республика бўйича</b> | <b>45,1</b> | <b>46,2</b> |

XX асрнинг 80—90-йилларида Ўзбекистонда етиштирилган пахта хом ашёсининг 93—94 фоизи, олтиннинг барчаси Марказга олиб кетилган ҳолда, маҳаллий аҳолининг истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тобора ошиб борган. Бу эҳтиёж асосан собиқ Иттифоқнинг бошқа минтақаларидан дон ва гўштнинг 70 фоизи, картошканинг 60 фоизи, қанд, қуруқ сут ва болалар озиқ-овқатларининг 100 фоизи ва бошқа маҳсулотлар юртимизга олиб келинган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пахтадан бошқа ҳамма соҳалари қисқартирилиши оқибтида ўзбеклар фақат пахта етиштирувчи деҳқонларга айлантирилди. Саноат, транспорт, алоқа тармоқлари энг қуий кўрсаткичларда амалга оширилди. Ижтимоий соҳа, фан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш ривожи Иттифоқ кўрсаткичидан энг паст даражада қолди. Масалан, 1989 йилда Қашқадарё

<sup>1</sup> Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекской ССР. — Т.: „Узбекистан“, 1990. С.33.

<sup>2</sup> Рахимов Э.Д. Социально-экономическая оценка экологических последствий Аральского моря. — Т.: „Узбекистан“, 1990. С.24.

<sup>3</sup> ЎЗМДА. 2454 -фонд, 6-рўйхат, 5981-йифма жилд, 58-варақ.

вилоятида 800 та мактабдан 300 таси мослаштирилмаган биноларда, 966 та синфда пол, 1048 та синфда шип, 113 та мактабда ошхона йўқ, 114 та мактаб биносининг деворлари эса нураш арафасида эди<sup>1</sup>. Пахта яккаҳокимлиги туфайли уйларнинг остонасигача чигит экиларди. Бунинг натижасида халқимизнинг қадимий дехқончилик ва чорвачилик маданияти ривожланмай қолди. Ислом Каримов республика иқтисодиётига бу тарзда бирёқлама муносабат қандай ачинарли оқибатларга олиб келиши ҳақида тўхталиб, бундай деган эди: „Танг қоладиган ери шундаки, қишлоқлардаги ҳар беш хонадоннинг бирида бирорта ҳам чорва мол, 37 фоизида сигир, ярмисида кўй боқилмаяпти. Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятларида эса аҳвол яна ҳам мушкул“<sup>2</sup>.

Шўро даврида шахсий чорва ҳам „хусусий мулкчилик қолдиқлари“ сифатида давлат томонидан шафқатсизларча талон-торож қилинди. Миллионлаб шаҳар, айниқса, қишлоқ аҳолиси уй-жойсиз ва томорқасиз қийналиб яшарди. Кўпгина муаммоларнинг негизи айнан шу масалага бориб тақалишини билган республика раҳбари бу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратди: „Қаранг, бугуниги кунда қишлоқларимизда 240 минг оиласининг ери йўқ, 1 миллион 800 мингдан кўпроқ ҳовли эса уй-жой курилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кенгайтиришга жуда муҳтоҷ бўлиб турибди“<sup>3</sup>.

Бундан ташқари бир вақтлар одамлар қишлоқ жойлардан мажбуран саноат марказларига олиб борилган. Бухорода, Фарғонада, Андижонда катта-катта тўқимачилик комбинатлари курилди, бу корхоналарга 60—70 километр узоқдан ёш қизларимиз ва йигитларимиз олиб келиб ишлатилди.

80-йилларнинг охирига келиб, собиқ империя заифлашиб, республикалар ўзларига эркинлик талаб қила бошлади. Бундай жараёнлардан таҳчикага тушиб қолган мустабид тузум раҳбарлари халқларни тутқунликда сақлаб қолиш мақсадида турли фитна ва иғволар уюштириди. Шу тариқа улар вазиятни издан чиқариб, „Сиз Марказсиз мустақил яшай олмайсиз, акс ҳолда, шунақа даҳшатли хунрезликлар рўй бераверади“, деган машъум фикрни одамлар онтига синдирмоқчи бўлди.

М.Горбачев (1985—1991) СССРга раҳбарлик қилган даврда ноҳақ сталинча қатагонга учраган, зўрлаб кўчирилган халқлар тақдири масалалари юзасидан бир қатар комиссиялар ташкил этилган бўлса-да, вазият деярли ўзгаришсиз қолаверди. Бир неча йиллар мобайнида тўпланган муаммолар миллатлараро муносабатларда ҳам ўз аксини топди. Ўзбекистондаги бу ҳолатни Фарғона воқеалари ва бошқа воқеалар мисолида кўришимиз мумкин. Юртбошимиз Ислом Каримов Фарғона фожиалари ҳақида шундай деган эди: „Фарғона воқеалари, шунингдек, кейинги пайтларда рўй берган бошқа тартибсизликлар буларнинг барчаси турли миллат одамларида бир-бирига ишончсизлик пайдо қилди. Шундай бўлишига ким сабабчи? Мен ҳозир аниқ-равшан қилиб айтаман: жамики номаъқулчиликлар республикамиз чегарасидан ташқаридадир“<sup>4</sup>. Фарғона водийсида рўй берган тартибсизликлар ҳам ана шундай гаразли ниятда ташкил этилган эди.

<sup>1</sup> Каромов М., Муллабоев Т. Аҳвол қачон ўнгланади? // „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 15 ноябрь.

<sup>2</sup> „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 23 август.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Ислом Каримов. „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 289-бет.

Шу ўринда ана шу воқеалар тафсилотини яна бир бор эслатиб ўтамиз. 1989 йил 23 майдан бошлаб Фарғона вилоятининг кўлгина туман ва шаҳарларида, фавқулодда ҳодиса юз берди. Аввало, Қувасойда бошланган жанжал икки кундан сўнг Тошлоқ туманига, ундан сўнг эса Марғилон ва Кўқон шаҳарларига кўчди. Ушбу фожиада 103 киши ҳалок бўлди, 1011 киши жароҳатланди. 757 та уй, 27 та давлат обьекти, 275 та автотранспортга ўт кўйилди<sup>1</sup>. Оммавий чиқишлигарга қатнашганларнинг сони ўттиз мингта яқинни ташкил этди. Етказилган зарар бир неча миллион сўмдан иборат бўлди.

Фарғона вилоятидаги воқеалар тугаганидан сўнг ҳам ҳар хил миш-мишлар натижасида Тошкент вилоятининг Паркент ва Бўка туманларида баъзи кимсалар томонидан нохуш воқеалар уюштирилди. Масалан, 1990 йил 3 март куни Паркентнинг марказида оммавий тартибсизликлар туфайли шу ерлик М.Миртурсунов ҳалок бўлди<sup>2</sup>. Ушбу ҳолат аҳолининг кайфиятига салбий таъсир этиб, норозиликларни кучайтирди. Ёки 1990 йил 2 декабрь куни Намангандан шаҳридаги ички ишлар қўшинларининг ҳарбий хизматчилири билан маҳаллий ёшлар ўртасидаги жанжал натижасида 5 нафар ҳарбий хизматчи ва 3 нафар маҳаллий миллатга мансуб фуқаро ҳалок бўлди<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда XX асрнинг 90-йиллари бошидаги ижтимоий-сиёсий вазият кескинлашишига қўшни Қирғизистоннинг Ўш, Ўзган, Жалолобод худудларида бўлиб ўтган воқеалар ҳам таъсир этди. Миллий зиддиятларнинг кескинлашиб, қонли тўқнашувларга айланиб кетишида азалдан қондош бўлган икки ҳалқнинг ҳам айби йўқ эди. Мазкур воқеалар совет ҳокимияти олиб борган миллий сиёсатнинг асоратли оқибатлари эди.

Ўш воқеаларидан сўнг СССР Олий Советининг Миллатлар Совети СССР Олий Совети Президиуми топшириғига биноан Г.К.Крючков раҳбарлигида СССР ҳалқ депутатларининг гуруҳи Ўш вилоятидаги вазиятни ўрганиб чиқади. Натижада мазкур можароларнинг жавобгарлари вилоят ва Қирғизистон ССР сиёсий раҳбарияти экани таъкидланади<sup>4</sup>.

Фарғона, Бўка, Паркент, Намангандан Ўш воқеаларини бир-биридан айри ҳолдаги ҳодисалар деб бўлмайди. Уларнинг барчаси бутун мамлакатда кескинлашиб бораётган ижтимоий-сиёсий инқизорзининг давоми, таркибий қисми эди.

СССР раҳбарияти ва давлатнинг бошқа органлари миллий муносабатлар негизида можаролар келтириб чиқариб, ҳалқлар бошига кўркув ва даҳшат солиш йўли билан мамлакат парчаланишининг олдини олмоқчи бўлди. Воқеаларнинг таҳлили миллатлараро муносабатлар борасидаги тўқнашув ва фожиаларнинг туб илдизлари анча чукур ва муракқаб эканидан далолат берди. Бағрикенг, меҳмондўст, адолатпарвар ўзбек ҳалқи ўз тарихи давомида ҳеч қачон, ҳеч қандай миллий асослардаги фожиа ва қирғинларда қатнашмаган. Аммо, миллий можароларни ташкил этган ички ва ташқи кучлар республикадаги оғир иқтисодий-ижтимоий вазиятдан, ишсизлик ва бошқа қийинчиликлардан фойдаланиб қолди. Мутахассисларнинг хulosаларига кўра, Фарғона, Ўш ва Душанбедаги воқеалар аниқ ишланган сценарийлар билан амалга оширилган. Уларнинг натижасида Марказ бу республикаларга кучли даҳл қилиши ва бошқарувни ўз қўлига олиши керак эди.

<sup>1</sup> „Намангандан ҳақиқати“ газетаси, 1989 йил 1 август.

<sup>2</sup> „Фитна санъати“, 1-китоб. — Т.: 1993. 157-бет.

<sup>3</sup> Уша манба, 163-бет.

<sup>4</sup> „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1990 йил 30 сентябрь.

Фавқулодда вазиятнинг жорий этилиши ва ҳарбий қучларнинг олиб келиниши мустақиллик сари интилаётган ҳаракатларга зарба бериши лозим эди. Марказ уюштирган бундай қабиҳ сиёсат амалга ошмади. Бунда, ҳеч шубҳасиз, Ислом Каримовдек мард ва жасур йўлбошчининг ўз халқи ва юрти манфаатларини ўйлаб олиб борган қатъий сиёсати бекиёс тарихий аҳамият касб этади.

## 6.2. Инсон ҳукуқ ва эркинликларининг таъминланиши

1989 йил 23 июнь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси МҚнинг XIV пленумида Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Компартияси МҚнинг биринчи котиби этиб сайланди. Маълумки, республикамиз раҳбари сифатида И.А. Каримов иш бошлаган пайтда ўлкамизда узоқ йиллар давомида ҳукм сурган коммунистик мафкура ва фақат ҳом ашё етказиб беришга асосланган бир ёқлама иқтисодий сиёсат ҳар бир соҳада ўзининг ҳалокатли салбий таъсирини кенг миқёсда кўрсата бошлаган эди. Аммо, Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти томонидан янгича сиёсат асослари ишлаб чиқилиб, ҳалқимизнинг қадр-қимматини ҳимоя қилиш, миллий мустақилликка эришиш сари дадил ҳаракатлар бошланди.

И.А.Каримов республикамиз раҳбари этиб сайланиб ишга киришган куннинг эртасигаёқ, яъни 24 июнь куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советида катта мажлис ўтказди ва унда нутқ сўзлади. Бу нутқ моҳият эътиборига кўра унинг Ўзбекистон раҳбари сифатидаги биринчи нутқи экани билан ҳам алоҳида тарихий аҳамиятга эгадир. Ушбу чиқишада унинг сиёсий етакчига хос барча фазилатлари яққол намоён бўлади.

Ўзининг кескин танқидий ва амалий руҳи билан ажralиб турадиган мазкур нутқда республика раҳбари Ўзбекистонда вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият ва унинг сабабларини чукур таҳлил қилиб, аччиқ ва ҳаққоний бир холосага келади. „Биз бундан бўён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди“, деб янги лавозимга қандай улуғ мақсад ва масъулият билан киришаётгани, ўз фаолиятида ислоҳотчилик, эл-юртнинг дарду ташвишлари энг олий мезон бўлиб қолишини очиқ баён қиласди<sup>1</sup>.

25 июнь куни эса, жанжал-тўполонлар алантаси ичидаги қолиб кетган Фарғонага йўл олади. Ловиллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва қишлоқлар, қаҳр-газабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб боради. Улар билан чин дилдан, ҳеч нарсани яширмасдан очиқ гаплашади. Бу инсонларнинг шу вақтга қадар ҳеч ким эшитмаган оху-нолаларини тинглаб, ўзининг юракдан чиқсан самимий ва ҳаққоний сўзлари билан бамисоли уларнинг қалбидаги жароҳатларга малҳам қўйгандек бўлади, кўнгилларда сўнган умид учқунларини уйғотади. Тартиб-интизомни тиклаш, қон тўкилишининг олдини олиш бўйича бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, аниқ чора-тадбирлар кўради.

Албатта, республика раҳбари сифатида Фарғона воқеаларининг сабаб ва оқибатлари ҳақидаги маълумотлар билан ўз кабинетида ўтириб ҳам танишиши, керакли қарорларни қабул қилиши мумкин эди. Аммо ўша пайтдаги аксарият партия арбобларига хос бўлган бундай хонанишинлик, кабинетдан чиқмай иш юритиш

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 8-бет.

принципи унга мутлақо бегона эди. У ҳаётнинг қайноқ нафасини бевосита ҳис қилиш, яхши-ёмон кунларда халқ билан бирга бўлиш, эл-юртнинг дарду-кувончига доимо шерик бўлишни ўзининг ҳаётий маслаги, олий инсоний бурчи деб билади<sup>1</sup>.

### 6.2.1-жадвал

#### Ўзбекистон ССР областларида томорқа ва ер участкалари ажратиш тўғрисидаги 1989 йил 1 октябргача бўлган маълумот<sup>2</sup>

| Областлар                | Ер участкаси олган оиласлар | Ажратилган ер (гаектар ҳисобида) |
|--------------------------|-----------------------------|----------------------------------|
| ҚҚАССР                   | 1400                        | 350                              |
| Андижон                  | 15216                       | 1250                             |
| Бухоро                   | 24340                       | 5114                             |
| Кашқадарё                | 0                           | 0                                |
| Наманган                 | 31467                       | 2608                             |
| Самарқанд                | 10330                       | 1013                             |
| Сурхондарё               | 3010                        | 301                              |
| Сирдарё                  | 750                         | 73                               |
| Тошкент                  | 11847                       | 1190                             |
| Фарғона                  | 18376                       | 1905                             |
| Хоразм                   | 4326                        | 638                              |
| <b>Республика бўйича</b> | <b>121056</b>               | <b>14444</b>                     |

Ўлкамиздаги вазиятни чинакамига ўнглаш, юртдошларимизнинг ҳаётга қарашини, бугунги ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш учун аввало, уларнинг иқтисодий, моддий аҳволини яхшилаш заруратини чукур англаган республикамиз раҳбари аҳоли учун ҳал қўливчи аҳамиятга эга бўлган жуда катта бир масалани — одамларга томорқа ер бериш масаласини кун тартибига қўяди.

1989 йил 17 августда Ислом Каримов бошчилигида республика ҳукуматининг Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида аҳолига томорқа ва шахсий участкалар ажратиш масаласи муҳокама қилинади ва „Қишлоқда яшовчи ҳар бир оиласи томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой куриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида“ қарор қабул қилинади. Ушбу тарихий хужжатда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртacha 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди.

Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989-1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оиласга кўшимча ер ажратилди, 700 минг оиласга янги томорқа ерлари берилди.

1989 йили Ислом Каримовнинг ташаббуси билан одамларга жуда катта миқдорда узоқ муддатли кредит-қарзлар берилди, уй-жой куриш учун қурилиш материаллари, аҳолининг чорваси учун дағал ем-хашак ажратилди. 80-йилларнинг ўрталарида

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 9-бет.

<sup>2</sup> Толипов F. Суғориладиган ерларнинг берадиган самараси. // „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 7 октябрь.

йилига 3 миллион квадрат метр уй-жой қурилган бўлса, 1989 йили яратилган қулай имкониятлар туфайли бу кўрсатгич 4,9 миллион квадрат метрни ташкил этди. Якка тартибда уй-жой қурувчиларга қарз бериш учун ресурсларнинг умумий ҳажми 1989 йилга келиб бир ярим баробар кўпайтирилди ва 187 миллион сўмга етказилди<sup>1</sup>.

Одамларга ер бериш, уларни иш билан таъминлаш, аҳолини, айниқса аёллар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида олиб борилган оқилона сиёsat ҳалқимизга тарихнинг энг оғир синовларидан омон-эсон ўтиш, юз бериши мумкин бўлган катта ижтимоий тангликларнинг олдини олиш, иқтисодий юксалиш учун замин тайёрлаш имконини берди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1989 йил 19 августдаги XVI пленумида сўзлаган нутқида ҳам республикадаги социал аҳволнинг, одамларнинг социал таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муглақо қониқарсизлиги, қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, салкам 50 фоизи ичимлик суви билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминланганини нормал аҳвол, деб ҳисоблаш мумкин эмаслиги очиқ айтилди. Кўрилаётган барча чораларга қарамай, аҳолини уй-жой, соғлиқни сақлаш, маданият, маиший хизмат обьектлари, мактаблар, болалар боғчалари ва ҳоказолар билан таъминлашда сезиларли силжишларга эришилмаётгани кескин танқид қилинди.

Ишсизлик муаммосини ҳал этиш бўйича Юртбошимиз қўйидагича таклиф киритди: „Масалан, Фарғона обlastини олайлик, бу ерда 149 та колхоз ва совхоз бор. Агар ҳар бир хўжаликда 50-60 кишилик қурилиш бригадаси тузиб, улар қурилиш материаллари билан таъминланса, бундай бригадалар аҳоли билан шартнома асосида уй-жой қуришлари мумкин бўлур эди. Фақат шунинг эвазига 7,5 минг кишини иш билан таъминлаш мумкин бўларди. Хўжаликларда гишт, дурадгорлик буюмлари ва бошқа нарсалар тайёрлайдиган ёрдамчи корхоналар бунёд этишга киришилса-чи. Масалан, Хоразм обlastида шундай иш тутиш қурилиш материаллари тақчиллигини бартараф этиш билан бирга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришга қўшимча тарзда 2,5 минг кишини жалб этиш имконини беради. Бу одамларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишининг тўғридан-тўғри йўлидир. Уларга меҳнат дафтарчалари бериш, пенсия билан таъминлаш мумкин бўлади. Бунинг устига, улар ўзлари учун қурилиш ишларини, томорқа участкаси орқали эса ўз оиласарини озиқ-овқат маҳсулотлари билан кўп жиҳатдан таъминлашларини назарда тутсак, бу ишдан кўриладиган наф яққол намоён бўлади“<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда 1989 йилнинг иккинчи ярмидан бошланган ўзгаришлар Гдлян гурухига нисбатан муносабатларни ҳам кескин ўзгартириб юборди. „Пахта иши“ билан боғлиқ бўлган қонунбузарликларни фош этиш, бегуноҳ кишиларни оқлашда Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислом Каримов бошчилигига кенг кўламли ишлар бошланди. Бу ишлар Марказдан ҳеч қандай рухсат сўрамасдан мустақил тарзда олиб борилди. Шундай мураккаб шароитда иттифоқдош республикалар ичida биринчи бўлиб республика Бош прокурори Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига кўра тайинланди. Юртбошимиз Бош прокурор олдига республикамиз

<sup>1</sup> Куддус Абзам. Оғир синовлар даври. — Т.: Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2004. 14-бет.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Жамиятни янгилаш учун курашаётган барча соғлом кучларни бирлаштириш зарур. // „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 20 август.

манфаатларини ҳимоя қилиш, биринчи навбатда, „Пахта иши“ бўйича ноҳақ қамалаган фуқароларнинг ҳақ-хуқуқини тиклаш масаласини кўйди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1989 йил 12 сентябрда „Пахтачиликда қўшиб ёзишга йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган кишиларни авф этиш мақсадида хужжатлар тайёрлайдиган комиссия“ ташкил этди<sup>1</sup>. Бу комиссия тергов ҳужжатларини Ўзбекистонга қайтариб, минглаб ишларни қайта ўрганди. Узоқ давом этган мashaқатли кураш натижасида, 2940 кишининг ҳақ-хуқуқи қайта тикланди, 1015 киши асоссиз судлангани аниқланди<sup>2</sup>. Ноқонуний равишда ҳибсга олинган ватандошларимиз озодликка чиқди.

„Пахта иши“ тўғрисида Президентимиз шундай деган эди: „Пахта иши“ деб аталмиш масалани қўриб чиқишида йўл қўйилган жиддий хатолар ва нуқсонлар, бу масалага ўйламай-нетмай ёппасига ёндашувлар, кўпинча эса иқтидорли одамларни асоссиз равишида актив фаолиятдан четлаштириш, буларнинг ҳаммаси жуда кўплаб одамлар ва уларнинг оиласлари тақдирида машъум роль ўйнагани халқа жуда ёмон таъсири қилиди“<sup>3</sup>.

Республикада юзага келган ижтимоий аҳволни Юртбошимиз И.А.Каримов Москвада бўлиб ўтган КПСС МК Пленумида (1989 йил 20 сентябрь) сўзлаган нутқида ёрқин баён этган эди: унда аҳолини иш билан таминлаш, халқ учун зарур бўлган объектлар — уй-жой, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият обьектлари, савдо, майший, коммунал ва бошқа хизматларни тегишли тарзда кўпайтириш, халқ хўжалиги ҳаддан ташқари бирёқлама ривожланаётгани аҳволни чигаллаштираётгани, сув манбалари тобора тақчил бўлиб бораётгани сабабли қишлоқ хўжалиги соҳасини ҳам жиддий тарзда қайта кўриб чиқиш зарурлиги, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришдаги нуқсонлар ва ўзбошимчалик сабабли ниҳоятда танг экологик вазият вужудга келгани, Орол атрофида содир бўлаётган ҳалокатли аҳвол ҳам шундан далолат бераётгани, Ўзбекистон билан Иттифоқ ўртасидаги тафовут камайиш ўрнига кўпайиб кетаётгани, ичимлик суви етишмаётгани, болаларнинг нобуд бўлиши, аҳолининг касалликларга чалиниш даражаси баландлиги таъкидланди.

Агар ана шу муаммолар мажмуасига яна бошқарув соҳасидаги жиддий хато ва нуқсонларни, „Пахта иши“ деб аталмиш ишларга маъмурий-буйруқбозлиқ, ўзбошимчалик билан беъманиларча ёндашиш ҳам қўшилса, шунингдек, халқнинг тарихий ва маданий қадриятларига, расм-русумлари ва анъаналарига худди шу йўсинда баҳо берилгани инобатга олинса, республикадаги социал ва миллатлараро кескинлик сабаблари аён бўлиши ҳақида юртбошимиз ёниб-куйиб гапиради<sup>4</sup>.

Мустақиллик арафасида халқимизнинг шаъни ва гуури, қонуний хукуқлари, унинг бой тарихи, бебаҳо маданияти, буюк аждодларимизнинг хотирасига нисбатан тарихий адолатни тиклаш бўйича яна бир қанча қарорлар, шу жумладан, анъанавий халқ байрамлари, урф-одат ва маросимларни қайта тиклаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилингани ҳам улкан жасоратли қадам бўлди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорий архиви. „Пахта иши“ бўйича маълумотнома. 2-том, 24-вараЕ.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорий архиви. „Пахта иши“ бўйича маълумотнома. 2-том, 8-вараЕ.

<sup>3</sup> Янгиланиш нишоналари. // „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 27 сентябрь.

<sup>4</sup> „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 23 сентябрь.

1990 йил 21 мартдан бошлаб, энг қадимий байрамларимиздан бири Наврӯз умумхалқ байрами сифатида нишонланди. Наврӯз анъаналарига биноан, қариялар, болалар, bemорлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, бева-бечора ва бокувчисидан ажралганларга меҳр-шафқат кўрсатиш бўйича тадбирлар амалга оширилди.

1990 йил 4 июнь куни Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида Президентимиз сўзлаган маъруzasida республика ривожига халақит бераётган хато ва камчиликларни аниқлаб, уларни тузатиш йўлида амалий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиши, миллий давлатчилик, ижтимоий-иктисодий ва маънавий тараққиётнинг барча энг ўткир муаммоларини ҳал этиш вазифаси кўйилди.

Инсон манфаатларини тиклаш йўлидаги ишлар изчиллик билан олиб борилди: унда пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, пахта тайёрлаш ҳажмини мақбуллаштириш ва барқарорлаштириш, пахта ва бошқа маҳсулотлар учун кўшимча адолатли ҳақ жорий этилиши шулар жумласидандир. Масалан, 1989 йили пахта учун қарийб 400 миллион сўмлик кўшимча ҳақ тўланди, 1990 йили эса бу рақам икки баробар кўпайиши, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархини қайта кўриб чиқиши тўғрисидаги масала ҳал қилина бошланди. Даромади кам бўлган ахолига ёрдам берилгани, бошланғич синфларда ўқиётган ўқувчиларга, касалманд ва ҳомиладор аёлларга бепул нонушта бериладиган бўлгани, ветеранларнинг пенсиялари ва имтиёзлари кўпайгани, талабаларга қўшимча пул тўлаш жорий этилгани — буларнинг барчаси ўша суронли даврдаёқ Президентимиз бошлаган ислоҳотларда инсон манфаатлари асосий мақсад даражасига кўтарилиганидан далолат беради.

Шу ўринда куйидаги сўзларга эътибор берайлик: „Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши ишлаб чиқариш воситалари тайёрланишининг ўсишидан икки баробар илдамлашиб кетди. Газ, нефть қазиб олиш, цемент, линолеум, мол ёфи, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш юзасидан топшириқлар бажарилди. Картошка, сабзавот, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш кўпайди.

Тўрт йил мобайнида 2,3 миллион квадрат метр уй-жой, 71 минг ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаблари, қарийб 3000 bemорга мўлжалланган касалхоналар, ҳар сменада 8 минг бетоб кишини қабул қилишга мўлжалланган поликлиникалар планга қўшимча тарзда фойдаланишга топширилди”<sup>1</sup>.

Пахтачиликда алмашлаб экишни жорий этишга асосланган илмий йўлдан бориш соҳасида жиддий қадамлар кўйилди, 1991 йилда пахта толаси етиштиришни 100 минг тоннага камайтириш, давлат буюртмаси даражасини эса етиштирилган маҳсулотнинг ярмидан оширмаслик вазифасини қўйилаётгани, пахтадан бўшаган ерлардан эса одамларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириш учун, шу жумладан, чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кенгайтириш учун фойдаланиш вазифаси кўйилди.

„Шу билан бир қаторда районлар, шаҳарлар, йирик посёлкаларда кенг соҳали касалхоналар, поликлиникалар, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, туғуруқ-хоналарнинг кенг шоҳобчаларини жадал суръатлар билан ривожлантириш, жойларда участка касалхоналарини қайта тиклаш керак... Халқ таълими, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳаси тубдан янги ёндашувлар талаб қиласиди. Болаларни мактабгача тарбия муассасалари билан таъминлашда кескин бурилишга эришиш зарур. Уйлардаги

<sup>1</sup> Ислом Каримов. „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011, 187—188- бетлар.

**болалар боғчалари шохобчаларини, консультация пунктларини, қишлоқдаги болалар боғчаси-мактаб комплекслари шохобчаларини фаоллик билан көнгайтириш лозим<sup>“1</sup> деб, юртбошимиз халқимизнинг ижтимоий-социал соҳадаги эҳтиёж ва манфатларини қондириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди.**


Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Иттифоқ органларига ўзбекистонлик йигитларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибини ўзгартириш тўғрисида бир қанча таклифлар киритди. Чунончи, қурилиш қисмларига чақирилган йигитлар Туркистон ҳарбий округи ҳудудида хизматни ўташлари тўғрисидаги масала ҳал этилди.

Халқимиз республика ҳукуматининг Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Заҳиридин Муҳаммад Бобур, Абдула Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби буюк аждодларимиз юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда руҳланиб кутиб олди.

Мустақиллик сари қўйилган энг муҳим сиёсий, ҳукуқий қадамлардан бири — бу 1990 йил 20 июндаги Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши бўлди. Декларацияда шундай дейилади: Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети:

- ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари,
- ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи,
- ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда,
- Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъулиятни чукур ҳис этган ҳолда,
- халқаро ҳукуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қиласди<sup>“2”</sup>.



**6.2.1-расм.** Мустақилликка эришиш остонасида инсон манфаати, ҳукуқ ва эркинликларининг таъминланиши.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011, 206- бет.

<sup>2</sup> Ўша манба, 231-бет.

Бу Ўзбекистонни янги йўлдан мустақил равишда, ўз тақдирини ўзи ҳал қилган ҳолда боришини билдирувчи қатъий қарор эди. Бу Президент И.А.Каримовни ўз позициясида қатъий туриб, ўзбек ҳалқи иродасини рўёбга чиқариш йўлида олиб борган изчил ислоҳотлари, тинимсиз курашларининг қонуний натижаси эди.

Яна бир муҳим ҳужжат 1991 йил 14 июнда қабул қилинган „Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида“ги Қонун давлат билан дин ўртасидаги ўзаро муносабатларда қонуний принципларини тўла тиклади.

Мустақиллик арафасида динга алоқадор масалалар ижобий ҳал қилинди, юртимизда асрлар мобайнида мавжуд бўлган ҳалқ расм-руsumларининг миллий шакллари яна ҳаётга татбиқ этила бошлади, аҳолига томорқа ерлари ажратиб берилди, одамларнинг маоши оширилди, буларнинг ҳаммасида инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги улкан ишларнинг дастлабки нишоналари мужассам эди (6.2.1-расмга қаранг).

1991 йил 18 августда Москвада юз берган сиёсий тўнтариш алангаси сўнмаган бир шароитда 1991 йил 31 августда XII чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессияси ўз ишини бошлади. Ана шу сессияда Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини эълон қилди. Сессияда қабул қилинган ҳужжатда шундай дейилади:

— „Ўзбекистон сабоқ чиқариб ва ССР Иттифоқининг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб, ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган - ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб, Ўзбекистон ҳалқларининг тақдирни учун бутун масъулиятни англаб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари мустақил давлатлар ўртасидаги чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъий садоқатини баён этиб, миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносаби ҳаёт кечириши, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб, „Мустақиллик Декларацияси“ни амалга ошира бориб Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигини ва озод суворен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилишини тантанали равиша эълон қиласди“<sup>1</sup>.

Ҳалқимиз, аждодларимиз асрлар давомида орзу қилиб келган мустақиллик, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз юрти бойликларидан ўзи фойдаланиш, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини ўзи белгилаш, бой миллий меросдан баҳраманд бўлиш, тилини, динини, урф-одатлари ва миллий байрамларини тиклаш ва ривожлантириш, ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлишдек олий даражадаги ҳуқуқ ва манфаатларига шу тариқа мустақиллик туфайли эришди. Бундай оғир машаққатли кураш йўли, унинг энг драматик босқичлари Юртбошимизнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобида атрофлича кўрсатиб берилган.


<sup>1</sup> „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1991 йил 1 сентябрь.

## 7-БОБ. ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ

7.1. Кескин ижтимоий муаммолар гирдобидаги оғир йиллар

Мамлакатимизда сўнгги 20 йил ичидаги эришган ютуқ ва мэрраларимизни холис ва муносиб баҳолаш учун мустақиллик остонасида ижтимоий-сиёсий ҳаёт қандай мураккаб вазиятда бўлганини, бу вазиятни тубдан янгиланган йўналишга буриб юбориш учун улкан донишмандлик ва жасорат, инсонийлик ва эзгулик тамойилларига йўғрилган, кўпчиликка ибрат ва намуна бўладиган вазмини сиёсат талаб этилганини эсга олишимиз ва ўзимизга аниқ тасаввур этишимиз муҳимдир. Мустақиллик арафасида ижтимоий-иктисодий шарт-шароитнинг янада фожиали тус олиши, қарор топган хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай издан чиқиб кетишига барҳам бериш, ишлизикнинг авж олишига йўл кўймаслик фавқулодда муҳим заруратга айланган эди.

Мазкур ва бошқа энг муҳим муаммоларнинг негизи, омиллари, моҳияти, шунингдек, уларга барҳам бериш борасидаги аниқ ва истиқболли ёндашувларни ишлаб чиқиши масъулияти Республикасимиз Президенти И. Каримов зиммасига тушди ва бу ўта мураккаб вазифа самарали ҳал этилди<sup>1</sup>.



7.1.1-расм. Мамлакатимиз салоҳияти.


Юртбошимиз таъкидлаганидек, 1989-1991 йилларда: „...марказлаштирилган режалаштириш ва тақсимлаш механизми асосида фаолият кўрсатган бутун Совет тизимида хос бўлган иллатлар билан бир қаторда, Республикасимиз иқтисодиётининг бирёзлами ривожланиб, фақат хом ашё етказиб беришга йўналтирилгани, иқтисодиёт, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатган тўла ва мутлақ пахта яккаҳокимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди. Бунинг оқибатида, улкан табиий, минерал хом ашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамасдан, Республикасимиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожи буйича охирги ўринлардан бирида турар эди“<sup>2</sup>. Аслида

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 440-бет.

<sup>2</sup> Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 4-бет.

мамлакатимиз салоҳиятида жуда кенг имкониятлар мавжудлигини ҳаёт тажрибаси тасдиқлаган эди (*7.1.1-расмга қаранг*).

Бир сўз билан айтганда, юртимизда инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаслиги каби ўткир муаммолар йиғилган ва ниҳоятда кенг тус олган эди. Яъни, йиғилган мураккаб муаммолар ҳалқаси ўзаро бир-бирини тақозо этар ва ижтимоий муҳитда зиддиятлар кучайишига олиб келар эди. Масалан, ҳукмрон репрессив Совет давлатининг сиёсати жамиятда мустабид мафкура кучининг сақланишига хизмат қилган. Бу билан ҳалққа ҳомийлик қилиш эмас, одамлар орасида мутлақ итоатгўйликка асосланган қўрқув ва вахима кенг тарқалган. Натижада эртанги кунга ишончсизлик шароитининг ортиши ички норизоликни кучайтирган. Кенг миёсдаги репрессив сиёсат оқибатида юртимизда озгина учкундан олов ловуллаб ёниб кетадиган ўта қалтис вазият юзага келган эди (*7.1.2-расмга қаранг*).



### 7.1.2-расм. Мустабид тузумнинг репрессив сиёсат оқибатлари.

Юртимиздаги мавжуд аҳвол собиқ Иттифоқдаги ўртacha даражага нисбатан оғир ва аянчили ижтимоий манзарада ҳам ўз ифодасини топди (*7.1.1-жадвалга қаранг*). Айниқса, 1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бузғунчи кучлар томонидан оммавий тартибсизликлар юзага келгани вазиятни баттар чигаллаширади. 1989 йилнинг июнита келиб оммавий тартибсизликлар ниҳоятда авж олди. Шундай таҳликали шароитда — 1989 йил 25 июнь куни республикамиз етакчиси жанжалтўполонлар алангаси ичida қолиб кетган Фарғонада ловиллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва қишлоқлар, қаҳр-ғазабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб боради ва кенг тафаккур, мустаҳкам ирова ва эътиқод соҳиби сифатида аччиқ ҳақиқатнинг кўзига тик қарайди ва эл-юртнинг барча дарду ташвишлари ҳақида очиқ гапиради.

## Ижтимоий ларзалар

- 1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бузгунчи кучлар томонидан оммавий тартибсизликлар ташкил этилиши;
- 1989 йил июнь ойида оммавий тартибсизликларнинг ниҳоятда авж олиши;
- 1989 йил 25 июнь куни Фарғонанинг жанжал-тўполонлар алангаси ичida қолиб кетиши;
- Ўзбекистон етакчисининг ловиллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва қишлоқлар, қаҳр-ғазабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб бориши.

### 7.1.1-жадвал

| СОБИҚ ИТТИФОҚДАГИ ЎРТАЧА ҲАЁТ ДАРАЖАСИГА<br>НИСБАТАН ОФИР ВА АЯНЧЛИ ИЖТИМОИЙ МАНЗАРА |              |
|--|--------------|
| (аҳоли жон бошига)   |              |
| 1. Ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш  | 12 — ўрин    |
| 2. Миллий даромад ишлаб чиқариш  | 2 ҳисса паст |
| 3. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш  | 40 фоиз      |
| 4. Саноатдаги меҳнат унумдорлиги   | 40 фоиз      |
| 5. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги  | 50 фоиз      |
| 6. Гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум истеъмоли                                    | 50 фоиз      |
| 7. Ойига 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиганларнинг улуши (45 фоиз аҳоли)         | 2 ҳисса кўп  |

Мустабид тизим муаммолари таркибида: хукмрон коммунистик мафкура давлати қучининг сақланиши; кенг тарқалган қўркув ва ваҳима; „Пахта иши“ деган тухмат билан тазийиқ, таъқиб, ноҳақ қамалишлар; халқ кайфиятидаги тушкунлик; бир миллионга яқин ишсизнинг мавжудлиги; аҳоли 45 фоизи (9 миллион киши)-нинг даромади кун кечириш учун зарур бўлган энг паст даражадан (жон бошига ойига 75 сўм) ҳам пастлиги; ижтимоий инфратузилма муассасалари – мактаб ва касалхона биноларлари 60 фоизининг нобоплиги;



7.1.3-расм. Мустабид тизимдан қолган оғир мерос.

юртимизда 1700 та мактаб авария ҳолатида экани; қурилаётган мактаблар сони эса аҳолининг кўпайиш суръатини аранг қондириши; соғлиқни сақлаш соҳаси, касалликлар, болалар ўлимининг ўта аянчли аҳволи; одамларнинг оддий ичимлик суви билан таъминланмагани; Амударё ва Сирдарё қуий оқимларида яшаётган 4 миллионга яқин аҳоли аҳволининг ниҳоятда мушкуллиги; Орол муаммосидан Ўрта Осиё ва Қозогистон халқларининг безовта, бесаранжомлиги; хом ашё етказиб беришга асосланган бир ёқлама иқтисодиётнинг қарор топгани; эртанги кунга ишончсизликнинг ортиши ва озгина учкун чиқса ловуллаб ёниб кетиши мумкин бўлган вазиятни кўрсатадиган ўта жиддий мисолларни келтириш мумкин (*7.1.3-расмга қаранг*).

## **7.2. Мустабид тизим инқирозининг ижтимоий-сиёсий сабаблари ва уларни бартараф этиш хусусиятлари**

Мураккаб муаммолар гирдобидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни ислоҳ қилиш ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид тизимдан воз кечиш; жаҳон тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиш; умуминсоний кадриятларни чукур англаш; миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш мақсадида мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш ва ривожланиш сабабларини бартараф этишни талаб этар эди (*7.2.1 ва 7.2.2-расмларга қаранг*).



**7.2.1-расм.** Мустабид тизим инқирозининг ижтимоий сабаблари.



**7.2.2-расм.** Мустабид тизим инқирозининг сиёсий сабаблари.

Оғир вазиятда мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш бўйича асосли концептуал ёндашувлар ва амалий фикр-мулоҳазалар талаб этиларди. Шу боис дастлаб бутун эътибор Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тақдиди ва келажагини ҳал этишга қаратилди. Бунда юртбошимизнинг барча фикр-мулоҳазалари озодликка эришиш ва хурriятнинг ёруғ истиқболлари бўйича ёндашувлар ишлаб чиқишига йўналтирилгани тўлиқ англаради.

#### **И.А. Каримов фаолиятидаги асосий хусусиятлар қўйидагилардан иборат эди:**

- 1) мавжуд аянчли аҳволни тузатиш бўйича Марказ раҳбарияти олдига қатъий талабларни принципиал тарзда қайта-қайта қўйишдан чўчимаслик;
- 2) қанчалик оғир ва нохуш бўлмасин, очиқ гапириш;
- 3) ҳамиша ҳақиқатнинг кўзига тик қарааш;
- 4) юракдан чиқсан самимийлик;
- 5) узоқ вақтлар газак олдирилган нуқсонларнинг илдизини очиш;
- 6) ҳалқимизни бадном қилишга уринган ёвуз кучларга қарши қатъий кураш олиб бориш;
- 7) кенг тафаккур, мустаҳкам ирода ва эътиқод;
- 8) одамларнинг қалб жароҳатларига амалий ишлар билан малҳам қўйиш;
- 9) азму шижаотлилик, мардлик ва донишмандлик;
- 10) тартиб-интизомни тиклаш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олиш;
- 11) азоб-укубат ва қон тўкилишига сабаб бўладиган бошбошдоқлик, ҳокими-ятсизлик ва адоват бўлишига йўл қўймаслик;
- 12) фожиа оқибатларини бартараф этишининг аниқ амалий ечимларини ишлаб чиқиши ва изчил амалга ошириш;
- 13) кўнгилларда сўнган умид учқунларини уйғотиш;
- 14) ҳалқнинг туҳмат ва маломатлардан эгилган руҳини қўтариш;
- 15) эл-юртимиз дардига дармон бўлиш;
- 16) барча соғлом кучлар ҳамкорлигига таяниб, ҳалқни жипслаштириш, унинг бунёдкорлик куч-ғайратини рўёбга чиқариш;
- 17) қонунга, адолатнинг кучига таяниш;
- 18) тинчлик ва осойишталикни энг катта бойлик деб билиш;
- 19) ислоҳотлардаги тадрижийлик ва босқичма-босқичлик;
- 20) инсон манфаатларини ҳар қандай шароитда ҳам биринчи ўринга қўйиш.

Ислом Каримов ўз фаолиятида узоқ вақтлар давомида ечилмасдан, газак олдирилган камчилик ва нуқсонлар, ўткир ижтимоий муаммоларнинг илдизини очиш

билан бир қаторда ижтимоий ҳаётни ислоҳ этишнинг пухта ўйланган йўлларини асослаб бергани республикамизни оғир инқироздан чиқариш ва дадиллик билан истиқдол сари бошлашда улкан муҳим аҳамият касб этди.

Юртбошимиз, айниқса, ҳалқнинг ижтимоий ҳимояси, жамиятда социал адолат сақланишига ўз фаолиятининг биринчи кунларидан бошлаб катта аҳамият беради. Бунда авволо каталакдек ҳовлиларда яшаётган минг-минглаб инсонларнинг ўткир муаммолари ҳал этилди – уларга уй-жой учун томорқа берилди. Юртимиздаги 10 миллионга яқин қашшоқлик ҳолатида яшаётган одамларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш масаласи кун тартибига қўйилди. Ёлғиз кексалар, ногиронлар, кам таъминланган оиласарга ёрдам кўрсатиш тизими шаклана бошлади. Ўқитувчилар, шифокорлар меҳнатини қадрлаш, мактаб ўқувчиларини иссиқ овқат билан таъминлаш, ёш оиласарни қўллаб-қувватлаш борасида амалий қадамлар қўйилди. Буларнинг барчаси ҳозирги кунда мамлакатимизда муваффақиятли фаолият кўрсатётган кучли ижтимоий тизимнинг дастлабки асослари ана шу долғали йилларда – мустақиллик арафасида қўйилганини кўрсатади.

1989–1991 йилларда юртимиз тинчлиги, ҳалқимиз омонлиги, инсон ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида улкан ишлар юртбошимизнинг буюк тарихий хизматларидан бири ҳисобланади.

Ўша пайтда сиёсий мухолифларнинг мамлакатимиз етакчисига нисбатан шошма-шошарлик билан билдирган таъна ва дашномлари, гаразли хатти-ҳаракатларига сиёсий вазминлик билан муносабат билдирилди. Ислом Каримов бу ҳақда алоҳида фикрларни таъкидлаб ўтган эди: „Мен фақат бир нарсани – ҳалқларнинг бошига азоб-укубат келтирадиган ва қон тўкилишига сабаб бўладиган бошбошдоқлик, ҳокимиятсизлик ва адоват бўлишини истамайман. Демократияни ҳамма нарсани қилиш мумкин деб, ўзбошимчалик билан талқин этиш ана шунга олиб келади. Мен демократик жамиятни, энг аввало қонунга қулоқ солиш деб биламан“.

Шу ўринда жаҳон адабиёти хазинасига ўзининг ноёб асарлари билан бетакрор ҳисса қўшган атоқли адиб, жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ҳақидаги фикрларини келтириш ўринлидир.

„Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан мен илк бор 1990 йилда учрашганман. Ўш фожиалари эсингдами? Икки қардош ҳалқ ўргасида кутилмаганда нифоқ пайдо бўлиши, қон тўкилишига мен бефарқ қараб туролмадим. Сессия пайтидаёқ Горбачев билан учрашдим-да: „Ўшга боришимга рухсат берсангиз. Мен у ерга боришим керак. Нима бўлаётганини кўриб, қўлимдан келганча одамларга ёрдам бераман“, дедим. Горбачев шу заҳоти КГБ раиси Крючковни, мудофаа вазири Язовни чақириб: „Дарҳол маҳсус самолёт ҳозирлансин!“ деб буйруқ берди. Ўша куниёқ Чкалов номидаги аэродромдан бир гуруҳ ўртоқлар билан ҳарбий самолётда учиб кетдим. Тошкентга қўнишимиз биланоқ мен Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Одил Ёкубов билан телефонда боғландим. Биз учрашдик. Тайёрагоҳнинг ўзида шошилинч кенгаш ўтказдик.“

Вазият кундай равшан эди: икки қардош ҳалқ бир-бирининг ёқасига ёпишиб туришарди. Қарама-қаршиликни қандай қилиб бартараф этиш мумкин? Кутилмаганда аланга олиб кетган низони қандай йўсинада тўхтатиб бўлади? Бизни ана шундай муаммолар қўйнار эди. Ҳар бир соатда янги хабар етиб келарди, юрак-бағримиз ўртаниб, амалий ҳаракатга шошилар эдик.

„Фарғона водийсидаги ўн минглаб ўзбеклар Ўш томонга боришаёт!“

„Кечаги кундан эътиборан Олой қирғизлари отларига миндилар!“

Шунда мен Ўзбекистондаги ҳар хил жамоат ташкилотларининг раҳбарларига: „Келинглар, оға-инилар, сеники нотўғри, менини тўғри деган мунозарани бас қиласлик. Ростини айтсак, ҳаммамиз айбормиз. Вазиятни кескинлаштиришдан фойда йўқ“, дедим. Барча менинг фикрларимни бир овоздан қўллаб-куватлади.

Тез орада менинг келганимдан хабар топган Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасининг биринчи котиби Ислом Каримов аэропортга етиб келди. Ҳар доимги-дек муайян бир масалага бутун диққат-эътиборини жамлаган, ҳаракатчан, гайратли эди. Яккана-якка чин дилдан гаплашдик. Мен: „Ўшга кирмоқчи бўлаётган фаргона-ликларни тўхтатинг, – деб илтимос қилдим. – Агар икки оломон бир-бiri билан тўқнашиб кетса, кейин уларни тўхтатиш ҳам, тинчтиши ҳам қийин бўлади. Жуда катта хунрезлик рўй бериши ҳеч гап эмас. Биз ҳам Ўш вилоятини тинчтиши учун қўлимииздан келганча ҳаракат қиласмиш“.

Каримов билан гапимиз бир жойдан чиқди. У менинг фикр-мулоҳазаларимни батамом қўллаб-куватлади ва самолёт зинапоясига қадар кузатиб қўиди.

Ўш вилоятига бориб шарт-шароитлар билан танишганимдан сўнг мен республика телевидениеси орқали Ўзбекистон халқига мурожаат қилдим. Бу ҳодиса нимадан бошлангани, агар низо кучайиб борадиган бўлса, охири жуда ёмон бўлиши мумкинлиги тўғрисида дилимдаги бор гапларимни очиқ-ойдин айтдим. Ўша пайтда менинг ёнимда Одил Ёқубов билан Пиримкул Қодиров ҳам ўтирган эдилар. Улар ҳам менинг фикрларимни қувватлашиб, бутун ўзбек халқини босиқлика чақирдилар.

Қадимдан қон-қардош бўлган икки халқ ўртасида пайдо бўлган нифоқни барта-раф этиш борасида ўшанда Ислом Каримов улкан давлат арбобига муносиб бўлган ақл-идрок, донолик намунасини кўрсатди.

Қозогистоннинг ПЕН-клуби навбатдаги мажлислиридан бирини Кустанайда ўтказди. ПЕН-клуб президенти Абдужамил Нурпейсовнинг таклифига кўра, мен ҳам ўша мажлисда қатнашдим. Ўзим яқинда Франкфуртдан қайтгандим. Хуллас, уйга қайта-ётиб, йўл-йўлакай Тошкентга ҳам тушиб ўтдим. Оқшом чоги Ислом Каримов каминани йўқлаб келди. Биз Марказий Осиё маданиятининг ҳозирги аҳволи тўғрисида жуда узоқ сухбатлашдик.

Илгари мен бу кишини фақат хўжалик ишларининг миридан-сиригача яхши биладиган тажрибали сиёсатчи сифатида билардим. Ўша оқшомдаги сухбатдан сўнг амин бўлдимки, бу зот ўз халқининг, ўз давлатининг тарихини теран биладиган, маданият ва санъатнинг турли тармоқлари бўйича чуқур тасаввурга эга бўлган том маънодаги давлат арбоби экан<sup>3</sup>.

Бу сўзлар Ислом Каримов ўша таҳликали вазиятда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиёни қамраб олиши мумкин бўлган фалокатни катта жасорат ва донишмандлик билан тўхтатиб қолганини кўрсатади. „Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида“ китобида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

<sup>1</sup> Айтматов Ч., Шохонов М. Қояда қолган кўз ёшлар. / Ҳокимият ва маънавият ёки подшоҳлар, хонлар, қироллар, президентлар фаолиятига бир назар. – „Жаҳон адабиёти“ журнали, 1997 йил, № 1. 7–56-бетлар.

---

## **8-БОБ. АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ, ФАН, ТАЪЛИМ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ЖАБҲАЛАРИГА ЭЪТИБОР**

### **8.1. Илм-фан – саодатга эришиш йўли**

Президентимиз И.А.Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш осто-насида“ китобининг яна бир муҳим аҳамиятли жиҳати шундаки, унда 80-йиллар охири, 90-йиллар бошларида Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий аҳвол чуқур таҳлил этилиб, мавжуд муаммолар билан бирга бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар мантиқий изчилликда акс эттирилган. Ўша мураккаб бир даврда республика раҳбари жамият ҳаётига комплекс ёндашиб, бошқа ўткир масалалар сингари соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, маданиятнинг муҳим соҳасидаги муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратган, уларни самарали ҳал этиш учун долзарб фоя ва фикрларни ўртага ташлагани унинг узоқни кўра билиш қобилияти, билими, метиндеқ иродаси ва жасурлигидан далолат беради.

Маълумки, бу даврда озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа ҳаётий муҳим товарларнинг тақчиллиги одатий ҳолга айланиб, аҳолини улар билан таъминлаш муаммолари кескинлашган эди. Орол денгизининг фалокати Қорақалпоғистон жануби учун бориб турган экологик кулфат бўлиб, энди Оролни кутқариб қолиш учун зудлик билан фавқулотда чора-тадбирлар кўриш талаб этиларди.

Бунинг устига, вилоятларда, айниқса қишлоқларда соғлиқни сақлаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Бу борада давлатимиз раҳбари „Самарқанд область ижроия комитетининг касалхона ва поликлиникалар қурилишига муносабатини одамлар сиҳат-саломатлигига совукқонлик ва масъулиятсизларча муносабатининг ёрқин мисоли деса бўлади. Бу вилоят касалхона ва поликлиникалар билан таъминланиш бўйича энг сўнгти ўринда туришига қарамай, область раҳбарлари ана шу мақсадлар учун ажратилган 10 миллион сўм пулнинг ўзлаштирилишини барбод этишли.

Холбуки, ана шу маблағлар эвазига 900 беморга мўлжалланган касалхона қуриш мумкин эди. Ҳудди ана шу обlastda болалар ўлими жуда кўп бўлишига қарамай, 1979 йилдан бўён ҳар хил дардга чалинган болалар даволанадиган касалхона қурилиши ниҳоясига етмай қолди“.

Қорақалпоғистон АССР, Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё обlastlari ва бошқа обlastlarдаги иш ҳам талабга жавоб бермаслиги“ни юртбошимиз очиқ баён қиласди.

Шунингдек, раҳбаримиз бу борадаги вазифалар хусусида тўхалиб, қуйидаги-ларни таъкидлайди: „Эътиборни ижтимоий масалаларга қаратиш ҳақида гапирав эканмиз, соғлиқни сақлашни яхшилаш биринчи даражали аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Бу тармоқ моддий базасининг ниҳоятда қашшоқ эканлиги устига, бизда бу соҳа яхши ташкил этилмаган ва самарали фойдаланилмаётir. Миллатнинг зурриёд фондини, ҳеч муболагасиз айтиш мумкини, ҳалокатдан сақлаб қолиш учун кенг кўламдаги тадбирларнинг катта комплексини амалга ошириш керак бўлади. Муаммо аллақачон вилоятлар доирасидан чиқиб, умумдавлат вазифаси даражасига кўтарилди. Аммо бу соҳадаги кўпчилик раҳбарларнинг ташвишланаётганликлари унча сезилмаётir. Ҳар ҳолда, Соғлиқни сақлаш вазирлигидан ҳам, ҳукуматдан ҳам ҳозиргача эътиборга сазовор бўлган асосли таклифлар тушаётгани йўқ.

Маҳаллий ва республика даражасида тиббий муассасаларни ташкил этишнинг пухта ва тўлақонли системасини ишлаб чиқиш, шароитимизни ҳисобга олган ҳолда, илгор чет эл тажрибасидан фойдаланишимиз керак.

Ихтисослашган йирик даволаш марказлари қишлоқ ва шаҳар касалхоналари кенг шоҳобчалари билан қўшилиб, ана шундай системанинг асосий бўғинига айланиши керак. Республикада бундай системани вужудга келтиришга асос солинди. Яқин йилларда кардиология марказини, кўз микрохирургияси миңтақавий марказини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш марказини, урология маркази ва шу сингариларни яратиш мўлжалланган.

Шу билан бир қаторда районлар, шаҳарлар, йирик посёлкаларда кенг соҳали касалхоналар, поликлиникалар, фельдшерлик, акушерлик пунктлари, туруруқхоналарнинг кенг шоҳобчаларини жадал суръатлар билан ривожлантириш, жойларда участка касалхоналарини қайта тиклаш керак.

Биз соғлиқни сақлашга маблағ манбаларини излаб топишга янгича ёндашмоғимиз зарур. Соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг сугурта шакллари сингари манбалари ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш лозим. Бир нарса равшанки, соғлиқни сақлаш фақат бюджет маблағлари ҳисобига ривожлана олмайди. Соғлиқни сақлашни ривожлантириш фондини ташкил этиш, унга катта фойда олаётган корхоналар, хўжаликлар, кооперативлар, жамоат ташкилотларидан пул ўтказиш масаласини тезда ҳал этиш фоят муҳимdir.

Яна бир муҳим масала. Оила врачи вазифасини қайта тиклаш керак. Бу ҳақда кўпдан бери гапириб келинмокда, лекин кўзга кўринарли силжишлар йўқ. Бу масалани ҳал этиш, бундай врачлар тайёрлашни ташкил этиш ва уларга иш шароитини яратиш“ пайти келганлиги таъкидланади<sup>1</sup>.

Айнан ўша давларда Ўртбошимишининг аҳоли саломатлигини яхшилаш борасидаги тинимсиз изланишлари, кўрган чора-тадбирлари натижасида 3000 беморга мўлжалланган касалхоналар, ҳар сменада 8 минг бетоб bemорни қабул қилишга мўлжалланган поликлиникалар режага қўшимча тарзда фойдаланишга топширилган эди.

Бу ишлар йирик тадбирларнинг бошланиши эди. Улар истиқлол йилларида соҳада эришилган улкан ютуқларимизнинг пойдевори бўлади, десак, муболага бўлмас.

Маълумки, хўжалик организмига мустабид тузум даврида ўрнашиб қолган иллатлар Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам жиддий зарар етказар эди. Йўл қўйилган қўпол хатолар, нуқсонлар, маданий хўжалик юритиш принципларининг тўғридан-тўғри бузилиши натижасида иқтисодиётнинг энг муҳим йўналишлари барбод бўла бошлади.

80-йилларнинг ўрталарида асосий ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлар бўйича республика Иттифоқда охирги ўринлардан бирита тушиб қолган эди. Аҳоли жон бошига миллий даромад Ўзбекистонда ўртача Иттифоқ даражасига қараганда икки баробар кам эди. Ўртимиз аҳолисининг мамлакатдаги бошқа миңтақаларга нисбатан моддий ва ижтимоий неъматлар билан таъминланиш даражасидаги фарқ фоят ортиб кетган эди.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг мустамлакачилик режасига кўра республика иқтисодиёти фақат биртомонлама, „хом ашё“ йўналишида ривожланиши олдиндан белгилаб қўйилган эди. Натижада республикада саноатнинг хом

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 205–206-бетлар.

ашёга бирламчи ишлов бериш билан боғлиқ тармоқлари кўпроқ ривож топди. Саноатдаги тайёр маҳсулотнинг салмоғи умумий маҳсулотларнинг фақат 25 фоизини, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш эса ўртача Иттифоқ даражасининг фақат 40 фоизини ташкил қиласади. Иқтисодиёт тизимидағи ва ишлаб чиқаришнинг ихтинослашувидағи хатоликлар Ўзбекистонда экологик аҳволнинг ортишига, моддий ва молиявий аҳволнинг ёмонлашувиға олиб келди. Саноат ишлаб чиқаришининг кўпайиши асосан пахта тозалаш, ёқилғи саноати, ресурс соҳалари, қора ва рангли металлургия тармоқлари ҳисобидан таъминланди. Қора ва рангли металлургия тармоқларининг улуши 60—65 фоизга етди. Ҳолбуки, машинасозлик ва металлга ишлов бериш салмоғи кўпи билан 2 банд юқори кўтарилиб, 16 фоиздан кўпроқни ташкил этган эди. Марказнинг ўта адолатсиз, фақат ўз манфаатини кўзлаб юритган сиёсати натижасида минтақалараро номақбул алоқалар юзага келди, бундай шароитда Ўзбекистондан унинг миллий манфаатларига зарар етказган ҳолда кўпроқ миқдордаги хом ашё ва чала маҳсулотлар олиб кетиларди, четдан эса асосан асбоб-ускуналар ва тайёр буюмлар келтирилар эдики, бу бошқа иттифоқдош республикалар билан ўзаро муносабатларда зиддиятларни чуқурлаштиради, жойларда ижтимоий, миллий тантликни вужудга келтиради.

Давлатимиз раҳбари республикага раҳбар бўлиб тайинланган кунданоқ аҳоли саломатлиги, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва спорт ишларига муҳим эътибор қаратди. Чунки, республикада ижтимоий инфратузилма тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган эди. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилган эди. Инсоннинг ҳар томонлами уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмайтган эди.

Юртимизда илм-фан ривожига ҳам муҳим эътибор қаратилди. Ресpubликамиз илм-фани ҳам бошқа соҳалар каби Марказ манфаати ва мағкурасига хизмат қиласади. Марказдан бўлган тинимсиз тазиикларга қарамай, 80-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон илм-фанида бир қатор ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон Фанлар академияси, олий ўқув юртлари тизимидағи илмий-тадқиқот муассасалари, илмий лабораториялар ўз фаолиятини такомиллаштиришга ҳаракат қила бошлиди. Бу даврда табиий ва ижтимоий фанлар бўйича жиддий изланишларга кўл урилаётган эди. Хусусан, 1987 йилда Тошкент вилоятининг Паркент туманида ниҳоятда ноёб илмий-экспериментал мажмуя – „Бизеркаль оптика“ – энергетика курилмаси фойдаланишга топширилди.

Айниқса, астрономия соҳасида катта ишлар амалга оширилди. 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Астрономия институти олимлари француз олимлари билан ҳамкорликда Куёшнинг глобал тебранишини тадқиқ этиш соҳасида кенг кўламли ишлар олиб бордилар. Куёш фаолиятини текшириш соҳасида Ю.Солоним, И.Саторов, З.Коробова, Ш.Эгамбердиев каби олимларнинг хизматлари катта бўлди. 1986 йилда эса юксак энергияли астрофизика бўлими ташкил қилинди, унда гамма-астрономия соҳасида тадқиқотлар ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, биология, кибернетика, ядрофизика, кимё ва медицина фанлари соҳаларида ҳам бир қатор муҳим ва долзарб муаммолар устида илмий изланишлар олиб борилди.

Ислом Каримов республика раҳбари бўлиб фаолият бошлаши билан фалсафа, тарих, айниқса, Ватан тарихини ўрганиш, унинг услубиятига, „оқ доғлари“га доир масалалар фаол муҳокама этила бошланди. Ижтимоий-гуманитар фанларда жамият ва шахс масалалари, маданий мерос, тил муаммолари қаби масалаларни ҳал

этишга интилиш юзага келди. Бу масалаларга бағишланган илмий, айниқса, публицистик мақолалар газета ва журналлар саҳифаларида мунтазам босилиб турди.

Бироқ, коммунистик мафкура якка ҳокимлиги шароитида мазкур масалаларни тұлық ҳал этиш мүмкін эмасди. Мустабид тузум миллий ўзликни англаш жараёнига тиши-тирноги билан қаршилик күрсатар, жамиятдаги мавжуд зиддиятлар, нұқсанлар, иллатлар аслида мустабид совет тузуми, коммунистик мафкура якка ҳокимлиги туфайли юзага келаётганини яширишта, ниқоблашга уринар эди.

Илм-ғандаги ғундай ғасиятни күра олған Юрғашымиз дастлабки ойлардағы бу соҳа ривожига ва унинг халқимиз, юртимиз манфаатлари учун хизмат қилишіга муҳим әထибор қаратди. 1989 йил 28 науябрда Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқида И.А.Каримов илм-ғанни юксалтириш борасида мавжуд муаммо ва вазифаларга атрофлича тўхталиб ўтди. Унда фан соҳасидаги кадрларни жадал этишириш ва ёшартириш учун, интеллектуал имкониятларни кескин даражада ошириш учун республика раҳбарияти зарур маблағларни, жумладан, валюта маблағларини ажратишга, тегишли ташкилий масалаларни ҳал қилишга тайёр экани таъкидланди.

Бу борада республика раҳбарияти томонидан 1990 йилдан бошлаб мамлакат ва чет эллардаги катта илмий марказлар докторантураларидан ва стажировка ўташ учун ёш олимларимизга юзта ўрин ажратиш масаласини СССР Фан ва техника давлат комитети олдига қўйилиши улкан амалий тадбирларнинг дебочаси эди. Мазкур таклифда биотехнология, молекуляр генетика, робототехника системаси, машинасозлик технологиялари, демография иқтисодиёти каби соҳаларда, фантехника тараққиётининг бошқа асосий йўналишларида илмий кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш масаласи ҳам илгари сурилган эди. Унда илм-ған ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, қолаверса олимлар фаолиятини республика хўжалиги тараққиёти учун устувор бўлган соҳаларга йўналтириш белгилаб берилди.

Фанга истеъодли ёшларнинг кириб келишини таъминлаш учун олий мактабнинг, ҳатто, умумтаълим мактабларининг фаолияти такомиллаштирилиши режалаштирилди. Ушбу режаларни муваффақиятли амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- истеъодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, кўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг қобилиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш;
- маҳсус республика фондини ташкил этиш ҳамда иқтидорли болалар учун мактаблар ва интернатлар тармоғини вужудга келтириш, ёш олимлар учун турли мукофотлар таъсис этиш;
- фанни маблаг билан таъминлаш муаммоларини ҳам пухта ишлаб чиқиш, янги институтлар ташкил этиш, мавжуд институтларни ўзгартириш;
- сув муаммолари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш институти ва бошқа бир қанча институтларни тузиш;
- республикада узоғи билан 2010 йилгача илмий сиёсат концепциясини ҳамда Ўзбекистонда фан ва техникани ривожлантиришнинг тегишли дастурини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон раҳбари жамият тараққиётида олимларнинг ўрни масалаласига тўхталиб ўтар экан, „Хозир ҳар бир олим, айниқса, жамиятшунос олим ўз илмий фаолиятини республика муаммоларига, ўз халқи ва бутун мамлакатимиз тақдирига мувофиқлаштириши лозим. Равшанки, бундай интилиш жамиятшунос олимлар илмий ва ижтимоий фаолиятининг бирлиги характерини, уларнинг республика ижтимоий ҳаёти-

даги амалий иштирокини белгилаб бериши керак<sup>“1”</sup>, деб таъкидлаш билан бирга, илмий ходимлар ўз фикрларини эркин, масъулият билан ифода этишлари учун шароит яратиш, уларнингижодий ва ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш, илмий тадқиқотларни бажариш учун давлат буюртмаларининг танлов системасини шакллантиришни ҳам баён этди.

80-йилларнинг охирида Ўзбекистон жамиятида мавжуд муаммо ва қийинчиликларга танқидий баҳо бериш, амалий таклиф ва ҳаракатларга янги куч-кудрат бағишлишга имкон берадиган ўзликни англаш омилини шакллантириш ва унинг муҳим амал қилиши foят зарурлиги сезилиб турарди.

Қисқа муддатда И.А.Каримов ташаббуси билан кўп миллатли республикамиизда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш масаласи энг долзарб ва ўткир муаммолардан бири сифатида кун тартибига қўйилиб, бу борада ҳам бир қатор режа ва тадбирлар ишлаб чиқишига эътибор қаратилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда миллий ўзликни англаш жараёни ниҳоятда жўшқин равишда кучайиб бораётган эди. Лекин ана шу жараён билан бир вақтда салбий ҳодисалар ҳам юз бермокда эди. Ана шундай жараёнда миллий ўзликни англашда бузилишларга олиб келаётган сабабларни, омилларни аниқлаб, ана шу жараёнларга ижобий таъсир ўtkазиш йўлларини белгилаш, миллийлик ва байнамилаллик уйғун бўлишига эришиш керак эди.

Бу борада Президентимиз ўз фикрини баён этар экан, „... биз тарихий халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари асосида одамлар онгини шакллантириш омилларини кучайтиришимиз зарур“, деб қайд этади.

Юргашимизнинг зиёлиларимизга бўлган ишончи „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобидаги қуйидаги сўзларда ўз ифодасини топган: „Сира муболагасиз айтиш мумкинки, халқни маънавий жиҳатдан соғломлаштириш соҳасидаги ... катта ишда зиёлиларимиз асосий, ҳал этувчи ўринни эгаллашлари даркор. Зиёлиларнинг сўзи одамларнинг онгу шуури ва қалбида ҳамиша акс-садо беради.

Бугунги мураккаб, зиддиятли, турли ларзалар чиқиб турган ва можаролар бўлиб турган вазиятда зиёлиларимизнинг оқилона сўзлари, хайрли ишлари одамлар ва халқлар ўртасида инсонпарварлик ва маънавий нормаларни сақлаб қолишида энг муҳим шартдир.

Республика Фанлар академияси олимларидан умидимиз катта. Бунинг боиси бор, албатта. Республикализни инқироздан чиқаришнинг ягона демаганда ҳам, асосий йўли илм-фанинг мададига таянишдадир. Фан-техника тараққиётига, янги гоялар ва кашфиётларга сунянишдадир.

Олимларимизни танқид қилиш ҳам мумкин эди, бундай танқид, ҳатто, анъанага ҳам айланиб кетган эди. Лекин мен уларни қўллаб-қувватламоқчиман. Чунки, шунга имоним комилки, республикамиизда анчагина етук олимлар бор, конкрет ишлар ҳам қилинган, олимларимиз халқ олдилаги масъулиятини ҳам тушуниб турибдилар. Яқинда бўлиб ўтган учрашувлар чоғида ҳам бунга ишонч ҳосил қилдим.

Файрат-шижоат ва ижодкорлик кўпроқ бўлса деймиз. Ёш олимларга ёрдам берайлик. Шундай қылсак, Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида дуруст натижаларга эришамиз. Биз бу борада ёрдамни бундай буён ҳам ҳеч аямаймиз<sup>“2”</sup>.

Президент И.А.Каримов жамиятшунослик фани ва жамиятшунос олимлар фаолиятига баҳо бериб, бу борада қуйидаги вазифалар турганини белгилаб беради.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. – 89-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба.

“Биз жамиятшуносликнинг ролига янгича назар солишимиз зарур. Узоқ вақтдан бўён жамиятшунослик фани социализм тўғрисидаги дорматик тасаввурлар хизматида бўлди, сиёсат ва мафкуранинг изидан борди. Мамлакат ва республикамида содир бўлаётган жараёнларни теран илмий идрок этиш зарур.

Биз кўншартияйлик шароитидаги ижтимоий ҳаёт қонуниятлари таҳлили дастурига эга эмасмиз. Жамиятшунослар кўп укладлик мавжуд бўлган шароитда, бошқариладиган бозор иқтисодиётiga ўтишдаги иқтисодий ва ижтимоий зиддиятлар тўғрисидаги тасаввурларни баён этиб беришгани йўқ.

Миллатлар ва миллатлараро муносабатлар равнақи, республикаларнинг сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллиги, ишчилар синфининг миллий отряди шаклланиши муаммолари ва бошқа кўп муаммолар чукур таҳлил этилиши керак<sup>1</sup>.

И.А.Каримов ўша даврдаги миллатлараро муносабатларида аҳволни таҳлил этиб, „Бизнинг кўп миллатли республикамида миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш муаммоси энг долзарб ва ўткир муаммолардан биридир... Ҳозир гап ана шу соҳага тааллукли кенг доирадаги масалаларни ўз ичига оладиган илмий тадқиқотларнинг узоқ муддатта мўлжалланган программасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисида бормоқда“ деб таъкидлайди<sup>2</sup>.

Шу муносабат билан қуйидагиларга эътибор қаратади.

Биз тарихий халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари асосида одамлар онгини шакллантириш омилларини кучайтиришимиз зарур. Яширишга ҳожат йўқ, биз шубҳали шиорларга берилиб, маънавий маданиятимизни озиқлантириб турган илдизларни қирқиб ташлашга ўнлаб йилларни сарфладик. Ҳозир бунинг оқибатларини сезиб турибмиз. Маданият манбаларига қайтиш ғоят қийин кечмоқда, одамларнинг бу жараёнга муносабати ўзгармоқда.

Республикада турли миллатга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларда кўзга ташланаётган муайян кескинлик сабаби, бизнингча, миллатлараро муносабатларнинг маънавий-ахлоқий таъминланиш даражаси етарли даражада юқори эмаслигидадир...

Миллатлараро муносабатларни ривожлантириш жараёнларини тадқиқ этиш дорматик қараш ва эски қолиплардан холи этилиши керак, биз янги ғояларни, қарашлар ва ёндашувларни кутмоқдамиз. Бизга тарих тўғрисида, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг реал жараёнлари ҳақида, ҳозирги вақтда кўзга ташланаётган қарама-қарши манфаатларнинг тўқнашуви вужудга келишига нималар сабаб бўлгани тўғрисида аччиқ бўлса ҳам, холис ва тўла ҳақиқат керак.

Жамиятшунослар Ўзбекистон тарихининг кўпгина саҳифаларини қайта битишлири, чунончи, чоризм йилларида Ўрта Осиё халқларининг миллий озодлик ҳаракати, 1920–1930 йиллардаги адабий-гоявий жараёнлар, колективлаштириш ва бошқа ҳодисаларга хужжатлар асосида назар солишлари керак. Беҳбудий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат ва бошқаларнинг ижоди ва дунёқарашини ҳам теран ва холис тадқиқ этиш зарур бўлади. Баҳслар ва шубҳалардан чўчимаслик керак. Ҳақиқатни коллектив бўлиб рўёбга чиқариш, бунинг учун илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, „давра суҳбатлари“ ўтказиш керак.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 228-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба, 90-бет. 6 сар.

Дарҳақиқат, 80-йилларнинг иккинчи ярмида ҳалқ таълими, олий таълим тизимида ҳам сусткашлик, фоизбозлик иллатлари чуқур илдиз отиб, миллий жиҳатлар инобатга олинмас эди. Манбаларга кўра, 1987 йилнинг сентябрида республикадаги жами мактабларнинг 5596 таси (72,1 фоизи) икки сменада; 23 таси ҳатто уч сменада ишларди. 1178,7 минг ўқувчи иккинчи сменада ўқир эди. 50 фоиз мактаб таълим-тарбия муассасаларига мос бўлмаган биноларда жойланган эди. Уларда 1204 минг ўқувчи ўрни бор эди. Фақат 2812 (40 фоиз) та мактабда мосланган спорт заллари, 22 тасида сузиш бассейни, 1934 (25фоиз) тасида спорт тури мавжуд эди. Қорақалпоғистон Республикасида 23,2 фоиз, Навоий вилоятида 25 фоиз, Жizzах вилоятида 27 фоиз, Қашқадарё вилоятида 26,3 фоиз, Самарқанд вилоятида 21 фоиз, Сурхондарё вилоятида 28 фоиз мактаб мосланган спорт залларига эга эди холос. Қишлоқлардаги 6273 мактабдан атиги 977 таси (15,5 фоиз) ўз тажриба хўжалигига эга эди<sup>1</sup>.

80-йилларнинг охирида республикадаги мактабларнинг 700 га яқини тезлик билан таъмирланишга муҳтож ҳолатда эди. Ҳалқ таълимини маблағ билан таъминлашнинг „қолдиқ“ тамойили ҳали ҳам давом этаётган эди. Республикаизда туғилиш кўп бўлган ҳолда, мактаблар, уларнинг ўқув-моддий базаси етишмас эди.

Мактабларнинг ўқитувчилар билан таъминланиши ҳам етарли даражада эмас эди. Айниқса, она тили, рус тили, математика, физика ва бошқа бир қатор фанлар бўйича ўқитувчилар етишмас эди.

Мактаблардаги таълим-тарбиянинг ҳаёт билан, таълимнинг фойдали меҳнат билан мустаҳкам боғланмагани, „педагогик кадрлар назарий тайёргарлигининг пастлиги, таълим-тарбия вазифалари ва асосий тамойилларини аниқлашда аниқ ўлчовларнинг ишлаб чиқилмагани, берилаётган ва олинаётган билимлар дарajasining талабларга жавоб бера олмаслиги ўқувчиларнинг билимсизлигига, фоизбозликка олиб келди.

Масалан, Чилонзор район мактаблари ўқувчиларининг билими текширилганда, 173-мактабнинг 42,7 фоиз ўқувчиси, 106-мактабнинг 42 фоиз ўқувчиси физика фанидан „қониқарсиз“ баҳо олди. Мактаблар берган ҳисоботда эса ўзлаштириш 99 фоиз деб кўрсатилган. Алоҳида фанлар бўйича олинган ёзма ишлар натижасига кўра бу мактабларда 10 дан 65 фоизгача ўзлаштирганилар борлиги аниқланди. 1984 йилда республикаиздаги олий ўқув юргларига хужжат топширган 74 минг абитуриентдан 36 минг нафар ўйит-қизгина имтиҳонлардан мұваффакиятли ўтди. Мактабларни медаллар билан тамомлаган ёшларнинг 32 фоизигина ўзига берилган юксак баҳони оқлай олди<sup>2</sup>.

Айниқса, ижтимоий фанларни ўқитишда якка мафкура ҳукмронлиги, динга қарши тарбиянинг кучлилиги, олинаётган билимлар билан ҳаётда бўлаётган воқеаларнинг мос эмаслиги ўқувчиларда ишончсизликни вужудга келтириди. Таълим соҳасида экстенсив ривожланиши асосида иш олиб борилди. Иқтисодиётдагидек маорифда ҳам „умумийликка“ эътибор берилди. Ўқувчиларнинг билим олиш даражаси иккинчи ўринга тушиб қолди. Асосий эътибор мактабни тутатувчиларни ҳаётга тайёрлашга қаратилди. Ҳалқ таълимида ҳам буйруқбозлик, кўрсатмабозлик авж олди. Таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш тизимидағи бу камчиликларни ўз вақтида кўра олган давлатимиз раҳбари дастлабки кунларданоқ бу тизим ривожига эътибор қаратди.

<sup>1</sup> Эргашев Қ. Ўзбекистонда ҳалқ таълими ривожи тарихи. - Т.: „Ўқитувчи“, 1998. - 41-бет.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. „Ўзбекистон мустаҳкамликка эришиш остонасида“. Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 47-бет.

Юртбошимиз 1989 йилнинг 25 октябрида Ўзбекистон ССР Олий Советининг XI сессиясида сўзлаган нутқида кадрлар тайёрлаш ишига муҳим эътибор қаратиб, куйидаги фикрларни билдирган эдилар: „Агар, иқтисодиётимиз бакувват бўлса, яхши ривож топса, бундан маданиятимиз ҳам мадад олади, ривож топади. Агар эртанги қунимизни ўйлаб иш қилмоқчи бўлсак, келажакда ишимизни давом эттирадиган бугунги ёшларимизга шароит яратиб, уларнинг ҳаёти ҳақида қайгурадиган бўлсак, аввало, маҳаллий ёшларни тарбиялаш ишига муносабатимизни мутлақо ўзгартиришимиш керак. Мумкин қадар кўпроқ иқтидорли ёшларимизни Иттифоқнинг энг илгор корхоналарига, шу жумладан, ҳатто, хорижий мамлакатларга, керак бўлса, янги технология, янгича иш ташкил қилишни ўрганиш учун Япония, Америкага ҳамда бошқа жойларга юбориб, уларнинг ўқишига, тажриба орттиришига имконият яратиш лозим. Иқтисодиётимизни, ҳаётимизни ўзгартириш ана шуларга боғлиқ бўлади. Агар шуни қилмасак, бу юришда катта йўлга чиқишимиз қийин бўлади.

Айтиш керакки, кадрларни пухта қилиб тайёрламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб-кувватламасдан, ўйлайманки, бирон-бир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, Ўзбекистон компартиясининг XXII съездида (1990 йил 5 июнь) давлатимиз раҳбари таълим-тарбияга эътибор қаратиб, бу борадаги қуйидаги вазифаларни кўрсатиб берган эди: „Халқ таълими, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳаси тубдан янги ёндашувлар талаб қиласи. Болаларни мактабгача тарбия муассасалари билан таъминлашда кескин бурилишга эришиш зарур. Уйлардаги болалар боғчалари шохобчаларини, консультация пунктларини, қишлоқдаги болалар боғчалик-мактаб комплекслари шохобчаларини фаоллик билан кенгайтириш лозим.

Истеъдодли болалар учун мактаб-интернатлар ташкил қилиш давом эттирилади. Болалар боғчалик-мактаб билан бир қаторда болалар поликлиникаларини, чўмилиш ҳавзаси бўлган спорт майдончалари, болалар билан мактабдан ташқари иш олиб борувчи муассасаларни ўз ичига оладиган болалар муассасалари территориал комплексларини барпо этиш хусусида чуқур ўйлаб, бу ишни бошлаб юбориш ўринли бўлур эди<sup>2</sup>.

Юртбошимиз эътибор қаратиб, орзу қилган бу ишлар мустақиллик даврида қай ҳолатга келганини, амалга оширилган ишлар қандай самара бераётганганини талабаларга аниқ мисоллар билан тушунтириб бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

## **8.2. Халқнинг буюк тарихини йўқ қилиш ва уни манқуртга айлантиришга қаратилган мустабид мафкура ҳамда унга қарши изчил кураш**

Президентимиз И.А.Каримовнинг юртимиз учун ўта оғир йилларда кескин муаммолар гирдобида туриб, Ўзбекистоннинг келажагини аниқ тасаввур қилган ҳолда илгари сурган фоя ва дастурлари унинг Ватанимизнинг ёруғ истиқболига қандай буюк ишонч билан қараганидан яққол далолат беради.

Китоб муаллифи 1990 йилдаёқ, „КПСС XVIII съездининг якунлари ва Ўзкомпартия фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида“ги маъruzасида таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлашнинг мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари соҳасида куйидаги йўналишларни белгилаб берган эди.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 70–71-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша манба, 206–207-бетлар.

ЧК „... Бизга кадрлар тайёрлашнинг маҳсус миллий дастури керак.

Бу дастур:

- умумий таълим мактабларида дарс бериш сифатини ошириш (ўқитувчиларни, методистларни кўшимча равишда моддий рағбатлантириш, маҳсус синфхоналар барпо этиш, олий ўкув юртларининг мактабларни оталиққа олишини йўлга кўйиш ва шу кабиларни);
- энг истеъоддли болалар учун мактаблар очишни;
- корхоналар билан мактаблар ўргасида сифат жиҳатидан янги муносабатларни жорий этишни;
- ҳунар-техника билим юртларида хўжалик ҳисобини жорий этишни ва шу асосда оммавий касб кадрларини тайёрлаш сифатини кескин оширишни;
- олий ўкув юртларида мутахассислар тайёрлаш системасини қайта қуришни, бу соҳага кадрлар тайёрлашнинг буортма бериш усулини жорий этишни;
- республиканинг юқори малакали миллий мутахассисларини тайёрлаш учун Иттифоқдаги ва чет эллардаги энг яхши марказларга ёшларни юборинг системасини ўз ичига олиши керак.

Дарвоҷе, бу соҳада ҳозирнинг ўзидаёқ бир мунча иш қилинмоқда. Яқинда Фарғона давлат дорилфунунини, Бухоро медицина институтини, Нукус педагогика институтини ва шу кабиларни ташкил этиш ҳақида қарорлар қабул қилинди...<sup>1</sup>.

Президентимиз республика раҳбарлигига тайинланган дастлабки кунларданоқ юртимизнинг маданий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш вазифасини ўз олдига буюк мақсад қилиб қўяди.

Советлар ҳукмронлигининг сўнгги ўн йилларидаги Ўзбекистон маданиятининг ривож топишига маданият ва санъат соҳасини моддий-иқтисодий жиҳатдан таъминлашда йўл қўйилган жиддий хатолар ҳам салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, 1940 йилдан бошлаб сурункали равишда мазкур соҳа учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш камайиб борди: 1940 йили республика аҳолиси талаб-эҳтиёжлари учун ижтимоий-маданий тадбирлар ва фаннинг ривожига сарфланган харажатлар республика бюджети умумий харажатлар қисмининг 67,9 фоизини ташкил этган бўлса, 1980 йилга келиб 46,9 фоизини ташкил этди<sup>2</sup>. Фан ва маданият учун ажратилган маблағнинг мунтазам камайиб боришига сабаб давлатнинг бу соҳа учун маблағ ажратишни истамаганидан эмас, балки Совет давлатиининг иқтисодий аҳволи тобора ёмонлашиб бораётганлигидан далолат эди. Айниқса, бу 80-йилларнинг иккичи ярмига келиб ҳолат кескин тус ола бошлади.

Шундай бўлса-да, мустабид тузум ўзининг мафкуравий чеклашларидан, коммунистик ғояга зид бўлган қарашларга муросасиз бўлишдан воз кечмади. Аксинча, ижтимоий-иқтисодий тургунлик йилларида собиқ Иттифоқда қиёсий ақидапарастлик янада кучайди. Бу йилларда мусулмончилик ва миллиатчиликнинг барча кўришилари яна бир карра „эскилик сарқити“ сифатида қораланди. Бундай ҳол, айниқса, 80-йилларнинг ўрталарида, давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий қўмитасининг биринчи котиби Шароф Рашидов вафотидан сўнг сиёсий ҳокимият тепасига келган И.Усмонхўжаев маъмурияти даврида яққол сезилди. Бу даврда республика раҳбарияти, асосан, Марказнинг „кўрсатмаси“ни тўхтатмасдан бажариш, уни ҳаётга татбиқ қилиш билан шугулланди, холос. Халқнинг тақдирни, ижтимоий-маданий аҳволи Усмонхўжаев маъмуриятини

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришини остонасида. –Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 16–17-бетлар.

<sup>2</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г. – Т.: 1981. С. 138.

қизиқтиrmади. Бу йилларда республикада кўплаб масжидлар, мадрасалар ёпиб қўйилди, улар яна омборхоналарга айлантирилди. Диний маросимлар қатъий чекланди, жаноза ўқиш, марҳумларни сўнгги йўлга кузатиш ва бошқа одатлар тақиқланди. Ўрта Осиё халқларининг қадими, исломгача мавжуд бўлган миллий-анъанавий байрами „Наврўз“ таъқиб остига олинди. Гўё Наврўзни умумхалқ байрами сифатида нишонлаш бошланганидан бўён республикада „динга ишонувчилар сони кўпайган“ эмиш. Коммунистик ақидапарастлар Наврўзни тақиқлаб, унинг ўрнига „Навбаҳор“ байрамини ўйлаб топди. Лекин ўзбек халқи юқоридан „туширилган“ янги байрамни қабул қилмади.

Урушдан кейинги мураккаб ва ўта зиддиятли йилларда халқимиз ўзлигини, қадимий миллий маданияти ва қадриятларини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Лекин бу осон кечмади. Бу йўлда ўзига хос курашлар ва йўқотишлар содир бўлди. Коммунистик мағкура маҳаллий халқнинг миллий фурурини синдиришга уринди. Халқни миллий маданиятдан, миллий анъаналардан чалғитиш учун „коммунизм“ ва „ривожланган социализм“ каби хаёлий ақидаларни ўйлаб топди. Уларни халқ оммаси онгига сингдириш учун барча чоралар, восита ва усувлардан фойдаланди. Лекин ўзбек халқи буларнинг барчасига бардош берди.

Президент ўз асарида мустақиллик арафасидаги маданиятнинг аҳволини афсус билан шундай тасвирлайди: „**Маданиятнинг моддий базасига назар солсан, уялиб ерга кириб кеттудек бўламиз. Ҳамонки, жамият маданиятга ҳаётнинг бошқа соҳала-рига нисбатан сариқ чақа сарфлаётган экан, вужудидан юксак ички маданият нурдек таралиб турган одамни тарбиялаши мумкинми?**“

Бугун босиб ўтган йўлимизга ўз-ўзини танқид руҳида назар ташлаб, шуни рўйи-рост тан олишимиз керакки, биз маданият муаммоларига кечириб бўлмайдиган тарзда кам эътибор берган эканмиз. Нутқлар ва маъruzаларда жамиятнинг маънавий тараққиётида маданиятнинг тутган ўрни ҳақида жуда баландпарвоз гапларни кўп айтдик. Лекин амалда, яъни театр ва кинотеатрлар куриш юзасидан аниқ вазифаларни ҳал этишда, улуг аждодларимиздан мерос бўлиб қолган ноёб меъморий обидаларни таъмир этишда, китоб нашр этишни яхшилашда, халқ санъатини ривожлантиришда, таассуфки, биз ўзимизнинг жарангдор чақириқларимиз ва шиорларимизни амалга ошириш юзасидан оз иш қилдик.

Нимага мўлжаллангани ютайини бўлган иншоотлар ва маъмурий бинолар қурилишига миллион-миллион сўм маблагларни сарфлаб юборавериб, халқнинг маънавий ва жисмоний камолоти учун жуда зарур бўлган клублар, кутубхоналар, спорт иншоотлари қурилишига маблагни аядик“<sup>1</sup>.

„Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида“ китоби муаллифларининг ёзи-шича, ўша даврларда театр санъати ҳам ёмон аҳволда эди. Бунинг сабаби театр ва томошабин, репертуар муаммоларида эди. Мазкур санъат турининг табиий ривож-ланишига, айниқса унга коммунистик мағкуранинг тазийклари, унинг ижтимоий буюртмаси катта тўсиқ бўлган эди. Натижада республика театрлари ўз томошабин-ларини йўқота бошлади. Масалан, 1985 йилда Ўзбекистондаги 30 театрга 4802 минг томошабин ташриф буюрган бўлса, бу рақам 1989 йилга келиб 4387 мингга тушиб қолди. Бу шароитда театр ўз томошабинини „қидириб“ қишлоқларга боришта ва асосан концерт дастурлари билан маблағ ишлашга мажбур бўларди. Биргина 1988 йилда республика театрлари 5534 концерт томошаси билан чиқади. Бу эса ўз нав-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 223-бет.

батида спектакллар сифати ва сонига салбий таъсир қилди. Хусусан, 1989–1990 йилларда ҳаммаси бўлиб 43 саҳна асари яратилди, холос.

Театр санъатида орқага кетишни юзага келтирган сабаблардан яна бири маданиятда миллийлик ва байналмилаллик нисбатининг бузилиши эди. Масалан, 80-йиллар ўрталарида Ўзбекистон театрлари репертуарларига киритилган 600 та пъесадан атиги 55 тасигина маҳаллий драматург, адилларнинг асарлари эди, холос<sup>1</sup>. Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрида қўйиб келинган „Тоҳир ва Зухро“, „Фарҳод ва Ширин“, „Нурхон“, „Лайли ва Мажнун“, „Тошболта ошиқ“ каби анъанавий саҳна асарлари ўрнига „Полтавалик Наталка“, „Боядеро“, „Чўри“, „Мовий Дунай“, „Хотинимнинг эри“, „Ёлғончи даркор“ каби қатор таржима асарларнинг пайдо бўлишини шу маънода тушуниш лозим.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган театрлар сони бу ерда истиқомат қилаётган миллатлар сонига нисбатан ҳам тўғри келмасди. Масалан, 1989 йилда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 1653 минг рус аҳолисига 9 та рус театри тўғри келгани ҳолда, 14,1 миллионлик ўзбек аҳолисига 18 та миллий тилдаги театр тўғри келарди. Бу салбий ҳолатлар табиий равишда аҳолининг норозилигига сабаб бўлар, унинг театрга бўлган қизиқишини пасайтирасди.

Маданият соҳасига маблағ сарфлашнинг „қолдиқ“ принципи туфайли 1985–1990 йилларда маданият масканлари сонининг камайиши кузатилди. Масалан, кўрсатилган даврда республикада клублар сони 55 тага, кутубхоналар сони эса 93 тага камайди. Бинобарин, Ўзбекистонда маданий-маърифий мақсадлар учун аҳоли жон бошига 1989 йилда 3,6 сўм пул ажратилди, холос. Бу рақам Иттифоқ республикалари орасида энг паст кўрсаткич эди. Юқорида келтирилган рақамлар мазкур масаланинг фақат ташкилий жиҳатлари эди. Маданий-маърифий муассасалар, асосан, мазмун жиҳатдан оқсаётган эди.

Юртбошимиз 1990 йил 5 июнда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездидаги маъруzasida маданиятимизнинг таркибий қисми бўлган адабиётимиз аҳволига қуйидаги тавсифни берган эди: ҳаётимизда санъатнинг ўрни тўғрисидаги Жданов ва Сусловнинг „назария“ – қоидалари оқибатида адабиётимиз катта талафот кўрди.

Бизнинг „назариётчиларимиз“ адабиётнинг партиявийлиги тўғрисидаги ленинча таълимотнинг биринчи қисмини ҳадеб такрорлайвериб, унинг иккинчи қисмини, яни „адабиёт – нозик ишдир, у маъмуриятчилик ва буйруқбозликка мойил эмас“, деган қисмини кўпинча унугиб қўйдилар. Натижада бу „назарий“ ақидалар аччиқ самара берди: Ўзбекистонда ҳам душманларни қидиришга киришдилар. Маданиятимизнинг машҳур арбоблари Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир ва Туроб Тўла бадном этилди, уларнинг айримлари, чунончи Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Саид Аҳмад, Шуҳрат, Шукрулло сингари кўп адиллар ўз ҳаётларининг маълум йилларини қамоқларда ўтказдилар. Ўзбек халқининг атоқли фарзандлари – Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Элбек, Боту каби адабиётимиз намояндалари бошига оғир мусибат тушди.

Биз бაъзан ўз тарихимизга жуда бир ёқлама қараб, узоқ ўтмишдаги машҳур олимлар ва шоирларнинг ижодий фаолиятига шу арбоблар яшаган ва ишлаган давр муҳитини ҳисобга олмасдан, замоннинг соҳта талқинига суюниб баҳо бердик.

Давлатимиз раҳбари мустақиллик арафасидаги маданият соҳаси ривожи учун дастлабки долзарб масалаларни белгилаб берди.

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. –Т.: „Шарқ“, 2000. 657-бет.

Маданий-маърифий муассасалар – клублар, кутубхоналар фаолиятида ҳам муаммолар етарли эди. Ҳатто „қайта қуриш“ ҳам уларнинг ишини ўнглай олмади. Улар фаолиятидаги сиёсийлашув, мафкуравийлашув ҳали ҳам кучли эди. „Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида“ китоби муаллифларининг таъкидлашларича, маданий-маърифий муассасалар ҳукмрон сиёсий кучнинг ижтимоий буюртмасини бажаришда давом этди.

Республиканинг янги раҳбари саъй-ҳаракатлари билан тасвирий санъат соҳасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширила бошланди. 80-йилларнинг иккинчи ярмида тасвирий ва ифодали воситаларни бойитиш ва янгилаш, ижодий изла-нишларга қизиқиши ортди. Айниқса, рассомлар ижодидаги миллий бадииятга хос бўлган ифода воситаларига эътибор, азалий анъанавий руҳий қадриятларга интилиш кучайди. Тасвирий санъатда миллийлик руҳи билан бир қаторда авангард йўналишлар (символизм, модернизм ва бошқа)га ҳам эътибор берилди. Кўплаб ёш ижодкорларнинг асарларида долзарб ижтимоий муаммолар ўз аксини топди.

„Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобида миллий тикланиш, миллий ўзликни англаш, маънавият масалаларига ҳам кенг ўрин берилган. Халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданий мероси, урф-одат ва анъаналарини тиклаш, араб-авайлаш ва ривожлантириш, мустабид тузум даврида тақиқлаб кўйилган Наврӯз байрами, Рамазон ва Курбон ҳайитларини қайта тиклаш ва нишонлаш, динга ҳурмат билан муносабатда бўлишни қарор топтириш, Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа азиз-авлиёларимиз, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳирилдин Муҳаммад Бобур сингари улуғ аждодларимиз хотирасига нисбатан тарихий адолатни тиклаш ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, қарор ва фармонлар шулар жумласидандир.

Айни вақтда маърифатпарвар боболаримиз – жадидчилик ҳаракати намояндаларининг ҳёти ва ижодига муносабат масаласида кўп йиллардан буён давом эттаётган баҳсларга оқилона чек кўйилиб, уларнинг меросини халқимизга қайтариш йўлидаги амалий, принципиал фикрлар ҳам айнан ўша пайтларда илгари сурилгани шу борада муҳим аҳамиятта эга бўлди.

НИНО

СТВОДСИН 870

Х. Ҳантоғиев

---

## **9-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШИ**

### **9.1. Ички ва ташқи сиёсат муштараклиги**

„Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобида мамлакатимизда истиқоллга эришиш, ҳалқимизнинг қонуний манфаатлари ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ички сиёсатга дахлдор энг устувор масалалар Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, тенглар ичида тенг бўлишини таъминлашдек ташқи сиёсатга оид улуғвор вазифа билан биргаликда олиб борилганини кўрамиз. Бу, ўз навбатида, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг замонавий Ўзбекистон давлатчилигини тиклаш ва ривожлантиришнинг барча масалаларининг концепциясини комплекс тарзда ишлаб чиққани ва бир бутун ҳолда, ўзаро узвий боғлиқликда амалга оширгани, унинг нақалар узоқни кўзлаб иш тутадиган сиёсатчи эканини яна бир бор тасдиқлайди. Яъни давлат, мамлакат яхлит бўлгани, унинг ўз олдига кўйган умумий стратегияга — ана шу давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш стратегиясига буйсундирилади. „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобидан ўрин олган барча чиқишлилар, ноёб ҳужжатлар мисолида бу ҳақиқатга тўла ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган биринчи кунларданоқ, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, ички ва ташқи сиёсат масалаларини бир нуқтадан — фақат ва фақат республикамиз манфаатларидан туриб ҳал этиш бўйича кенг кўламли фаолият олиб борди. Масалан, ўша пайтда ҳалқимизга нисбатан адолатсизлик авжига чиққан, Марказдан келган Гдлян ва Иванов бошчилигидаги терговчилар гурӯҳи қанчадан-қанча бегуноҳ одамларни „порахўрлик“, „қўшиб ёзиш“, „кўзбўямачилик“ деган, куракда турмайдиган сохта гаплар билан айблаб, қонунбузарликни авж олдириб юборган эди. Бу ҳам етмагандек, Марказдаги катта-катта совет матбуот нашрлари ҳалқимизга нисбатан тинимсиз туҳмат ва маломатлар бўронини ёғдирап эди. Бу, ўз навбатида, собиқ Иттифоқда, жаҳон жамоатчилигида Ўзбекистон ҳақида, унинг ҳалқи ҳақида нотўғри фикр ва қарашларни шакллантирап эди. Буни ўз вақтида чуқур тушунган Ислом Каримов аввало республикамизда Гдлян ва Иванов фаолиятига чек қўйиш, минглаб одамларга нисбатан адолатни, уларнинг қонуний ҳақ-хуқуқларини тиклаш, ўзларини, оиласини туҳматлардан ҳалос қилиш бўйича улкан амалий ишларни бошлаган бўлса, айни вақтда советларнинг энг нуфузли минбарларидан туриб ҳалқимизнинг пок номини, шаъну шарафини дадил ҳимоя қилишга киришди. Бундай жасоратли ҳаракатлар ҳали мустабид мафкура тўла ҳукмрон бўлиб турган ўша таҳликали йиллардаёқ ўзбек ҳалқи, Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларнинг жаҳон аҳли ўртасида ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлди. Шу билан бирга, бундай қатъий ҳаракатлар Ўзбекистонни дунёга асл қиёфаси билан танитиш йўлидаги шу пайтга қадар ҳеч ким қилмаган, журъат ҳам этолмаган тарихий қадамлар эди.

Юртбошимизнинг Россиянинг „Известия“, „Комсомольская правда“, „Рабочая трибуна“, Германиянинг „Ди Цайт“, Ҳиндистоннинг „Таймс оғ Индия“ сингари жаҳондаги нуфузли нашрларга берган интервьюлари, республика ва Иттифоқ миқёсидаги катта йиғилишлардаги чиқишлиарида, айниқса, Ўзбекистон Олий

Кенгашининг 1992 йил 4 январдаги навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида сўзлаган маъруzasида юртимизнинг ички ҳаётидаги ўзгаришлар, реал вазият мустақил ташқи сиёсат юритишни тақозо этаётганини асослаб беради. Унинг фикрича мустақил ташқи сиёсат — мустақил миллий давлатчиликнинг энг муҳим устувор атрибути ва шартидир. Шуни айтиш керакки, Ўзбекистоннинг ички сиёсати қанчалик чуқур ўйланган бўлса, унинг ташқи сиёсати ҳам айнан ана шу та-мойилларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилгани ва амалга оширилгани мазкур китоб саҳифаларида атрофлича ёритиб берилган.

Ислом Каримов ички сиёсатда қанчалик буюк жасорат, азму шижаот ва юксак тафаккур билан фаолият олиб борган бўлса, буларнинг барчаси унинг ташқи сиёсат борасидаги фаолиятида ҳам яққол намоён бўлади. Таъбир жоиз бўлса, республикамиз раҳбарининг сиёсатнинг ҳал қилувчи ана шу икки жабҳасидаги фаолиятини бамисоли gox ўнга, gox чапга шердек ташланиб, ўз ортидан келаётган эл-улусга йўл очиб бераётган буюк баҳодирларнинг мардона ҳаракатларига қиёслаш мумкин. Ҳозирги тинч замонда давлат раҳбарларининг ички ва ташқи сиёсат борасидаги фаолият масалалари бир неча ой, баъзан ҳатто ундан ҳам зиёд вақт олдин режалаштирилиб, ҳар бир тадбирга аввалдан пухта тайёргарлик кўриб борилади. Лекин 1989—1991 йилларда вазият шу қадар пўртанадек ҳаммаёқни титратиб шиддат билан ўзгариб туар эдики, баъзан ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга оид долзарб масалаларни бир вақт, бир лаҳзанинг ўзида ҳал қилишга тўғри келар эди.

Масалан, 1991 йил 19 августда Ислом Каримов ташқи сиёсат масалалари билан Ҳиндистонда расмий ташрифда бўлган пайтда, собиқ Иттифоқда ГПЧП воқеаси содир бўлади. Зудлик билан Ўзбекистонга қайтиб, ички сиёсатда юзага келган ўткир масалаларни — одамларни ГКЧП қарорлари нотўғри эканига ишонтириш, уларни бехуда енгил-елпи даъватларга учмасликка чақириш, энг муҳими, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш, тўғри йўлдан чалғитувчи ҳар хил экстремистик ҳаракатларга йўл қўймаслик лозим эди. Шунинг учун Ислом Каримов аэропортдан тўғри ҳукумат уйига келади ва ички сиёсатнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишга киришади. Давлат бошқарувида бундай мураккаб масалаларни тезкорлик билан, оқилона ва қатъий ҳал этишга ҳамма сиёсатчилар ҳам қодир бўлмайди. Бунинг учун кучли ирода, улкан ақл-идрок ва кенг тафаккур, ўз кучига ишонч керак бўлади. Ўзбекистонга қўшни баъзи мамлакатларда раҳбарларнинг иродаси сустлиги, узоқни кўзлаб сиёсат олиб боролмаслиги туфайли қандай аянчли воқеалар юз берганини кўрдик. Улар вазият озгина кескинлаша бошлаши билан муаммони ҳал қилиш ўрнига ўз вазифасини ташлаб, халқ ва давлат олдидаги масъулиятини унугиб, четга қочиб кетишгани матбуот хабарларидан яхши маълум.

Бизнинг Юргбошимиз Ислом Каримовга хос қатъият ва донишмандлик шунда қўринадики, у зарур қарорларни зарур вазиятларда дадиллик билан қабул қиласи. Қалтис вазиятларда ҳатто соатлар, дақиқалар ҳам кўп нарсани ҳал қилишини яхши тушунади. Одатда, давлат раҳбари томонидан имзоланадиган аксарият қонун ва қарорларда „Матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради“ деган кўрсатма бўлади. Мазкур китобдаги айрим хужжатларда „Имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради“ деб таъкидланган. Бу, ўз навбатида, бу хужжатларнинг ҳар бир дақиқа ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган драматик вазиятларда қабул қилинганини кўрсатади.

Юргбошимиз томонидан амалга оширилган ана шундай оқилона ва дадил ташқи сиёсат шатижасида мустақилликка эришганимизнинг бир йиллиги арафасида дунёning ўттиз мамлакати Ўзбекистон Республикасини таниди ва тан олди. Америка

Кўшма Штатлари, Канада, Туркия, Япония, Буюк Британия, Саудия Арабистони, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой сингари йирик давлатлар ана шулар жумласидандир. Бу ишонч руҳимизни кўтарди, келажакка йўлимизни очиб берди<sup>1</sup>.

Собиқ Иттифоқ доирасидаги мустақил республикалар билан ҳам қайта қуриш даврида узилган ришталар боғланиб, яхши муносабатлар ўрнатилди. Бунинг тасдигини Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари IX сессиясидаги нутқида (1992 йил 4 январь) кўриш мумкин. Маърузада таъкидланишича, „Ўзбекистон Россия, Украина, Беларусь ва бошқа давлатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлади. Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистон — қондош-қариндош кўшниларимиз билан янада яқинроқ бўлдик. Бугун шуни комил ишонч билан айтишим мумкинки, мустақил давлатлар даврасида Ўзбекистон ўзининг ўрнини эгаллади. Ўзбекистон тенглараро тенг бўлди. Ана шунинг ўзи ҳам умид юлдузидир.

Иқтисодий соҳада бурилиш бошланди. Фақат 1991 йилнинг ўзида бозор иқтисодиётiga ўтиш учун бир қанча иш қилинди. Мулкчилик, тадбиркорлик, чет эл мамлакатлари билан савдо-сотиқ ҳамда инвестициялар ҳақида ва бошқа қанчадан-қанча қонунлар қабул қилинди. Иқтисодий эркинлик, корхоналар, хўжаликларга эркинлик, фермерларни қўллаб-кувватлаш, шахсий томорқа эгаларига ёрдам бериш бўйича фармонлар чиқарилди.

Шахсий мулк пайдо бўлди. Тижорат ривожлана бошлади. Хорижий мамлакатлар кўмагида кўшма корхоналар кўпая борди. Банк системаси бўйича ҳам жаҳонга чиқилди.

Дунё ишбилармонлари учун юртимизда шароит яратилди. Ўзбекистон ўзининг олтин хазинасига эга бўлди. Халқини ўзи бошқариш ва боқиши масаласини Ўзбекистон ўзи ҳал қила бошлади. Оддий фуқароларга, ҳар бир оиласига ўз ризқ-рўзини таъминлашга кўмак беришда биринчи қадамлар кўйилди. Республикаизда, шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам дадил ҳаракат йўли очилди“.

Шўро даврида Ўзбекистоннинг савдо алоқаларида қардош республикаларнинг улуши 85,8 фоизни ташкил этар эди. Халқаро валюта фондининг маълумотларига кўра, бу савдонинг ялпи маҳсулот ўлчовидаги бирлиги 29,8 миллиард сўм бўлиб, ундан 24 миллиарди иттифоқдош республикалар ҳиссасига тўғри келган. Айни вақтда, Ўзбекистоннинг бошқа республикаларга экспорт қиладиган маҳсулотлари ҳажми 17,4 миллиард сўмдан иборат эди, холос<sup>2</sup>.

Мустақилликни қўлга киритиш арафасида Президентимиз, „...жаҳонга, бугун дунёга олиб чиқадиган йўлимизни кенгайтирамиз. Сизларга маълум, тараққий этган мамлакатлар учта муҳим масалага эътибор беришмоқда: инсон ҳуқуқлари, демократия ва сармоя учун кафолат масаласи. Биз ана шу масалаларни эътиборда тутиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиш чораларини кўряпмиз“, деб таъкидлаган эдилар. „Маълумки, ўша пайтда Ўзбекистонимиз СССР деб аталган дунёдаги энг кудратли империяга қарам республика эди. Уни на Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, на бошқа халқаро ташкилотлар, на жаҳон ҳамжамияти танир, тан олар эди. Яъни, мустақиллик йўлидаги ҳаракатларимизда бизни қўллаб-кувватлайдиган, биз таянадиган бирон-бир ташки омил, нажоткор куч йўқ эди.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 426-бет.

<sup>2</sup> International Monetary Fund. Common Issues and Inter-Republic Relations in the Former USSR: Economic Review, Washington D.C. IMF Publication, 1992, Table 1. International Monetary Fund. Uzbekistan. Economic Review, Washington D.C. IMF Publication, 1992.

Ҳаёт бир жойда турмайди, у кун сайин, соат сайин минглаб янги саволларга аниқ жавоб кутади. Хўш, мана шундай шароитда биз қандай иш тутишимиз керак? Умри тугаган ҳукуқий қоидалар ва низомларнинг ҳарфига кўр-кўрони итоат қилиб, шу тариқа янги ижтимоий можароларни келтириб чиқарайликми ёки ҳозирги кун талаблари ва воқеиликларини эътиборга олиб, қарорлар қабул қиласлийликми? Биз ҳаракат қилишимиз зарур деб ҳисоблаймиз ва ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки қадамларни қўйдик. Чунончи, яқинда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида хом ашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш бош бошқармаси - „Узглавлегснабсбыт“ни ҳамда Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитетини ташкил этиш тўғрисида Президентнинг фармонлари эълон қилинди”<sup>1</sup>.

„Совет Ўзбекистони“ газетасининг 1990 йил 21 июнида босилган И.А. Каримовнинг „Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги хусусида“ деб номланган маъруzasida ушбу фикрлар ўртага ташланган эди: „Ўтмишда Иттифоқ идораларидағи ҳаддан ташқари марказлашув оқибатида қандай тартибсизлик вужудга келганига бир назар ташлайлик. Хомашё бойликларини ҳисобга олиш ва тақсимлашнинг барча масалаларини маҳаллийлаштиришга оид тадбирлар ҳам ёрдам бермади. Аслида олтита Иттифоқ ва республика ташкилоти мавжуд бўлишига қарамай, енгил саноат хом ашёсини тақсимлаш ва реализация қилишини мувофиқлаштиришга эришилмади. Республиkaning манфаатлари ҳақида ҳеч ким ўйламади, қимматбаҳо хом ашё қаёққа кетаётганини ҳеч ким назорат қилмади. Мана шунинг оқибатида пахта толаси ва қоракўлнинг 90 фоизи, табиий жуннинг 71 фоизи, синтетик толанинг 93 фоизи, пилла ва чармнинг анчагина қисми арзимас баҳо билан республикадан олиб кетилаверди. Ички бозорда ҳам, жаҳон бозорида ҳам кўплаб талаб қилинаётган мана шу тоят қимматли хом ашёнинг кўпчилик қисми Шарқий Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда, улар эса бу маҳсулотларни жаҳон нархларида капиталистик фирмаларга сотмоқда.

Холбуки, ўзимиздаги кўпгина корхоналарга хом ашё етишмаянти, биздан олиб кетилган ресурслардан тайёрланган молларни эса республика бошқа минтақалардан ва чет эллардан уч ҳисса ортиқ нарх билан сотиб олмоқда.

Бизнинг ўз бойликларимизга бундай муносабат, юмшоқ қилиб айтганда, нақадар bemâniiliklарга олиб бориши мумкинлигини шундай бир мисолдан билса бўлади. Республика ҳар йили Марказнинг топширигини бажариб, Шарқий Европа мамлакатларига 400—430 минг тонна микдорда пахта толаси жўнатмоқда. Бизнинг корхоналаримиз бу маҳсулот учун валюта ажратмаларини 1987 йилдагина, шунда ҳам оз микдорда ола бошлади. Чунончи, 1988 йилда Иттифоқ бизга хорижий валютада 78 миллион сўм пул тўлади. Бу етказиб берилган тола қийматининг бешдан бир қисмига ҳам етмайди. 1989 йилда 130 миллион сўм тўлади. Шу йилнинг биринчи кварталида экспорт қилувчи корхоналар 77 миллион сўм пул олди. Олинган пулнинг 70-80 фоизини „бешинчи категория“ деб аталган ва аслида ҳеч нарса сотиб олиб бўлмайдиган валюта ташкил этганлиги сир эмас. Бироқ ҳақиқатда бизнинг корхоналаримиз шу пулдан ҳам маҳрум этилди, чунки Иттифоқ ташкилотлари бу валютани ўз мақсадлари учун тўла тўқис ишлатиб юборди. Бутун мана шу давр мобайнида республика мазкур маблагдан атиги 50 миллион сўмни ишлатишга муваффақ бўлди, ҳозиргача яна имзоланган 32 миллион сўмлик шартнома бор, пахта тозалаш тармогинингтина корхоналари ҳисобида қолган пул эса 180 миллион сўмдан

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. — 239-бет.

ошади. Бу йил ҳаммаси бўлиб, ростини айтганда, тахминан ярим миллиард сўмлик мана шундай валюта тушиши кутилмокда. Бизга маълум бўлмаган қандайдир мулоҳазалар билан Иттифоқ идоралари бизнинг бу йилги деярли ҳамма пахтамизни бешинчи категория валютага сотиб юборган.

Энди бўлса, ўша ташкилотларнинг ўзи 1 июлдан бошлаб корхоналаримизнинг ҳисоб варақларини ҳаракатсиз қилиб қўйишни ва сўнгра бутунлай йўққа чиқариши мўлжалламоқда, бунга асло қўшилиб бўлмайди. Бинобарин, янги тузилган комитет, Ташқи иқтисодий банк Давлат план комитети, Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда зудлик билан қатъий ҳаракат қилиб, ҳисоб варақларда мавжуд бўлган маблағдан 25-27 июнгача фойдаланиш имкониятини топишлари керак.

Айни пайтда, ташкил этилган „Узглавлегснабсбыт“ иккинчи ярим йилликда бешинчи категория валюта учун маҳсулот етказиб берилиши кўзда тутилган шартномаларни пухта тафтиш қилиши лозим. Бунинг маъноси шуки, Иттифоқ ташқи савдо ходимлари биз етказиб берадиган маҳсулотларга қуруқ қофоз билан ҳақ тўламоқчи бўлса, унда республикамиз ўзининг чораларини кўради: пахтамиз ва бошқа хил молларимизни ҳақиқий, қатъий валютага сотиб олишини истаётган харидорлар керагидан кўп ва биз улар билан ўзимиз шартнома тузамиз. Биз чет элга 120—130 минг тонна тола етказиб беришимиш керак. Бу эса ҳозирги оғир шароитда республикага жуда зарур бўлган 150—200 миллион доллар демакдир. „Узглавлегснабсбыт“ ташкилотига иккинчи ярим йилликда мамлакатнинг бошқа регионларига пахта толаси етказиб бериш учун тузилган битимларни пухта кўриб чиқиши вазифаси ҳам топширилади. Масала қўйидагича ўргага қўйилган: биз шерикларимиз ўз мажбуриятларини қатъий бажарган ҳамда бу муносабатлар фойдали ва тенг ҳуқукли бўлган тақдирдагина уларнинг илтимосини қондрамиз.

Кейинчалик биз барча ресурсларимиз сарфланадиган устун жиҳатларни пухта аниқлаб олишимиз зарур. Бунда биринчи галда нефть ва нефть маҳсулотлари, дон ва ун, гўшт, сут, қанд-шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, ёгоч-тахта, металл, асбоб-ускуналар ва техника харид қилишимиз зарурлигига асосланишимиз лозим. Бизга ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий даражасини ошириш, одамларни иш билан таъминлаш учун замонавий ихчам технологиялар зарур.

Республика манфаатларини кўзлаб, ягона ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитетининг вазифасига киради. Мазкур ташкилот иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни самарали ривожлантириш учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олади.

Айни пайтда комитет, министрликлар ва идораларда, маҳаллий советларнинг ижроия комитетларида чет мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантиришга оид ишлар даражасини қатъий назорат қилиб туриши лозим“<sup>1</sup>.

И.А. Каримов ана шундай қатъий стратегик мақсад асосида иқтисодий суверенитетга эришишнинг амалий масалаларига батафсил тўхталиб, иқтисодиётимиз салоҳиятини таъминлаб турган Иттифоқ қарамоғидаги барча корхона ва ташкилотларни республика тасарруфига ўтказмай туриб, республиканинг хўжалик мустақиллигини тасаввур қилиб бўлмайди дея кескин фикрларини ҳеч иккиланмасдан дадил айтди.

Айниқса, юртбошимизнинг юқори минбарлардан туриб айтган даъватлари таҳсинга сазовордир: „Агар бошқа мінтақалар ва бошқа мінтақаларнинг вакиллари

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011йил, 91-бет.

ҳамда хорижий шериклар билан теппа-тeng ишлаш ва рақобат қилишга лаёқатли, аъло даражали мутахассисларни тайёрлаш ва саралаб олишнинг ўйлаб тузилган системасини ҳаракатга келтирмасак, унда истиқболимизга умид қилмаса ҳам бўлади. Бизни жаҳон иқтисодий тараққиёти йўлининг чеккасига улоқтириб ташлашади.

Мана шунинг учун ҳам ёшлиаримизни ўқитиш ва уларга таълим бериш учун ҳар қандай ёрдамни иккilanмай ва тортинимай қабул қилишимиз ҳамда ундан иложи борича кўпроқ фойдаланишимиз зарур. Бу бошқарув ходимларига, илм-фан ҳамда техника зиёлиларига, ишлаб чиқариш соҳасидаги хизматчиларга ва албатта ишчиларга тааллуқлидир.

Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар комитети, Мехнат ва ижтимоий масалалар давлат комитети, Олий таълим министрлиги, Фанлар академияси, министрликлар ва идоралар истиқболли мутахассислар ва ишчиларни бошқа республикаларга ҳамда хорижий мамлакатларга, илгор корхоналар ва бирлашмаларга, илмий ташкилотларга таълим олишга юбориш учун имкониятларни қидириб топиш ва уни рӯёбга чиқаришга доир ишларни авж олдиришлари керак. Бунга ҳеч қандай маблагни, жумладан, валютани ҳам аямаслик даркор. Бу республикани ижтимоий ва миллий жиҳатдан ривожлантириш борасидаги масалаларнинг масаласидир.

Шу нарса аёнки, Республика сиёсий ва иқтисодий эркинлиги мустаҳкамланган сари, чет эллар билан алоқалар янги мазмун касб эта боради. Ташқи сиёсат соҳасида бунинг маъноси — ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш соҳасида чет эллар билан бевосита алоқа боғлашни билдиради. Биз илмий-техникавий, савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорлик масалаларини мустақил ҳал этадиган бўламиз, республика кадрларини халқаро ташкилотлар, Совет элчихоналари, бош консулхоналар, савдо вакилликлари ишига планли асосда жалб этиб борамиз. Чет элларда республика ваколатхоналарини очиш режамиз ҳам йўқ эмас.

Хуллас, халқаро муносабатлар соҳасидаги конституцион ҳуқуқларнинг тўла-тўқис амалга оширилиши республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ҳал қилувчи мезон бўлиб қолиши лозим“<sup>1</sup>.

## 9.2. Жаҳон ҳамжамияти сари қўйилган дадил қадамлар

XX асрнинг 90-йилларига келиб социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва озодликка интилишнинг янги босқичи бошланди. Шарқий Европа мамлакатларида қарийб ярим аср ҳукм сурган тоталитар давлат тузуми инқирозга юз тутиб, демократик тартиботлар қарор топа бошлади. Югославия Социалистик Федератив Республикаси парчаланиб, унинг ўрнида бир неча мустақил республика, Чехословакия Социалистик Республикаси иккига бўлиниб, Чехия ва Словакия суверен давлатлари вужудга келди. Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикаси бирлашиб, немислар яшайдиган улкан худудда ягона давлат пайдо бўлди. Айни чоғда собиқ СССР парчаланиб, унинг ўрнида мустақил тараққиёт йўлини танлаган 15 мамлакат ташкил топди.

Бошқача қилиб айтганда, бу даврга келиб кўпгина мамлакатларда мустақилликка эришиш масаласи дунёни кенг қамраб олган тарихий жараёнга айланди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ана шу оламшумул жараёнда юз берди. „Халқларнинг озодлик, мустақиллик, баҳт-саодатга азалий интилиши, ўз тақдирини

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 234-248-бетлар.

**ўзи белгилашга азму қарори ҳаётдаги чукур ўзгаришларни ҳаракатта келтирувчи кучдир“, деган эди И.А.Каримов<sup>1</sup>.**

ХХ аср 90-йилларининг бошларига келиб Ўзбекистонда халқнинг ана шу азалий орзусини амалга ошириш кун тартибидаги бош масала бўлиб қолди.

Собиқ Иттифоқда шундай вазият вужудга келдики, бир томондан: зўравонликка асосланган, маъмурий-буйруқбозликка хос бўлган марказлашган давлат сақланиб қоладими ёки демократик жараёнлар чуқурлашиши эвазига иттифоқдош республикалар суверенитети таъминланадими, деган масала долзарб бўлиб қолди. Иккинчи томондан, ўша даврдаги собиқ Иттифоқ раҳбарияти мамлакат ичкарисидаги вазиятни тўғри баҳолай олмади.

СССР Олий Совети ҳам, СССР Президенти ва Ҳукумати ҳам инқироз ҳолатидан чиқишининг йўлини топа олмади. Хуллас, 90-йилларнинг бошларига келганда Марказ ва иттифоқдош жумхуриятлар ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб, марказий ҳокимиятнинг обрўйи путурдан кетди. Сиёсий, иқтисодий ва хўжалик ҳаёти издан чиқди. Оқибатда турмушнинг барча соҳаларидағи салбий аҳволдан халқнинг кун сайин норозилиги ортиб, турмуш даражаси ёмонлаша бошлади. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми бузилди. Бу ҳол табиий равишда халқнинг кўзини очди, энди у эскича яшай олмай қолди.

Шуни айтиш керакки, собиқ Иттифоқда халқ хўжалигини бозор иқтисодига ўтказиш масаласи 1987 йили халқ депутатлари II съезди қарори ва иқтисодиётни соғломлаштиришга қаратилган ҳукумат дастурида тилга олинган, у 1990 йил май ойида Олий Совет III сессиясида муҳокама қилинган эди.

Шундай қилиб, собиқ Иттифоқ ижтимоий тараққиётида учта йўналиш — тоталитаризм, жаҳон тажрибасига хос трансформация ва социалистик йўналишдаги демократик кучлар тўқнашиб қолган эди. Табийки, бу мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида таназзулни вужудга келтирган эди.

Ана шундай зиддиятли бир шароитда Ўзбекистон раҳбарияти бу йўналишларнинг номақбул эканини аниқ равшан кўрди ва республика халқ хўжалигини бозор иқтисодиётiga ўтказишининг ўзига хос йўлини мустақил тарзда ўзи белгилай бошлади. Аввало, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепциясини тайёрлашга киришилди. Концепция республика Давлат режа қўмитаси, Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия қўмиталари билан ҳамкорликда тайёрланди. Унга кўра, „Ўзбекистон халқ хўжалигини соғломлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий принциплари“ ишлаб чиқилди ва у 1990 йил 17 октябрда умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.

1990 йил октябрнинг охирида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши IV сессиясида бу масала юзасидан Ҳукуматнинг ҳисоботи эшитилди.

Олий Кенгаш сессияси „вужудга келган аҳволдан чиқишининг йўлини республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш асосида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жадаллаштиришдан иборат“ деб ҳисоблади.

Шунинг учун ҳам сессия республика ҳукумати дастурини маъқуллади ва Ўзбекистон Минстрлар Советига „Ўзбекистон ССР мулкига эгалик қилиш, уни тасарруф этиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш масалалари юзасидан республиканинг суверен ҳуқуқларини амалга оширишининг самарали амал қилувчи механизмини яратиш бўйича асосланган таклифлар тайёрлаш, шунингдек,

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. — 416-бет.

1 июнгача Ўзбекистон Олий Советига иқтисодий тизим масалалари ва ер, ер ости ҳамда бошқа табиий бойликларни, ишлаб чиқариш корхоналарини Ўзбекистон ССР мулкига ўтказиш бўйича Ўзбекистон ССР Концитуциясига киритиладиган ўзгаришлар тўғрисида қонун лойиҳаси“ киритишни топширди.

Хукумат дастурига кўра, қўйидагилар Ўзбекистон халқ хўжалигини согломлаштириш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг асосий йўналишлари қилиб белгиланди (9.2.2-расмга қаранг).

Шунингдек, ушбу ҳужжатда Ўзбекистон ССР иқтисодий мустақиллигини кенгайтиришнинг бош мақсади иқтисодиётнинг жўшқин, юксак самарали, экологик жиҳатдан хатарсиз ривожланишини, аҳолининг ҳозирги замон турмуш стандартлари даражасидаги фаровонлигини, ижтимоий адолат ва ҳимояланишини таъминлайдиган янги хўжалик-хуқуқий шароитларни шакллантиришдан иборат қилиб белгиланди.

Айни вақтда, концепцияда мақсадга эришиш йўлидаги вазифаларни ҳал этиш, жумладан, республика билан Иттифоқнинг ўзаро мажбуриятлари ва ўзаро масъудияти асосида:

- Ўзбекистон ССР билан СССР ўргасидаги муносабатларнинг хуқуқий асосларига аниқлик киритиш;
- давлат мулкининг ҳаддан ташқари марказлашувини ва бюрократик ташкил этилишини бартараф қилиш;
- мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш, бу шаклларнинг тенг хуқуқлилиги ва мусобақалашувини таъминлаш;
- асосан, иқтисодий усуллар негизида республиканинг халқ хўжалиги давлат бошқарувига ўтиш, режалаштириш, молия-бюджет, банк тизимини сифат жиҳатидан ўзгартириш, меҳнат муносабатларини ва табиатдан фойдаланишини тартибга солиш;
- бозор механизмларини вужудга келтириш, товарлар, хизматлар, молия-кредит ресурсларига талаб ва таклифни тартибга соладиган нарх ва бошқа воситаларнинг аҳамиятини ошириш, Ўзбекистон ССРнинг ички, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон минтаقا бозорини ривожлантириш;

9.2.2-расм

- 1 • бошқа республикалар билан мувофиқлаштирилган мустақил ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни, халқ хўжалигини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш соҳасида суверен хукуқларини амалга оширади, хўжалик турмуши ва маданий турмушдаги миллий ўзига хослик сақланиб қолишини таъминлайди.
- 2 • бошқа республикалар билан ўз алоқаларини эквиалентлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида мустақил ҳал этади, бу алоқаларни мамлакатнинг яхлит халқ хўжалик комплекси доирасида ўзаро шартномалар ва битимлар билан тартибга солади.
- 3 • маҳаллий ўзи бошқаришни кенг ривожлантириш, унинг мулкий ва молиявий негизини мустаҳкамлаш хукуқларига кафолат беради.
- 4 • ўз ихтиёрида бўлган ҳамма воситалар билан меҳнат жамоаларининг ва фуқароларнинг иқтисодий ҳукуқларини мустаҳкамлашга кўмаклашади, шу хукуқларнинг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлайди.

**9.2.2-расм.** Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг асосий йўналишлари.

- барча фуқароларнинг қобилиятларидан тўла-тўкис фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг кам даромадли табақаларини қўллаб-куватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни соғлом тарбиялаш, соғлиқни сақлаш, маориф, фан, маданият ва санъатни ривожлантиришни таъминлайдиган ижтимоий кафолатларнинг таъсирчан тизимини вужудга келтириш;
- республика ташқи иқтисодий фаолияти механизмини сифат жиҳатдан ўзгартириш, шу жумладан, экспорт, импорт операциялари соҳасидаги хукуқлар ва имкониятларни кенгайтириш;
- хорижий сармоялар, Ўзбекистон ССР иқтисодиётiga инвестиция киритиш, чет эл сайёҳлигини ривожлантириш ва ҳоказо;
- республика ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув идораларининг ваколатлари ва масъулиятини ажратиб қўйиш, халқ депутатлари маҳаллий советларининг ташкилий-хукуқий ва молиявий-иктисодий кафолатларини аниқ белгилаш;
- республикадаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солишида қатнашувчи демократик жамоат муассасалари, истеъмолчилар жамиятлари, ишлаб чиқарувчилар уюшмалари, экология ва фан-техника жамиятлари, хайрия жамғармалари ва шу кабиларни вужудга келтиришга кўмаклашиш назарда тутилди.

Умуман, Ўзбекистон раҳбарияти собиқ Иттифоқ хукуматига Ўзбекистоннинг шошилинч бозор иқтисодиётiga ўтиш тўғрисидаги кўрсатмасига эътиroz билдириб, бу республика шароити учун бирданига тўғри келмаслигини ва бозор иқтисодиётiga аввало аҳолини, биринчи навбатда, унинг кам таъминланган қатламини ижтимоий кафолатлаб, сўнг ўтиш борасида Ўзбекистон ўзи мустақил ҳаракат қилишини маълум қилди.

1990 йил 29 августда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми „Иттифоқнинг янги шартномаси ва бошқариладиган бозор иқтисодиётiga ўтиш программасининг асосий қоидалари ва йўл-йўриқларига нисбатан республиканинг тутган ўрни тўғрисида“ти масалани кўриб чиқиб, бу борада шошилмаслик жоизлигини яна бир бор таъкидлади. Олий Совет Президиуми Иттифоқнинг янги шартномасини тузиш ҳамда бошқариладиган бозор иқтисодиётiga ўтиш Дастури бўйича тайёрланган таклифлар биринчи туркумини чуқур ўрганиб чиқиш ва муҳокама қилиш учун Ўзбекистон Олий Совети, Компартия Марказий Кўмитаси, Фанлар академияси ва бошқа ташкилотларга юборди.

Кўриниб турибдики, янги Иттифоқ шартномаси лойиҳаси Ўзбекистон томонидан қўллаб-куватланмади, бу ерда биринчи навбатда Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ҳимоя қилиниши назарда тутилди. Янги Иттифоқ шартномасини: Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитетига зарар етказмайдими, деган нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда имзолаш кўзда тутилди.

Шунга мувофиқ республика хукумати иқтисодий мустақилликни босқичмабосқич амалга оширишни назарда тутадиган аниқ дастур ҳам ишлаб чиқди. Жумладан, унинг биринчи босқичи 1990-1992 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда 1990 йил алоҳида ўрин тутади. Чунки айни ана шу йилда танг аҳволни бартараф этишнинг негизлари бунёд этилиши керак эди.

Шу уч йил мобайнида янги хўжалик механизмининг барча асосий унсурлари узил-кесил ҳаракатга келиши, давлат бюджети камомадига, аҳолининг пул даромадлари ҳамда уни товар билан таъминлаш ўртасидаги номутаносибликка барҳам берилиши, пулнинг қадрсизланиши кучайиб боришини тўхтатиш, мазкур босқичда халқ хўжалигининг барча тармоқларида мулк муносабатларини тубдан ўзгартириш, зарар кўриб ишлайдиган корхоналар зиммасига ўз ишини ўнглаб олиш вазифасини юклаш кўзда тутилди.

Иккинчи босқич 1993-1995 йилларни ўз ичига олиши мўлжалланди. Бу даврга келиб иқтисодиётни соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилиши, асосан ички истеъмол бозоридаги, пул муомаласи ва бюджетдаги камомадларга барҳам берилиши, янги иқтисодий қонунлар жорий этилиши лозим эди. Яъни, бозор муносабатларини меъёрий ривожлантириш учун амалда зарур иқтисодий шароитлар яратилиши, бу даврда давлат ихтиёрида бўлмаган сектор ҳиссасининг ошиши кўзда тутилган эди.

### **9.3. „Мустақил бўлсанг — мустақил бўл! Давлат бўлсанг — давлат бўл!“**

Яқин ўтмишимизга назар соладиган бўлсак, 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида Ўзбекистон дадиллик билан иқтисодий мустақиллик ва сиёсий суверенитетни қўлга киритиш учун амалий ҳаракат қила бошлади. Айни чоғда Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги ва сиёсий суверенитетини таъминлашнинг ҳукуқий асосларини яратиш учун ҳам конкрет чоралар кўрилди. Бу борада халқнинг хоҳиши-иродаси ҳисобга олинди.

Масалан, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистоннинг мустақиллик сари дадил қадам кўяётганини 1991 йил 17 марта даги умумхалқ референдуми якунларида ҳам яққол кўриш мумкин. 1991 йил 20 февралда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг йиғилиши бўлиб, унда СССР Олий Кенгаши томонидан белгиланган референдумда овоз беришга мўлжалланган асосий бюллетен билан бирга „Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида мустақил, тенг ҳукуқли республика бўлиб қолишига розимисиз?“ деган савол кўйилган қўшимча бюллетен киритишга қарор қилинди. Бюллетендаги ушбу матн ўзгартирилиши мумкин эмас, деб белгиланди.

Олий Кенгаши Раёсати вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига бўлажак референдумда Ўзбекистоннинг мустақил бўлишига муносабат билдирувчи ушбу бюллетен матни юзасидан меҳнаткашлар оммаси ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришини топширди. Бу ишларга ҳукуқшунослар, мутахассислар, зиёлилар вакилларини кенг жалб қилиш тавсия қилинди.

Референдум якуни шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг мустақил, тенг ҳукуқли республика сифатида янгиланган Иттифоқ (Федерация) таркибида бўлишига доир қўшимча бюллетен бўйича 9 миллион 215 минг 571 нафар киши ёки овоз берувчиларнинг 93,9 фоизи овоз берди.

Шундай қилиб, бу референдумда Ўзбекистон халқининг мутлақ қўпчилигига Ўзбекистонни мустақил республика сифатида кўриш хоҳиши борлигининг ўзиёқ республика раҳбариятининг бу борадаги дадил куч-гайратини қўллаб-қувватлаш ифодаси ва қарамликдан зада бўлган халқимиз асрий орзуларининг рўёбга чиқиши учун кўйилган мардановор қадамларидан бири эди. Шунингдек, бу халқимиз қалбida жаҳонга юз тутиш, тенглар ичидан тенг бўлиш, ўз тақдирини мустақил белгилаш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган жамият куришдик юксак мақсадларни ўз ичига олган эзгу қараашларнинг уйғонаёттанидан дарак эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда республиканинг давлат мустақиллигига доир мутлақо янги давлат рамзлари тайёрлаш ва қабул қилиш ишлари ҳам дадил бошлаб юборилди.

1990 йил 15 февралда Ўзбекистон Олий Кенгаши „Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида“ маҳсус қарор қабул қилди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

„Мустақиллик тўғрисидаги Декларацияга амал қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгаш II сессиясида тузилган Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг янги лойиҳасини тайёрловчи комиссиясига Ўзбекистон ССРнинг Янги Давлат байроби, Герби ва Мадхиясига доир таклифлар ҳамда улар тўғрисида Низомлар тайёрлаш топширилсин. Комиссия республика жамоатчилиги ва депутатларининг фикрларига таяниб иш кўрсин.

2. Бу борадаги таклифлар матбуотда эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамаси ўюштирилсин“.

Ўзбекистоннинг ўз суверенитети учун кураши, аввало, жумҳуриятда қабул қилинган ҳар бир қонуннинг мазмуни ва моҳияти жиҳатидан собиқ Иттифоқ қонунларидан тубдан фарқ қилишида, бундан ташқари, ҳар бир қонун аввалгидек Иттифоқ қонунига нечоғлик мослаштирилганига қараб эмас, балки республика манфаати қай даражада ифода этилганлигига эканлигига намоён бўлди.

Масалан, 1989 йил 20 октябрида ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида „Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш“ тўғрисидаги масала маҳсус муҳокама этилди. Сессияда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун давлат механизмининг ҳамма бўғинлари Олий Советга бўйсунишини назарда тутиши алоҳида таъкидланди. Республика Олий Советига энг олий назорат қилувчи идора сифатида Ўзбекистон ССРнинг юқори мансабдор шахсларини, шу жумладан, Олий Совет Раисини сайлаш, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисини, ҳукумат аъзолари ва бошқа раҳбар лавозимдаги кишиларни тасдиқлаш ёки тайинлаш ва зарур бўлганда уларни муддатидан олдин лавозимидан чақириб олиш ҳуқуқи берилди. Ҳукуматнинг бир йилда камида бир марта Олий Совет олдида ҳисобот бериши мажбурий қилиб қўйилди.

Шунингдек, Олий Совет бюджетини назорат қилиш, Министрлик ва идоралар ишини текшириш, депутатлар сўровини муҳокама қилиш масалаларини ҳам кўриб чиқадиган бўлди.

Конституцияга киритилган бу ўзгартиришлар республика давлат ҳокимиятининг олий идорасига мустақил давлат олий идорасига хос зарур ваколатларни берди. Айни чогда бу ваколатлар унинг ижтимоий адолат тамойиллари бузилган ҳамма жойида зудлик билан уни тиклаш, жамият турмушида юз бериши мумкин бўлган ноxуш ҳодисаларнинг олдини олиш имкониятини ҳам берди.

Айтиш керакки, республика раҳбариятининг Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитетини таъминлашга қаратилган қатъий позицияси И.А. Каримов томонидан кун тартибига қўйилди.

Жумладан, у КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 20 сентябрида Москвада бўлиб ўтган пленумида дадил тарзда: „Биз Иттифоқ ва республикаларнинг вазифаларини, бурчларини ва ўзаро мажбуриятларини аниқ-равshan белгилаб қўйиш, республикалар мустақиллигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш тарафдоримиз“, деб таъкидлади<sup>1</sup>. Орадан бироз вақт ўтганидан сўнг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1990 йил 23 марта даги Пленумида И.К. Каримов Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришиш асосий йўлларини кўрсатиб: „Сиёсий системани янгилаш масалаларини Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги муаммоларидан ажralган ҳолда қараш мумкин эмас. Бизда бундай мустақиллик учун шарт-шароит бор“, — деган фикрни билдирид<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Жўраев Назрулло. Ўзбекистон тарихи: (Миллий истиқлол даври) З-китоб / Масъул муҳаррир Н. Абдуазимова — Т.: „Шарқ“, 2011. 30–31-б.

<sup>2</sup> Ўша манба, 30-б.

Дарҳақиқат, 1980 йилларнинг охирларидан бошлаб республикада иқтисодий ва сиёсий суверенитет учун қадам-бақадам чора-тадбирлар кўрилди. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1989 йил 25 ноябрида бўлган сессиясида „Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1990 йилги давлат плани тўғрисида“ти масалани муҳокама қиласар экан, республиканинг иқтисодий мустақиллигига оид муҳим тадбирларни белгилаб берди. „**1990 йилга мўлжалланган план, — деб таъкидланади сессияда, — республиканинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципларига ўтиш арафасида унинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш талабларини ҳисобга олган ҳолда тузиленган эди...** Энг асосийи республиканинг шароити, ўзига хос хусусияти, анъанавий маросимлари ва манбаларидан келиб чиқсан ҳолда территориал хўжалик ҳисобининг ўз концепциясини ишлаб чиқишидир“<sup>1</sup>.

Сессия 1990 йил плани бюджет лойиҳаларида хукуматнинг ўзлаштирилган капитал маблағлари социал эҳтиёжларга сарф қилинишини қонунан тўғри ва асосли деб ҳисоблади ҳамда „**республиканинг суверенитети айни шунда яққол кўринади**“, деб таъкидлади<sup>2</sup>.

Сессияда республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган қўйидаги қарор қабул қилинди: „**1990 йилда Совет ва хўжалик органдари, илмий муассасалар ишининг муҳим йўналиши республикани ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципига ўтишга тайёрлаш юзасидан амалий тадбирларни ишлаб чиқишидан иборат, деб ҳисоблансин.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бу иш жараённада ижтимоий ишлаб чиқаришнинг реал ресурсларини ҳамда амал қилиш имкониятлари — структурани тубдан такомиллаштириш ва унинг илмий-техникавий ҳамда ташкилий даражасини ошириш имкониятларини ҳар томонлама қараб чиқсин... амалга оширилаётган сиёсий система ислоҳотини, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда республиканинг иқтисодий суверенитетини кенгайтиришнинг асосий ўйларини белгиласин“<sup>3</sup>.

1990 йил 23 мартада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети масалаларига оид муаммоларни таҳдил этишга ва концепцияларини ишлаб чиқишига жиддий эътибор берилди. Пленум янгиланаётган сиёсий тизимда республика Компартиясининг ўрни ва мавқеи, унинг давлат ҳокимияти идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабати принциплари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиб, буйруқбозлиқдан, маъмурягчиликдан воз кечиш лозимлигини уқтириди. Шу билан бирга, пленумда республика сиёсий тизими тўғрисидаги масалани кўриб чиқишини ҳаёт тақозо қилаётганини кўрсатиб, реал ҳокимият Ўзбекистон Компартиясидан, унинг барча даражаларидаги комитетларидан ҳалқ депутатлари советларига берилиши билан боғлиқ барча қийинчиликларни енгид ўтишлари лозимлигини таъкидлаб, юзага келган вазиятда Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш муҳим аҳамият касб этади, деб таъкидланди.

Ўзбекистонда президентлик бошқаруви масаласининг кўтарилиши принципиал амалий ва тарихий ҳодиса бўлди. Республикада бошқарувнинг айни ана шундай шакли жорий этилиши, аввало, сиёсий, ижтимоий-иктисодий, миллатлараро ва

<sup>1</sup> Жўраев Назрулло. Ўзбекистон тарихи: (Миллий истиқлол даври) З-китоб /Масъул мухаррир Н. Абдуазимова — Т.: „Шарқ“, 2011. — 30- б.

<sup>2</sup> Ўша манба, 30- б.

<sup>3</sup> Жўраев Назрулло. Ўзбекистон тарихи: (Миллий истиқлол даври) З-китоб /Масъул мухаррир Н. Абдуазимова. — Т.: „Шарқ“, 2011. — 30-31-б.

бошқа соҳалардаги муаммоларни ҳал қилиш жараёнини тезлаштиришга кўмаклашиш воситаси сифатида жорий қилинди. Энг муҳими шундан иборатки, Президент муассасасининг жорий этилиши — республика учун суверенитет ва давлатчиликда моҳият жиҳатидан янги босқичга ўтишни билдирад эди.

\* Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айни шу пайтда кенг миқёсда тартиб ва интизомни, энг аввало, бошқарувнинг барча даражаларида ва жабҳаларида ижро механизмини қайта қуришни тезлаштириш вазифаларини ўз вақтида ҳал этиш масаласи, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи барча давлат муассасаларини назорат қилиш ҳам катта аҳамият касб этмоқда эди.

Ана шу объектив ҳолатни ҳисобга олиб, 1990 йил 24 марта XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия Ўзбекистон тарихида биринчи марта президентлик лавозимини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сессия якдиллик билан Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда Президент лавозимининг таъсис этилиши республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун кураш борасида кўйилган навбатдаги дадил қадамлардан эди.

Республиканинг биринчи Президенти И.А.Каримов сессияда „Бу катта ишонч учун ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман, мен буни, энг аввало, ўзбек халқи, Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашлари, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, жумҳуриятимизда яшовчи ҳамма миллат ва халқлар тақдирни учун ўз зиммамга тушган улкан бурч ва жавобгарлик деб қабул қиласман. Ҳар бир гражданинг конституцион ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш йўлида катта масъулият деб тушунаман“, деди<sup>1</sup>.

Ўз фикрини давом эттириб, И.А. Каримов Президент вазифасига тўхталиб, куйидагиларни таъкидлади: „Ўзбекистон Президенти сифатидаги ўзимнинг асосий вазифаларимни нимадан иборат деб биласан? Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳётий мазмун билан бойитиш, шунингдек, Президент бошқарувнинг муҳим вазифаларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини ўзи идора қилишга ўтишини таъминлашдир. Айни чогда меҳнаткашларнинг, аҳолининг ҳамма табақалари фаровонлигини ошириш, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш — республика давлат ҳокимияти органларидан, шахсан мендан, Ўзбекистон ССР Президентидан доимий эътибор талаб қиласиган вазифадир“<sup>2</sup>. Шу тариқа Президент энг қийин, зиддиятли, таҳликали бир пайтда бутун масъулиятни ўз зиммасига олди.

Гап Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида боргданда, шубҳасиз, Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларациясининг ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталиш лозим. Бу муҳим ҳужжат Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида кўйилган навбатдаги муҳим қадамлардан бири эди.

Мустақиллик декларациясида ўзбек халқининг асрлар давомида кўлга киритган давлат қурилиши ва маданий тараққиёт борасидаги бой тарихий тажрибаси ва анъаналари ҳисобга олиниши уқтирилди.

Мустақиллик декларацияси кириш қисмида куйидаги принциплар ўз аксини топди: „Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши ўзбек халқининг

1 Жўраев Назруло. Ўзбекистон тарихи: (Миллий истиқбол даври) З-китоб /Масъул муҳаррир Н. Абдуазимова. — Т.: „Шарқ“, 2011. 32-бет.

2 Ўша манба, 33-б.

давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқини таъминлашдан иборат олий мақсад сари, Ўзбекистоннинг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда халқаро ҳукуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиди“.

Мустақилликка эришиш йўлида, айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг ГКЧП воқеаси пайтидаги қатъий позицияси ҳал қилувчи роль ўйнади. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Ҳиндистон сафаридан қайтгани ҳамоноқ — 19 август куни кечқурун республика раҳбарлари ва Тошкент шаҳри фаоллари билан учрашиб, қатъий тарзда ГКЧПга муносабат борасида Ўзбекистон нуқтаи назарини маълум қилди. Республика раҳбариюти: „Марказдан, ким бўлишидан қатъи назар, қонунга хилоф кўрсатмаларни бажариш мумкин эмас“, деб ҳисоблади. 20 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида кўшма мажлис бўлди. Унда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўли ўзгармаслиги ҳақида Баёнот қабул қилинди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов республика аҳолисига мурожаат билан чиқди. Ушбу мурожаатда Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиш йўли қатъий экани яна бир бор алоҳида уқтирилди. Жумладан, унда шундай дейилди: „Ўзбекистон жумхурияти, унинг раҳбариюти қайта қуриш даврида ҳам ҳеч қачон бирорнинг галига кириб иш тутган эмас. Марказдан, бошқа баъзи бир жумхуриятлардан қандай қарорлар чиқмасин, ваъдалар берилмасин, ҳар қандай чақириқлар, даъватлар, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракатлар бўлмасин, биз ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтганимиз йўқ. Бу йўл бизнинг халқимиз тарихига, урф-одатларига, табиатимиз шарт-шароитларига, хуллас, халқимиз манфаатларига мос йўлдир“, — деб қатъий таъкидланди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Фавқулодда ҳолат давлат комитетининг файриконституциявий, ҳукуққа қарши қарорлари ва бошқа кўрсатмалари ноқонуний деб эълон қилинди.

Ана шундай шароитда, яъни Марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатлар тобора таранглостиб, Марказ бошқарув қобилиятини йўқотган, ҳар бир минтақа, ҳар бир республика ўз ҳолига ташлаб кўйилган бир шароитда тарихий вазиятни тўғри баҳолаган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Кенгаши сессиясини чақириш ва унда Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилиш масаласини кескин қўйди. Чунки ҳар бир миллий республиканинг чинакам тенг ҳукуқлилиги ва мустақиллиги таъминлангандағина таназзулдан чиқиш мумкин эди. Бунинг учун мустақиллик йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланиши, республика сўзда эмас, балки амалда *тенглар орасида тенг бўлиши* лозим эди.

Айни шу мақсадларни кўзлаб, Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамият касб этанини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда „Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида“ги ҳамда „Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида“ги масалалар кун тартибиға кўйилиб, қизгин муҳокама қилинди.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 365—366-бетлар.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Президент И. Каримов маъруzasи тингланди. У ўз нутқида 1991 йил ўрталарида марказий ҳукумат олиб бораётган ички сиёсатни таҳтил қилди. 19—21 август кунлари Москвада Фавқулодда ҳолат давлат комитети аъзоларининг фуқаролар бошига азоб-укубатлар солишга интилганини, халқларнинг озодлигини, республикалар мустақиллигини яна кишанламоқчи бўлганини очиб ташлади. Алғов-далғовли кунларда ҳам Ўзбекистоннинг ўз йўли ва мақсади борлигини, бу халқ манфаатига мос йўл эканини, қандай қилиб бўлмасин, ундан қайтмаслик лозимлигини айтди. Шунингдек, маърузада мустақил давлатлар мақомига тўхталиб, қуидагиларни таъкидлади: „**Бўлажак Мустақил давлатлар... эркин, мустақил ва тенг ҳукуқли бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузиш, ташқи бозорга чиқиш, ўзи маъқул топган барча мамлакатлар билан халқаро муносабат ўрнатиш, дипломатик ва консулийк алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак. Яна таъкидлаб айтаман, бу ҳеч кимнинг буйргисиз ва аралашувисиз мустақил амалга оширилиши керак.** Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоҳиши-иродасини бажо келтириб, Олий Кенгаш дикқатига фақат бир масалани қўймоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги Қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни таклиф этаман. Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёrimизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиши-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиши-иродаси биз учун муқаддасдир“<sup>1</sup>.

Олий Кенгаш депутатлари моддама-модда муҳокамадан сўнг „Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисида“ти қонунни қабул қилдилар. Сўнгра Республика Давлат Мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот қабул қилинди. Ўзбекистон ССРнинг номи „Ўзбекистон Республикаси“ деб ўзгартирилди. Мустақиллик эълон қилинган кун — 1 сентябрь 1991 йилдан бошлаб миллий байрам ва дам олиш куни, деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ҳақидаги бу хужжатлар ўзбек халқининг асрий орзуси рўёбга чиққанининг ҳукуқий ифодаси бўлди.

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасид. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011 йил, 403-бетлар.

## **ИСЛОМ КАРИМОВ – ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТАШАББУСКОРИ, ТАШКИЛОТЧИСИ ВА РАҲНАМОСИ**

Атоқли немис олимни Карл Ясперс ўз вақтида „Буюк шахслар бошқаларнинг эркинлиги ва озодлиги учун ўзининг мажбуриятини чуқур ҳис қиласи“<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, тарихий давр ва ижтимоий вазиятнинг ўзи улкан фазилатларга эга бўлган буюк шахсни майдонга чиқаради. Буюк шахс эса, тасодиф эмас. У ўз халқининг мақсадларига, орзу-умидларига, интилишларига, севинчу изтиробларига, баҳтили ва ситамли онларининг гувоҳи бўлиб, яхлит жамият маънавий-руҳий шароитда шаклланади, ривожланади, камолотга етади.

Президент Ислом Каримов ҳам айни Ўзбекистонда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий вазият оқимида шаклланди, тоталитар режимнинг бутун моҳиятини, ўзбек халқининг тарихий қадру қимматини чуқур англади. Натижада миллат шаънини тиклаш орзу-умиди билан яшади ва шаклланди.

Умуман олганда, буюк шахс замонавий билимлар савиясини эгаллаган, ҳар қандай шароитда тез ва тўғри қарорга кела оладиган кучли, гайратли, қатъиятли, айни пайтда, жавобгарликни чуқур ҳис қила оладиган инсон сифатида ўзини намоён қила олади. Атрофидагиларнинг манбаатларини ўз ҳаётидан кўра баландроқ қўя олади. Ўзи қабул қилган қарорларни ва режаларни амалга ошириш учун ҳар қандай хавф-хатарни зиммасига олди.

Буюк шахс, энг аввало, миллий қадриятларни қадрлай олади, хурмат қила билади ва айни пайтда, ўзига нисбатан хурматни ҳам талаб қиласи. Аниқ хуносага эга бўлмаган инсон ижтимоий ҳаётда аниқ ўринга эга бўлмайди. Бундай одамлар учун ижтимоий моҳиятга эга бўлиш, ижтимоий қадриятга айланиш ҳақида гапириш ўринсиз. Воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдира олмайдиган, бошқалар фикри билан яшайдиган, вазиятга қараб иш тутадиган, ўта юмшоқ ва ношуд инсон шахс бўлиб етиша олмайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай шахс ўз қиёфасига, ўз хуносасига, ҳар қандай вазиятдан чиқа олиш иқтидорига эга бўлади.

Шахснинг бутун қадриятини белгилайдиган омиллардан яна бири бу бевосита ўзининг ҳар бир фикри ва хатти-ҳаракати учун жавобгарликни чуқур ҳис қилиш ва тушунишдадир. Айни ана шу фазилат шахснинг жамиятдаги ўрнини, мавқеини, обрў-эътиборини белгилайди. Жавобгарлик ҳисси, даҳлдорлик туйғуси, миллат ва жамият олдидаги улкан мажбуриятни чуқур ҳис қилиш ва энг муҳими ушбу жавобгарлик ва мажбуриятни ижтимоий ҳаётнинг реал воқелигига айлантириш шахснинг бутун қадриятини белгилайдиган асосий омил ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг янги раҳбари – Ислом Абдуғаниевич Каримов қизил империя ва коммунистик партиянинг истиқболи йўқлигини, тажовуз ва ғоявий-мафкуравий зўравонликка асосланган „ҳарбий коммунизм“ узоқча бормаслигини, собиқ Иттифоқ ҳудудида мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнлар анча кескинлашганини ўз сафдошлари ва елкадошларидан анча олдин чуқур тушунди. Бундай мураккаб вазиятдан таҳликага тушган коммунистик мафкура хоҳлайдими-йўқми, ўз ғояларини қисман ўзгартириши, иш услубининг янги шакларини излаб топиши, қисқаси,

<sup>1</sup> Гобозов И.А. Социальная философия. МГУ. М.: 2007. стр. 187.

империячилик сиёсатини ва мавжуд тузумни сақлаб қолиш учун қандайдир ўзгариш қилиши керак эди. Ана шу ҳаракатларнинг маҳсали сифатида Горбачевча „қайта қуриш“ сиёсати дунёга келди.

Бир қараашда, қайта қуриш сиёсати совет иттилоғида демократик жараёнларни чукурлаштириш, фуқароларнинг ҳақ-хукуқлари ва эркинликларини кенгайтириш борасида маълум даражада ижобий силжишларга олиб келди. Бироқ, бу асл манзаранинг ташқи кўриниши эди, холос. Аслида эса қайта қуриш сиёсати ўзининг кўзлаган мақсадига, кутилган натижасига эриша олмади.

М.Горбачев бошчилигидаги Совет хукумати раҳбарияти номигагина эркинликка йўл бериб, инсон хукуқлари хусусида кўпиртириб гапирсада, моҳияттан тоталитар тузум ва маъмурий-буйруқбозлиқ режимини сақлаб қолишдан манфаатдор эди. Зотан, улар ҳеч қачон СССРнинг тарқалиб кетишини назарда тутмаган ва буни кутмаган ҳам эди.

Жараёнлар шу даражада тезлашди, охир-оқибатда нафақат М.Горбачевни, балки бутун Сиёсий Бюрони, партия Марказий Кўмитасини, хукуматни талвасага солиб кўйди. Натижада маъмурий органлар кучидан фойдаланиш йўли танланди. Турли шаҳарларда, минтақаларда, СССРнинг фаол ва демографик жиҳатдан мураккаб бўлган, геосиёсий жиҳатдан муҳим аҳамиятта эга бўлган нуқталарида бекарорликни вужудга келтириш орқали мамлакат аҳолисини чалғитиши йўлига ўтилди.

Умуман олганда, Ислом Каримов республика раҳбарлигига сайланганиданоқ Марказ билан ўзига хос „муносабат“да бўлди. Очироқ айтганда, унинг ўта қатъиятлилиги, ўз фикрига ва хулосасига эгалиги ҳамда ўз йўлига событилиги „улуг оға“ларга унчалик ҳам ёқмасди. Иккинчидан, миллат манфаатига кўпроқ ён босгани, республика ички ҳаётидаги вазиятга чуқурроқ кириб боргани сайин КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросида ҳам, СССР Олий Кенгаши ва Иттилоқ идораларида ҳам унга нисбатан муносабат кескинлаша бошлади. Айниқса, юртимизни абгор қилиб Марказга „қочиб“ борган бир гурӯҳ „собиқлар“ бундай „кулай“ фурсатдан фойдаланиб қолиш учун турли-туман ҳийлаю найрангларни ишга солишиди. Қатор марказий нашрларда Ўзбекистон ва унинг раҳбариятига нисбатан ифвогарликлар уюштиришиди. Бундай оғир, зиддиятли бир шароитда ишлаш давлат раҳбаридан алоҳида асаб, ниҳоятда вазминлик, пўлатдек мустаҳкам ирода талаб этади.

Ана шундай пайтда И.Каримов рақибларга ҳурмат билан қарашиб, уларнинг фикрини дикқат билан эшлиши, зарур бўлса улардан ижобий хулосалар чиқариш, ҳалқ ва мамлакат манфаати учун ҳар қандай ифвогарликлар, тазииклару зўравонликлар, қолаверса мақтovлару хушомадгўйликларга бир хилда муносабатда бўлиш, фақат ақл-идрокка таяниб иш тутиш намунасини кўрсатди.

Президент Ислом Каримов — эл-юрг учун фидойи, буюк азму шижаат, мустаҳкам ирода эгаси. У озгина адолатсизликка ҳам чидай олмайдиган, ҳақ ва ҳақиқатни бутун вужуди билан ҳимоя қиласидиган сиёсатчи. Унинг ана шундай фазилати айниқса Республика раҳбарлигига сайланганидан сўнг яна ҳам ёрқинроқ кўзга ташлана бошлади. Чунончи, Фаргона воқеалари юз берган бир пайтда депутатлардан қонли тўқнашув сабабларини республика Олий Кенгаши сессиясида кенг муҳокама қилишни сўради. СССР Олий Кенгашидан бу фожиалар асосини чукур ўрганиш ва ўз вақтида сиёсий баҳо беришни талаб қилди. Унинг бевосита ташаббуси билан фашизмга қарши уруш йилларида ватанидан қувиб чиқарилган қатор ҳалқларга ўз юргига қайтишга ёрдам бериш тўғрисида декларация қабул қилинди ва СССР Олий Кенгашига тақдим этилди. Айтиш мумкинки, ўз вақтида

катта сиёсий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган бундай хужжат фақат Ўзбекистонда қабул қилинди ва унинг раҳбарияти ҳамда халқи хоҳиш-иродасининг ифодаси сифатида бутун СССРда эълон қилинди.

Шундай қилиб, давлат раҳбари ҳаёти учун хатарли, аммо миллат ва юрт истиқболи учун шукуҳли бўлган дастлабки, залворли қадамлар қўйилди. Юртимизнинг халқ душмани сифатида қораланган миллий меросимиз ва қадриятларимизни асл фарзандларидан тортиб буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганиш, ман этилган улуғ тарихимиз, миллий меросимиз ва қадриятларимизни — барча-барчасини тиклаш учун шароит туғилди. Халқимиз учун борган сари ўзлигини англашга, ўзлигини тиклашга, тарихий қадриятларини ўз вақтида баҳолашга замин яратилди. Хўш, буларнинг ҳаммасига қандай қилиб эришилди? Бундай имконият ўз-ўзидан юзага келдими? Йўқ, албатта!

Москвада ва Россиянинг бир қатор йирик шаҳарларида воқеалар шу даражада чувалашиб кетдики, унинг ечимини топишга энг юқори даражадаги раҳбарлар ҳам ожиз бўлиб қолишди. Горбачев ва унинг бир ҳовуч гумашталари сиёсий бухронларнинг шиддатли оқимида жон ҳолатда пўкакка осилишарди. Аммо, халқнинг қудратли тўлқини уларни тобора қирғоққа чиқариб ташлаётганидан таҳликага тушиб қолишган эди. Аникроғи, улар янгилик билан эскилик, истиқбол билан ўтмиш орасида муаллақ қолишган эди. Бу эса СССРнинг таназзул билан тугашидан далолат берарди. Ана шундай оғир, саросимали, таҳдид ва таҳликалар пайтида Ўзбекистонда Ислом Каримов халққа суюнди. У билан тиллашди, дардлашди. Натижада халқ билан республика раҳбарияти ўртасида соғлом ўзаро ишочга асосланган самимий муносабат вужудга келди.

Президент Ислом Каримов одамлар билан юзма-юз туриб гаплашди. Халқ эса аччиқ бўлса-да рост гапга муҳтоҷ эди. Чунки халқимиз йиллар мобайнида ҳаёт ҳақиқатидан маҳрум этилган, уйдирмалар ва ҳавоий шиорлар гирдобига гарқ этилган эди. Республика раҳбари сифатида Ислом Каримов халқнинг руҳини кўтаришга киришиди. Халқ даҳосига, унинг яратувчилик қудратига ишонди, унга таянди.

Янги раҳбарнинг халқ билан очиқ, юзма-юз туриб гаплашиши жамиятда ижтимоий-сиёсий муҳитнинг бир мунча барқарорлашишига олиб келди. 1989-90-91-йиллар, айтиш мумкинки, бир неча минг йиллик тарихимизда Миллий Тикланиш, Миллий Уйғониши ва Миллий Таракқиёт даврининг муқаддимаси бўлди. Худди ана шу йилларда Наврӯз байрами миллий байрам сифатида қайта тикланиб, кенг нишонланди, бу оммавий байрамларда биринчи марта ҳукумат раҳбарлари ва шахсан Ислом Каримов халқ билан бирга иштирок этишиди.

Бу воқеаларни бугун — орадан бирмунча вақт ўтгач хотиржам эслаш осон. Ўша пайтларда эса ҳар бир кишининг қалбида аллақандай ҳадик, ифодалаб бўлмас қўрқув, унга қоришиб кетган севинч ва ҳаяжон бор эди. Бу воқеаларни ҳар ким ўзича тушунди, ўзича талқин этди. Бироқ Ўзбекистон раҳбарияти ўз сўзида собит турди. Турли ҳийлаю найрангларни, ифво ва маломатларни қатъият ва амалий иш билан енди. Охир-оқибатда эса Ўзбекистон яна бир бор ўз маънавий қудратини, сиёсий салоҳиятини ёрқин намойиш этди. 1991 йил 31 август куни иттифоқдош республикалар ичida биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилди ва уни қонун билан мустаҳкамлаб қўиди. Бу сана тарих саҳифасида абадий қолади!

Президент Ислом Каримов сессияда мустақилликнинг моҳияти, унинг тарихий зарурат экани хусусида гапирав экан, мустамлакачилик асорати ва собиқ Иттифоқда қарор топган адолатсиз муҳитни рўй-рост очиб ташлади: „Мустамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эрганиги кунига ишончини кундан-кунга йўқотяпти. Одамлар ўзининг, оиласининг, бола-чақасининг

тинчлигига кафолат истайди. Улар тўқис, хотиржам ҳаёт талаб қиляпти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабозлик ва вавъдабозлик остида кўмилиб кетяпти.

Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, осойишталик, бошқа халқларга нисбатан хайрихоҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя талаб қиляпти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меҳнатига яраша турмуш шароитларини талаб қиляпти. Бу — ҳаққоний талабдир ...

Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қаҷон, қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит булмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди, тенглар ичра тенг бўлиш халқимизнинг асрий орзусидир<sup>“1”</sup>.

Президент И. Каримов мустақиллик тўғрисида қонун қабул қилиш, энди СССР таркибида ортиқ қолиб бўлмаслигини, ундан чиқиб, чинакам миллий равнақ ва миллий тараққиётга замин яратишимиз зарурлигини уқтириб, „Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси эса биз учун муқаддасдир<sup>“2”</sup>, деб таъкидлади.

Ислом Каримов тасаввурида том маънодаги маънавият бу энг аввало Ватан туйғусидир. Ватан туйғуси ҳам миллий мансублик сингари ҳар бир шахснинг мавжудлиги билан боғлиқ бўлган мўътабар ҳодисадир. Зеро, инсон қайси замон ва қайси маконда яшамасин, туғилган юртини ўзгартира олмайди, ундан тонолмайди. Ватан ва миллат туйғусининг мўътабарлиги, улуғлиги, муқаддаслиги ана шунда. Шунинг учун ҳам Президент энг аввало мустақилликни англаш учун миллатни англаш, ўзликни англаш, Ватан ва унинг буюк ўтмиши билан фахрлана олиш ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилди. Айни пайтда мустақиллик йўли — ҳақиқат йўли, инсон ҳақ-хуқуқлари йўли, маънавий етуклик, юксак маданият, бой инсоний фазилатлар йўлидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига қатъий ишонди ва миллионлаб юртдошларимизни ҳам бунга ишонтира олди ва „Ортга қайтиш йўқ энди. Олдинда битта йўл бор: истиқлол йўли, мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. Эски тузумга қайтиш, бўйнимизни яна ўша бўйинтуруққа тиқиб бериш, яна тақрорлаб айтаман, минг йиллик тарихимизга, халқимизга хиёнат, келажак авлодларимиз асло кечирмайдиган гуноҳ бўлади!“<sup>“3”</sup>, деб ўз мақсадларини қатъий ифода этди.

Бугунги Ўзбекистон — янгидан-янги имкониятларни намоён этаётган, кучга тўлиб, нуфузи ошиб бораётган мамлакат. Бугунги Ўзбекистон — барча қийинчиликларни енгиди, мустақиллик йўлидан ёруғ истиқбол сари дадил қадам ташлаётган, халқаро майдонда обрўси ошиб бораётган давлат. Бу — халқ билан давлат бирлигидан, омма фикри билан давлат сиёсатининг муштараклигидан, Президент сиёсий йўлининг нақадар халқчиллигидан далолат беради.

Германия матбуоти Ислом Каримовни мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ „Ўрта Осиёдаги энг кучли Президент“, Ўзбекистонни эса „Ҳамдўстлик мамлакатлари орасидаги энг тинч ва ривожланаётган мамлакат“ деб тан олган эди. Бу юксак баҳо бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотган эмас.

Президент Ислом Каримов ҳар қандай тайёр андозаларга ҳам танқидий қарайди. Жаҳон тажрибалари ва миллий эҳтиёжлардан келиб чиқсан ҳолда, мавжуд ҳодисаларга ўзига хос ёндашади. Натижада сиёсат ва давлат арбоби сифатида ўзининг

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. — 401—402-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша манба, 403-бет.

<sup>3</sup> Ислом Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. — Т.: „Ўзбекистон“. 1996. —229-бет.

янгидан-янги имкониятларини тобора кўпроқ намоён этади. Бу билан жаҳон давлатчилиги тажрибаларини бойитиб бориб, новатор ислоҳотчи ва сиёсатчи сифатидаги ноёб башоратларини ва амалий фаолиятини ёрқинроқ кўрсата олади.

Бугунги кунда собиқ Иттифоқ доирасидан ажralиб чиқсан мамлакатлар ўртасида Ўзбекистоннинг энг барқарор ривожланаётган мамлакатга айлангани жаҳон жамоатчилиги, сиёсатдонлари ва йирик давлат арбоблари томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилаётганининг боиси Президент Ислом Каримовнинг ўз замондошлари ва сафдошларидан кескин фарқ қиласиган фазилатлари билан боғлиқ десак, муболага бўлмайди. Хўш, бу жиҳатлар нималарда кўринади?

Биринчидан, бу фазилатлар мамлакат тараққиёти ва халқ манфаати учун зарур бўлган энг муҳим масалаларни улкан қалб ва тафаккур билан тез илғаб олиши ва уларни ўз вақтида қатъият ҳамда азму шиҷоат билан ҳал этишга киришишида ёрқин намоён бўлади.

Иккинчидан, мамлакат ва халқ манфаатига, адолат ва ҳақиқатга, мантиқа зид бўлган ҳар қандай ҳаракатларга ҳамда ҳодисаларга кескин қарши туришда кўринади.

Учинчидан, ҳар қандай конъюктуравий, сохта сиёсий ўйинларга ўз вақтида чек қўйиш, барқарорликни сақлаб туриш учун бутун имкониятни ишга солишида намоён бўлади.

Тўртинчидан, сиёсий етакчи сифатида ўзига хос тафаккур тарзини, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришини олдиндан пайқаш, баҳолаш салоҳиятини ва энг муҳими, Шахс сифатидаги сиёсий жасорат, сиёсий қатъият, мислсиз ирода ва юксак маданият фазилатларини ёрқин ва яққол намоён қила олишида кўринади.

И.А. Каримов воқеликка реал қарайди ва уни реал баҳолайди. Кутимаганда ўта аниқлик билан иш юритади. Шунинг учун ҳам у қисқа фурсатда халқнинг мислсиз ишончини қозонди. 1980-йилларнинг таҳлика ва умидсизликларини, тушкун кайфияти ва озурда муҳитида халқни тўла сафарбарликка, яқдилликка йўналтира олди. Бу жаҳон тарихида камдан-кам юз берадиган ҳодисадир.

И.А. Каримов ўзининг чуқур асосланган фикрлари ва воқеликка салбий оқибатларнинг олдини олган ҳолда ёндашувлари билан коммунистик афсонанинг сароблигини исбот этди. Ўзбекистонни, қолаверса, барча иттифоқдош республикаларни гоявий таназзул гирдобига тортган совет тоталитаризмiga қарши тура олди ва уни қатъият билан енгди. Ҳарбий коммунизм ва фуқаролар социализмининг ленинча гоялари уйдирмаларини фош этиш билан ўзининг ноёб мафкуравий ва сиёсий жиҳатдан бутунлай янги, тасаввуримизга сифмайдиган дунёнинг кашф этувчиси сифатида кўрсата олди.

Бошқача қилиб айтганда, И.А. Каримов феномени ҳақидаги мулоҳазалар шахснинг тарихдаги ўрни тўғрисидаги фикргина эмас. Балки, тарихнинг шахс борасида тақдиди ва қадрияти билан боғлиқлиги ҳамдир. Зотан, камдан кам тарихий шахслар тарихнинг туб бурилиш нуқтасини белгилаб берадилар, жараёнлар ва турмуш тарзининг бир хилдаги оқимини кескин ўзгартириб юборадилар. Бутунлай янги, ҳаётбахш ва ҳузурбахш турмуш кечириш, аниқроғи, Инсон ва Инсоният тақдидидаги мислсиз маънавий кўтарилишлар даврини бошлаб берадилар.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда, И.А. Каримов шахси халқимизнинг тарихий тақдиди, унинг кечинмалари, изтироб ва қувончлари сифатида вужудга келди. Бошқача қилиб айтганда, И.А. Каримов феномени ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва руҳияти, миллат сифатидаги феномени орқали умуминсоний қадриятлар ва умумжаҳон сиёсати феноменига айланди.

Тарих филдирагининг бир текисдаги ҳаракатини, меъерини бузиш ҳамма вақт ҳам қувончли бўлавермайди. Бу бир жиҳатдан ислоҳотчининг мўлжални қай даражада тўғри олгани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, айни шу ҳаракатни ҳалокатларга йўл қўймасдан, синаб кўрилмаган, бирор юрмаган хавфли-хатарли довонда ишончли давом эттиришни таъминлаш ҳамдир. Ана шу тарзда учинчи энг муҳим масала юзага келади. Бу бевосита шахс ҳаёти, тақдири билан боғлиқ бўлган ҳодиса. Қатъият, журъат, вазиятни ўз вақтида баҳолай билиш даркор, бошинг устида гурзи кўтариб турган одам билан типимсиз курашаётуб ўзингни асраш ҳам керак. Ана шу мўлжал ва муносабатдаги энг кичик бир хато бутун хонумонингни куйдириб юбориши ҳеч гап эмас.

Шахснинг жамият тараққиётида тутган роли бениҳоя катта. Ҳар қандай тузум мамлакат раҳбарининг шахси, унинг феъл-атвори, хатти-ҳаракати, ўзига хос фикрлаш тарзи, дунёқарashi ва воқеа-ҳодисаларга муносабатига қараб у ёки бу тарзда шаклланади. Айрим пайтларда эса раҳбар — шахснинг феъл-атворига, маънавий ва сиёсий иродасига ва қобилиятига қараб, бутунлай, кутилмаган ҳодисалар юз берадики, улар жаҳон тараққиёти ва инсоният тақдирини ўзгартириб юборади, тарих саҳифаларида абадий қолади.

Дейлик, Соҳибқирон Амир Темур туркий улусни ва Туркистонни бирлаштириш, яхлит давлатни вужудга келтириш орзу-истаги билан яшамаганида ёки унинг ўрнида бошқа бир одам таҳт тепасига келганида ўз давридаги буюк силжишлар юз берармиди? Заҳириддин Муҳаммад Бобур „оёқ етганча кетгаймен“ деб кўнглида фифон, дард ва ҳасрат билан „Ҳинд сари юзланди“-ю, турли дин, мазҳаб ва ақидалар билан яшётган халқларни бирлаштириб, буюк Ҳиндистон давлатига асос солди. Бутун Ер шарининг улкан бир қисмида фан, маданият ва санъатни ривожлантириб, одамлар онги ва дунёқарashiда тўнтариш ясади. Ана шу минтақа халқлари тақдирини бутунлай бошқа ўзанга буриб юборди.

Мана энди ҳақли савол туғилади. Мабодо сиёсий жазавалар авж олган, суронли даврда, ижтимоий ва иқтисодий таназзул фоятда чуқурлашган бир шароитда Ислом Каримов ўрнида ҳокимият тепасига бошқа одам келганида нима бўлар эди? Албатта, ҳозирги тарздаги ижтимоий-сиёсий муҳит бўлмас эди! Ё „ўта демократлашган“ хонавайронлик юз берарди-ю, минг-минглаб одамларнинг ёстиги қурир эди, ё бу юксак лавозимнинг ниҳоятда оғир юкига, мاشаққат ва азоб тўла масъулиятига бардош беролмай Ўзбекистондай улкан имкониятлар мамлакати ҳам, унинг халқи ҳам бир ҳовуч енгилтак амалпарастларнинг қурбони бўлиб кетарди.

Дарҳақиқат, И.Каримов сиёсий, ташкилий, фоявий, маъмурий ва бошқа жиҳатлардан жуда мустаҳкамланган, янгича яшашни мутлақо истамайдиган тузум томирлари чирмасиб кетган бир шароитда янгича тафаккур ва янгича яшаш тарафдори бўлиб майдонга чиқди. Эскилик билан тинмай курашиб, янгиликни аччиқ изтироб ва мешаққат билан онгимизга сингдириб келмоқда. Унинг новаторлик кучи мамлакатни бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўта хушёрлик, донолик билан олиб ўтишида, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига қатъий ишонч билан, барча соҳадаги ислоҳотларни эпчиллик ва уддабуронлик билан жорий этишга интилишида намоён бўлмоқда.

Ўтган тарихан қисқа ва сермазмун давр мобайнида жаҳон сиёсатида, давлатчилик ва бошқарувчилик тажрибасида, айтиш мумкинки, Ислом Каримов мактаби вужудга келди. Бугун мамлакатимизда минг-минглаб турли тоифадаги раҳбарлар ана шу мактаб сабогини олмоқда ва унда ишлаб чиқилган Концепциялар, сиёсий йўл-йўриқлар асосида иш олиб бормоқда.

Президент Ислом Каримовнинг давлатчилик борасидаги фаолиятига назар ташлар эканмиз, беихтиёр кўз ўнгимизда турли даврларда фаолият кўрсатган сиёсат

ва давлат арбоблари гавдаланади. Хусусан, Ер юзининг турли миңтақаларида миллий озодлик ҳаракатларига бошчилик қилган, ўз Ватанини мустамлакачилик исканжасидан озод этиб, миллий давлатчилигига асос солган даҳолар дикқатимизни тортади. Дарҳақиқат, ҳақиқий баҳо таққослаш орқали берилади. Тарихий жараён, воқеа ва ҳодисалар таҳлил этилаётганда, улар бир-бирига қиёслангандага ўзининг бутун салмоғи ва миқёси билан намоён бўлади. Ана шу жиҳатдан қарагандага, миллий давлатчиликни барпо этиш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларни жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари тарихида кечган оламшумул жараёнларга қиёслаш мумкин.

Машхур давлат арбоби Жорж Вашингтон Шимолий Америкадаги инглиз колонияларига қарши мустақиллик учун курашда фаол иштирок этган. Озодлик ҳаракатига қўмондонлик қилиб, саркардалик истеъодини ёрқин намоён этган, Америка Кўшма Штатлари давлатининг асосчиси ҳамда унинг биринчи Президенти сифатида тарихда қолган сиймодир.

Иккингч жаҳон урушидан кейин Францияни ривожланган ва демократик давлат қаторига олиб чиқишида Шарль Де Голь, урушдан батамом чарчаган Германия иқтисодиётини ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятида бадном бўлган обрўйини қайта тиклаган Конрад Аденауэр ўз миллатлари ва халқлари хотирасида абадий жой олдилар. Бошқача қилиб айтганда бу ҳар икки буюк сиёсий арбобнинг тарихий хизмати бевосита бутунлай янги тарихий шароитларда ўз миллати ва давлатининг бекёс тараққиётини таъминлагани, унинг буюк келажагига замин яратгани билан асосланади.

Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ҳали СССР таркибида турган пайтдаёқ миллий озодлик учун бошлаган ҳаракати, мустамлакачиликка қарши курашиш, мустақилликка эришиш ва, ниҳоят, миллий давлатчиликка асос солиш борасидаги фаолияти юқорида тилга олинган, машҳур давлат ва сиёсат арбобларининг фаолиятини эслатади. И.Каримовнинг ўзбек халқи учун тарихий хизмати шундаки, у бутунлай янги тарихий шароитда бутунлай янги ўзбек миллий давлатчилигига асос солди. Қолаверса, Ўзбекистон раҳбарининг жаҳон давлатчилиги қурилиши тажрибаларини бойитаётганлиги, унга янги мазмун, янги шакл ва жозиба бераетгани унинг ўзига хос даҳолик кудратидан далолат беради. Зоро, Ўзбекистондаги ислоҳотларни, дунёнинг энг илфор давлатчилик тажрибалари ва демократик тамойилларига мос келадиган, айни пайтда ниҳоятда миллий, таг-заминли давлат қурилаётганлигини хорижий атоқли сиёсатдонлар тан олмоқдалар ва юқори баҳоламоқдалар.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай давлатчилик фақат миллий асосда қурилгандагина, туб аҳоли маънавий-руҳий эҳтиёжларидан келиб чиқиб барпо этилган тақдирдагина яшовчан бўлади. Айни пайтда, у миллий равнақ учун кенг имкониятлар яратади. Чунки, ҳар бир халқ ўзининг бой ўтмишини, тарихини, анъаналарини ва, хуллас, ўзлигини бевосита давлат тимсолида қўриши керак. Бу ўзини билган, ўзини таниган халқ учун жуда катта маънавий-руҳий эҳтиёж хисобланади.

Масаланинг яна бир эътиборли томони шундаки, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш жараёнлари, дейлик бутун бир маконни қулликдан озод этиш ҳоллари ҳамма вақт кучли пўртаналар, қарама-қаршиликлар, зиддиятлар ва тушунмовчиликлар тўқнашган мураккаб бир ҳолатда ўтади. Ана шундай маънавий-руҳий ўзгаришлар, дунёқарашлардаги янгиланишлар ва сиёсий пўртаналар пайтида мамлакат аҳолисининг умумий сиёсий маданияти, унинг онглилик даражаси кўп нарсани ҳал этади. Бошқача қилиб айтганда, ислоҳотлар онг ва тафаккур кўзгуси орқали

ўтганда, унинг бутун миқёси ҳамда кўлами, мазмуни ва моҳияти кенгаяди ҳамда самарали бўлади.

Ислоҳотлар даврида янгилик билан эскилик ўртасида ҳамма вақт кескин курашлар, зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар бўлиб ўтади. Таассуфки, ҳаётда кўпинча янгиликдан кўра эскилик, яхшиликтан кўра ёмонлик, эзгуликдан кўра ёвузлик яшовчан бўлади. Ана шу ҳаётий фалсафадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, турмуш тарзига айланган ва кундалик ҳаёт қобигида ўралиб қолган дунёқарашларни ўзгартириш осон иш эмас. Бу вақт талаб этадиган ҳодиса. Айни пайтда, у сиёсий арбобдан ниҳоятда кучли ирова, мустаҳкам асаб, сабот ва матонат талаб этади. Бу интиҳосиз изтироблар, ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасини эътиқод ва гоя учун курбон қилишдек фидойилик ҳамда олий даражадаги шахсий фазилат кўригидир.

Жамият ва одамлар ҳаётида юз берадиган ана шундай туб бурилишлар пайтида Бош ислоҳотчи мураккаб маънавий-рухий кечинмалар куршовида қолади. Айни пайтда Ўзбекистон ана шундай жараённи бошидан кечирмоқда. Ислом Каримов эса ислоҳотлар самараларини бевосита янгилик билан эскилик ўртасидаги жарлиқдан жамиятни бехатар олиб ўтиш, яъни энг аввало, одамлар онги ва дунёқарашида босқичма-босқич бурилиш ясаш, шу асосда янгича яшаш афзалликларини кўрсатиш йўлини тутди.

Юқорида тилга олинган давлат ва сиёсат арбоблари турли сиёсий гуруҳлар, мухолифлар ҳаракатлари билан бирга, бир-бирига зид қарашлар ва гояларни ҳам енгib ўтишган. Бир пайтнинг ўзида мамлакат аҳолиси онги ва қалбида бекиёс янгиланишни ҳам амалга оширишган. Бу жамият ҳаётидаги жиддий сифат ўзгаришидир.

Инсоният тарихи турли даврларда, турли шаклларда уйғониш ҳодисасини бошидан кечирган. Бир неча асрлик мустамлакачиликтан сўнг ёхуд миллий таназзул изтиробларидан кейин шундай ҳодисалар юз берадики, одамлар ўзларини англай бошлайдилар. Фикрий мудроқликка чек қўядилар. Ҳаётни, олам ранг-баранглигини англай бошлайдилар.

Мустақиллик пайтида инсон ҳаёти тобора чуқурроқ мазмун касб этади. Инсонийликни англаш, одам бўлиб туғилиб одам каби яшаш зарурати миллий эҳтиёж даражасига кўтарилади. Натижада миллий равнақقا, умумбашарий тараққиётга туртки бўладиган жиддий ўзгаришларга, умуминсоний қадриятларни янгидан-янги неъматлар билан бойитадиган туб бурилишлар вужудга келади.

Халқимиз ўзининг кўхна тарихида Уйғониш ҳодисасининг турли шаклларини кўрган. Жумладан, Абу Наср Форобий, ал-Хоразмий, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа ўнлаб улуг бобокалонларимиз номи билан боғлиқ бўлган IX-XII аср Уйғониш даври Туронзамин халқлари тарихидаги биринчи Ренессанс ҳодисаси бўлди.

Соҳибқиён Амир Темур ва темурийлар номи билан боғлиқ бўлган қарийб 500 йиллик давр туркийлар ҳаётидаги иккинчи Уйғониш даври, миллий тикланиш, миллий тараққиёт палласи бўлиб тарихда абадий қолди. Бу иккинчи Ренессанс ҳодисаси жаҳон фани, маданияти, умуминсоний қадриятларни олиймақом даражада ўзида мужассам этган миллий давлатчилик ва бошқарув тизимининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган буюк воқеликдир.

XX асрнинг сўнгги йиллари ўзбек халқи тарихида бутунлай янги даврни бошлаб берди. Бу Мустақиллик, Миллат тушунчалари билан боғлиқ бўлган Миллий Уйғониш, бутунлай янги тарихий шароитларда бутунлай янги миллий давлатчиликка асос солиш сингари абадиятга дахлдор ҳодисадир. Ўзбекистон Республикаси ўзининг жуда катта ақлий ва жисмоний имкониятларини намоён этиб, жаҳон сиёсатига энг замонавий фикрлар билан кириб бораётган, ўзининг новаторлик кучини кўрсатаётган, давлат ҳаётида юз бераётгани сингари жаҳон ижтимоий-

сиёсий жараёнларини ҳам тубдан ислоҳ қилишга таъсир қиладиган фоятда янги имкониятларини кўрсатиб бормоқда.

Миллий уйғониш, миллий ўзлигини англаш мустақиллик берган буюк неъматдир. Ана шулар туфайли ҳам миллат қаддини ростламоқда. Қадимий, асрлар мобайнида тўплаган нуфузини қайтадан тикламоқда. Дарҳақиқат, ҳамиша уйғоқ ҳалқ яратувчиликка, бунёдкорликка қодир бўлади. У ўз имкониятларини тобора бойитиб боради.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, **Мустақиллик, Миллат тушунчалари ва бевосита унинг ташаббускори Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлган учинчи Ренессанс даври бошланди**.

Мустақиллик — ўзбек ҳалқининг тарихий ва энг буюк ютуғи. Уни қўлга киритиш учун ҳалқимиз ўта таҳдикали ва таҳдидли, мураккаб ва машаққатли йўлни босиб ўтди. Асрлар оша ҳалқимиз қалбида асраб-авайлаб келинган бу буюк орзуга кўплаб курбонлар, таҳқирлар ва истироблаб билан етишдик. Шу сабабли ҳалқимиз бутунги тинч ва осойишта ҳаётга, тўкин ва фаровон дастурхонга, нурафшон орзулар ва режаларга буткул ҳақли ва муносибдир.

Бугунги кунда бизнинг энг буюк вазифамиз мустақилликни асраб-авайлаш, уни янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу эса, аваламбор, эл-юрт осойишталиги, ҳалқ фаровошлиги ва Ватан равнақи йўлида фидокорона меҳнатимиз, юртимиздаги бунёдкорликка ва ҳалқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига турли ички ва ташқи таҳдидларга нисбатан муросасиз фуқаролик позициямиз билан амалга ошади, албатта.

Мухтарам Юртбошимиз фарзандларимизни биздан билимлироқ, кучлироқ, ақдлироқ, ва албатта, баҳлироқ яшashi лозимлигини, Ўзбекистонимизнинг келажаги эса буюк бўлишини муқаррар билиб, бутун фаолиятлари ва барча орзу-умидларини шу юксак келажакка қаратганлар. Шундай экан, Ватанимизнинг мустақиллигини бундан кейин ҳам тобора мустаҳкамлашга интилиш, Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун фидокорона, ташаббускорона ва тадбиркорона меҳнат қилиш, эл учун, юрт учун ёниб яшаш биз учун энг буюк ҳаёт йўли бўлмоғи даркордир.

Мухтасар қилиб айтганда, бу китоб тарихнинг бурилиш палласида ҳалқ дарди, миллат қайғуси буюк шахсларни майдонга чиқаришини янада чуқурроқ англашга хизмат қилади. Энг муҳими, юртимиздаги озодлик, мустақиллик, бугунги тинч-осуда ҳаёт ўз-ўзидан келмагани, уларнинг барчаси ўта оғир ва мураккаб шароитларда умидсизликка тушмай, келажакка катта ишонч билан қараб, Президентимиз раҳбарлигига ҳалқимиз томонидан олиб борилган тинимсиз курашлар, уйкусиз тунлар, изланиш ва яратишлар, баъзан фоят изтиробли, баъзан қувончли интилишлар маҳсули экани, бу йўлда қанчалик азоблар тортишга, илгари ҳеч кўрилмаган синов ва машаққатлардан ўтишга тўғри келганини бу китобнинг ҳар бир саҳифаси орқали кўз ўнгимиздан, тасаввуримиздан ўтказамиз. Ўзбекистон деб аталган бугунги бетакрор ва озод, ҳар томонлама ривожланиб бораётган қудратли мамлакат эл-юртимизнинг меҳнати, яратувчилик салоҳияти билан барпо этилганини бу китоб тимсолида янада чуқур хис этамиз.

Президентимизнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ асари ҳалқимизнинг мустақиллик йўлидаги ана шундай шонли анъаналарига ҳар томонлама муносиб бўлиб, бу ишларни давом эттириш? менинг муқаддас бурчим, бу Ватан — менини, унинг эртанги куни менинг бугунги тайёргарлигимга, эртанги амалий фаолиятимга боғлиқ деган қарашларни ёш авлод дунёқарашининг асосига, ҳаётий эътиқодига айлантиришда, уларнинг иродасини тарбиялашда бекиёс роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам бу китобдаги ҳар бир чиқиши ва материални синчиклаб ўқиб-ўрганишимиш, уни мураккаб ҳаёт йўлларида ўзимиз учун дастуриламал деб билишимиз лозим.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китоби истиқлол тарихимизни ўрганишнинг энг ишончли манбасидир. Чунки ундаги барча ҳужжатлар бирламчи асл ҳужжатлардир. Бу ҳужжатлар қўйидаги жиҳатлари билан айниқса ўта ноёб ҳисобланади.

Биринчидан, бу ҳужжатлар 1989-1991 йиллар давомида юртимизда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнларга бевосита гувоҳ бўлган, уларнинг марказида турган инсон – Президент Ислом Каримов томонидан баён қилинган.

Иккинчидан, бу ҳужжатлар халқимизнинг мустақилликка эришиш жараёнида буюк тарихий миссияни адо этган, яъни истиқлол ҳодисасининг сиёсий-хуқуқий, маънавий-мафкуравий асослари бўлиб хизмат қилган.

Учинчидан, бу ҳужжатлар ўзида жуда катта фактик ва аналитик материаллар, тарихий жараёнлар тафсилотини мужассам этган.

Тўртичидан, бу ҳужжатлар мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнларга қандай ёндашиш, уларни қандай синтез ва анализ қилиш, мантиқий хulosалар чиқариш борасида тарих, фалсафа, социология, сиёсатшунослик ва бошқа ижтимоий фанлар, уларнинг тадқиқотчилари учун назарий-методологик жиҳатдан катта билим манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Бешинчидан, бу ҳужжатлар тарихнинг бурилиш даврларида тарихий шахс ва халқ оммасининг нақадар ҳал қилувчи роль ўйнаши, ана шу икки куч бирлашган, бир мақсад сари интилган тақдирда ҳар қандай эзгу мақсадга эришиш мумкин эканини яна бир бор тасдиқлайди. Фалсафа фанидаги „тарихда шахснинг роли“, „тарихда халқ оммасининг роли“ каби илмий категорияларни айнан Ўзбекистон тарихидан олинган янги мисоллар билан бойитиш имконини беради.

Олтинчидан, ушбу ҳужжатлар илм-фанда, ижтимоий-сиёсий тафаккурда кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган „демократия“, „инсон хуқуқлари“, „қонун устуворлиги“ каби категорияларни янгича амалий мазмун билан бойитади. Яъни, бу илмий тушунчалар конкрет тарихий вазиятда, реал тарихий заминда ўзига хос, яъни ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий манфаатлари, турмуш тарзи, анъана ва қадриятларига мослашган, улар билан бойитилган ҳолда ўзига хос маъно-мазмун касб этишини қўрсатади.

Еттичидан, бу ҳужжатлар моҳият эътибори билан ҳар бир халқ ўз озодлиги ва мустақиллиги, эркин ва фаровон ҳаётини ўзининг мард ва донишманд йўлбошчилари етакчилигига ўз кучи билан ўзи яратади, деган умумбашарийояни исботлайди. Шу тариқа ўзбек халқининг дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги, у ўзининг салоҳияти билан ўзининг буюк келажагини барпо этишга қодир эканига ҳар бир ўқувчи қалбida яна бир бор қатъий ишонч уйғотади. Шунинг учун ҳам бу китобни юртимиздаги ҳар бир ўқувчи нафақат катта қизиқиш ва ҳаяжон, айни вақтда гурур-ифтихор билан ҳам мутолаа қиласди.

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

|                |   |
|----------------|---|
| АССР           | Автоном Совет Социалистик Республикаси  |
| АҚШ            | Америка Күшма Штатлари  |
| БМТ            | Бирлашган Миллатлар Ташкилоти   |
| га             | гаектар   |
| ГКЧП           | Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси (рус тилида: Государственный Комитет по чрезвычайному положению, ГКЧП)                                     |
| ДОСААФ         | Армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгилли жамият (рус тилида: Добровольное общество содействия армии, авиации и флоту, ДОСААФ)         |
| ДХҚ            | Давлат хавфсизлик қўмитаси  |
| ИИВ            | Ички ишлар вазирлиги  |
| кг             | килограмм   |
| КГБ            | Давлат хавфсизлик қўмитаси (рус тилида: Комитет государственной безопасности, КГБ)  |
| КП             | Коммунистик партия  |
| КПСС           | Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ( <i>рус тилида: Коммунистическая партия Советского Союза, КПСС</i> )                                   |
| лот.           | лотин тилига мансуб сўз   |
| МДҲ            | Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги  |
| МК             | Марказий комитет  |
| ОАВ            | Оммавий ахборот воситалари  |
| РСФСР          | Россия Совет Федератив Сициалистик Республикаси ( <i>рус тилида: Российская Советская Федеративная Социалистическая Республика, РСФСР</i> ) |
| ССР Иттифоқи   | Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ( <i>қаранг: СССР</i> )   |
| СССР           | Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ( <i>рус тилида: Союз Советских Социалистических Республик, СССР</i> )                            |
| Т.             | Тошкент   |
| ФА             | Фанлар академияси   |
| ХВФ            | Халқаро валюта фонди  |
| юн.            | юонон (грек) тилига мансуб сўз  |
| Ўзбекистон ССЖ | Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти   |
| Ўзкомпартия    | Ўзбекистон ССР Коммунистик партияси   |
| Ўзбекистон ССР | Ўзбекистон ССР, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси   |
| ҳ.к.           | ҳоказо  |

## НАЗОРАТ ВА МУҲОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Мустақилликка эришиш остонасида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг ҳолати қандай бўлган?
2. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини пасайтиришга сабаб бўлган омилларни санаб беринг.
3. Мустақилликка эришишгача бўлган даврда пенсионер ва колхозчининг ойлик маоши қанча бўлган?
4. 1989-1991 йиллардаги демографик вазиятга баҳо беринг.
5. Нима учун одамларнинг ижтимоий таъминоти қониқарсиз ҳолатда бўлган?
6. Мустақилликка эришиш остонасида ишсизлик муаммосини ҳал қилиш борасида нисбатан қандай тадбирлар амалга оширилган?
7. Республика аҳолисининг неча фоизи кун кечириш учун зарур бўлган энг паст даражадаги даромадга эга бўлган?
8. Халқнинг, деҳқонларнинг фаровон яшашини таъминлаш йўлларини санаб беринг.
9. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш арафасидаги асосий ижтимоий ва иқтисодий ҳолати қандай кўрсаткичлар орқали намоён бўлган эди?
10. Республикада вужудга келган мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият ҳамда аҳоли турмуш даражаси пасайишининг асосий сабаблари нимада эди?
11. Республикамиз раҳбари бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда унинг турмуш даражасини кўтариш борасида қандай чораларни амалга ошириди?
12. Қишлоқ жойларда ишсизликни қисқартириш ҳамда аҳоли даромадларини оширишнинг қандай аниқ йўллари белгиланди?
13. Нима учун ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишида чукур номутаносибликлар пайдо бўлди?
14. Иқтисодиётдаги номутаносибликларни бартараф этишнинг асосий йўллари нималардан иборат эди?
15. Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган стратегиянинг асослари нималардан иборат эди?
16. Республикада шахсий томорқа учун ераларнинг ажратилиши қандай муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имконини берди?
17. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг қандай муаммолари мавжуд эди ва улар қайси йўллар билан ҳал этилди?
18. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилишида мулкни ислоҳ қилиш ва мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиш масалалари қандай ўрин тутади?
19. Инсон манфаати деганда нимани тушунасиз?
20. Инсон манфаатларини туркумларга ажратинг.
21. Аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликлари паймол этилгани ҳақида нималарни биласиз?
22. „Пахта иши“ оқибатларини билсизми?
23. „Кадрлар тўдаси“ деганда нимани тушунасиз?
24. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишнинг аҳамияти қандай эди?
25. Ўзбекистон ССРда Президентлик институти жорий этилишининг аҳамияти нимада?
26. Мустақиллик декларациясининг тарихий аҳамияти қандай?
27. Биринчи марта „Ижтимоий ҳимоя“ тушунчаси қаерда ва қачон қўлланган?
28. Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизими қачон шаклана бошлаган?
29. Мустақилликка эришиш остонасида Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг ҳолати қандай бўлган?

30. 1989 йил ўрталарида юртимизда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятни изоҳланг.

31. Президент Ислом Каримов томонидан 1990 йилда юртимиз салоҳиятига қандай баҳо берилган?

32. Мустабид тузумнинг репрессив ижтимоий сиёсат оқибатлари қандай мисолларда намоён бўлади?

33. Собиқ Иттифоқдаги ўртacha даражага нисбатан оғир ва аянчли ижтимоий манзарага оид қиёсий мисолларни рақамлар орқали изоҳланг.

34. Мустабид тизим инқизорзининг ижтимоий сиёсий сабаблари ва уларни бартараф этиш хусусиятларини таҳлил этинг.

35. Президент Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш осто-насида“ китобида истиқдол арафасида ҳукм сурган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият таҳлили ҳақида гапириб беринг.

36. 1989 йил май ва июнь ойларида юз берган Фаргона воқеаларининг сабаб ва оқибатлари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари ҳақида сўзлаб беринг.

37. Ўш, Кўқон, Гулистон, Паркент ва Бўқада юз берган қонли воқеалар ҳақида нималарни биласиз?

38. „Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнгти талвасаси“ фильмни ҳақида гапириб беринг.

39. Ўзбекистон давлати ва Президенти И.А.Каримовнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, тинчлик ва барқарорликни, миллатларро ҳамжиҳатликни асраршдаги буюк хизматлари ҳақида гапириб беринг.

40. 1990 йил 24 марта Ўзбекистон тарихида биринчи бор президентлик лавозимининг жорий этилиши ва унинг аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.

41. Юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳётида турли гуруҳлар манфаатларининг тўқнашуви ҳақида нималарни биласиз?

42. Ўзбекистон Республикаси раҳбари Ислом Каримов бошчилигига Ўзбекистонда мустақиллик сари қўйилган тарихий қадамлар ҳақида гапириб беринг.

43. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган учта тарихий хужжатнинг қабул қилиниши ва уларнинг ижтимоий-тарихий аҳамияти.

44. Диний радикал кучларнинг террористик жинойи ҳаракатлари.

45. Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш осто-насида“ асарида миллий армияни шакллантириш масаласи.

46. 1990 йил 20 июня қабул қилинган Мустақиллик декларациясида миллий армия, давлат ҳудуди чегараси даҳлсизлиги каби ижтимоий-сиёсий масалаларнинг қўйилиши.

47. Глдян, Иванов бошчилигидаги „десантчилар“ томонидан амалга оширилган қонхўрикларни бартараф этишда Ўзбекистон раҳбарининг жасорати.

48. Президентимиз томонидан айтилган „Мустақил бўлсанг мустақил бўл, давлат бўлсанг — давлат бўл!“ деган гоянинг мазмун-моҳияти.

49. Республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитетининг Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олиниши.

50. Республика ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсиндирилиши.

51. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигига Миллий гвардия ва муқобил хизматга асос солиниши.

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги фармонига асосан, Мудофаа ишлари вазирлигининг ташкил этилиши.

53. Мустақил мамлакатимиз Куролли Кучларини барпо этишнинг ташкилий даври.

**1. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ўзбекистонда юзага келган ўта жиддий муаммолар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

A. Республикада ишсизлар сонининг кўплиги, замонавий технологияларнинг жадал ривожланганлиги.

B. Республика иқтисодиётининг номақбул ихтисослаштирилиши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар улушининг юқорилиги.

C. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг самарали жойлашуви, саноат объектларининг етарли эмаслиги.

D. Республикадаги ижтимоий аҳволнинг қониқарсизлиги, демографик вазиятнинг мураккаблиги\*.

**2. Куйидаги қайси жавобда республикадаги оғир аҳволнинг вужудга келиш сабаблари нотўғри кўрсатилган?**

A. Республика табиий ва иқтисодий ресурсларининг етарли эмаслиги\*.

B. Республикага асосан хом ашё базаси, саноат вазирликлари ва идораларининг мўмай хом ашё манбаи сифатида қараб келиниши.

C. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иктисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмаган, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмаган.

D. Иқтисодий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг мавқеи ва ўрнини ўзgartиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмаган.

**3. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ўзбекистон қишлоқларида ери йўқ оиласар сони қанчани ташкил этган?**

A. 10,5 минг нафар.

B. 240 минг нафар\*.

C. 350 минг нафар.

D. 1,5 миллион нафар.

**4. 1989 йил 17 августда қабул қилинган „Қишлоқда яшовчи ҳар бир оиласи томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой куриш учун барча шартшаронитларни яратиб бериш ҳақида“ги қарорда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига қанча ер ажратиб бериш кўзда тутилган эди?**

A. Ўртacha 6 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 15 баробар кўпайтириш.

B. Ўртacha 4,5 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 10 баробар кўпайтириш.

C. Ўртacha 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш\*.

D. Ўртacha 20 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 5 баробар кўпайтириш.

**5. Қайта ишланмасдан, республика ташқарисига чиқарилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг улуши қанчани ташкил этар эди?**

A. 80 фоиздан кўпроқ\*.

B. 60 фоиздан кўпроқ.

C. 50 фоиздан кўпроқ.

D. 20 фоиздан кўпроқ.

**6. Куйидаги қайси жавобда дехқонларнинг фаровон яшашини таъминлаш, уларнинг даромадини кўпайтиришнинг асосий манбалари тўғри берилган?**

- A. Қишлоқ аҳолисининг иш ҳақини ошириш.  
B. Қишлоқдаги ижтимоий муаммоларни зудлик билан ҳал этиш.  
C. Шахсий томорқаларни кенгайтириш.  
D. Барча жавоб түғри\*.
- 7. Қуйидаги қайси жавобда мустақилликка эришиш арафасида республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини мувофиқлаштиришни кучайтириш мақсадида тузилган идоранинг номи түғри берилган?**
- A. Республика Ташқи ишлар вазирлиги.  
B. Республика Ташқи иқтисодий банки\*.  
C. Республика Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги.  
D. Республика Савдо-саноат палатаси.
- 8. Мустақилликка эришиш арафасида республикада ирригация ва мелиорация ҳолатини яхшилаш зарур бўлган жуда шўрхок ва ўртacha шўрхок ерлар майдони неча гектарни ташкил этган?**
- A. 1500 минг гектарни.  
B. 500 минг гектарни\*.  
C. 570 минг гектарни.  
D. 250 минг гектарни.
- 9. Дехқон-фермер хўжалигининг асосий хусусияти түғри ифодаланган жавобни кўрсатинг.**
- A. Юридик шахс.  
B. Фақат ёлланма меҳнатдан фойдаланади.  
C. Фаолияти кўпроқ мавсумий тавсифга эга.  
D. Кўлами ва имкониятлари кенг\*.
- 10. Мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистондаги барча асосий фондларнинг қанча қисми собиқ Иттифоқ тасарруфидан эди?**
- A. 70 фоизи.  
B. 60 фоизи.  
C. 40 фоизи.  
D. 30 фоизи\*.
- 11. Мустақиллик арафасида ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган меҳнат ресурси неча кишини ташкил этар эди?**
- A. 1 миллионга яқин киши.  
B. 1,5 миллионга яқин киши.  
C. 2 миллионга яқин киши.  
D. 3 миллионга яқин киши.
- 12. 1990 йилда Ўзбекистон аҳолиси неча фоизининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуий даражадан ҳам паст эди?**
- A. Аҳоли 30 фоизининг.  
B. Аҳоли 50 фоизининг.  
C. Аҳоли 60 фоизининг.  
D. Аҳоли 70 фоизининг.
- 13. „Қишлоқда яшовчи ҳар бир оиласи томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида“ти қарор қаҷон қабул қилинган?**
- A. 1989 йил 17 августда.  
B. 1989 йил 21 октябрда.  
C. 1990 йил 24 марта.  
D. 1990 йил 22 июнда.

**14. Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви қачон жорий этилди?**

- A. 1989 йил 17 августда.
- B. 1989 йил 21 октябрда.
- C. 1990 йил 24 марта\*.
- D. 1990 йил 22 июня.

**15. Мустақиллик арафасида етиширилган пахта хом ашёсининг неча фоизи республикадан ташқарига жўнатилган?**

- A. 60 фоизи.
- B. 70 фоизи.
- C. 80 фоизи.
- D. 90 фоизи.

**16. „Пахта иши“ деб номланган қатагон қачондан бошланган?**

- A. 1983 йил сентябрдан.
- B. 1985 йил апрелдан.
- C. 1987 йил мартдан.
- D. 1989 йил августдан.

**17. Ўзбек тилига давлат мақоми қачон берилган?**

- A. 1989 йил 17 августда.
- B. 1989 йил 21 октябрда\*.
- C. 1990 йил 24 марта.
- D. 1990 йил 22 июня.

**18. „Наврӯз“ умумхалқ байрами сифатида қачондан бошлаб қайта тикланиб, кенг нишонланиб келмоқда?**

- A. 1988 йил 21 мартдан.
- B. 1989 йил 21 мартдан.
- C. 1990 йил 21 мартдан.
- D. 1991 йил 22 мартдан.

**19. Мустақиллик учун қўйилган қадамлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

- A. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши.
- B. Президентлик бошқарувининг жорий этилиши.
- C. Мустақиллик декларациясининг эълон қилиниши.
- D. Ҳамма жавоб тўғри.

**20. „Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида“ги қонун қачон қабул қилинган?**

- A. 1989 йил 21 октябрда.
- B. 1990 йил 24 марта.
- C. 1991 йил 14 июня.
- D. 1991 йил 22 июня.

**21. Юргбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Фарғона водийси областларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишлиланган кенгашида (1989 йил 24 июнь, Тошкент шаҳри) куйидаги қайси масалага эътибор қаратди?**

- A. Айтишим керакки, аёллар масаласидаги сиёсат бизда жиддий ўйлаб кўрилмаган...
- B. Айтишим керакки, қишлоқ аҳолисини ишга жойлаштириш масаласидаги сиёсат бизда жиддий ўйлаб кўрилмаган...
- C. Айтишим керакки, пахтачилик масаласидаги сиёсат бизда жиддий ўйлаб кўрилмаган...
- D. Айтишим керакки, ёшлар ва уларни ишга жойлаштириш масаласидаги сиёсат бизда жиддий ўйлаб кўрилмаган...\*

С. Республика нинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, маънавий-сиёсий вазият ва уни барқарорлаштириш.

D. A, С жавоблар тўғри\*.

**29. Мамлакатимиз дахлсизлигини таъминлаш учун биринчи галда қайси ишлар бажарилиши белгиланган эди?**

A. Ҳарбий комиссариатларни республика ихтиёрига ўтказиб, сабиқ Иттифоқ армиясига аскар юбориш.

B. Иттифоқ худудида хизмат қилаётган ўзбекистонлик аскар ва зобитларни республикага қайтариш.

C. Ўзбекистон худудида жойлашган барча ҳарбий гарнizon ва ҳарбий қисмларни республика тасарруфига ўтказиши\*.

D. Фақат А ва В жавоблар тўғри.

**30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан Мудофаа ишлари вазирлиги қачон ташкил этилди?**

A. 1991 йил 31 августда.

B. 1991 йил 6 сентябрда.\*

C. 1991 йил 25 августда.

D. 1990 йил 5 июня.

**31. „Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий қисмлари ва ўқув муассасаларини Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олиш тўғрисида“ ги қарор қачон қабул қилинди?**

A. 1992 йил 10 январда\*.

B. 1992 йил 8 январда.

C. 1991 йил 25 октябрда.

D. 1991 йил 30 декабрда.

**32. Иттифоқ худудларида миллий низоларнинг кучайини сабабларини кўрсатинг.**

A. XX асрнинг 80-йиллари охиirlарига келиб СССР иқтисодий, ижтимоий-сиёсий инқирозининг кучайиши.

B. Раҳбарликдаги маъмуриятчилик, буйруқбозлик усулида ҳокимият учун курашнинг авж олиши.

C. Ўзликни англаш натижасида миллий мустақиллик учун кураш ва миллатлараро низоларнинг кучайиши.

D. Ҳамма жавоб тўғри\*.

**33. Президент И.А. Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш осто-насида“ китобида Фарғона фожиаси воқеаларининг туб инқирози сабаблари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

A. Фарғона водийсида яшаётган аҳоли ижтимоий-иқтисодий аҳволининг оғирлиги билан боғлиқ масала.

B. Ёшларни ишга жойлаштириш масаласи.

C. Одамларнинг таъминоти, даромади, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, фаронлигининг ҳаддан ташқари пастлигига оид масала.

D. A, С жавоб тўғри\*.

**34. 1989 йил 20 майдада Ўш фожиасидан кўзланган мақсад:**

A. Сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлини танлаш.

B. Туркий халқларнинг асрлар мобайнидаги қон-қариндошлигини парчалаш.

C. Радикалистларнинг ҳокимииятга эришишга уриниши.

D. Ҳамма жавоб тўғри.\*

**35. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида ўз фаолиятини бошлаган санани кўрсатинг.**

A. 1986 йил 23 июль.

B. 1989 йил 23 июня\*.

C. 1990 йил 24 март.

D. 1990 йил 20 июнь.

**36. Миллатлараро ҳамжиҳатликни асраш йўли тўғри кўрсатилган жавобни кўрсатинг.**

A. Миллатлараро одилона миллий давлат сиёсатини юритиши\*.

B. Миллий ўзликни англашга йўл бериш.

C. Жамиятни ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маънавий-аҳлоқий ривожлантириш.

D. Тўғри жавоб йўқ.

**37. Ўзбекистон тарихида биринчи марта президентлик лавозими қачон жорий қилинди?**

A. 1990 йил 24 марта\*.

B. 1989 йил 23 июня.

C. 1990 йил 20 июня.

D. 1991 йил 15 февралда.

**38. Ўзбекистон Президенти сифатида Ислом Каримов Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990 йил 24 марта даги сессиясида сўзлаган нутқида ўзининг асосий вазифалари деб билган тўғри жавобни кўрсатинг.**

A. Ўзбекистон ССР сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштиришни, республикада яшовчи барча миллат ва халқлар вакиллари ўртасида ўзаро хурмат, тинчлик, осойишталикни, барқарорликни таъминлаш.

B. Республиканиг иқтисодий мустақиллигини, ўзини ўзи идора қилишга, ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиш, халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг аҳлоқий ва жисмоний такомилини таъминлаш.

C. Янги Иттифоқни конфедерация сифатида тузиш.

D. А ва В жавоблар тўғри\*.

**39. 1991 йил 20 августда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқа мурожаатида қайд этилган тўғри фикрини кўрсатинг.**

A. Оғир вазиятдан саросимага тушмаслик, қуруқ ваъдаларга ишонмаслик, тинчлик, осойишталик керак.

B. Ўзбекистон Республикаси қайта куриш даврида бирорнинг гапига кириб иш тутган эмас.

C. Халқимиз бошидан кечирган даврлар бизнинг тарихимиздир, ўз сиёсатимизни олиб бориш, мустаҳкам тартиб-интизом тарафдоримиз.

D. Барча жавоблар тўғри\*.

**40. 1991 йил 9 декабрида Намангандаги шаҳрида бош кўтарган бир гурӯҳ диний кўпорувчи террористик радикалистларнинг талаблари қандай эди?**

A. Дунёвий тузумдан воз кечиши, Ўзбекистонни исломий давлат деб эълон қилиши, исломий кийинишга ўтиш.

B. Дунёвий мактабларни барпо этиш, мактабларни диндан ажратиши.

C. Намангандаги собиқ сиёсий таълим муассасалари биноларини ислом радикаллари ихтиёрига бериш.

D. А, С жавоблар тўғри\*.

**41. 1991 йил 31 августда қандай тарихий хужжат қабул қилинган?**

A. Мустақиллик декларацияси.

B. „Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида“ги қонун.

C. „Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида“ги қонун.\*

D. „Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида“ги қонун.

**42. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш обьектлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?**

- A. Кам таъминланганлар.
- B. Нафақаҳўрлар.
- C. Ёшлар.
- D. Ногиронлар.

**43. Аҳоли фаровонлиги даражаси тушунчаси ...**

- A. Аҳолининг етарли даражада фаровон яшши.
- B. Аҳолининг бир хил даражада даромад олиши.
- C. Оиласалар ўртача даромадларининг минимал истеъмол бюджетидан юқори бўлиши.
- D. Одамларнинг муносаб турмуш кечиришлари.

**44. Фаровонлик нима?**

- A. Даромад ва харажатларнинг тенглиги.
- B. Оила даромадларининг минимал истеъмол бюджетидан юқорилиги.
- C. Жон бошига тўғри келувчи даромадларнинг минимал истеъмол бюджетидан юқорилиги.
- D. Ҳамма жавоб тўғри.

**45. Камбагаллик нима?**

- A. Даромаднинг яшаш учун етмаслиги.
- B. Харажатларнинг даромаддан зиёдлиги.
- C. Оила даромадларининг минимал истеъмол бюджетидан пастлиги.
- D. Жон бошига тўғри келувчи даромадларнинг минимал истеъмол бюджетидан пастлиги.

**46. Ижтимоий муҳофазадан кўзда тутилган асосий мақсад нима?**

- A. Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш.
- B. Аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл кўймаслик.
- C. Аҳолининг заиф тоифаларини ҳимоялаш.
- D. Ҳамма жавоб тўғри.

**47. Ишчи кучи фаол ижтимоий муҳофаза таъсир доирасига кирадими?**

- A. Киради.
- B. Кирмайди.
- C. Қисман киради.
- D. Тўлиқ киради.

**48. Ўзбекистон аҳолисининг қанча қисми ижтимоий муҳофаза қилинади?**

- A. Барча аҳоли.
- B. Аҳолининг учдан икки қисми.
- C. Аҳолининг ярми.
- D. Аҳолининг чорак қисми.

**49. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза этишининг устувор хусусиятлари нималардан иборат?**

- A. Аҳоли сони кўп, милий даромад эса кам.
- B. Аҳоли тез ўсади, иқтисодиёт таркиби эса такомиллашмаган.
- C. Аҳоли тез ўсади, айниқса қишлоқ аҳолиси кўп.
- D. Аҳоли сони кўп, иш жойлари эса кам.

**50. Турмуш даражаси тушунчаси ҳақидаги тўғри жавобни кўрсатинг.**

- A. Олинадиган даромадлар даражаси.
- B. Қилинадиган харажатлар даражаси.
- C. Даромадлар ва харажатлар фарқи.
- D. Ҳамма жавоб тўғри.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

七三

Digitized by srujanika@gmail.com

#### **REFERENCES**

#### ANSWER

ANSWERSKRIFTEN WORGENSCHRIJVEN

HR MFTRNMSX

A. STICK

THESE TESTIMONIES ARE THE PROPERTY OF THE LIBRARY OF THE UNIVERSITY OF TORONTO. THEY MAY NOT BE COPIED IN WHOLE OR IN PART, WITHOUT THE PERMISSION OF THE LIBRARY.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“  
китобини ўрганиш юзасидан маҳсус курс**

## ҮҚУВ ДАСТУРИ

(НОТОНКЭДСҮҮКДЛҮҮНҮШ)

(барча таълим ўннашлари ва мутахассислеклери учун)

Камчынан мемлекеттеги Түркесбековдун  
Түркесбековдун анын төмөнкүүлүгүндөн кийин  
Хүннүүкөдүйсүзлүктөрдөн кийин

ЛІКЕМІДІК-ІНСІДЕНТІВІВ  
Х ВІЯСОІ НІНГІВІКОНФ-ІНДІКЕТОВІВ І МІДІС-  
ІДІОХЕМ-ІДІАКІВІКІВ, ІНІДІДІСІВІВ

СИМВОЛЫ МАТЕРИАЛОВ  
ЗАЩИТЫ ПОЛЕТОВ

СИДИ  
МНОГИХ ВЪ-ВДѢВУДѢ  
СИДИ МНОГИХ ВЪ-ВДѢВУДѢ

## КИРИШ

**Курснинг долзарбилиги.** Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий бозор муносабатлариiga асосланган, эркин, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги мустақил тараққиёт йўлини бошдан кечираётган тарихий жараён қизғин паллага кирган, жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизациялаш, давлат бошқаруви тизими니 ислоҳ этиш шиддат билан бораётган бир пайтда ушбу тарихий давр моҳиятини тўла англаб этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай фуқаро, хусусан талабаларнинг мустақиллик моҳиятини олий қадрият даражасида англаш, уни ҳимоя қилиш ва асрар, ривожлантириш, янгиланаётган жамият ҳаётини янги тажрибалар асосида бойитишга тайёргарлик даражаси тобора долзарблик касб этмоқда. Бу бевосита совет мустамлакачилигининг сўнги даври, Ўзбекистоннинг мустақиллик учун кураши, „советлар оиласи“да ўз ҳукми, фикри ва қатъий позициясига эга бўлган жиҳатларини ўрганишни тақозо этади. Зотан, мустақиллик моҳиятини кенгроқ англаш учун мустамлакачилик зулмини чуқур ҳис этиш зарур. Шунингдек, Ўзбекистоннинг иттифоқ таркибида биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилганлиги ва мустақил тараққиёт даврида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айлангани, дунёнинг энг фаол давлатлари қаторига чиқа олганлиги, дунё муаммоларини ҳал этишда ўзининг қатъий позициясига эгалиги билан алоҳида ажралиб турганлигини аниқ воқеалар, ҳодисалар, далиллар ва хужжатлар асосида, тарихий-тадрижийлик меъёрлари доирасида ўрганиш ушбу курснинг долзарбилигидан далолат беради.

**Курснинг мақсади.** Талабаларда Ўзбекистонда мустақилликкача ғоят бўхронли, сиёсий пўртаналар кучайган, таҳдидли ва таҳликали давр воқеаларини ўрганиш, миллий давлатчилик пойдеворини тиклаш асносида юзага келган кескин тарихий-сиёсий вазиятлар, қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни талқин қилиш орқали самарали касбий ва бошқарув фаолиятини юзага келтирувчи тарихий-назарий билимларга эга бўлиш, кўникма-маҳорат малакасини шакллантириш.

**Курснинг вазифаси.** Мустақиллик тафаккур тарзимизни ўзгартириб юборди, ҳаёт моҳиятини яна ҳам чуқурлаштириди, яшаш истаги инсон моҳияти ва қадриятига айланмоқда. Ўз навбатида онгимиз ва тафаккуrimиздаги бундай кескин бурилиш табиий равишда мустақил Ўзбекистон давлатининг янги тарихига ўзгача қарашни тақозо қилмоқда. Хусусан, мустақилликкача бўлган давр билан боғлиқ бўлган тарихий жараёнларни фалсафий-мантиқий тушуниш, истиқлол тарихини фалсафий англаш, янги замонамизда рўй берган тарихий-сиёсий воқелик ва ҳодисаларга таҳдилӣ ёндашиш, уларни миллий истиқлол босқичма-босқич курашлар эвазига қўлга киритилганини идрок этишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Айни шу ҳолат курсда мустақилликкача бўлган даврни ўзига хос тарихий ижтимоий жараён сифатида тадқиқ этиш ва ўзлаштириш вазифаларини куйидагиларга асосланиб олиб борилишини назарда тутади:

- талабаларда тарихий хотира, миллий ўзликни англаш, мустақил ватанга садоқат туйғуларини мустаҳкамлаган ҳолда давлат ва жамият бошқарувида ўз куч ва имкониятларига таяниб ишлаш ҳиссини шакллантириш;
- талабаларда мустақил давлатчилик, унинг суверенитети, ички ва ташқи сиёсатига нисбатан бўлаётган маънавий мафкуравий таҳдидларга, яъни „катта

ўйинлар“ таъсиридаги миллий давлатчилигимиз тарихини менсимаслик билан боғлиқ бўлган ҳаракатларга нисбатан доимо огоҳ, сезгир ва хушёр бўлиш кўникмаларини такомиллаштириш;

— миллий давлатчилик тизими бошқарувидаги структуравий тузилмаларнинг самарали фаолият юритиши учун тарихий шароитларни юзага келтирган давлат етакчисининг сиёсий шароити ва катта бошқарув маҳорати тажрибасини ўрганиш;

— 1989—1991 йиллар давомида мустақил Ўзбекистон давлатчилиги йўлидаги курашлар, изтироблар, эски тоталитар тузум шароитида янги миллий давлат ва жамият куриш жараёнларига тарихий зарурат сифатида чукур мушоҳада қилишга эришиш;

— миллий ўзликни англаш ва тарихий хотира, мустақил давлатни барпо этиш сиёсати билан боғлиқ бўлган ташвиқот-тарғибот ишларини такомиллашган тарихий билимлар билан таъминлаш.

**Курсни ўрганиш тамойиллари.** Мазкур курс Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ асарида илгари сурилган фоялар, хусусан, совет империяси шароитида мустақиллик учун кураш эволюцияси, динамикаси, бу йўлдаги кескин курашлар ва мамлакат раҳбарининг илгари сурган концептуал фояларига асосланиб ўрганилади. Шунингдек илмий тадқиқотнинг тарихийлик, мантиқийлик, функционал тизимлилик, объективлик, ўзаро алоқадорлик тамойилларига асосланади.

**Ўқув курсининг мазмуни.** Ўқув курси доирасида 1989—1991 йиллардаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият, Ўзбекистоннинг мустақиллик учун қатъий кураши жараёнларини ўрганиш маънавий стратегиямизнинг асосий мезонларидан биридир.

Курс мобайнида талабалар мустақилликкача бўлган мамлакатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий позицияси, сиёсий иродаси ва жасорати туфайли эришилган ютуқлар, жиддий тўсиқ ва қарама-қаршиликларни енга билган шахс сифатидаги фазилатларини ўрганадилар ва ўзлаштирадилар.

Курс давомида олиб бориладиган машғулотлар талабаларда новаторлик, динамика ва энергетик омилларнинг ҳаракат уйғунлигини, яъни янгиликка интилиш, инсоннинг тадрижий камолоти, етуклик эволюцияси, хатти-ҳаракатларнинг фаоллашуви билан бир қаторда инсондаги уйғониш жараёни қандай кечеётганини белгилаш имконини беради.

Курсада истиқлол арафасидаги йилларда руҳий парокандалик, маънавий озурдалил, иқтисодий танглик ва сиёсий бўхронлар даври сифатида мустақил тараққиёт йўлидаги асосий зиддиятлар талқин ва таҳлил қилинади. Мустақиллик азалдан инсониятнинг орзу-умидлари, армон ва изтиробларининг ижобати, рӯёби сифатида намоён бўлиб келди. Зоро, Озодлик учун кураш феномени билан боғлиқ ҳолатнинг ўзи инсон орзу-умидлари ва иродаси орқали тарихий жараёнларнинг мазмун ва моҳиятини белгилайди. Истиқлол эса, ўзбек ҳалқининг мустақил камолот йўли, миллатлараро тутувлик, ўзаро хурмат, бир-бирини тан олиш, Ўзбекистон давлати фуқароларининг ўзаро муносабати, шунингдек жаҳон давлатлари ўртасида алоқаларда ҳам умуминсоний муносабатлар мантиғи ва тамойилларига таяниш, умупланетар турмуш мезонлари асосида яшаш давридир. Шахс эркинлиги, давлат мустақиллиги ва даҳлсизлиги бевосита ҳар бир Ўзбекистон фуқароси қалби орқали жамиятда мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Бу давр ўзбеклар жамияти учун истиқболга даъват этувчи кудратли кучнинг устувор сиёсат моҳиятига эга бўлган тарихий даврdir.

Курсада мустақилликкача бўлган даврни айни шу холосалардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий воқелик сифатида тингловчи қалбida англаниши билан уларни

ислоҳотларга тайёрлаш, ўзгаришлар жараёнида фуқароларнинг оммавий иштирокларини таъминлаш имкониятларини кучайтиради. Талабанинг тарихий билимлар туфайли янгиланаётган ҳаёт ва туб ўзгаришлар назариясини тушуниши, уни ҳаётга татбиқ этиш ва амалга ошириши эса раҳбаршуносликнинг замонавий мезонлардан бирига айланишини тақозо этади.

Курснинг мақсадларини амалга оширишга қаратилган машғулотлар ташкил қилинади ва ўтказилади. Уларда таълим беришнинг энг янги шакл, усул-услублари, таъсирчан технологиялар ҳамда уларни амалий қабул қилишнинг педагогик воситаларидан кенг фойдаланилади. Уларни амалий машғулотларда қўллаш орқали тингловчиларда тарихий жараёнларга сиёсий-фалсафий жиҳатдан ёндошув кўникмасига эришилади.

**Машғулотларни ўтказиш методикаси ва усуллари.** Маъruzалар муаммовий маъruzалар шаклида ўтказилади. Суҳбатлар тақдимот, мунозара шаклида амалга оширилади. Семинар машғулотлар эса тақдимот, кичик гурӯҳларда ишлаш ҳамда ўқув жараёнининг бошқа интерфаол шаклларида амалга оширилади. Талабаларнинг билишга интилишини рағбатлантиришга қаратилган ўқитишининг фаол усуллари, асосан, диалоглар шаклидаги ёки бу муаммони ҳал қилиш йўллари бўйича эркин мулоқотни назарда тутади. Ўқитишининг фаол усулларидан суҳбат, мулоқот, семинар, тренинглар қўлланилади. Педагогнинг фаол таъсир ўтказиш услуби ҳамда ўқишни ташкил қилиш бўйича тингловчилар билан мулоқот талабчанлик ҳамда рағбатни назарда тутади. Ушбу машғулотлар билиш, қўллаш, таҳлил қилиш ва натижага эришишга йўналтирилган алгоритм асосида амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон“  
мустақилликка эришиш остонасида“ китобини ўрганишга  
мўлжалланган маҳсус курс ўкув дастурининг  
ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ**

| <b>Мавзу тартиб рақами</b>   | <b>Мавзунинг номи</b>  | <b>Ажратилган ўкув соатлари</b> |
|--|--|---------------------------------|
| <b>Маъруза машгулотлари</b>  |  |                                 |
| 1-мавзу  | Мустақиллик арафасидаги чуқур инқироз ҳолатининг ҳаққоний таҳлили  | 2 соат                          |
| 2-мавзу  | Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги фидойилик  | 2 соат                          |
| 3-мавзу  | Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ этишининг принципиал масалалари талқини                                     | 2 соат                          |
| 4-мавзу  | Миллий армияни шакллантириш, миллий хафғизлиларни таъминлаш  | 2 соат                          |
| 5-мавзу  | Суд-хукуқ тизимини янги асосда барпо этиш  | 2 соат                          |
| 6-мавзу  | Инсон манфаати, хукуқ ва эркинликларини таъминлаш  | 2 соат                          |
| 7-мавзу  | Ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш   | 2 соат                          |
| 8-мавзу  | Аҳоли саломатлиги, фан, таълим, маданият ва спорт жабҳаларига эътибор  | 2 соат                          |
| 9-мавзу  | Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши   | 2 соат                          |
| <b>Жами:</b>   |  | <b>18 соат</b>                  |
| <b>Семинар машгулотлари</b>  |  |                                 |
| 1-мавзу  | Мустақиллик арафасидаги чуқур инқироз ҳолати, уни бартараф этиш ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишнинг долзарб масалалари                | 2 соат                          |
| 2-мавзу  | Тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллий армияни шакллантириш, миллий хавфсизлиларни таъминлаш — мустақил тараққиёт шарти                 | 2 соат                          |
| 3-мавзу  | Инсон манфаати, хукуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш — жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш асоси | 2 соат                          |
| <b>Жами:</b>   |  | <b>6 соат</b>                   |
| Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобининг мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича давра сухбати |  |                                 |
| <b>Жами:</b>   |  | <b>26 соат</b>                  |

Нече юёз-юммади амалади, салли-чанд олут, измирибди ташмаж. Оңдо сенасиёнг 99 гунчада, XX гунчада — йаш динотини оддий жонд ҳамифея, кетриккази сарнисо, сиззинномадай, мовои, яхшиларнен ёзил

## МАЪРУЗА МАШГУЛОТЛАРИ

### **1-маеву. Мустақиллик арафасидаги чукур инқироз ҳолатининг ҳаққоний таҳлили (2 соат)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китоби ҳақида умумий маълумот. Яқин тарихимизнинг энг ноёб ва ишончли манбаига айланган ҳужжатларни ўрганишда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатлар.

Китобда халқимизнинг асрий орзуси бўлган миллий истиқлол мавзусига оид фикр ва қарашлар атрофлича ўз ифодасини топганлиги. Асосий мақсад ўта оғир, таҳликали шароитда мустақилликка эришиш йўлида амалга оширилган улкан ишлар ҳақида ўқувчилар, ёшларга маълумот етказишидан иборат эканлиги. Китобнинг мемуар ёки эсдалик шаклида ёзилган асар эмас, балки шиддатли тарихий воқеалар содир бўлган даврда туғилган асар эканлиги.

Китобдаги ҳаётый фактлар, ўта қалтис ва мураккаб сиёсий-ижтимоий ҳолатларнинг китобхон тасаввурода бутун зиддият ва қарама-қаршилиги билан яққол намоён этилиши. Мустабид тузумнинг шафқатсиз қатагон аппарати Ўзбекистон ва унинг янги раҳбарига нисбатан турли зуфум ва тазийиқларни тинимсиз кучайтиришининг мантиқий изчиликлда ёритилиши. Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши китобнинг энг драматик, энг ҳаяжонли саҳифаларини ташкил этиши.

Ижтимоий-сиёсий тафаккур, тарихни англаш борасидаги бўшлиқнинг тўлдирилиши. Мустақилликни эркинлик тўғрисидаги шиорлар билан эмас, балки сиёсий, иқтисодий, маънавий мазмун билан тўлдириш кераклиги – Юртбошимиз фаолиятининг бош мезони.

Китобга киритилган ҳар бир чиқиш юртимизни миллий истиқлолга олиб келган мешақатли ва шарафли курашлар тарихининг ёрқин саҳифаси сифатида алоҳида аҳамият касб этиши.

Мазкур мураккаб мавзунинг ноёб тарихий ҳужжатлар ва теран таҳлил асосида ёритиб берилиши мамлакатимиз жамоатчилигининг ушбу китобга бўлган қизиқиши ва эътиборини янада ошираётганлиги. Унинг фақат бугунги кунимизга эмас, келажакка қаратилган китоб эканлиги.

Истиқлол тарихимизнинг ҳозирга қадар атрофлича ёритилмаган саҳифаларини ҳар томонлама чукур исботланган, рад этиб бўлмайдиган аниқ тарихий ҳужжатлар асосида тўлдириши. Асарда яқин тарихимиздаги суронли ва тўфонли воқеа-ҳодисаларнинг ҳақиқатга асосланиб, ўз онгу шууридан, қалбидан кечирган муаллифнинг теран нигоҳ, улкан донишмандлик, ўз халқи ва юритига чексиз муҳаббат ва садоқат ҳисси билан ёритиб берилиши.

Жамият ҳаётидаги туб бурилишлар даврида ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўзи буюк йўлбошчиларни майдонга чиқариши. XX асрнинг 90-йилларига келиб Президентимиз Ислом Каримовнинг ўта оғир ва масъулиятли вазифани ўз

зиммасига олиши. Унинг фақат республика манфаатини, мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартаришни раҳбар фаолиятидаги бош мезон деб билиши.

Республика раҳбари сифатида иштирок этган биринчи мажлисдаёқ ўзининг раҳбарлик позициясини очиқ баён этиши. Бундан буён эскича яшолмаслигимиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймаслиги. Юртбошимизнинг буюк бир миссияни — Ўзбекистонни, унинг жафокаш халқини узоқ давом этиб келаётган мустамлакачилик зулмидан озод этиш вазифасини ўз зиммасига олганлиги.

Собиқ мустабид тузум бутун кирдикорларининг аниқ далил ва рақамлар билан очиб ташланганлиги. Йиллар давомида йиғилиб келган, ижтимоий портлаш даражасига етган оғир муаммоларни ҳал этиш масаласининг кун тартибига қатъий қўйилиши. „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китоби яқин тарихимизнинг энг мураккаб ва таҳликали даври бўлган истиқлол арафасида юртимизда ҳукм сурган ўта оғир ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳаққоний тасвирлаб берадиган энг ишончли манба эканлиги.

## **2-мавзу. Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги фидойилик (2 соат)**

Жамиятнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш йўлида ўзининг бутун куч-кудрати ва салоҳиятини сафарбар этиш — буюк йўлбошчиларга хос асосий фазилатлардан бири. XX асрнинг 80-йиллари охирларида узоқ йиллар давомида ҳал этилмаган муаммоларнинг охир-оқибатда ижтимоий ларзаларга, миллий низоларга олиб келганлиги.

1989 йилнинг май-июнь ойларида Фарғона фожиаларининг рўй бериши. Собиқ Марказнинг Ўзбекистонда беқарор вазиятни вужудга келтириш, охир-оқибатда эса бутун Ўрта Осиёда фуқаролар урушини авж олдиришни кўзлаган, қизил империяни сақлаб қолишга интилаётган бетайин позициясининг ёвуз кучларга йўл очиб берганлиги.

Фарғона воқеалари масаласида ҳам сиёсий-назарий, ҳам ташкилий-амалий, ҳам мафкуравий соҳада олиб борилган фаолият. Республика янги раҳбарининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мажлисida сўзлаган нутқи. КПСС Марказий комитети олдига юртимиздаги вазиятни барқарорлаштириш вазифасининг кескин қилиб қўйилиши. Республикада мавжуд ижтимоий вазиятни назарда тутган Ўзбекистон раҳбари содир бўлган воқеалар юзасидан ўз позициясини очиқ-ойдин баён этиши. Ҳаётнинг қайноқ нафасини бевосита ҳис қилиш, яхши-ёмон кунларда ҳалқ билан бирга бўлиш, эл-юртнинг дарду қувончига доимо шерик бўлишни Ўзбекистон раҳбари ўзининг ҳаётий маслаги, олий инсоний бурчи деб билиши. Барча муаммолар ҳақида очиқ гапириши, ҳамиша ҳақиқатнинг кўзига тик қараши унга нисбатан ҳалқимизнинг эътирофи ва эҳтиромини уйғотганлиги.

Фарғона фожиаларининг шовинизмга алоқадор сабаблари. Ўзбекистон раҳбари томонидан Фарғона воқеалари туб сабабларининг очиб берилиши.

Ўш шаҳарида рўй берган қонли воқеалар, оммавий тўполонларнинг тафсилоти. Ўш фожиаси — уюштирилган, пухта ўйланган фожиа эканлиги. Юртбошимизнинг Ўш фожиаларини бартараф этиш борасидаги қатъиятининг турлича баҳоланиши.

Миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш — ўтиш даврининг ҳал құлувчи масаласи, мамлакатда тинчлик ва осойишталиктин мустаҳкамлашнинг энг муҳим омили. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар давлат сиёсатининг муҳим бўғинига айланганлиги.

**Миллатлараро муносабатлар** — бу ижтимоий ҳодиса, маънавий-ахлоқий ҳодиса эканлиги. Президент Ислом Каримовнинг раҳбарлик фаолиятида миллатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик масаласига доимо устувор аҳамият берib келинаётганлиги.

Наманган воқеаларининг тафсилотлари. Бир гурӯҳ қўпорувчи кучлар, ақидапарастлар ҳаракатлари аъзоларининг ҳукумат вакилларига қўйган талаблари. Бунга нисбатан Ислом Каримовнинг қатъиятли ва жасоратли ҳаракатлари туфайли беҳуда қон тўкилишларнинг олдини олганлиги.

### **З-мавзу. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ этишининг принципиал масалалари талқини (2 соат)**

ХХ асрнинг 80-йиллари охирида собиқ Иттифоқ, шу жумладан, Ўзбекистонда вужудга келган ижтимоий-иктисодий муаммолар. Республикада демографик вазиятнинг мураккаблашуви. Республика иқтисодиётининг бирёқлама, ҳаддан ташқари номақбул ихтисослаштирилиши. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг стихияли равишда жойлаштирилганлиги. Республикадаги ижтимоий аҳволнинг, одамларнинг ижтимоий таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мутлақо қониқарсизлиги. Бундай оғир аҳволнинг вужудга келиш сабаблари.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда турмуш даражасини кўтариш чораларининг амалга оширилиши. Маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини пасайтирувчи омиллар.

Мустақилликка эришиш арафасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими. Аҳоли ўртасида ишсизлар сонининг жадал равишда ўсиб бориши. Мустақилликка эришиш арафасида аҳоли даромадларининг пастлиги, унинг таркибида истеъмол ҳаражатлари улушкининг юқори даражаси.

Мамлакат раҳбари томонидан вужудга келган аҳволдан чиқиш йўлларининг белгилаб берилиши. Аҳолига томорқа ер бериш масаласининг кун тартибига қўйилиши. Қишлоқ жойларда аҳоли учун томорқа ерлар ажратишини кенгайтириш орқали ҳал этиш кўзда тутилган муҳим масалалар.

Қишлоқ жойларидаги ҳар бир оиласи сигир билан таъминлаш масаласининг кун тартибига қўйилиши. Қишлоқда яшайдиган одамларни иш билан таъминлаш борасидаги асосий йўналишлар. Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш республика дастурининг амалга оширилиши. Республикадаги кўп фарзандли оиласарни ижтимоий ҳимоя қилишга янада кўпроқ аҳамият қаратилганлиги.

Ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишида вужудга келган чуқур номутаносибликлар ва уларни бартараф этиш чоралари. Иқтисодиёт тармоқларини таркиб топтириш ва ривожлантиришда йўл қўйилган нуқсон ва қамчиликлар.

Республика иқтисодиёти таркибий тузилишининг янада такомиллаштиришда ташқи иқтисодий имкониятлар самарадорлигини ошириш муаммо ва вазифалари.

Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган стратегия асослари. Мамлакат иқтисодий ресурслари ва имкониятларига баҳо беришга мутлақо янгича ёндашиш зарурлиги. Республиkaning халқ истеъмоли моллари жиҳатидан қарамликни тугатиш учун шароитларни яратишга эътибор қаратилиши. Иқтисодий суверенитетта эришишнинг амалий масалалари.

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар. Ўзбекистонда вужудга келган пахта яккаҳокимлигининг салбий оқибатлари. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги янги ташабbusлар, амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар. Ер ва сув масаласини ҳал этишда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар.

Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлини танлашида республиканинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш зарурлигининг асосланиши. Халқнинг, дехқонларнинг фаровон яшашини таъминлаш ва даромадини кўпайтириш йўллари. Дехқон-фермер хўжалигининг асосий хусусиятлари, уларни ривожлантиришнинг асосий муаммолари.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш муаммолари ва уларнинг ҳал этилиши. Иқтисодиётда бозор муносабатларини босқичма-босқич шакллантириб ва ривожлантириб бориш жараёнини маҳсадга мувофиқ тарзда, самарали амалга ошириш тадбирлари. Ўзбекистондаги оғир ижтимоий-иктисодий шароитда „сакраб ўтиш“ гоясининг республика учун оғир, ҳалокатли оқибатларга сабаб бўлишининг асослаб берилиши.

Мулкни ислоҳ қилиш ва мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиш масалалари. Ўзбекистонда Мулкчилик тўғрисидаги қонунни тайёрлашда энг муҳим деб топилган масалалар. Хусусий корхоналарнинг ташкил этилиши борасидаги фикр-мулоҳазалар.

#### **4-мавзу. Миллий армияни шакллантириш, миллий хафвасизликни таъминлаш (2 соат)**

Собиқ Иттифоқ тасарруфидаги ҳарбий қисмларда интизомнинг бўшашиб кетганлиги, нохуш хатти-ҳаракатлар ва белгиланган қонунларнинг бузилишига йўл кўйилиши. Иттифоқ органларига ўзбекистонлик йигитларнинг хизматни ўташ тартибини ўзgartирishi тўғрисида киритилган таклифлар. Ўзбекистондан чақирилган йигитларнинг ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари республика жамоатчилиги тамонидан қатъий назорат остига олиниши.

Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши. Президентнинг бевосита кўрсатмаси билан республика ИИВнинг масъул лавозимларига малакали маҳаллий кадрларнинг кўйилиши. Уюшган жиноятчилик, босқинчалик ва бошқа турдаги жиноятларга чек кўйилиши. Ислом Каримовнинг 1990 йил 5 июнда Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездидан „Ўтмишдан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан“ деган мавзудаги маърузасида қайд этилган муҳим ҳолат ва вазифалар.

Маҳаллий ҳарбий кадрларни тайёрлаш масаласининг доимо устувор масала бўлиб қолиши. Президент ташабbusи билан ҳарбий кадрларни тайёрлаш муассасаларининг ташкил этилиши.

Миллий армияни шакллантиришнинг ҳуқуқий пойдевори. Мамлакат дахлизилигини таъминлаш учун биринчи галда бажарилган ишлар. Ҳарбий комиссариатларни республика ихтиёрига ўтказиб, собиқ Иттифоқ армиясига аскар юборишнинг тўхтатилиши. Иттифоқда хизмат қилаётган ўзбекистонлик аскар ва зобитларни республикага қайтариб олиб келиш. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча ҳарбий гарнizon ва қисмларнинг республика тасарруфига ўтказилиши.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигининг ташкил этилиши. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг „Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ССР ИИВ нинг ҳарбий қисмлари ва ўкув муассасаларини Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олиш тўғрисида“ ги қарори. Республика Миллий хавфсизлик хизмати қошида Чегара қўшинлари бошқармаси ташкил этилиши. Мустақил республика Қуролли Кучларини барпо этиш ташкилий даврининг якунланиши.

### **5-мавзу. Суд-хуқуқ тизимини янги асосда барпо этиш (2 соат)**

Ҳуқуқий мустақилликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар: миллий суд-хуқуқ тизими тамал тошининг қўйилиши. Ислоҳотлар ва янгиланишларнинг асосий мақсади Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш. „Суд-хуқуқ тизими“ тушунчасининг маъно-мазмuni. Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг моҳияти, тизимнинг таркибий тузилмалари, ваколат муддатлари. Ҳуқуқ тизими тушунчасининг мазмuni.

„Давлат тили ҳақида“ ги Қонун — суд-хуқуқ тизимидағи янгиланишларнинг дебочаси. Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш мустақиллик йўлидаги муҳим қадамлардан бири сифатида. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятини давлат тилида юритишлари лозимлигининг белгиланиши. Давлат ҳокимияти бўлиниш принципининг жамиятда амалда рўёбга чиқарилиши давлатнинг демократик хусусиятини белгилайдиган омиллардан бири эканлиги.

Ўзбекистонда президентлик институтининг жорий этилиши. Ўзбекистонда президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши ва биринчи президентнинг сайланиши.

Суд-хуқуқ тизимини янгича тартибда барпо этиш асослари. „Ўзбекистон Республикасида Конституцион назорат тўғрисида“ ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Конституцион назорат комитети таркибининг сайланиши. Ўзбекистон ССЖ Президенти Кенгашининг таъсис этилиши ва унинг аъзоларининг тайинланиши.

„Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида“ ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши. Ўзбекистон ССР Прокурори ҳамда унга бўйсунувчи прокурорларга Ўзбекистон ҳудудида қонунларнинг аниқ, бир хилда бажарилишини олий даражада назорат қилиш ваколатларининг берилиши.

Давлат бошқарувининг ўйғун тизимини яратиш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини бир-биридан қатъий фарқлаб қўйиш мақсадида ҳамда бозор муносабатларига ўтиш шароитида ижроия ҳокимиятини бутун чоралар билан

мустаҳкамлаш, давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишнинг ҳамма жабҳаларида интизом ва тартиб ўрнатишнинг зарурлиги.

Ўзбекистон ССР ҳукумати таркибий тузилмасининг ишлаб чиқилиши. Ўзбекистон ССР Президенти чиқариши мумкин бўлган норматив-ҳукуқий ҳужжатлар таркибининг тасдиқланиши.

Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши. „Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида“ги маҳсус қарорининг қабул қилиниши. „Суверен Республикалар Иттифоқи тўғрисида“ лойиҳанинг асосий фояси. Республикада жамиятни демократлаштириш, Ўзбекистоннинг ҳақиқий суверенитетини ўрнатиш, мамлакатда яшаётган кўп сонли миллатларнинг тотувлиги ва тентлигини таъминлашга эришиш — асосий вазифа сифатида. ГКЧПнинг Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига зид келадиган қарорлари ноқонуний деб эълон қилиниши. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги борасида ўtkazilgan референдумида республика давлат мустақиллигини кўллаб-қувватланиши. Инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишнинг кафолати сифатида адвокатура институти ва адвокатлик фаолиятининг ривожлантирилиши.

#### **6-мавзу. Инсон манфаати, ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш (2 соат)**

Президентимиз Ислом Каримов республика раҳбари бўлиб иш бошлаган биринчи кунлариданоқ инсон манфаатларини, ҳалқимиз манфаатларини энг асосий устувор масала сифатида кун тартибига қўйгани.

ХХ асрнинг 60-йилларидан бошлаб собиқ СССР иқтисодиётида зиддиятларнинг кўчайиб бориши, амалдаги хўжалик юритиши механизмларининг мазкур зиддиятларни бартараф этишга ноқобиллигининг намоён бўлганлиги.

Инсон манфаатлари ва турмуш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар. Мустақилликкача бўлган даврда қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланиши, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида бир қатор ижтимоий муаммоларнинг юзага чиққанлиги.

Мустабид тузум даврида ҳалқимизнинг ҳақиқий тарихи, бой маданий мероси, урф-одат ва анъаналари, Наврӯз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитларини ишонлаш, динга ҳурмат билан муносабатда бўлишнинг тақиқлаб қўйилганлиги.

Бир неча ўн йиллар мобайнида республика иқтисодиёти Марказдан бошқариладиган ягона ҳалқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисмига айлангани.

Марказдан республикамизга юборилган 200 кишидан иборат терлов гуруҳлари томонидан маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олмай, ўзбек ҳалқининг миллий манфаатлари, маданияти, қадр-қимматини поймол этганлиги. СССР раҳбарияти ва давлатнинг бошқа органлари миллий муносабатлар негизида можаролар келтириб чиқариб, ҳалқлар бошига қўркув ва даҳшат солиш йўли билан мамлакат парчаланишнинг олдини олмокчи бўлганлиги.

Ўлкамиздаги вазиятни чинакамига ўнглаш, юртдошларимизнинг ҳаётга қарашини, бутунги ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш учун аввало, уларнинг иқтисодий, моддий аҳволини яхшилаш заруратини чуқур анлаган республика раҳбари томонидан аҳоли учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган жуда катта бир масалани — одамларга томорқа ер бериш масаласини кун тартибига қўйганлиги.

„Пахта иши“ билан боғлиқ бўлган қонунбузарликларни фош этиш, бегуноҳ кишиларни оқлашда Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислом Каримов бошчилигига кенг қўламли ишларнинг бошлаб юборилганлиги.

Мустақиллик арафасида халқимизнинг шаъни ва фурури, қонуний ҳукуқлари, унинг бой тарихи, бебаҳо маданияти, буюк аждодларимизнинг хотирасига нисбатан тарихий адолатни тиклаш бўйича қўйилган дадил қадамлар. Мустақилликка эришиш оstonасида инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши.

### **7-мавзу. Ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш (2 соат)**

Кескин ижтимоий муаммолар гирдобидаги оғир йиллар. Мустақилликкача бўлган даврда юртимида инсоннинг ҳар томонлама уйфун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам этишмаслиги каби ўткир муаммолар йиғилиб қолганлиги. 1989 йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бузгунчи кучлар томонидан оммавий тартибсизликлар ташкил этилиши. Ўзбекистон етакчисининг ловуллаб ёнаётган уйлар, таҳлика ва саросимага тушган шаҳар ва қишлоқлар, қаҳр-ғазабга тўлган одамларнинг ичига дадил кириб бориши.

Собиқ Иттифоқдаги ўргача ҳаёт даражасига нисбатан Ўзбекистонда вужудга келган оғир ва аянчли ижтимоий манзара. Мустабид тизим муаммолари таркибида: ҳукмрон коммунистик мафкура давлати кучининг сақланиши; кенг тарқалган қўркув ва ваҳима; „Пахта иши“ деган туҳмат билан тазийқ, таъқиб, ноҳақ қамалишлар; халқ кайфиятидаги тушкунлик каби муаммоларнинг авж олганлиги.

Мустабид тизим инқирозининг ижтимоий-сиёсий сабаблари ва уларни бартараф этиш хусусиятлари. Оғир вазиятда мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш бўйича амалга оширилган концептуал ёндашувлар. Мураккаб муаммолар гирдобидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни ислоҳ қилиш ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид тизимдан воз кечишни тезлаштириш борасида юрт раҳбари этиб тайинланган Ислом Каримов тамонидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар. И.А. Каримов фаолиятидаги асосий хусусиятлар.

1989—1991 йилларда юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлиги, инсон борасидаги улкан ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида Юртбошимизнинг буюк тарихий хизматлари.

### **8-мавзу. Аҳоли саломатлиги, фан, таълим, маданият ва спорт жабҳаларига эътибор (2 соат)**

80-йиллар охири — 90-йиллар бошларида Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий аҳвол. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа ҳаётий муҳим товарларнинг тақчиллиги одатий ҳолга айланиб, аҳолини улар билан таъминлаш муаммоларининг кескинлашганлиги.

Иқтисодиёт тизимидағи ва ишлаб чиқаришнинг ихтисослашувидаги хатоликлар Ўзбекистонда экологик аҳволнинг ортишига, моддий ва молиявий аҳволнинг ёмонлашувига олиб келганлиги. Марказнинг ўта адолатсиз, фақат ўз манфаатини кўзлаб юритган сиёсати натижасида минтақалараро номақбул алоқаларнинг юзага чиққанлиги.

Ислом Каримов республика раҳбари бўлиб фаолият бошлиши билан фалсафа, тарих, айниқса, Ватан тарихини ўрганиш, Ижтимоий-гуманитар фанларда жамият ва шахс масалалари, маданий мерос, тил муаммолари каби масалаларни ҳал этишга эътибор қаратгани. Қисқа муддатда давлат раҳбари сифатида иш бошлаган И.А.Каримовнинг кўп миллатли республикамида миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги қатъий позицияси.

Ижтимоий фанларни ўқитишида якка мафкура ҳукмронлиги, динга қарши тарбиянинг кучлилиги, олинаётган билимлар билан ҳаётда бўлаётган воқеаларнинг мос эмаслиги. Кадрларни пухта тайёрламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб-кувватламасдан туриб бирон-бир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмаслиги. *и остоинида Узбекистонда асосий ижтимоий*

Халқнинг буюк тарихини йўқ қилиш ва уни манкуртга айлантиришга қаратилган мустабид мафкура ва унга қарши олиб борилган изчил куранш. Советлар ҳукмронлигининг сўнгги ўн йилликларида Ўзбекистон маданиятининг ривож топишига маданият ва санъат соҳасини моддий-иктисодий жиҳатдан таъминлашда йўл қўйилган жiddий хатолар. Маданият соҳасига маблағ сарфлашнинг „қоъдиқ“ принципи туфайли 1985—1990 йилларда маданият масканлари сонининг камайиб кетганлиги.

Маърифатпарвар боболаримиз — жадидчилик ҳаракати намояндаларининг ҳаёти ва ижодига муносабат масаласида кўп йиллардан бўён давом этаётган баҳсларга оқилона чек қўйилиб, уларнинг меросини халқимизга қайтариш йўлидаги амалий, принципиал ҳаракатлар.

### **9-маевуз. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши (2 соат)**

Ички ва ташқи сиёsat муштараклиги. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг замонавий Ўзбекистон давлатчилигини тиклаш ва ривожлантириш бўйича барча масалалар концепциясини комплекс тарзда ишлаб чиққани ва бир бутун ҳолда, ўзаро узвий боғлиқликда амалга оширгани. Мустақил ташқи сиёsat — мустақил миллий давлатчиликнинг энг муҳим устувор атрибути ва шартидир. СССРда ГПЧП воқеаси содир бўлиши ва Ўзбекистон раҳбарининг ички сиёsatда юзага келган ўткир масалаларни — одамларни ГКЧП қарорлари нотўғри эканига ишонтириши, уларни беҳуда енгил-елпи даъватларга учмасликка чақирганлиги.

Юртбошимиз томонидан амалга оширилган оқилона ва дадил ташқи сиёsat натижасида мустақилликка эришганимизнинг бир йиллига арафасида дунёning ўттиз мамлакати Ўзбекистон Республикасини тан олиши.

Халқаро муносабатлар соҳасидаги конституцион ҳуқуқларнинг тўла-тўқис амалга оширилиши республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда ҳал қилувчи мезони эканлиги. Жаҳон ҳамжамияти сари қўйилган дадил қадамлар. XX асрнинг 90-йилларига келиб социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва озодликка интилишнинг бошланиши. 90-йилларнинг бошларига келганда Марказ ва иттифоқдош жумхуриятлар ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб, марказий ҳокимият обрўйининг путурдан кетиши. Сиёсий, иқтисодий ва хўжалик ҳаётининг издан чиқиши.

1990 йил 29 августа Узбекистон ССР Олий Совети Президиумида „Итти-фоқнинг янги шартномаси ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш программасининг асосий қоидалари ва йўл-йўриклирага нисбатан республиканинг тутган ўрни тўғрисида“ти масаланинг кўрилиши.

Республика хукумати томонидан иқтисодий мустақилликни босқичма-босқич амалга оширишни назарда тутадиган аниқ дастурнинг ишлаб чиқилиши.

Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги ва сиёсий суверенитетини таъминлашнинг хукуқий асосларини яратиш бўйича амалга оширган конкрет чоратадбирлари. Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистоннинг мустақиллик сари дадил қадам қўяётганини 1991 йил 17 марта даги умумхалқ референдуми якунларида намоён бўлиши.

Онинг асосида Узбекистоннинг иқтисодий мустақилликни таъминлашнинг хукуқий асосларини яратиш бўйича амалга оширган конкрет чоратадбирлари. Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистоннинг мустақиллик сари дадил қадам қўяётганини 1991 йил 17 марта даги умумхалқ референдуми якунларида намоён бўлиши.

Онинг асосида Узбекистоннинг иқтисодий мустақилликни таъминлашнинг хукуқий асосларини яратиш бўйича амалга оширган конкрет чоратадбирлари. Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистоннинг мустақиллик сари дадил қадам қўяётганини 1991 йил 17 марта даги умумхалқ референдуми якунларида намоён бўлиши.

Онинг асосида Узбекистоннинг иқтисодий мустақилликни таъминлашнинг хукуқий асосларини яратиш бўйича амалга оширган конкрет чоратадбирлари. Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистоннинг мустақиллик сари дадил қадам қўяётганини 1991 йил 17 марта даги умумхалқ референдуми якунларида намоён бўлиши.

Онинг асосида Узбекистоннинг иқтисодий мустақилликни таъминлашнинг хукуқий асосларини яратиш бўйича амалга оширган конкрет чоратадбирлари. Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистоннинг мустақиллик сари дадил қадам қўяётганини 1991 йил 17 марта даги умумхалқ референдуми якунларида намоён бўлиши.

Онинг асосида Узбекистоннинг иқтисодий мустақилликни таъминлашнинг хукуқий асосларини яратиш бўйича амалга оширган конкрет чоратадбирлари. Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистоннинг мустақиллик сари дадил қадам қўяётганини 1991 йил 17 марта даги умумхалқ референдуми якунларида намоён бўлиши.

## **СЕМИНАР МАШФУЛОТЛАРИ**

### **1-мавзу. Мустақиллик араfasидаги чуқур инқироз ҳолати, уни бартараф этиш ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишнинг долзарб масалалари (2 соат)**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ деб номланган китоби ҳақида қисқача маълумот.
2. Буюк тарихий миссия билан майдонга чиққан йўлбошли.
3. Мустақилликка эришиш остонасида Ўзбекистонда асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда аҳолининг турмуш даражаси.
4. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда турмуш даражасини кўтариш чораларининг амалга оширилиши.
5. Мустақилликка қадар ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишида вужудга келган чуқур номутаносибликлар ва уларни бартараф этиш чоралари.
6. Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган стратегия асослари.

### **2-мавзу. Миллий армияни шакллантириш, миллий хафвасизликни таъминлаш (2 соат)**

**Режа:**

1. Мустабид тузум емирилишининг сўнгги йилларида мамлакатимиз минтақалирида уюштирилган қонли воқеалар (Фарғона, Ўш ва Наманган воқеалари).
2. Юрт раҳбарининг миллий армияни шакллантиришдаги жонбозлиги.
3. Миллий армияни шакллантиришнинг ҳуқуқий пойдевори.
4. Ўзбекистонни ўз таъсир доирасига киритишни истаган ва бунинг учун барча найранглар, қолаверса, ҳарбий кучни ҳам ишлатишга тайёр бўлган кучлар куршовида Ватанимизнинг мустақиллигини сақлаш учун беҳисоб қийинчилик ва изтиробларни бошдан кечирилганлиги.

### **3-мавзу. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш — жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш асоси (2 соат)**

**Режа:**

1. Ҳуқуқий мустақилликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар: миллий суд-ҳуқуқ тизими тамал тошининг қўйилиши.
2. Ўзбекистонда президентлик институтининг жорий этилиши.
3. Суд-ҳуқуқ тизимини янгича тартибда барпо этиш асослари.
4. Мустақилликка қадар инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилиши.
5. Мустабид тизим инқирозининг ижтимоий-сиёсий сабаблари ва уларни бартараф этиш хусусиятлари
6. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши.

ДАВРА СУХБАТИ

1996-1997 学年 第一学期

**Маеву: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустакилликка эришии остонасида“ китобининг мазмун-моҳиятини ўрганиш.**

Мухокама учун тавсия этиладиган саволлар:

1. Мустақилликни күлгө киритиш арафасидага чуқур инқироз ҳолати.
  2. Мустақилликка қадар ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишида вужудга келган чуқур номутаносибликлар ва уларни бартараф этиш чоралари.
  3. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ этиш борасида юрт раҳбари сифатида иш бошлаган Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари.

СТАБІЛІЗАЦІЯ РОДОСЛОВНЯ  
О ДЕГЕНЕРАЦІОННИХ РИТМІЧНОСТІН МАСТЕРСТВА СУРЖИКА ВІДНОСИНОМ  
ДО ПРОФЕСІЙНОГО РОЗВИТКУ ІІІ

**Индивидуальный кадр, определяющий кадровую политику М. Челлен-Соннингтон**

卷之三

М. С. КИРСАНОВ  
Генеральный директор  
ООО «Компания М. С. КИРСАНОВ»

### **Дисонанс национальных языков**

卷之三十一

七

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР**

### ***Сиёсий-методик адабиётлар***

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ССР, маҳаллий Советларнинг халқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида бўлиб ўтган кенгашда сўзланган маъруза. 1990 йил 24 февраль.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. — Т.: „Ўзбекистон“, 1993.
3. Каримов И.А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. — Т.: „Ўзбекистон“, 1998.
4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар, 7- жилд.
- Т.: „Ўзбекистон“, 1999.
5. Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. — Т.: „Ўзбекистон“, 2003.
6. Каримов И.А. Демократия — қонунга ва шахсга ҳурмат демакдир. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. / И.А. Каримов. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
7. Каримов И.А. Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқидан, 1989 йил 28 ноябрь. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. / И.А. Каримов. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
8. Каримов И.А. Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. / И.А. Каримов. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
9. Каримов И.А. Халқ иродаси билан танланган йўл. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. / И.А. Каримов. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон дунё ҳаритасида ўзига муносиб жой олди. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. / И.А. Каримов. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
12. Истиқолимиз тарихининг ёрқин кўзгуси, „Халқ сўзи“, 2011 йил 2 август.

### ***Хуқуқий ва ҳужжатли манбалар***

13. Ведомости Верховного Совета Узбекской Советской Социалистической Республики 1991 г., № 1-2.
14. Конституция (Основной Закон) Узбекской Советской Социалистической Республики. — Т.: „Ўзбекистан“, 1984.
15. Она тили — Давлат тили: (Ўкув қўлланма-мажмуа) Ўзбекистон Республикасининг „Давлат тили ҳақида“ги Қонунига оид ҳужжатлар / Тузувчилар: Н. Жумахўжа, Р. Жомонов. — Т.: „Адолат“, 2004.
16. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. /К.А. Аҳмедовнинг умумий таҳрири остида/. — Т.: „Ўзбекистон“, 1992.
17. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди жорий архиви. „Пахта иши“ бўйича маълумотнома. 2-жилд, 24-варақ.
18. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 16–18-сон, 289-модда.
19. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 31–33-сон, 355-модда.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда.
21. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 268-модда.
22. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 273-модда;
23. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 47-модда.
24. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 205-модда.
25. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 121-модда.
26. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган (2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXII боблариға тузатиш ва қўшимчалар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 25 декабря қабул қилинган Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартириш киритилган). — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2009.
27. Ўзбекистон Совет Социалистик Жумхурияти Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 28—30-сон, 335-модда.
28. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1990 й., 31—33-сон, 375-модда.
29. ЎзМДА. 2454 -фонд, 6-рўйхат, 5981-йигма жилд, 58-варагъ.

### *Ўқув ва оммабоп нашрлар*

30. Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
31. Демографический ежегодник СССР 1990. — М.: „Финансы и статистика“, 1990.
32. Досумов Р. Перестройка управления промышленных производством в новых условиях хозяйствования. — Т.: „Фан“, 1990.
33. Жўраев Н. Тафаккурдаги эврилиш. — Т.: „Шарқ“, 2001.
34. Зиёдуллаев С. Экономические реформы Узбекистана в действии. — Т.: „Узбекистан“, 1994.
35. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Миллий давлатчиликимиз асослари ҳақида мулоҳазалар / Сўз боши: И.Faфуров. — Т.: „Шарқ“.
36. Костецкий В.А. Конституция Республики Узбекистан. Словарь-справочник для учащихся общеобразовательных школ, колледжей и лицеев. — Т.: „Билим“, 2003. — 107-бет.
37. Мингбоеv У. Суд — фуқаролар ҳимоячиси. — Т.: ДИТАФ, 2001.
38. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат // Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г.Абдураззоқова ва бошқ.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри / — Т.: „Шарқ“, 2006.
39. На пороге кризиса: нарастание застойных явлений в партии и обществе. - М.: изд. „Полит. лит.“, 1990.
40. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1980 г. - Т., 1981.
41. Население Республики Узбекистан 2001. Статистический сборник. — Тошкент, 2002.

42. Немелов Н., Попов В. На переломе: экономической перестройки в СССР — М.: Изд. АПН, 1998.
43. Охрана здоровья в СССР. — М.: „Финансы и статистика“, 1990.
44. Рахимов Э.Д. Социально-экономическая оценка экологических последствий Аральского моря. — Т.: „Узбекистан“, 1990.
45. Раҳимов И. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар (университетларнинг гуманитар факультетлари талабалари учун ўқув қўлланма). — Т.: „Ўқитувчи“, 1988.
46. Раҳмонқулов Ҳ. Ҳукуқ тизими ва унинг соҳалари. / Масъул муҳаррир Р.Ж.Рўзиев; Ўзбекистон Республикаси ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳукуқ институти./ — Т.: „Фалсафа ва ҳукуқ институти“, 2005.
47. Ситара Сайд. Суд-ҳукуқ ислоҳотларини амалга оширишда БМТ Тараққиёт Дастирининг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлиги. // Суд-ҳукуқ тизими ислоҳоти: амалиёт ва самарадорлик (халқаро конференция материаллари; Тошкент, 2009 йил 30 сентябрь). — Т.: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2010.
48. Социально-культурный облик советских наций. — М., 1986.
49. Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекской ССР. — Т.: „Узбекистан“, 1990.
50. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидағи (1991–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
51. Судьба природы — наша судьба. — М., 1990.
52. Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. — Т.: „Ўзбекистон“, 1992.
53. „Фитна санъати“. 1-китоб. — Т., 1993.
54. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. — Т.: „Ўқитувчи“, 1993.
55. Шалимов А.И. Экология: тревога нарастает. — Л.: „Лениздат“, 1989.
56. Шарипов Р.Ш. Ижтимоий ва иқтисодий кафолатлар. — Т.: „Ўзбекистон“, 1991.
57. Юридик энциклопедия. / Юридик фанлари доктори, проф. У. Тожихоновнинг умумий таҳрири остида. — Т.: „Шарқ“, 2001.
58. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. — 12-жилд. — Т.: „Ўзбекистон Миллий энциклопедияси“ Давлат илмий нашриёти, 2006.
59. Ўзбекистоннинг янги тарихи. К.2. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. / Тузувчилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва бошқ. Таҳрир ҳайъати: А. Азизхўжаев (райс) ва бошқ./. — Т.: „Шарқ“, 2000.
60. Қудус Аъзам. Оғир синовлар даври. — Т.: Алишер Навоий номли „Ўзбекистон Миллий кутубхонаси“ нашриёти, 2004.
61. Ҳукуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиков С. — Т.: „Адолат“, 1999.
62. Жўраев Нарзулло. Ўзбекистон тарихи. (Миллий истиқлол даври.) 3-китоб/ Масъул муҳаррир Н. Абдуазимова. — Т.: „Шарқ“, 2011.
63. International Monetary Fund. Common Issues and Inter-Republic Relations in the Former USSR: Economic Review, Washington D.C. IMF Publication, 1992, Table 1. International Monetary Fund. Uzbekistan. Economic Review, Washington D.C. IMF Publication, 1992.

#### *Матбуот нашрлари*

64. „Жаҳон адабиёти“ журнали, 1997 йил, 1-сон.
65. „Комсомольская правда“ газетаси, 1991 йил 7 март.
66. „Наманган ҳақиқати“ газетаси, 1989 йил 1 август.
67. „Наманган ҳақиқати“ газетаси, 1991 йил 4 декабрь.
68. „Наш современник“ журнали, 1990 йил, 6-сон.
69. „Оганёк“ журнали, 1989 йил, 4-сон.
70. „Правда“ газетаси, 1987 йил 14 январь.

71. „Правда“ газетаси, 1989 йил 21 май.
72. „Правда“ газетаси, 1991 йил 9 март,
73. „Правда Востока“ газетаси, 1990 йил 8 декабрь.
74. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1983 йил 15 июнь.
75. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 20 август.
76. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 23 август.
77. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 23 сентябрь.
78. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 27 сентябрь.
79. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 7 октябрь.
80. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 15 ноябрь.
81. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1989 йил 27 декабрь.
82. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1990 йил 24 март.
83. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1990 йил 5 июнь.
84. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1990 йил 30 сентябрь.
85. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1991 йил 1 сентябрь.
86. „Тошкент ҳақиқати“ газетаси, 1990 йил 3 февраль.
87. „Халқ сўзи“ газетаси, 2011 йил 7 апрель, 68-сони (5235).
88. „Ҳаёт ва иқтисод“ журнали, 1991 йил, 2-сони.
89. „Хуқуқ — Право — Law“ юридик журнали, 4 (8)-сони, 1999.

Ўзбекистон Республикаси

## **МУНДАРИЖА**

### **1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ТАРИХИ БҮЙИЧА ЭНГ ИШОНЧЛИ МАНБА**

|   |   |
|---|---|
| 1.1. Китоб ҳақида умумий маълумот .....                       | 3 |
| 1.2. Буюк тарихий миссия билан майдонга чиқсан йўлбошчи ..... | 9 |

### **2-БОБ. ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ФИДОЙИЛИК**

|                                     |    |
|-------------------------------------|----|
| 2.1. Фарғона воқеалари .....        | 16 |
| 2.2. Миллатлараро ҳамжиҳатлик ..... | 20 |
| 2.3. Намангандар воқеалари .....    | 21 |

### **3-БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ЭТИШНИНГ ПРИНЦИПИАЛ МАСАЛАЛАРИ ТАЛҚИНИ**

|   |    |
|---|----|
| 3.1. Ўзбекистонда асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетиши .....                                 | 24 |
| 3.2. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда турмуш даражасини кўтариш чораларининг амалга оширилиши ..... | 27 |
| 3.3. Мустақилликка қадар ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишида вужудга келган чукур номутаносибликлар ва уларни бартараф этиш чоралари .....      | 36 |
| 3.4. Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган стратегия асослари .....  | 38 |
| 3.5. Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар .....  | 41 |
| 3.6. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш муаммолари ва уларнинг ҳал этилиши .....   | 45 |
| 3.7. Мулкни ислоҳ қилиш ва мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиш масалалари .....   | 46 |

### **4-БОБ. МИЛЛИЙ АРМИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, МИЛЛИЙ ХАФВСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ**

|  |    |
|--|----|
| 4.1. Миллий армияни шакллантиришдаги жонбозлик .....         | 49 |
| 4.2. Аскарлари бакувват юрт қудратли бўлур! .....            | 51 |
| 4.3. Миллий армияни шакллантиришнинг хукуқий пойdevori ..... | 54 |

### **5-БОБ. СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНГИ АСОСДА БАРПО ЭТИШ**

|   |    |
|---|----|
| 5.1. Хукуқий мустақилликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар:<br>миллий суд-хукуқ тизимига тамал тошининг кўйилиши ..... | 59 |
| 5.2. „Давлат тили ҳақида“ги Қонун — суд-хукуқ тизимидағи янгиланишларнинг дебочаси .....                                      | 62 |
| 5.3. Ўзбекистонда президентлик институтининг жорий этилиши .....  | 66 |
| 5.4. Суд-хукуқ тизимини янгича тартибда барпо этиш асослари .....   | 67 |
| 5.5. Ўзбекистоннинг мустақил деб эълон қилиниши .....   | 76 |

### **6-БОБ. ИНСОН МАНФААТИ, ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ**

|   |    |
|---|----|
| 6.1. Мустақилликка қадар инсон манфаати, хукуқ ва эркинликларининг паймол этилиши ..... | 82 |
| 6.2. Инсон хукуқ ва эркинликларининг таъминланиши .....                                 | 92 |

## **7-БОБ. ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ**

|   |     |
|---|-----|
| 7.1. Кескин ижтимоий муаммолар гирдобидаги оғир йиллар .....  | 99  |
| 7.2. Мустабид тизим инқизорининг ижтимоий-сиёсий сабаблари ва уларни бартараф этиш хусусиятлари ..... | 102 |

## **8-БОБ. АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ, ФАН, ТАЪЛИМ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ЖАБҲАЛАРИГА ЭЪТИБОР**

|  |     |
|--|-----|
| 8.1. Илм-фан — саодатга эришиш йўли .....  | 106 |
| 8.2. Халқнинг буюк тарихини йўқ қилиш ва уни манқуртга айлантиришга қаратилган мустабид мафкура ҳамда унга қарши изчил кураш ..... | 113 |

## **9-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШИ**

|  |     |
|--|-----|
| 9.1. Ички ва ташқи сиёсат муштараклиги .....                               | 118 |
| 9.2. Жаҳон ҳамжамияти сари қўйилган дадил қадамлар .....                   | 123 |
| 9.3. „Мустақил бўлсанг — мустақил бўл! Давлат бўлсанг — давлат бўл!“ ..... | 127 |

|  |            |
|--|------------|
| <b>Ислом Каримов — Ўзбекистон мустақиллигининг ташаббускори, ташкилотчиси ва раҳнамоси .....</b> | <b>133</b> |
|--|------------|

|   |     |
|---|-----|
| Хуноса .....                            | 142 |
| Шартли қисқартмалар .....               | 143 |
| Назорат ва муҳокама учун саволлар ..... | 144 |
| Тестлар .....                           | 146 |

|                           |            |
|---------------------------|------------|
| <b>Ўқув дастури .....</b> | <b>153</b> |
|---------------------------|------------|

|                              |     |
|------------------------------|-----|
| Кириш .....                  | 154 |
| Маъруза машғулотлари .....   | 158 |
| Семинар машғулотлари .....   | 167 |
| Давра сухбати .....          | 168 |
| Фойдаланилган манбалар ..... | 169 |

**22. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва республика халқ депутатларининг маҳаллий советларига сайлов (1990 йил 18 февраль) қандай вазиятда ўтган?**

- A. Яккахукмронлик вазиятида.
- B. Мураккаб бўлмаган вазиятда.
- C. Мураккаб вазиятда\*.
- D. Осон ва эркин тарзда.

**23. Амир Темур ҳақида айтилган ғоят ибратли ривоятда қандай ажойиб ҳикматга эътибор қаратилади?**

- A. ...элга пешвоман, деб ўртага чиқдингми, унга иш топиб бериш керак бўлади.
- B. ...элга пешвоман, деб ўртага чиқдингми, унинг ишончини қозондингми — болаларини тарбиялаш керак бўлади.
- C. ...элга пешвоман, деб ўртага чиқдингми, унинг ишончини қозондингми — хавфсизлигини таъминлаш керак бўлади.
- D. ...элга пешвоман, деб ўртага чиқдингми, унинг ишончини қозондингми — бу ишончни энди асл виждан билан, покиза фаолият билан оқламоқ керак бўлади.\*

**24. Бизнинг бундан бўёngи ҳаётимиз қандай таркиб топишидан қатын назар, ...**

- A. авваламбор, ёшларга эътибор берилиши керак.
- B. авваламбор, иш билан таъминлаш керак.
- C. авваламбор, юқори иш ҳақи бўлиши керак.
- D. авваламбор, интизом ва қаттиқ тартиб бўлиши керак\*.

**25. Мен демократик жамиятни, ...**

- A. энг аввало кучли ҳокимият деб биламан.
- B. энг аввало тенг хуқуқлилик деб биламан.
- C. энг аввало эркин сайловлар деб биламан.
- D. энг аввало қонунга кулоқ солиш\* деб биламан.

**26. Президент Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ асарида ибратли ривоятда келтирилишича, Амир Темур ярим жаҳонни зabit этиб, олис ўрмон қабилаларини ўзига бўйсундирганда қайсар, жангари, озод ва самимий қабила бошлиги чорасизлиги туфайли Темурга куролларини топшириди ва унга ўз шартини баён этибди. Бу шарт:**

- A. Агар сен қассоб бўлсанг, бизни сўйиб ташла.
- B. Агар сен савдогар бўлсанг, бизни сотиб юбор.
- C. Агар подшо бўлиб келтан бўлсанг, бизга баҳт ато эт!
- D. Ҳамма жавоб тўғри\*.

**27. 1991 йил 25 августдаги Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига кўра:**

**A. Республика ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди.**

**B. Республика ва унинг фуқаролари хавфсизлигини, манфаатларини муҳофаза қилиш назарда тутилди.**

**C. Республика худудида жойлашган СССР Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилди, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва қўшинлари партиядан холи қилинди.**

- D. Ҳамма жавоб тўғри\*.

**28. Ислом Каримовнинг 1990 йил 5 июня Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездидан сабоқ чиқариб, келажакка ишонч билан“ деган мавзуда сўзлаган маъruzасида қандай вазифалар қайд этилди?**

**A. Ўтмишнинг асосий сабоқлари, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети, самарали мустақил иқтисодиёт учун курашиш.**

**B. Халқ хўжалигини марказдан бошқариш, бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш.**